ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ

«ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ»

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ

(I -қисм)

(2019 йил 22-23 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2019

Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва ролини ошириш муаммолари. / 2019 йил 22-23 февраль кунлари. Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари (I-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2018. – 252 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Нашр учун масъуллар:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Т.С.Шарипов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент в.б.

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, мазкур соҳада менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, туризм соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилиш бўйича илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ И,Ф,Д,, ПРОФЕССОР ИСМАТ ТЎХТАЕВИЧ АБДУКАРИМОВНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

М.Э.Пўлатов – СамИСИ ректори, и.ф.д.,
М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

ОЛИМЛАРГА ИБРАТ

(Самарқанд иқтисодиёт мактабининг асосчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Абдукаримов Исмат Тухтаевич ҳаётига бир назар)

Қадимдан ҳақиқий олимлар илмий мактабига эга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бутун умрини илм-фан ва маърифат ривожига бахшида қилган Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори, таниқли олим, Абдукаримов Исмат Тухтаевичнинг ҳаёти ва фаолияти давомида ўзига хос йўналишга эга бўлган илмий мактаб яратган олим ҳаммага ибрат бўладиган ҳаёт кечирди.

И.Т.Абдукаримов 1932 йил 17 февралда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. 1939-1949 йилларда Самарқанд шаҳрида ўрта мактабни битириб, Самарқанд молия техникумида ўқиган. Техникумни аъло баҳоларга битиргач, йўлланма билан Ленинград молия-иқтисод институтига ўқишга кирган. Мазкур институтнинг педагогика факультетида 1951-1955 йилларда таҳсил олиб, молия фанлари ўқитувчиси мутахассилигини қўлга киритган.

Институтни тугатганидан сўнг 1955-1958 йилларда Самарқанд молия техникумида “Давлат бюджети”, “Халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш” ва “Штат иши” фанларидан дарс берган.

1958 йилдан бошлаб Самарқанд савдо (кейинчалик кооператив) институтининг (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) “Бухгалтерия ҳисоби ва статистика” кафедрасида фаолият кўрсатиб, кафедра ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатган.

1959-1962 йилларда Г.В.Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги институти аспирантурасида таҳсил олиб, 1962 йилда “Кооператив савдода фойда ва рентабеллик таҳлили” мавзусида иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. 1979 йилда “Кооператив савдо самарадорлиги муаммолари” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган.

1958-2002 йилларда Самарқанд кооператив институтида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири, ўқув ва илмий ишлар проректори ва ректори лавозимларида фаолият кўрсатган. Қайси лавозимда ишламасин кечаю-кундуз илм-фаннинг ривожланиши учун нима қилиш керак бўлса, қўлидан келгунча ҳаракат қилган олимлардан

эди. Самарқанд кооператив институтини Центросоюз тизимидаги олий ўқув юртлари орасида “Хўжалик фаолияти таҳлили” фанидан “Методик марказ” даражасигача олиб келди. Барча дарслик, ўқув қўлланмалар, услубий ишлар, намунавий ўқув дастурлари мазкур фан бўйича фақат Самарқанд кооператив институтида домла Исмат Тўхтаевич раҳбарлигида тайёрланад ва нашр қилинар эди. Бундай шарафга эришиш учун домла бутун салоҳияти, куч-қувватини ишга солиб, кечаю-кундуз илм-фан билан шуғулланар эди. Шу тариқа Самарқанд кооператив институтида ўзининг катта илмий мактабини яратди.

Домла тақдир тақозаси билан 2002 йилдан Г.Р.Державин номидаги Тамбов давлат университетининг профессори лавозимида фаолият кўрсата бошлаган эди. Илмий йўналиши – “Тадбиркорлик тузилмалари фаолияти иқтисодий таҳлили, уларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш назарияси ва методологияси”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили методикасини такомиллаштириш”, “Тадбиркорлик тузилмаларининг самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичларини баҳолаш методикасини такомиллаштириш” масалаларига бағишланган эди.

Профессор И.Т.Абдукаримов сермаҳсул олим эди. У киши томонидан умумий ҳажми 500 босма табоқдан иборат 500 дан ортиқ илмий ва ўқув-услубий ишлар нашр этилган. Жумладан:

“Матлубот кооперацияси хўжалик фаолияти таҳлили” номли СССР Олий таълим вазирлиги грифи билан нашрга тавсия этилган дарслик. – М.: “Экономика”, 1984 й. 1989 йил қайта нашр этилган.

“Корхона молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили” дарслиги 2005 йилда нашр этилган, 2007 ва 2009 йилларда тўлдирилиб, қайта нашр этилган.

2001-2004 йилларда Г.Р.Державин номли Тамбов ДУ нашриётида молиявий ва бошқарув таҳлили бўйича ўқув қўлланмалар туркуми (7 та китоб) нашр этилган.

1999-2000 йиллар давомида “Бозор, пул, кредит” журналида махсус И.Т.Абдукаримов рукини очилган бўлиб, унда бухгалтерия ҳисоботлари, уларни ўқиш, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишга бағишланган ва менежерлар учун мўлжалланган туркум мақолалар (жами 19 та мақола) эълон қилинди.

2006 йилда Г.Р.Державин номли Тамбов ДУ нашриётида “Молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили” номли ўқув қўлланма нашр қилинди (32,0 б.т.), 2008 йилда тўлдирилиб, қайта нашрдан чиқди. (34 б.т.)

2011 йилда Москва шаҳридаги ИНФРА-М. нашриётидан 13,8 б.т.дан иборат “Тадбиркорлик тузилмалари молиявий ҳолати ва натижалари таҳлили”, 2012 йилда 21,5 б.т.дан иборат “Тижорат ташкилотлари хўжалик фаолиятининг молиявий-итисодий таҳлили”, 2013 йилда “Тижорат ташкилотлари бухгалтерия (молиявий) ҳисоби (ҳисобот шакллари тавсифи, ўқиш, мониторинг ва дастлабки таҳлил методикаси)” номли ўқув қўлланмалари нашрдан чиқди.

Домланинг илмий салоҳиятини инобатга олиб, Г.Р.Державин номли Тамбов давлат университети қошидаги ДМ 212.261.01 ва Мичурин номли давлат аграр университети қошидаги ДМ 220.041.02 рақамли қўшма диссертация кенгашларининг аъзолигига киритилди ва шу икки кенгашда ҳам самарали фаолият кўрсатди.

Домланинг хизматлари муносиб тақдирланди. 2014 йилда "Университет имижини кўтаришдаги хизматлари учун" "Йил одами – 2013" фахрий унвони берилди.

Давлат мукофотларидан "В.И.Ленин таваллудининг 100-йиллиги" медали (1970 йил), Ўзбекистон Республикаси Олий Совети фахрий ёрлиғи (1983 йил) билан тақдирланган.

Соҳага оид мукофотларни ҳам қўлга киритган эди. "Матлубот кооперацияси аълочиси" кўкрак нишони (1992 йил), СССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Фаолиятдаги аъло натижалар учун" кўкрак нишони (1989 йил), "Совет матлубот кооперацияси аълочиси" кўкрак нишони (1966 ва 1982 йиллар), "Россия Федерацияси олий профессионал таълими фахрий хизматчиси" фахрий унвони (2011 йил).

Г.Р.Державин номли Тамбов давлат университети мукофотлари: Домланинг хизматлари Тамбов ДУда ҳам муносиб тақдирланди. Унинг таркибида "Г.Р.Державин номли Тамбов давлат университетининг ривожига қўшган ҳиссаси учун" Г.Р.Державиннинг эсдалик портрети (2004 йил), "Тамбов давлат университети олдидаги хизматлари учун" кўкрак нишони (2007 йил), "Тамбовшчинада олий профессионал таълим ривожига қўшган ҳиссаси учун" эсдалик танга (2009 йил), Фандаги ютуқлар ва Россияга садоқат учун "Гавриил Державин юлдузи" (2012 йил) каби мукофотлар бор.

Олимнинг фаолиятига назар солсангиз, у киши қаерда бўлмасини бутун умрини фанга бахшида қилган. Шуни эътироф этиш керакки, жамият шиддат билан янгиланиб бормоқда. Бу ҳар бир фанни шунга мос равишда такомиллашишини ва янгиланиш жараёнида ўзининг сўзини айтиш лозимлигини тақозо қилади. Иқтисодий таҳлилнинг бугунги кундаги долзарб муаммолари ҳам мамлакат иқтисодиётининг янгиланишлари билан боғлиқ. Шу туфайли мазкур фанни иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятни модернизациялаш шароитига мослаштириш лозимлиги энг асосий муаммолардан биридир.

Бугунги кундаги кўп сонли муаммолардан бири, аниқроғи, энг муҳими, бу - жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодий таҳлилда миллий истиқлол ғоясининг акс эттирилишини таъминлаш ва мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт моделига мослаштириш муаммоларидир. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш қуйидаги масалаларни ечишни тақозо қилади:

- иқтисодий таҳлилда миллий истиқлол ғоясини ифода этиш муаммолари;

• иқтисодий таҳлилнинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлига, “Ўзбек модели”га мос келишини таъминлаш муаммоси;

• иқтисодий таҳлилнинг мазмунига бош ғоя - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек узоқ муддатга мўлжалланган концепциясини сингдириш муаммоси;

• жамиятни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни ривожлантириш ва маънавиятни юксалтиришнинг уйғунлигини таъминлашда иқтисодий таҳлилнинг ролини кучайтириш муаммоси;

• иқтисодий таҳлилда иқтисодиёт билан маънавиятнинг уйғунлигини таъминлаш ва иқтисодий тараққиётга маънавий омилларнинг таъсирини инобатга олиш муаммолари;

• жамиятнинг янгиланиш жараёнида корхоналар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни, ўз менталитетимизга хос тарзда аниқлаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик муаммолари;

• корхоналар банкротлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий асосларига оид ва тегишли ахборотлар билан таъминлаш муаммолари;

• корхоналар иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини яратишга оид муаммоларни;

• иқтисодий таҳлилнинг алоҳида тармоқлар бўйича қўланалишини уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёритиш муаммолари;

• иқтисодий таҳлилнинг таркибий тузилишини (иқтисодий таҳлил назарияси, молиявий таҳлил ва бошқарув таҳлили) тадқиқ қилишни янада чуқурлаштириш масалалари.

Ушбу муаммоларнинг ечимлари асосан мамлакатимизнинг илмий мактабларида ҳал қилинмоқда. Бунда ҳам И.Т.Абдукаримов яратган илмий мактабнинг ҳиссаси катта. Домла том маънода ҳаммага ибрат бўладиган ҳаётни яшаб ўтди. У кишининг келажак авлод учун қолдирган илмий меъроси асрлар оша ўзининг номи билан яшайди, деган умиддамиз.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
М.Э.Пўлатов – СамИСИ ректори, и.ф.д.

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИ: АСОСЧИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ (бунда и.ф.д., профессор Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг ўрни ва роли)

Самарқанднинг иқтисодиёт мактабининг шаклланганлигига 2019 йилда 51 йил тўлди. Шу йилларда у ўзининг ёрқин тарихига эга бўлди, бутун Ўзбекистонда ўзининг ўрнга ва мавқеига ҳам эга бўлди. Ушбу мактабнинг яратишга асос солган ва унинг ривожланишига, кейинчалик Самарқанд иқтисодиёт мактабига айланишига муносиб ҳисса қўшган олим

иқтисод фанлари доктори, профессор И.Т.Абдукаримовнинг хизматлари беқиёс.

Самарқандда таҳлил мактабини яратиш борасидаги илк қадамлар 1960-йилларнинг охирларида қўйилган. Дунё амалиётида иқтисодий таҳлил фани унча кекса бўлмаган фанлардан бўлиб ҳисобланади. Унинг дунё амалиётида вужудга келганлигига юз йилдан ошди. У оддий ҳисоботни тушунтиришдан фан даражасигача ривожланиб келди. Самарқандда таҳлил фанини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшилди ва унинг ривожланишига пайдевор қўйилганлигига 2008 йилда 40 йил тўлган эди. Шу муносабат билан иқтисодиётга оид халқаро илмий-амалий конференция ўтказилган эди. Бу анъанага айланди. Ҳар йили февраль ойида хундай йирик конференцияларни ўтказиб келмоқдамиз. Бу йил унинг ўнбиринчиси ўтказилмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистонда узоқ йиллар мобайнида олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли ўқув юртларида таҳлил фани асосан марказий шаҳарлардаги (Москва, Ленинград, Киев) олимлар томонидан тайёрланган дарсликлар асосида ўқитилиб келинарди. Аммо бунда ўзимизга хос хусусиятлар акс этирилмаган эди. Бу эса 60 йилларга келиб Ўзбекистонлик олимларни хам бу фан соҳасида ижод қилишга киришди. Самарқандлик олимлар турли илмий-амалий конференцияларда, анжуманларда ва матбуотда таҳлил бўйича ўз қарашларига эга эканлигини намоён қила бошлади.

Натижада марказдан чиқадиган дарсликларга муаллиф сифатида Ўзбекистонлик, хусусан самарқандлик олимлар таклиф қилинадиган бўлди. Жумладан, 1966 йилда Москванинг “Экаономика” нашриётида чоп этилган “Матлубот кооперацияси корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили”[1] номли дарсликнинг муаллифлари таркибига Львовлик О.Р.Кмицикевич, Новосибирскилик Л.А.Фальковичлар билан биргаликда Самарқандлик олим И.Н.Топоровский ҳам таклиф қилинган эди. Ушбу дарсликда Республикамиз корхоналарининг баъзи хусусиятлари биринчи марта ўз ифодасини топди. Шу асосда талабаларга рус тилида дарс берилар эди.

Собиқ Иттифоқ олимлари ичида хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бўйича Ўзбекистонлик олимларнинг мовқеи узлуксиз ошиб борди. Шу фанга бағишланган қатор монографиялар, ўқув қўланмалари, рисолалар ва илмий мақолалар чоп этила бошланди. Хуллас, **1968 йилда И.Т.Абдукаримов томонидан “Кооператив савдода муомала харажатлари таҳлили”** номли китоб (рус тилида) Москванинг ”Экаономика” нашриётида[2] нашрдан чиқди.

Кейинчалик иқтисодий таҳлил фанидан масалалар тўпламини ёзишни Центросоюзга қарашли олий ўқув юртлари олимлари Самарқандлик олимларга ишониб топширдилар. 1970 йилда Самарқанд

[1] Кмицикевич.О.Р. и др. Анализ хозяйственной деятельности предприятий потребительской кооперации.-М: “Экаономика”,1966.

[2] Абдукаримов И.Т. Анализ издережек обрашения в кооперативной тарговле.-М: “Экаономика”,1976.

кооператив институти И.Т.Абдукаримов, Б.А.Залесский ва Н.Топоровскийлар томонидан Москванинг “Экономика” нашриётида “Матлубот кооперацияси корхона ва ташкилотлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш бўйича масалалар тўплами” (рус тилида) ўқув қўлланмаси чоп этилди [1]. Мазкур қўлланма таҳлил фани бўйича бутун Центросоюз олий ўқув юртлари талабалари учун яратилган биринчи ўқув қўлланма эди. Булар ўз навбатида, Ўзбекистонлик олимларнинг Иттифоқ олимлари ўртасидаги катта ишончга сазавор бўлганлиги ва уларнинг тан олинганлигидан далолат эди. Бу ўқув қўлланма чорак аср давомида Самарқандлик олимлар томонидан бир қанча марта қайта ишланиб чоп этилиб келинди [2]. Бунда Самарқанд кооператив институти профессори И.Т.Абдукаримовнинг катта хизматларини эътироф этиш лозимдир.

Унинг 1971 йилда “Кооператив савдода чакана товар обороти таҳлили” ўқув қўлланмаси Москва кооператив институти нашриётида, [3] 1973 йилда “Кооператив савдода фойда ва рентабеллик” номли монографияси “Экономика” нашриётида чоп этилди [4]. Муаллифнинг бу асарлари собиқ Иттифоқ олимлари томонидан юксак баҳоланди.

Бу асарлар ўқув қўлланма сифатида бутун Иттифоқнинг барча олий ўқув юртларида кенг фойдаланилди. Профессор И.Т.Абдукаримов китобларининг хусусияти шунда эдики, унда хамиша назария билан амалиёт уйғунлашган холда ёритилар эди. Шу туфайли деярли барча таклиф ва тавсиялари амалиётига жорий қилиниб ва изчилик билан қўлланилиб келинди.

Шундай қилиб, 1968 йилларда Самарқандда проф.И.Т.Абдукаримов раҳбарлигида таҳлил мактаби таркиб топди. Бу мактаб Иттифоқ олимллари томонидан тан олинди. Натижада Самарқанд кооператив институти базасида шу фаннинг равнақига, унинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган бир қанча Бутун Иттифоқ илмий-амалий конференциялари ўтказилди. Ушбу конференциялар натижаси бўйича бир қанча илмий-амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Самарқанд мактаби олимлари томонидан матдубот кооперацияси корхоналарида самарадорликни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари илк бор ишлаб чиқилди.

70 - йилларниг иккинчи ярмига келиб тахлилчилар сафи Ўзбекистон миқёсида танила бошланди ва кенгайди. Бу фан бўйича ўзбек тилида дарсликлар пайдо бўла бошлади. 1973 йилда “Ўқитувчи” нашрётида Н.А.Хан томонидан тайерланган “Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи” номли олий ўқув юртлари учун дарсликлар чоп этилди[5]. 1979 йилда О.Махмудовнинг “Қишлоқ хўжалик корхоналарининг

[1] И.Т.Абдукаримов и др. Сборник задач по анализу хозяйственной деятельности потребительской кооперации -М: Экономика, 1968.
[2] .И.Т.Абдукаримов и др. Задачник по анализу хозяйственной деятельности предприятий и организации потребительской кооперации. -М: Экономика, 1975.
[3] И.Т.Абдукаримов. Анализ розничного товарооборота в кооперативной торговле.-М: МКИ. 1971.
[4] .И.Т.Абдукаримов Прибили и рентабильности в кооперативной торговле.-М: Экономика,1973.
[5] Хан Н.А. Қишлоқ хўжалик корхоналари хўжалик фаолиятининг анализи.-Т: Ўқитувчи,1978.

хўжалик фаолиятини анализ қилиш” номли ўрта махсус ўқув юртларига мўлжалланган ўқув қўлланмаси ҳам ана шу нашрётда ўзбек тилида чоп этилди[1]. Бу дарслик ва ўқув қўлланмалар республикамизда иқтисодий таҳлилнинг тараққиёти ва истиқболи учун қўйилган илк қадамлар эди.

Аммо Республикамизда қишлоқ хўжалик институтларидан ташқари барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида махсус фанлар, жумладан иқтисодий таҳлил фани ҳам рус тилида ўрганилар эди. Шу туфайли қишлоқ хўжалигидан ташқари соҳаларда барча асарлар рус тилида тайёрланди ва чоп этилди. 1973 йилда проф И.Т.Абдукаримов ва доц.М.К.Пардаевлар томонидан “Кооператив савдода мехнат кўрсаткичларини таҳлили” номли китоби Москванинг “Экономика” нашретида чоп этилди[2]. Бу билан Самарқандлик олимлар тематик таҳлилни ривожлантириш борасида яна бир қутлуғ қадам қўйди.

80-инчи йиллар Ўзбекистонлик, айниқса Самарқандлик олимлар учун жуда сермаҳсул давр бўлди. И.Т.Абдукаримов, М.К.Пардаев ва А.А.Абдиевлар ҳамкорлигида “Хўжалик фаолиятининг таҳлили”га бағишланган тўрт томлик албом яратилди. Булар Иттифоқдаги барча кооператив институтларга ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинди ва улар 1983 йилда Самарқанд кооператив институтида чоп этилди. Бу албомнинг биринчи қисми “Иқтисодий таҳлилнинг назорий асоларига” бағишланган бўлиб, барча мавзуллар тегишли тизмаларда тушунарли қилиб тасвирланган[3]. Ушбу албомнинг иккинчи томи “Кооператив савдода иқтисодий таҳлил” номи билан аталади. Бунда кооператив савдо корхоналари хўжалик фаолиятини батафсил таҳлил қилиш усуллари чизмаларда, жадваллар ва формулаларда тасвирланган[4]. Аммо матлубот кооперацияси кўп тармоқли соҳа. Шу туфайли албомнинг 3 томи “Матлубот кооперацияси алоҳида тармоқлари хўжалик фаолиятининг тахлили мавзусига бағишланди[5]. Альбомнинг 4 - томи матлубот кооперацияси ташкилотларида барча тармоқлардан хисобот қабул қилингандан кейинги ўтказиладиган таҳлил усулларини ўз ичига олган. Бу “Молиявий холатининг таҳлили” деб номланди ва бунда барча соҳа бўйича молиявий ҳолатига ташхис қўйишга ва унинг қандай аҳволда эканлиги тўғрисида хулоса қилишга бағишланди[6]. Ушбу таҳлил усуллари ҳам аниқ чизмалар орқали ёритилди.

Шундай қилиб, Самарқанд кооператив институти собиқ

---

[1] Махмудов О. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш.-Т: Ўқитувчи,1979.

[2] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К. Анализ показателей по труду в кооперативной тарговле.-М: Экономика 1978

[3] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Абдиев А.А. Теоретические основы экономического анализа. / Альбом наглядних пособий. Самарканд СамКИ, 1983.

[4] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Абдиев А.А. Экономический анализ в кооперативной тарговле./ Альбом наглядних пособий. Самарканд СамКИ, 1983.

[5] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Абдиев А.А. Абдиев Анализ хозяйственной деятельности отдельных отраслей потребительской коперации. / Альбом наглядних пособий. Самарканд СамКИ, 1983.

[6] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Абдиев А.А. Анализ финансового состояние: /Альбом нагдядных пособий. Самарканд, СамКИ, 1983.

Центросоюзга қарайдиган олий ўқув юртлари ичида XX-асрнинг 80-йилларида **хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш фани бўйича услубий марказга айланди.** Матлубот кооперацияси тизими учун иқтисодий таҳлил фанидан номунавий дастурлар дарслик ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш самарқандлик олим, проф. И.Т.Абдукаримов бошчилигидаги олимлар мактабига топширилди.

1984 йилда И.Т.Абдукаримов томонидан "Матлубот кооперацияси хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш" номли дарслик Москванинг "Экономика" нашриётида чоп этилди[1]. Бу дарслик Иттифоқдаги барча кооператив институтларга ва "Бухгалтерия учёти, назорат ва хўжалик фаолиятининг таҳлили" бўйича мутахассислик тайёрлайдиган барча олий ўқув юртларига тавсия қилинди. Бу дарсликни кенг жамоатчилик ва олимлар олами жуда яхши кутиб олдилар. Натижада 1989 йилда ушбу дарслик айнан ана шу нашриётда қайта ишланган ва тўлдирилган вариантида қайта нашр қилинди[2].

Самарқандлик олимлар проф. И.Т.Абдукаримов раҳбарлигида таҳлилнинг янги шакли компелкс таҳлил усулларини ишлаб чиқишга киришди. Натижада Иттифоқ журналларида шу бўйича бир қанча илмий мақолалар чоп этилди ва ниҳоят 1983 йилда проф. И.Т.Абдукаримов тахририда М.Қ.Пардаев ва Ю.С.Саттаровлар томонидан тайёрланган "Чакана савдода меҳнат самарадорлигини комплекс баҳолаш" бўйича услубий тавсия юзага келди[15]. Бу тавсияни Ўзбекбирлашув бошқаруви томонидан амалиётга тадбиқ қилиш учун қабул қилинди. Комплекс таҳлил бўйича Самарқандлик олимларнинг мақолалари Иттифоқда чиқадиган "Бухгалтерия учёти"[3], "Совет матлубот кооперацияси"[4] каби журналларда чоп этилиши уларнинг нуфузини янада оширди. Натижада 1986 йилда ўтказилган Бутун иттифоқ илмий-амалий анжуманнинг асосий мавзуси ана шу муаммога қаратилди. Ушбу анжуманнинг илмий-амалий тавсияси сифатида 1986 йилда чоп этилган И.Т.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, В.И.Абдукаримов, В.Н.Абрамова-ларнинг "Матлубот кооперациясида социал-иқтисодий самарадорликни аниқлаш усули" рисоласи қабул қилинди[5]. Бунда муаллифлар самарадорликни комплекс таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини кўтариб чиқди.

Бу фан мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида ҳам ўзининг

---

[1] Абдукаримов И.Т. Анализ хозяйственной деятельности потребительной кооперации.-М: Эканомика, 1984. И.Т.Абдукаримов Анализ хозяйственной деятельности потребительной кооперации. 2-е издание-М: Эканомика,1989.

[2] Пардаев М.Қ., Саттаров Ю.С. Методические рекоминдации по комплексной оценке эффиктивности труда в разничной торговле-Т: Узбекпотребсоюз, 1983.

[3] Пардаев. М.К.Эффективность труда в торговле и методика ее определения // Бухгалтерский учет, 9. 1978 с 37-43. Пардаев М.Қ Сровнительная аценка эффективности торговли // Бухгалтерский учет, 10. 1982 с.39-42 ва бошқалар.

[4] Абдукаримов И.Т. Торговля: аценка эффективности. // Советская потребительская кооперация, 1976, 5 с. 35-36.

[5] Абдукаримов И.Т. и др. Методика определения социально-экономической эффективность в потребительской кооперации- Самарканд: СКИ, 1986.

ривожланиш босқичига эга бўлди. Иқтисодиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлига мос бўлган “Иқтисодий таҳлил” фани шаклланди ва ривожланмоқда.

Бугунги кунда ҳам Самарқандлик олимлар ўзларининг ижодий маҳсулотлари бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд мактабининг иқтисодий таҳлил фанига қўшган алоҳида ҳиссаси жуда катта бўлмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт мактабининг иқтисодий таҳлилни ивожлантиришга қўшган ҳиссаси, унда эришилган ютуқар ва ҳал қилинган айрим муаммолар қуйидагилардан иборат:

1. Самарқандда ҳисоб ва иқтисодий таҳлил фанлари бўйича ягона мактаби яратилди ва мувоффақият билан давом этмоқда. Шу фан бўйича фан докторлари ва номзодлари етишиб чиқмоқда.
2. Иқтисодий таҳлилнинг учга бўлиниши (Иқтисодий таҳлил назарияси, Бошқарув таҳлили ва Молиявий таҳлил) ва уларнинг таркибий тузилиши назарий жиҳатдан асосланди ва уларда кўриладиган масалаларга аниқлик киритилди.
3. Иқтисодий таҳлилга бир қанча янги тушунча ва категориялар киритилди, уларнинг мазмуни асослаб берилди.
4. Корхоналар иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнанг назарий ва методологик асослари, бозор муносабатлари нуқтаи назаридан, бутунлай янги мазмунда ишлаб чиқилди.
5. Бозор мносабатлари шароитида корхоналар молиявий салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилди ва уларни таҳлил қилиш йўллари кўрсатиб берилди.
6. Корхоналар иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш бозор муносабатлари шароитида ўта зарурлиги асосланди ва унанг назарий ва методологик асослари ишлаб чиқилди.
7. Корхоналарда меҳнат салоҳияти тушунчасини баҳолаш ва таҳлил қилиш лозимлиги асосланди, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилди.
8. Таҳлилга оид кўплаб дарслик, ўқув қўлланмалари, монография ва услубий қўрсатмалар яратилди ва бу жараён мувоффақият билан ривожланиб бормоқда.
9. Хизмат кўрсатиш тармоқларида ва соҳасида таҳлилни ўтказиш масалалари шаклланди ва унинг услубий ва назарий асослари ишлаб чиқилмоқда.
10. Замон талаби ва институтимизнинг йўналишидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти, уни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал қилинишига қаратилган илмий мактабга ҳам асос солинди.
11. Бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари ишлаб чиқилди ва уни умумлаштириб докторлик диссертацияси ёқланди (К.Б.Уразов).

12. Бозор муносабатлари шароитида вужудга келган янги “Аудит” фани бўйича ҳам дарслик яратишга муваффақ бўлинди (Х.Н.Мусаев).

Мазкур 11-12 бандда келтирилган муаммоларнинг алоҳида талқинлари бошқа мақолаларда берилади.

Ҳозирги кунда 08.00.08. – “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича Ўзбекистондаги фан докторларининг қарийб ярми (50 %га яқини) Самарқанд иқтисодиёт мактабига мансуб. Ҳар йили илмий мактаб томонидан ўнлаб илмий тавсиялар амалиётга жорий қилинмоқда. Улар натижасида бир қанча қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, Давлат ва ҳудудий дастурларда ўз ифодасини топмоқда.

Хуллас, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит фанига оид ғоялар билан йўғрилган янги яратилаётган адабиётлар, асосан, шу мактаб намоёндалари томонидан нашр қилинаётганлиги ҳам илмий мактабнинг мувоффақият билан ишлаётганлигидан далолат беради.

Н.А.Ибрагимов – д.э.н., профессор кафедры Финансовые и страховые услуги СамИЭС

АБДУКАРИМОВ ИСМАТ ТУХТАЕВИЧ – РУКОВОДИТЕЛЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО СООБЩЕСТВА БУХГАЛТЕРОВ И АУДИТОРОВ

Невостребованный временем потенциал. Середина 90-х годов была ознаменована началом снижения качества образования, под предлогом «дать дорогу молодым», ученые и педагоги старшего возраста отстранялись от руководящих работ в учебных заведениях, им выделялись меньше нагрузок, следовательно, и оплата труда, а пенсионеров и вовсе попросили увольняться. Ученые-педагоги, которые считались по оплате труда одним из высоких в 70-е и 80-е, сразу опустились в малообеспеченные слои населения.

1996 год, мы часто обсуждали с Исмат Тухтаевичем Абдукаримовым как наноситься серьёзный ущерб обществу, стране и как трудно будет восстановить утраченные кадры, качество образования. Мы решили как-то стремится к улучшению ситуации и сделали акцент на дополнительное образование студентов, специалистов и преподавателей.

Поиск новых решений. Первым проектом был создание самостоятельной профессиональной организации бухгалтеров и аудиторов, которая заботилась бы о квалификации своих членов, организовала интерактивные учебные курсы помеждународно принятым программам. С этими идеями создали Ассоциацию бухгалтеров и аудиторов Самаркандской области, одним из инициаторов которой был ИсматТухтаевич, мы вместе руководили Ассоциацией: я был избран председателем, Исмат Тухтаевич – директором. Наша активность сразу получил общественное

признание – курсы по подготовке начинающих бухгалтеров, по переподготовке бухгалтеров и аудиторов были высоко востребованными.

Ассоциация под руководством ИсматаТухтаевича была активной в деле переподготовке аудиторов, он и руководил курсами, и преподавал свои предметы, кандидаты в аудиторы, прошедшие курсы, получали высокие баллы при аттестационных экзаменах Минфина.

И.Т.Абдукармиов, будучи директором Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Самаркандской области, установил плодотворное сотрудничество с Ассоциацией бухгалтеров и аудиторов Узбекистана, экономическими вузами, международными организациями.

Международные проекты. Первым международным проектом был «Переподготовка преподавателей финансовому учету» Фонда Ноу Хау Великобритании, этот реализуемый в Ташкенте проект, получил развитие в Самарканде. В проекте регулярно принимали участие преподаватели финансово-экономических дисциплин Самаркандского кооперативного института (нынешний Самаркандский институт экономики и сервиса), Самаркандского Государственного университета и Самаркандского сельско-хозяйственного института. Руководитель проектом профессор НоттингемскогоТрент Университета (Великобритания) профессор Крис Найт (ChrisKnight). Интерактивные тренинги по финансовому учету, финансовому анализу, преподаванию финансовых дисциплин проводились ведущими профессорами партнерского НоттингемскогоТрент Университета.

В рамках проекта USAIDпо совершенствованию бухгалтерского учета, реализуемой компанией «PRAGMA», ИсматТухтаевич принимал участие как тренер, консультант, вместе со всеми обучался нововведениям и активно использовал полученные знания в учебном процессе, в подготовке учебно-методических материалов. Совместно с данным проектом были переподготовлены десятков тренеров самаркандских вузов.

Профессор – тренер тренеров. В деятельность Ассоциации были привлечены профессорско-преподавательский состав Самаркандского кооперативного института, они проходили как переподготовку, так и принимали участие в качестве тренеров в учебных курсах, повышая квалификацию, они и получали достойное вознаграждение для поддержания своего материального положения.

ИсматТухтаевичАбдукаримов в деятельности Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Самаркандской области реализовал свои способности как организатора, педагога, ученого. Он говорил с практикующими специалистами, менеджерами на их языке, он владел всеми проблемами экономической жизни страны, региона, предприятий.

Ассоциация вовлекала своих тренеров в реальные проблемы предпринимателей, они вместе решали возникшие проблемы, этим обеспечивался связь науки и практики, тренеры лучше и качественнее обучали студентов на своих постоянных рабочих местах.

И.Т.Абдукаримов – профессиональный бизнес-консультант. Вместе с Исматом Тухтаевичем мы также консультировали коммерческие предприятия по налаживанию их деятельности, разработки бизнес-планов для привлечения кредитных ресурсов. Помню, бизнес-план для создания производства по переработке сельскохозяйственной продукции для узбекско-немецкого совместного предприятия в Самаркандском районе мы разработали на основе требований международных финансовых институтов и защищали в головном офисе страховой компании «Узбекинвест». На каждом этапе разработке и защиты бизнес-плана И.Т.Абдукаримов показал свой профессионализм, он великолепно владел финансовыми коэффициентами, умело «читал» финансовые отчеты и составлял прогнозные показатели. Бизнес-план получил одобрение, проект был рекомендован к финансированию.

ИсматТухтаевичАбдукаримов всегда пользовался заслуженным авторитетом среди профессорско-преподавательского состава, привлеченных в деятельность Ассоциации, слушателей курсов Ассоциации. Он был и остался в памяти коллег как профессиональный экономист и педагог, трудолюбивый ученый, умелый руководитель.

I ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”

С.С. Гулямов – академик, д.э.н., проф., Центр повышения квалификации и переподготовки кадров Государственного комитета статистики Республики Узбекистан

КАПИТАЛ МОЗГА В СОЗДАНИИ ИННОВАЦИОННЫХ ИДЕЙ

Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев [1] в своём обращении к Парламенту и народу страны 22 декабря 2017 года особо отметил , что мы не обращали до сих пор должного внимания подготовке талантливой молодёжи достойной наших Великих Мыслителей-учёных Ал Хоразмий, Бируний, Ибн Сино др., которые являются решающим и главным стратегическим интеллектуальным богатством в инновационном развитии Республики Узбекистан. Поэтому молодёжь необходимо с помощью “умного здорового образования”, “умного здравоохранения” и “инновационного воспитания” с разработанной комплексной программой и дорожной картой развития интеллектуальных способностей. Согласно данным ООН, более 33% населения планеты (2,5 млрд. человек) страдает от недостаточного интеллектуального развития (среди них около 160 миллионов детей), где наблюдается скрытый голод, который включает недостаток таких микроэлементов как Ca, Mg, Fe, I .., аминокислот и витаминов), что ведет к низким способностям к образованию, науке и бизнесу. Как известно, минимальная потребительская корзина должна быть индивидуальна для каждого человека (особенно, ребёнка) и она сокращает его скрытый голод. “Умное здоровое образование” как эффективноя система и более чем на 50% зависит от таких внешних факторов как “инновационная семья”(развиваеться семейная школа “ученик-наствник”), “умное здравоохранение”, “умственная физкультура”, “умное воспитание”, “умная махалля”, “умное предпринимательств” , где коэффициент интеллекта IQ определяет способности человека (компетентность и креативность) к обучению, разработке инновационных идей. При организации занятий учитель должен быть менеджером, не ограничиваясь передачей знаний, а быть организатором по обучению учеников. Ученик должен самостоятельно добывать знания, перерабатывая их получать новые знания и уметь их эффективно использовать, чтобы стать богатым. Именно в таком понимании, учителя должны развивать методы компетентности, креативности и критического мышления. Для обучения креативности и креативному мышлению в образовании

необходимо внедрять новую технологию преподавания. По структуре преподавания учитель находя сотни теоретических, методологических и практических недостатков в национальной и зарубежной учебной литературе подготовить свои тексты лекций с учетом этих недостатков. Ученикам до занятий необходимо раздать электронные версии текстов лекции по новой теме с указанием «кто больше самостоятельно усвоит тексты лекции, найдет больше в нём недостатков и докажет их правильность на дискуссиях, тот получит самую высокую оценку».

Учитель более половины академического часа уделяет внимание на организацию дискуссий и выяснению самостоятельного усвоения знаний, кроме того, выявляет тех учеников, кто больше и лучше самостоятельно нашёл недостатки в текстах лекции и выставляет им высокие оценки. В конце урока учитель делает заключение, даёт недостающие знания и обучает эффективному использованию знаний в жизни. При таком подходе усвоение знаний повышается до 80-90%. В учебных стандартах в 2-3 раза сократятся аудиторное время и расходы на обучение (Европейская модель). Чаще будут обновляться учебная литература и методика преподавания. Умное образование должно способствовать обучению дружной работе в команде для получения дополнительного системного эффекта путём использования новой модели «выиграл – выиграл» от роста качества и количества производства (вместо конкуренции), интеграции знаний, опыта и финансовых средств [1, стр 213.]. Как показал анализ, к причинам снижения интеллектуальных способностей относятся:

1. Увеличение наследственных заболеваний от поколения к поколению в геометрической прогрессии (около 5 тысяч).
2. Создание молодых семей с большими наследственными заболеваниями в 7 предыдущих поколениях жениха и невесты и зачатие ребёнка без предварительного лечения.
3. Увеличение скрытого голода из-за дефицита микроэлементов, аминокислот и витаминов (индивидуальная потребительская корзина в системе общественном питании образования).
4. Увеличение стрессов, и упадок настроения.
5. Плохое снабжение мозга кислородом, водой и энергией в связи с увеличением плохого холестерина в сосудах мозга.
6. Депрессии, плохой сон и хронические запоры.
7. Хроническое нарушение энергобаланса и перерасход энергии (калорий) за счёт тяжелого изнурительного труда и спорта («принцип черепахи»).
8. Неправильный подбор вида и нормы занятия спортом. Недостаточное использование 200 видов интеллектуальной физкультуры для мозга.
9. Хронический недостаток кислорода, воды (90%) и питательной энергии для мозга (25%).
10. Избыточный алкоголь и курение.
11. Отсутствие опыта эффективного использования 7 видов памяти и 7 принципов их развития и тренировки.

12. Отсутствие дополнительного образования по развитию способностей и логики мышления.
13. Отсутствие методов и стимулов обучения эффективному использованию знаний для благополучия семьи и общества (как стать богатым).
14. Отсутствие инновационного воспитания для развития любви к технике и технологиям и высокой духовности.
15. Во много раз больше инвестировать в "капитал мозга", чем в "человеческий капитал".

Чтобы воспитать такое интеллектуально развитое поколение, нужно перейти от модели "Здоровая мать-здоровый ребёнок" к модели "Здоровая мать-умный и здоровый ребёнок" и каждый год развивать на 7-8% с помощью врачей интеллектуальные способности детей и обучать эффективно их использовать с помощью учителей. В книге Е.Аибасова и Н.Кисбекова опубликованы НИР института “новых химических технологий и материалов” по созданию новых методов мышления мозга – гипермышления, которая состоит из суммы линейного (1), нелинейного (2) и супермышления (3). [7, Стр.70]., где предложена оригинальная матрица [7x7] : 7 основных цветов; 7 нот; 7 запахов; 7 вкусов; 7 направлений движения. Уделяется внимание и органам памяти и части тела по улавливанию и сохранению информации: глаза (35%); уши (20%); пальцы (20%); язык (15%). Считаем целесообразным использовать органы памяти и части тела одновременно. Казахскими учёными доказано, что в мозге между клетками передача импульсов происходит не электрическим и химическим способом. Развитие и эффективное использование гипермышления позволит резко повысить инновационность экономики Узбекистана. В среднем в мире умственные способности эффективно используются не более 10%. В США, ЕС и в Японии около 50%, а в Африканских племенах меньше 1%.

Примерами эффективного использования способностей могут служить Марк Цукерберг (основатель Facebook) 2016г – 56.6 млрд дол., а в 2018г – 76.8 млрд дол.; Билл Гейтс (основатель Microsoft) 2016г – 78.7 млрд дол., а в 2018г – 92.8 млрд дол. Одаренных детей в Германии выявляют в 10-12-летнем возрасте с помощью специальных методик (IQ выше 130 бал.). Например, в берлинской Anna-LinCh-Schute уже учатся около 80 «надежд европейской экономики», где_ учат по особой программе и формируют команду экспертов по математике, физике или биологии, которые в будущем умом покорят весь мир. В Узбекистане пора также отбирать и обучать по особой программе 100 надежд науки и инновационной экономики. В Америке функционируют десятки центров и публикуются книги по совершенствованию интеллектуальных способностей. Например, в книге Синтия Грин. [2, Стр. 113] даётся комплексная программа: питание (сокращение скрытого голода на Ca, Mg, I), точечный массаж, иглотерапии точек активизации мозга, - интеллектуальных и физических упражнений для развития мозга,

интеллектуальные игры, повышают эффективность работы мозга. В среднем коэффициент умственных способностей повышается от 28 % - до 78 %. Необходимо перейти от модели «поиска умных и талантливых детей» к модели "рождения и воспитания в следующих 7-10 поколениях более умных и талантливых детей» с помощью врачей (ежегодно проводить глубокий анализ факторов роста интеллекта каждого ребёнка). Если молодая семья планирует завести ребёнка, то она за 2 года до зачатия должна вместе с врачами разработать "бизнес план» и «дорожную карту» появления на свет и воспитания умного и здорового ребёнка на 20-25 лет вперед - это комплекс мер и обязанностей семьи, врачей, учебно-воспитательных учреждений и махалли по ежегодному улучшению здоровья и развитию интеллектуальных способностей ребёнка, достаточных для обеспечения среднего уровня своей жизни и воспитания собственных умных (компетентных и креативных) детей. Для выращивания интеллектуально развитого научного поколения недостаточно качественное образование и воспитание. Их необходимо дополнить развитием интеллектуальных способностей и совершенствованием генетической наследственности с помощью умной медицины:

1. При создании молодой семьи нужно подбирать жениха и невесту из семей с высоким интеллектуальным потенциалом (IQ) и низкими наследственными заболеваниями.

2. До зачатия ребенка подлечить наследственные заболевания и восполнить организм жениха и невесты недостающими микроэлементами, аминокислотами, витаминами и повысить их иммунитет.

3. Создать в семье дружественный и духовно приподнятый микроклимат.

4. Ежедневно тренировать мозг ребёнка для улучшения его памяти и скорости мышления.

5. Начиная с дошкольного образования сначала необходимо определить сферу способностей ребёнка (музыкант, художник, математик, предприниматель...) и ежегодно развивать и анализировать факторы роста этих способностей путем использования системы дополнительного углубленного образования, соответствующей специфике его интеллекта.

В каждой умной семье каждый день мудрые родители должны выделять время для обучения своих детей своим знаниям и опыту:

1. Постоянно улучшать здоровье и наследственность на 20-30%.

2. Совершенствовать память и скорость мышления на 50%.

3. Передавать свой опыт, воспитание и ежедневно добываемые новые знания, а также свои профессиональные знания;

4. Мы должны обучать своих детей ежедневно решаемым нами проблемам, чтобы они не повторяли наших ошибок.

5. Постоянно обмениваться знаниями с родственниками, братьями, сёстрами и семьями для их эффективного использования нашими детьми в жизни.

6. Требовать от учителей обучать использованию знаний в жизни, чтобы быть успешным и богатым, а также механизмам разработки новых знаний.

Факторы роста интеллекта IQ - "способности добывать знания, перерабатывать их на новые знания и эффективно использовать".

К сожалению сегодня мы не обучаем наших детей даже 20-30% накопленных нами знаний, опыта , а также механизмам решения ежедневных возникающих перед нами проблемам. 60-70% способностей детей переходят к ним по наследству от 7 предыдущих поколений родителей (способности волчонка, птенца и барашка при рождении разные). Образование должно правильно определять область способностей каждого ребёнка, факторы его ежегодного развития и обучать эффективно их использовать. Возникает вопрос: если ты умный, почему бедный? Чем много знать, но не уметь их использовать и быть бедным, лучше меньше знать, но уметь их использовать для увеличения качества и количества результатов своей деятельности с помощью инноваций и быть богатым.

Целесообразно использовать модель обучения инноваторству: перед принятием решения и началом каждого дела:

1. Минимум 7 раз продумать (7 раз отмерь и один раз отрежь-это делить и проедать существующее)
2. Найти минимум 7 недостатков этой работы и начинать с инновационного устранения недостатков и улучшения качества работы и увеличения материальных и культурных благ. (Принципы рекламы)
3. Поиск недостатков и их ИСПРАВЛЕНИЕ–залог успехов в будущем.
4. Если будешь 7 раз обдумывать каждое слово и новое начинание, жизнь твоя всегда будет благополучной. В противном случае - несчастной.
5. Многие люди говорят и начинают дело не обдумывая 7 раз, а потом сожалеют 7 раз.
6. Кто хоть раз в жизни использовал эту модель?

Интересна модель «Оздоровляющее интеллектуальное образование»:

1. Обучение без стрессов (от стрессов повышается кровяное давление, плохой холестерин, сахарный диабет и понижаются способности).
2. Сначала консультируясь с врачом определяются вид и область способностей ребёнка и каждый год анализируются факторы роста способностей и подбираются ему соответствующий вид дополнительного образования и специальность.
3. В образовательных учреждениях следует открыть специализированные центры и кафедры по развитию памяти и способностей (как в ФСБ, СНБ , МВД).
4. Врачи каждый год должны брать анализы с волос или ногтей ученика, определять дисбаланс и недостающие микроэлементы (I,Ca, Mg, Fe...) и составлять диету ежегодно для ученика для ликвидации скрытого голода.

5. Врачи должны обучать использовать специальные биодобавки и стимуляторы для мозга (Ginkgo Biloba).

6. Образование для оценок необходимо поменять на образование для инноваций, чтобы стать успешным и богатым. Только тогда на свет могут появиться новые Ал Хоразмий, Беруний, Фаробий и Ибн Сино.

Таким образом, «Капитал мозга» как основной источник инновационного прогресса (здания, сооружения, машины и оборудования являются мертвым капиталом без творческого их использования интеллектуальным капиталом и профессиональными способностями) требует своего развития и совершенствования с помощью «умной медицины» и обучения созданию и эффективному использованию инноваций с помощью «умного здорового образования». В выпускных квалификационных работах бакалавров и магистерских диссертациях должны быть разработки технологий, инноваций и их модернизация для условий Узбекистана. Для этого обучение в магистратуре должно осуществляться на английском языке как во всех развитых странах: Германия, Япония, Корея и др. Это можно успешно осуществить при предварительной подготовке и раздаче студентам текстов лекций на английском языке с его переводом на узбекский язык постранично.

В магистратуру надо отбирать уже хорошо владеющих английским языком выпускников бакалавриата, подготовивщих и защитивщих на английском языке выпускные квалификационные работы, содержащие проекты внедрения зарубежных инноваций в Узбекистане. В период обучения на английском языке в магистратуре они должны заниматься с научным руководителем модернизацией и завершением внедрения начатых в выпускных квалификационных работах бакалавриата инноваций.

Заинтересованные предприятия и предприниматели должны спонсировать бизнес планы и дорожные карты этих магистерских диссертаций.

Эффективной (недорогой) системой для повышения квалификации и переподготоки кадров для инновационной экономики являются открытые университеты дистанционного обучения через интернет с краткосрочными углублёнными курсами по отдельным специальностям от 3 месяцев до 1 года. Такие открытые университеты в Англии, Китае, Индии и Тайланде ежегодно повышают квалификацию и переподго-таливают от 500 тысяч до 1 миллиона специалистов в год без отрыва от производства. Причём эти курсы можно просто купить зарубежом или подключаться к ним через интернет. Самым важным аспектом интеллектуального развития являеться инновационное воспитание и духовность. Здесь главными задачами воспитательных организаций и умной религии являються: снижение иждевенческого и потребительского настроения; развитие любви к технике, технологиям и ресурсосбе-режению; бескорыстная помощи малообеспеченным; активизация

меценатства и спонсорства для науки, образования, здравоохронения, культуры и предпринимательства; развития демократии и гражданского общества, а также совершенствования высокой духовности. Самый лучший подарок, добро и высокая духовность между людьми - это_обмен культурой, знаниями, опытом и новыми технологиями.

Список использованных литератур:

1. Обращение Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева к Парламенту (ОЛИЙ МАЖЛИСУ) страны. 22 декабря 2017 года. (lex.uz).
2. Синтия Грин. Сила мозга. Супертренинг за 4 недели. М.,2012 г.
3. Ганс Айзенк. IQ-супер тесты. 320 задач на интеллект и скорость мышления. М., 2011 г.
4. Рюта Кавашима. «Японская система развития интеллекта и памяти». Москва, 2016г.
5. Денис Букин. «Развитие памяти по методикам спецслужб (СНБ, ФСБ, МВД)», Москва, 2016г.
6. Стивен. Р. Кови. Семь навыков высоэффективных людей. Москва. 2006 год.
7. Е.Аибасов, Н.Кисбеков. Магнитные эффекты в химии мозга", Казахстан – США, Калифорния. 2016 г.

А.Н.Тўраев – ТМИ, "Бюджет ҳисоби" кафедраси доценти
Н.Р.Ўралов – Тошкент молия институти магистранти

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ИЧКИ АУДИТНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда давлат молиявий назоратини амалга оширувчи, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан мунтазам мониторинг олиб борувчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳисобланар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5147-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августда қабул қилинган "Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3231-сон Қарори давлат молиявий назорати тизимининг тубдан ислоҳ қилинишига замин яратди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3231-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси этиб қайта ташкил қилинди ва унга қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилди:

- бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш бўйича махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиш;

- бюджет қонунчилигига риоя этиш бўйича бюджет ташкилотлари билан тизимли асосда профилактика ишларини олиб бориш;

- бюджет ташкилотларида аниқланаётган пул маблағлари ва моддий бойликларни талон-торож қилиш, камомадларга йўл қўйиш, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда ижро этиш тартибини бузиш ва бюджет қонунчилигини бошқача тарзда бузиш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

-масофавий назоратни кенг кўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш.

Бундан ташқари, юқоридаги қарорнинг 9-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати таркибида Бюджетни тузиш ва ғазначилик ижроси, ички аудит ва молиявий назорат методологияси бошқармаси ташкил қилиниб, унинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- илғор халқаро тажриба асосида бюджет маблағларидан фойдаланиш натижадорлигини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ўзини ўзи таъминлаши, шунингдек, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ва маблағларидан оқилона фойдаланиш бўйича манфаатдорлигини оширишга қаратилган йўналишларда бюджет жараёни методологиясини такомиллаштириш;

- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимини янада такомиллаштириш, бюджет тизими бюджетлари ғазна ижроси ва давлат молиявий назорати тизимини ривожлантириш;

- республика даражасидаги ва ҳудудий ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятини ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш, ички аудит ва молиявий назоратнинг халқаро стандартларини уларнинг фаолиятига жорий этиш.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, давлат молиявий назорати механизмларининг самарали фаолият кўрсатиши бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларда ички аудит функциясининг нечоғлик даражада амалга оширилаётганлигига бевосита боғлиқдир. Зеро, ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия каби давлатлар аллақачон давлат секторида ички аудитни самарали йўлга қўйишган.

Ички аудитни қўлланиш соҳаси ва амалга оширадиган функцияларига кўра таснифлаш мумкин. Халқаро тажрибага кўра қўлланиш соҳаси бўйича ички аудит иккига бўлинади: давлат секторида ички аудит ва хусусий секторда ички аудит.

Бюджет ташкилотларида ички аудит тизимини жорий қилиш бўйича хориж тажрибасига тўхталадиган бўлсак, унинг асосий жиҳатлари қуйида баён этилади (1-жадвал).

1-жадвал

Ички аудит бўйича айрим ривожланган давлатлар тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари*

№	Кўрсаткичлар	АҚШ	Буюк Британия	Япония
1.	Меъёрий ҳужжат	Давлат сектори аудитининг умум қабул қилинган стандартлари (General accepted government auditing standards)	Давлат сектори ички аудит стандартлари (Public sector internal audit standards)	Ички аудиторлар институтининг Ички аудит профессионал амалиёти халқаро стандартлари (The IIA's International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing)
2.	Назорат қилувчи ташкилот	Давлат аудит бошқармаси (Government auditing office)	Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши (Internal Audit Standards Advisory Board)	Молиявий хизматлар агентлиги (Financial service agency)
3.	Амал қилувчи сертификат	Сертификатли ички аудитор (Certified internal auditor), Давлат сектори ички аудит стандартлари дипломи (DipIPSIAS)	Сертификатли ички аудитор (Certified internal auditor)	Сертификатли жамоат бухгалтери (Certified Public Accountant)

Муаллифлар ишланмаси.

Республикамизда ҳам бюджет ташкилотларида ички аудит тизими замонавий талаблар асосида шакллантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3231-сон Қарорига мувофиқ ушбу тизим дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасида ташкил этилмоқда. Эндиликда, юқоридаги вазирликлар таркибида 3 штатдан иборат республика даражасидаги ички аудит ва молиявий назорат хизмати ташкил этилади ва уларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланади:

- республика даражасидаги ҳамда ҳудудий ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг — бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон-торож қилиниши ҳолатларининг қуйидаги йўллар билан профилактикасини таъминлаш ва уларнинг олдини олиш:

- бўйсунувидаги муассасаларда харажатлар сметасини режалаштириш ва унинг ижроси, бюджет ҳисобининг юритилиши, тендер (танлов) савдоларининг ўтказилиши ва шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш;

- бўйсунувидаги муассасалар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари раҳбарларига бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимини такомиллаштириш, асоссиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан фойдаланиш, шу жумладан товарлар, иш ва хизматларни харид қилиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматларининг ходимлари таркибини мустаҳкамлаш масалалари бўйича тавсиялар тайёрлаш;

- қонунни бузиш ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида қуйи муассасаларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати тизими давлат молиявий назоратининг янгича йўналиши ҳисобланар экан, уни ташкил этиш бўйича турли хил ёндашувлар бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг ташкил этилиши маблағлар сарфини режалаштириш, улар сарфи ҳисобини юритиш ва фаолият самарадорлигини баҳолашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.09.2018 й., 07/18/3946/1955-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 920-модда.
5. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2018. – 74 б.
6. https://global.theiia.org - Ички аудиторлар институти расмий веб сайти.
7. http://www.iasab.org - Буюк Британиянинг Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши расмий веб сайти.
8. http://www.fsa.go.jp/en-Япониянинг Молиявий хизматлар агентлиги расмий веб сайти.

Ш.А.Тошматов – ДБА, кафедра мудири, и.ф.д., профессор,
Ў.Р.Ахроров – ДБА тингловчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётида катта ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш босқичларини таҳлил қиладиган бўлсак, таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, хорижий капитал иштирокидаги хусусий ва жамоавий мулкка эга бўлган фирмалар ва банк ва молия институтлари томонидан ажратилган қарзлар эвазига молиялаштирилган компания ҳамда фирмалар бошқа компания ёки фирмаларга қараганда кўпроқ янгиликларни амалга оширишга уринадилар. Чунки қарз эвазига ва муддатли жалб қилинган капитал маблағлар компанияларнинг кўпроқ янги технологиялар орқали, рақобатбардош маҳсулотлари ишлаб чиқаришига ва шу йўл билан бозорни эгаллашга ишлаб чиқарган маҳсулотларини кўпроқ сотишларига уринадилар.

Корхона ва фирмалар ўртасида инновация ривожланиш асосан, Давлат улуши бўлмаган бир ҳил тармоқ даражасидаги корхона ва фирмалар орасида ички ёки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мавжуд бўлган, инновацион ривожланиш орқали корхона ҳамда фирма фаолиятида молиявий ҳолатини яхшилаб бораётган, фақат ўз тадқиқотлари ва ривожланиши билан шуғулланадиган корхона ва фирмалар ўртасида мавжуд бўлади.

Мамлакатнинг маълум бир соҳасини ривожлантириш мақсадида, соҳа даражасида ички инвестицияларни жалб қилиш, соҳадаги лойиҳани амалга оширишда мамлакатнинг ички кредит имкониятларига таъсир кўрсатишидан фарқ қилади. Ички кредитга таъсир кўрсатадиган, тўғридан-тўғри инвеститсиялар, давлат корхоналари учун жуда кам аҳамиятга эга ва улар молиявий манбалар бўлишда мустақил бўлиб ҳисобланади. Бунда, ички кредитнинг таъминланганлик даражаси юқори бўлиши лозим бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвеститсиялар эса маҳаллий, хусусий ва якка тартибдаги корхоналарнинг инновацияларига таъсир кўрсатадиган муҳим омил бўлаолади.[1]

Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини тўлиқ ҳолда қиймат кўрсаткичлари билан ўлчаб бўлмайди. Чунки ижобий ўзгаришлар нафақат ўша ҳудудда, балки қўшни ҳудудларда ҳам содир бўлади. Эркин иқтисодий зоналар нафақат ўз майдонига, балки зона атрофидаги ҳудудларга капитал маблағлар ва хорижий валюталар оқимини ошириш йўли билан ижтимоий-иқтисодий самара келтиради.

Эркин иқтисодий зоналарлар устунлигининг яна бир жиҳати илғор

[1] https://www.jstor.org/stable

технологияларнинг жорий этилишидир. У бевосита, билвосита ва рақобат самараларини беради:

- бевосита самара – бу эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг янги технология туфайли замонавий, рақобатбардош, сифатли, арзон товарлар ишлаб чиқаришларидир;

- билвосита самара – бу эркин иқтисодий зоналардаги янги технология билан ишлаётган корхона, уни тайёр маҳсулотини ишлатадиган, унга хом ашё, ярим тайёр маҳсулот етказиб берадиган корхоналарга замон талабларига жавоб берадиган буюртмалар орқали ижобий таъсир қилишидир;

- рақобат самараси – бу янги технологияга ўтган корхоналар зона ичида ва зонадан ташқари фирмалар ўртасида рақобатни кучайтириб юборади, бунинг натижасида фирмаларни илғор технологияларни қўллашга, янги технологиялар яратиш учун илмий тадқиқотлар қилишга мажбур қилади.

Эркин иқтисодий зоналар бандлик даражасини ошириш йўли билан ҳам мамлакат иқтисодиётига ижтимоий-иқтисодий самара келтиради. Эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, уни барпо этиш сиёсатининг, яъни эркин иқтисодий зоналарда зонал сиёсатнинг пухта ишлаб чиқилганлигига ҳамда бу сиёсатни кетма–кетликда, тўғри амалга ошира билишга боғлиқдир. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлиги, унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан сифатли таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини оширмоқчи бўлсак, унинг талабларига жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий базани яратиш зарур бўлиб ҳисобланади[1] (1-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики йиллар кесимида солиштирадиган бўлсак, давлатимиз раҳбари ва ҳукумат аъзолари томонларидан қабул қилинаётган қарорлар ва фармонлари орқали мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди.

Маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди. Ушбу қабул қилинган фармон ва қарорлардакўрсатиб ўтилган имтиёзлардан кенг фойдаланган ҳолда тадбиркорларимиз янги инновацион технологиялар фойдаланиб ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни яқин ва узоқ давлатларга экспорт қилаётганликлари ва шу орқали мамлакатимизда ишсизлик даражасини пасаётганлигини кўриш мумкин.

Ушбу мақолада эркин иқтисодий зоналар фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини инновацион фаолият асосида такомиллаш-

[1] https://cyberleninka.ru/article/v/erkin-iqtisodiy-zonalar-samaradorligini-baholash-mezonlari

Мақоламизда Жиззах эркин иқтисодий зонасидаги тадбиркорлик субеъктларининг инновацион фаолият асосидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспортга йўналтирилганлиги ва маҳаллийлаштириш даражаси ҳамда яратилган янги иш ўринларининг самарадорлиги бўйича йиллар кесимидаги таҳлили[1]

Йиллар кесимида	**Лойи-ҳалар сони**	**Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (млрд. сўм)**	**Экспорт ҳажми (млн. АҚШ доллар)**	**Жиззах шаҳридаги корхоналардаги улуши**	**Сирдарё филиа-лидаги корхона-лардаги улуши**	**Лойиҳани амалга ошириш доирасида яратилган иш ўринлари**
2015	13	102,0	6,4	75,3%	24,7%	925
2016	19	292,4	14,7	80,3%	19,7%	1324
2017	21	351,6	18,5	85,9%	14,1%	1467
2018 (3-чорак)	22	63,9	3,3	90,6%	9,4%	1757
2019 йилги прогноз	-	*917,2*	*28,3*	-	-	-
Жами	**75**	**809,9**	**42,9**			**5473**

тиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- **Биринчидан**, мамлакат иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларига ички ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилишни жадаллантириш ва рағбатлантириш.
- **Иккинчидан**, янгилик ва инновациялар учун тадбиркорлик субъектларини барча молиялаштириш манбаларига бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиб қонунийлаштириш.
- **Учинчидан**, ҳар хил мулкчилик шаклларидан қатъий наразар соғлом рақабат муҳитини яратиб бериш ва уларни назоратини амалга ошириш.
- **Тўртинчидан,** ишлаб чиқарилган товар ва маҳсулотларни инсоният учун жуда қулай бўлган ҳолат ва шароитларда истеъмол қилиш ва фойдаланишга иҳтисослашган ишлаб чиқариш техника ва технологияларни олиб кииришни рағбатлантириш.
- **Бешинчидан,** ҳодимларни замонавий, инновацион, креатив дунё қарашини кенгайтириш ва буни иқтисодий қиймат яратишда жорий этишлари учун, ҳорижий давлат тажрибаларини ўзлаштириб, ўзимизда жорий этишни таъминлаш.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

М.Каримов – СамИСИ доценти, т.ф.н.,
Ш.М.Каримова – СамИСИ ассистенти,
М.И. Истамова – СамИСИ магистранти

“ЗИЛОЛ БАХТ” МЕҲМОНХОНАСИ РЕСТОРАНИДА ТУРИСТЛАРГА ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ СЕРВИСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда дунё миқёсида туризм кўпчилик давлатлар иқтисодининг етакчи тармоқларидан бири саналади. Бу борада Ўзбекистонда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Жумладан, кўҳна тарих ва маданият бешиги бўлган Самарканд вилояти ушбу соҳани ривожлантириш борасида ўзига хос аҳамиятга эга ҳудудлардан биридир. Буни, айниқса, юртимизга ташриф буюраётган туристлар сони йилдан йилга ошаётганлигидан ҳам англаш қийин эмас. Истиқлол йилларида соҳага бўлган эътибор тубдан ўзгаргани боис, маданий мерос обьектларини кўз қорачиғидек асраш, туристларни замон талаблари даражасига кўтариш орқали маънавий бойликни моддий бойликка айлантириш имокниятлари туғилди.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти маьлумотларига кўра, дунё хизматлар бозорида туристик соҳаси етакчи ўринлардан бирини эгаллар экан. Ушбу асрда сайёрамиз бўйича туристлар сони қарийб уч бараварга ошиб, 1,6 миллиард кишига етади, бир сайёҳ сарфлайдиган маблағ эса икки баробарга ортади. Масалан, 1995 йилда бир киши ушбу мақсад учун ўртача 707 АҚШ доллари сарфлаган бўлса, 2020 йилга бориб, бу кўрсаткич 1248 долларни ташкил этиши кутилмоқда. Бу фактларнинг ўзидан ҳам туризмнинг давлатлар иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини англаш қийин эмас. Шу маьнода соҳага давлатимиз миқёсида қаратилаётган эътибор республикамизда туризмнинг яқин истиқболидан далолатдир.

“Зилол Бахт” меҳмонхонаси таркибидаги ресторанларда сервис хизмат кўрсатиш ҳар бирининг ўзига хос хусусиятига эга бўлиши билан ифодаланади. Бу албатта тайёрланган маҳсулотнинг хилига, овқатланадиган хорижий туристларнинг кимлардан иборатлигига боғлиқдир. Ресторанларда сервис хизмат кўрсатиш усули фақат овқатланиб олишгина мўлжалланган бўлмай, балки дам олиш учун шароит яратишни ҳам кўзда тутади.

Шунинг учун ресторанларда қулайликлар яратилади, таом, ичимлик ва идишларнинг анчагина кўп хили ишлатилади.

Ҳозирги вақтда барча мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистонда меҳмонхона комплексларида овқатланишни ташкил этишни махсус формаларидан, яъни ресторан ва кафеларда қуйидаги овқатланиш тизимлари мавжуд:

- Тўла понесион - 3 марталик овқатланиш: нонушта, тушлик ва кечки овқат шаклида Full Board (FB);

- Ярим понесион - 2 марталик овқатланиш: нонушта ва тушлик ёки

кечки овқат Holt Board (HB);

- Бир марталик овқатланиш - Bed and Breakfast (BB).

Бу тизимларда овқатланиш шароитлари ўзгармайди, бундан ташқари меҳмонхоналар кун давомида уч марталик овқатланиш билан биргаликда алкаголли ичимликлар ва бошқа спиртсиз ичимликлар истеъмол қилишлари мумкин.

Бу тизимнинг барчаси Самарқанд шаҳар “Зилол Бахт" меҳмонхонасида яшовчи хорижий туристларни овқатлантиришда қўлланилади, чунки бу тизимда All inclusive, яъни ҳаммаси ўз қийматига эга деган номини олди.

Меҳмонхонада истиқомат қилувчи хорижий туристлар учун овқатланиш ҳар кун 10.00 дан 14.00 лар орасида ўтади. Бунда иссиқ ва совуқ ичимликлар, булочка ,сариёғ, асал ёки джем, колбаса, пишлоқ, шўрвалар, иссиқ гўштли таомлар, десертлар берилади. Бу нонушта тушлик вазифасини ҳам ўтади.

Россияда тушлик “обед” деб қабул қилинган бўлсада, Европада обед “lanch” деб тушунилади, кўпинча биринчи таом берилмайди.

Европада ҳақиқий тушлик бизнинг кечки овқатланишимизда тўғри келади. Dinnerda енгил овқатлар, шўрва, балиқли таом, сабзавотли таом ёки десерт ташкил қилинади.

Асосий таом бу бизнинг иккинчи таом ҳисобланади. Биринчи таомга унчалик аҳамият касб этмайди. Бундай ҳолларда таомлар орасида совитилган шарбатлар ҳам берилади.

Нонушта, тушлик ва кечки овқатни ташкил этишда қуйидаги сервис хизмат кўрсатиш усулларини қўллаш мумкин:

- **А- ля (а|а- carte**)- меҳмонлар таомнома (меню) картасидан ўзлари истаган ва хоҳлаган таом билан ичимликларни танлаш ҳуқуқига эга, кейин таом тайёрлаш ва столни сервировка қилишга тезда киришиб, официантлар уларга таом ва ичимликларни танлашда ёрдам кўрсатадилар;

- **А- парт (А-part)** – меҳмонлар тахминий буюртма беришади. Бунда сервис хизмат кўрсатиш жуда қисқа муддатда бажарилади;

- **Табльдот (Table dote)** – ҳамма туристларга бир вақтнинг ўзида сервис хизмат кўрсатиш ва битта таомнома (меню)дан фойдаланиш билан фарқ қилади;

- **“Швед столи”** - жуда йирик таомлар ассортиментидан иборат бўлган стол бўлиб, лар ўзлари хоҳлаган таомларни танлаб олишлари мумкин. У ерда туристлар ўз- ўзига хизмат кўрсатилади.

Буфетли сервис хизмат кўрсатиш турига ўз - ўзига хизмат кўрсатиш аниқ вақти бўлади. Таом ва енгил овқатлар ассортиментидан официантлар ёки буфет ходими орқали тўлдирилиб борилади. Бунда ҳам официант ходимлар бошқа функцияларни: ичимликларни, бутилкаларни очиш, чой ёки кофе тайёрлаш, ишлатилган идиш ва тарелкаларни йиғиштириш кабиларни бажаради.

Юқорида келтирилган сервис хизмат кўрсатиш усулларидан “Зилол

Бахт” меҳмонхонасида хорижий туристларни овқатлантиришда учинчи, тўртинчи, бешинчи усуллардан кенг фойдаланилади.

Бундан асосий мақсад, яъни хорижий туристларга ресторандан яхши кайфият ила тарк этишдир.

“Зилол Бахт” меҳмонхонаси таркибидаги ресторанларда сервис хизмат кўрсатиш туристларни кутиб олишдан бошланади. Туристлар таомларни танлаб буюртма берганидан кейин, официант столга қўшимча идишлар, хўрак асбоблари келтириб тузаб, сўнг таом ҳамда ичимликларни олиб келади.

Ресторан зали олдин тозаланиб туристлар учун тайёр бўлганидан кейин столлар устига дастурхон тузаб қўйилади. Бунда ҳар бир столлар сервировка қилиб қўйилади.

Официантлар бригадасига зал мудири ёки бош официант раҳбарлик қилади, столларни тақсимлайди, официантларга йўриқнома (инструкция) беради ва ишини назорат қилиб туради. Ресторанларда сервис хизмат кўрсатиш тартиби маъмурият тасдиқланган қоидалари билан белгилинади.

Туристларга, айниқса хорижий туристларга сервис хизмат кўрсатиш уларнинг овқатлантиришдаги ҳар хиллик ва ўзига хосликка боғлиқдир. Ўзбекистонда келадиган туристлар яшайдиган меҳмонхона ресторани иши билан, республикамизда тайёрланадиган таомлар билан қизиқадилар. Улар кўпинча рус ва мамлакатимиздаги бошқа миллий таомларни кўплаб буюрадилар. Бунда туристик ҳужжатларни классига қараб овқатланиш кунига уч ёки тўрт марта ташкил этилади. Ҳамма вақт таржимон орқали таомлар ва ичимликлар хилини овқатланиш вақти, хорижий туристларни истаклари нима эканлиги белгилаб олинади.

Хорижий туристларни овқатлантиришида сервис хизмат кўрсатиш учун малакали официантлар ажратилиши керак. Катта гуруҳдаги туристларни овқатланишлари учун алоҳида заллар ёки алоҳида столлар ажратилади. Таом ва ичимликларни тайёрлашда меҳмонларнинг ўз мамлакатларидаги овқатланишнинг одати ва хусусиятини ҳисобга олмоқ зарур бўлади. Ундан ташқари меҳмонхона хоналарида (номерларида) хорижий туристларга сервис хизмат кўрсатиш учун ёрдамчи буфетлар, ишчи лифтлар орасида жойлаштириш керак. Буфетда бир нечта официант сервис хизмат кўрсатилиши таинланади, улар смена бўлиб хизмат қиладилар ва аниқ номерларга сервис хизмат кўрсатадилар.

Меҳмонхона хоналарида (номерларида) жуда малакали официантлар сервис хизмат кўрсатадилар. Улар сервис хизмат кўрсатиш техникаси, қабул қилиш ва буюртмани хоналарга (номерларга) сервис хизмат кўрсатиш қоидаларини ва чет тилини билишлари шарт. Асосий масаликларни официант буфетдан олади. Қаватларда жойлашган буфетдан официант тайёрланиши осон бўлган таомни тайёрлайди. Тайёрланиши қийинд бўлган таомни официант ошхонадан олади.

Овқатланишдан кейин официант идишларни, приборларни ва дастурхонларни йиғиштириб олади. Хорижий туристларни истаклари

билан идишларни ярими қолдирилса хоналарда (номерларда), унда официант журналларда қайд этади, қанча идиш – товоқ ва қайси хонада (номерда) қолдирилганини. Идиш – товоқларни кейинроқ хонадан (номердан) йиғиштирса унда ёзган журналига қайд этилади. Таомни тарқатишдан кейин официант хоналарга (номерларга) бориб ҳисоб- китоб пулини ва биргаликда бўшаган идишларни олиб чиқади.

Кейин ошхона ва ресторан буфетлари билан олинган масалиқ, таом ва ичимликлар билан ҳисоб-китоб қилади. Меҳмонхона хоналарига (номерларига) сервис хизмат кўрсатиш учун хорижий туристлардан қўшимча ҳақ олинади.

Сервис хизмат кўрсатишнинг яна бир усули фуршет (тамадди банкети) ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бунда тамадди ва пазандалик маҳсулотлари порцияларга бўлиниб катта ликопчаларга солинади. Тамадди хилларига бутерброд, кулебяка, паштет, устига сардак қўйиб бериладиган таомлар, қовурилган парранда гўшти, яхна гўшт кабилар киради. Узун столга 6-8 м келадиган оқ дастурхон ёзилади ва тақсимчаларни 6-8 тадан тўп қилиб, рюмкалар билан қўйилади, ёнига вилка (санчқи), пичоқ, қошиқ, салфетка қўйилади. Ҳар бир метрга порцияга бўлинган тамаддиларнинг ҳархили, шишали ичимликлар, нон қўйилади. Хорижий туристлар ўзлари хоҳлаган тамаддидан олиб тақсимчаларга соладилар ва ичимликдан қўядилар. Таом тикка туриб истеъмол қилинади. Ичимликларни официантлар улашишлари мумкин.

Б.Сафаров – СамДУ, Иқтисодиёт ва бизнес факультети декани, и.ф.д.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШДА ДАВЛАТНИНГ ЎРНИ

Ҳар қандай мамлакатнинг истиқболи, энг аввало унинг иқтисодий ривожи билан белгиланади. Иқтисодиётдаги ривожни эса, ўз навбатида, оқилона, режали равишда олиб бориладиган ислоҳотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Боз устига, ислоҳотлар иложсизлик аломати эмас, балки мамлакатнинг қудрати, унинг заҳирадаги имкониятларидан дарак бергани маъқул. Сўнги йилларда “ўзбек баҳори” шамоли шиддат ила эсаётган юртимизда кечаётган ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлигининг гувоҳимиз. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар қандайдир бир онда намоён бўладиган шижоат, истак намунаси бўлмасдан, балки раҳбариятнинг пухта ўйланган лойиҳаси, узоқ мўлжалли дастурлари натижаси эканлиги аниқ кўриниб турибди. Ўзбекистоннинг онгли равишда барқарор ва давомли ислоҳот сари қадам қўяётгани ҳамда юртнинг янги қиёфасини шакллантиришга аҳд қилинганини 2017 йил сентябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамбелияси йиғилишида маълум қилган

Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалдаги улкан ислоҳотлар дастурининг ташаббускори ва муаллифидир.

Маълумки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда шаклланган давлат бошқаруви тизими ўзига хос мундарижа ва тузилишга эга эканлиги билан дунё сиёсатдонлари эътиборини тортмоқда. Бу тизимда давлат раҳбарининг кучли ва ёрқин иқтидори билан демократик тамойиллар уйғунлашуви ўз аксини топган. АҚШ Президенти Дональд Трамп "ўз мамлакати ва унинг ташқарисида ҳам юқори ҳурматга сазовор сиёсатчи" таърифини лозим топган давлатимиз раҳбари иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни режалаштириш ҳамда амалга оширишни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш ва қабул қилишдан бошлади. "Ҳаракатлар стратегияси" маълум даврга мўлжалланган учун уни ҳар йили Давлат дастури қабул қилиш орқали ҳаётга татбиқ этиш белгилаб олинган. Ушбу дастур доирасида қонунлар ва турли норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундай тизимли ва аниқ мақсадли фаолиятнинг самараси юқори бўлиши аниқ. Жумладан, юртимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, қаътий пул-кредит сиёсатини юритиш, ички бозордаги нархлар тизимини тартиблаштириш, солиқ–бюджет ислоҳотларини олиб боришга этиборнинг кучайтирилиши натижасида миллий валюта–сўмнинг эркин айирбошлаш тизими жорий этилди, заҳираси 100 миллион долларга тенг ички истъемол бозорида нарх–навони барқарорлаштириш жамғармаси ташкил қилинди; ташқи савдони эркинлаштириш мақсадида божхона тўловлари ставкалари икки баровар пасайтирилди, баъзи махсулотларга нисбатан божхона тўловлари ставкаси ноль даражага келтирилди. Айниқса, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш ва хусусий секторнинг аҳамиятини ошириш борасида салмоқли тадбирлар амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг таъсис этилиши тадбиркорлик эндиликда давлат ҳимоясида эканлигидан хабар берса, тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб–қувватлаш давлат жамғармасининг ташкил этилиши эса, ушбу соҳага давлат мадакор эканлигига ишонтиради.

Мамлакатда қулай инвестицион муҳит яратиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Ҳалқаро миқёсдаги молиявий салоҳияти кучайиб бораётган Ўзбекистон Дунё Банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом банки, Европа инвестиция банки каби қатор молиявий ташкилотлар билан тўлақонли муносабатга киришганлиги туфайли, уларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, турли йўналишлардаги лойиҳаларни ишлаб чиқишга замин ҳозирланди.

Қайд этиш жоизки, барча эришилаётган ютуқлар замирида ички ва

ташқи сиёсатдаги туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳаётдаги очиқликка, шаффофликка интилишдаги фаоллик туради. Олиб борилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий асосга эга, улар Президент фармойишлари, қарорлари ва қабул қилинаётган расмий хужжатлар қарорлар воситасида кафолатланган. Муҳими, ушбу турдаги ҳужжатларнинг ҳар бири мустақил кўриниш ва мазмунга эга бўлиш билан бир қаторда, улар мантиқан ва мундарижа жиҳатидан узвий боғлиқликда бўлиб, кўпинча бири–иккинчисини такомиллаштиришга, белгиланаётган тадбирлар ижросида узвийликка эришишга ундайдиган характерга эгадирлар.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб–қувватлашга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз кетганида ҳужжатларни расмийлаштириш, лицензиялар бериш амалиётини соддалаштириш мақсадини кўзлайдиган фармонни эслатиб ўтиш лозим. Жорий йилнинг 11 апрелида эълон қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-тамоилларини янада қисқартириш ва содаллаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 27 июлда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонлари тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимояси механизмлари ва ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларнинг бардавом эканлигидан дарак беради. Мазкур бардавомликни таъминлашнинг ягона йўли иқтисодиётда инновацион тараққиёт йўлидан бориш, юксак технологияларни жалб қилиш, пухта тайёрланган илмий ишланмалардан ҳеч тортинмасдан фойдаланишдир. Давлатимиз етакчисининг 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун шарт–шароитларни яратиш бўйича чора–тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида иқтисодий тараққиётни янги сифат босқичига кўтаришга оид аниқ ташкилий–амалий тадбирлар белгилаб берилди. Ҳудудларда ташкил қилинаётган инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари кўзланаётган мақсадга эришиш жараёнини жадаллаштириши ва замонавий технологияларни жорий этишдек мураккаб вазифани адо этишга кўмакчи бўлишига ишонса бўлади.

Ҳарҳолда, иқтисодиётнинг ҳар қандай жабҳасидаги тараққиётнинг тагзаминида инвестицион фаолият туради, хорижий инвестицияларни жадал жалб қилмасдан туриб, инвесторларни доимий равишда, ҳартомонлама қўллаб–қувватлаш амалиётини йўлга қўймасдан бирон бир ислоҳотни тўлақонли амалга ошириш мақсадини кўзлашнинг ўзиёқ мантиққа тўғри келмайди. Шу боис, мамлакатимиз инвестиция жозибадорлигини ошириш, хорижий инвесторлар фаоллигини ошириш, уларнинг сармоясини янада кўп миқдорда жалб қилиш учун зарур бўлган шарт–

шароитларни тақдим этиш борасида бажарилаётган тадбирлар, яратилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўлами мақтовга сазовордир. Бу соҳада олиб борилган ишлар натижаси яққол кўзга ташланиб туриши билан бир қаторда, янги марраларни кўзлаш имконини бермоқда. Июль ойида давлатимиз раҳбарининг қарори билан уч йил мобайнида хорижий инвестициялар иштирокидаги 64 миллиард долларлик 849 та лойиҳа рўйхати шакллантирилди ва улардан 456 тасини жорий йилда бажариш режалаштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, 5 миллиард 800 миллион доллар миқдоридаги хорижий инвестицияларни тўғридан–тўғри жалб қилиш демакдир.

Албатта улкан марраларни режалаштириш мақсади ўз-ўзидан туғилмайди. Мамлакатимизда инвестициявий стратегияни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишларда жуда катта маъно бор. Биринчидан, мамлакатда кечаётган барқарорлик, тинч-тотувлик, тенг ҳуқуқлилик ҳамда мавжуд табиий ресурслар инвесторлар диққатини тортса, иккинчидан, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг янада жадаллашаётганлиги, иқтисодий эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ўзгаришлар амалга ошаётганлиги хорижий сармоядорларни, халқаро банк-молия муассасаларини биз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорламоқда. Инвестицияларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган сиёсат ўз самарасини бермасдан қолмайди. Фақатгина, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонда 41,2 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилган ва унинг 12,1 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилади.

Инвеститция муҳитини тўлақонли шакллантириш ва уни мукаммаллаштириш инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар, узлуксиз равишда олий даражадаги йиғилишларда муҳакама қилиниб, керакли фармойишлар, қарорлар қабул қилинмоқда, жорий йилнинг 19 июлида қабул қилинган “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар шулар жумласидандир. Мазкур қарорлар инвестиция муҳитини яхшилаш сари қўйилган навбатдаги қадам бўлиб, хорижий мамлакатлар бизнес доираларида кенг миқёдаги ижобий таьсир ўйғотди.

Инвестиция фаоллигининг ютуқларини қайд этаётиб, ушбу соҳа имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини ҳам қайд этишга мажбурмиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2018 йил 14 август куни ўтказилган видеоселектр йиғилишида таъкидланганидек, Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан бажарилиши режалаштирилган ишлар ҳажми бор-йўғи 7 фоизга етган. Хоразм вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қиймати атига 10 миллион долларни ташкил этган. Бундай аҳвол ҳеч кимни қониқтирмаслиги аниқ. Маҳаллий органлар зудлик билан соҳадаги

оқсоқликлардан қутилиш йўлларини излашлари, ҳудудларда мавжуд бўлган ресурслар, захиравий имкониятлар ҳақидаги маьлумотларни хорижий ҳамкорларга етказишлари зарур. Имкониятлар эса кенг, яқиндагина “The Washington Times” газетасида маьлум қилинганидек, АҚШ ва Ўзбекистон ишбилармонларининг истиқболдаги ҳамкорлик соҳаларидан бири қуёш энергатикаси бўлиши мумкин экан. Мамлакатимизда қуёшли давр қарийиб 300 кунни ташкил қилади, юқори малакали кадрлар заҳираси мавжуд ва қуёш энергеясидан фойдаланиш имконини берадиган корхоналарни ҳамкорликда жиҳозлаш замирида дунё бозорида 443 миллиардлик улушни эгаллаш воқеликка айланиши мумкин бўлган ҳақиқатдир.

Инвестициявий лойиҳалар кўлламини кенгайтиришнинг муҳим омиллардан бири венчур молиялаштириш амалиётини йўлга қўйишдир. Венчур молиялаштириш – инвестициявий сармояни иновацион ғоялар, технологиялар, илмий ишланмаларни яратишга жалб қилиш демакдир. Ушбу турдаги инвестиция фаолияти маълум даражада қалтис иш бўлсада, лекин тавваккалчилик ҳам ўзини оқлаб туради ва инвесторлар катта ҳажмда эга бўлиши эҳтимоли йўқ эмас.

Демак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, инвестиция лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг даври келди. Бунинг учун албатта молиявий ва инвестицияларни жалб қилиш фаолиятларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, замонавий мобиль онлайн технологияларини, рақамли иқтисодиёт механизмларини ҳаракатда келтирувчи маркетинг тизимини ташкиллаштириш борасидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бундан ташқари, ишбилармонлар, инвесторларида венчур маданиятини шакллантириш, ахборот хизматини йўлга қўйиш хам муҳмдир. Умид қиламизки, мамлакат раҳбарияти бу йўналишдаги фаолиятни қўллаб-қувватлаш, уни амалга оширишни жадаллаштиришга ва кафолатлашга йўналтирилган чора-тадбирлар режасин тез кунларда ишлаб чиқади.

I.X.Shukurov – SamISI katta o‘qituvchisi, t.f.n.,
Z.M.Bazarov – SamISI assistenti,
Sh.T.Maksumov – SamISI assistenti,
D.Mirzaaxmadov – SamISI assistenti

XALQARO STANDARTLARNI JORIY ETISH ORQALI OVQATLANISH XIZMATLARI SIFATINI OSHIRISH

Bugungi globallashuv davrida oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish bilan birga, uning xavfsizligini ta’minlash ham dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Mamlakatimizda mazkur yo‘nalishdagi chora-tadbirlarni hayotga izchil tatbiq etishning mustahkam tashkiliy-huquqiy asoslari yaratilgani inson manfaatlarini muhofaza qilishda muhim omil bo‘lmoqda. Xususan, 1997-yil 30-avgustda

qabul qilingan «Oziq-ovqat mahsulotining sifati va xavfsizligi to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi qonunida belgilangan vazifalar o‘z vaqtida ijro etilishi muhim samaralar bermoqda[1].

Mamlakatimizda oziq-ovqat ishlab chiqarish sanoati jadal rivojlanmoqda. Mustaqillik yillarida ushbu tarmoq korxonalari o‘n barobarga ko‘paydi. Agrosanoatni modernizatsiyalash bo‘yicha amalga oshirilgan izchil tadbirlar natijasida qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi ham oshib bormoqda. Xususan, jon boshiga to‘g‘ri keladigan go‘sht iste’moli 1,3 barobar, sut va sut mahsulotlari 1,6 karra, kartoshka 1,7 barobar, sabzavotlar 2-martadan ziyod, mevalar qariyb 4 barobar ortdi[2].

Aholini yil davomida meva-sabzavotlar bilan uzluksiz ta’minlash maqsadida zamonaviy andozalar asosida issiqxonalar tashkil etish, bog‘lar, tokzorlar maydonini kengaytirish, yetishtirilgan hosilni kuz-qish davrida sifatli saqlash imkonini beradigan omborxonalar barpo etishga alohida ahamiyat qaratilmoqda.

Ushbu amaliy ishlar bilan birga, aholi orasida sog‘lom ovqatlanish tamoyillarini targ‘ib etish ham tizimli ravishda olib borilayotir. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 25-apreldagi "O‘zbekiston Respublikasi aholisining sog‘lom ovqatlanishi sohasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarni yanada takomillashtirish to‘g‘risida"gi qarori asosida bu boradagi ishlar yangi bosqichga ko‘tarilmoqda[3].

Mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini yanada ta’minlash, bozorni sifatli, xavfsiz va arzon oziq-ovqat mahsulotlari bilan to‘ldirish, aholining xarid imkoniyatlarini mustahkamlash, tashqi iqtisodiy faoliyatni liberallashtirish va sog‘lom raqobat muhitini rivojlantirish, shuningdek, mazkur sohadagi mavjud tizimli muammolarga barham berish maqsadida oziq – ovqat sanoatiga HACCP tizimini joiy etish muxim vazifalardan biri bo‘lib qolmoqda.

HACCP (Hazard Analysis and Critical Point – xavf-xatarlar tahlili va kritik nazorat nuqtalari) – oziq ovqat mahsulotlari xavfsizligini ta’minlash tizimi bo‘lib, unda oziq – ovqat mahsulotlarining hayotiy sikli davomida ularning sifati va xavfsizligiga ta’sir etuvchi omillarni baholash va nazorat qilishini identifikatsiyalovchi tashkiliy yondashuv hisoblanadi[4].

HACCP tizimi rivojlangan mamlakatlar oziq-ovqat sanoatida mahsulotlarining xavfsizligini ta’minlash va sifatini nazorat qilishda juda muxim ahamiyat kasb etadi. Ushbu tizim ilk bor AQSh da 1990 yillarda paydo bo‘ldi. Yevropa Ittifoqida esa HACCP ni joriy etish bo‘yicha ishlar 1994 yilda oziq-ovqat mahsulotlari gigienasi bo‘yicha ko‘rsatma ya’ni korxona texnologik jarayonlarning parametrlarida paydo bo‘luvchi xavflarni, tayyorlanayotgan mahsulotning xavfsizligini ta’minlash va texnologik jarayonlarni monitoring

[1] www.lex.uz
[2] http://uza.uz/uz/society/oziq-ovqat-xavfsizligi-va-qonunchilik-20-10-2015
[3] www.lex.uz
[4] 1. FAO/WHO; Richard Jackson. "FAO/WHO guidance to governments on the application of HACCP in small and/or less-developed food businesses" (PDF). Retrieved 14 October 2007.

qilish uchun muxim bo‘lgan kritik nuqtalarni tahlil qilishni talab etgandan so‘ng boshlandi.

HACCP ning butun dunyo bo‘ylab keng tarqalishining sababi uning iqtisodiy va sotsial omillaridir. Hozirgi kunda HACCP ni oziq-ovqat sanoatining boshqa sohalarda qo‘llanilishi iste’molchilarni xavfsiz mahsulot bilan ta’minlashga kafolat berishi mumkin. Iqtisodiy tomondan HACCP ni joriy etgan kompaniyalarda nuqsonli mahsulotlarning soni kamayishi hisobiga samaradorlikni oshirish mumkin.

Ushbu chora-tadbirlarning yutug‘i shundan iboratki ular profilaktik tavsifga egaligi shunigndek, korxona rahbariyati ishlab chiqarish va murakkab bo‘lgan texnik tizimlar haqida to‘liq ma’lumotga ega bo‘lishidadir.

2014 yildan boshlab rivojlangan mamlakatlar ovqatlanish korxonalarida o‘z mijozlari xavfsizlgi va raqobatbardoshligini oshirish maqsadida HACCP tizimini joriy etish va ishlab chiqishga e’tibor kuchaydi.

2015 yil 15 fevraldan boshlab esa Rossiya Federatsiyasida oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi va ishlov beruvchi korxonalarida HACCP tizimini joriy etish majburiy qilib belgilandi.

Ovqatlanish korxonalaridagi nazoratning an’anaviy shakli har doim xam mavjud vaziyatlarga operativ tarzda javob qaytara olmasligi mumkin. Jarayon yakunlanganidan so‘ng o‘tkaziladigan nazorat mahsulotning xavfsizligiga to‘liq kafolat bera olmaydi. Bunday nazoratda amaliy jihatdan quyidagi muammolar ko‘zga tashlanishi mumkin.

- Namunalar o‘zi tugallangan jarayonning natijasi hisoblanadi;
- Ko‘pgina holatlarda saralash va tekshirish natijalari orasida sezilarli miqdorda vaqt o‘tadi;
- Fizik-kimyoviy tadqiqotlarning salbiy tas’ir qilish tavsifi va ularning qimmatligi;
- Belgilangan me’yordan chetga chiqishdagi xatoliklarni aniqlashning qiyinligi.

Ovqatlanish korxonalari xam oziq-ovqat sanoatining bir qismi hisoblanadi shuning uchun xam ularga ham HACCP tizimini joriy etish muxim hisoblanadi. ovqatlanish korxonalariga restoran, bar, kafe, oshxona, tamaddixona buffet va boshqalar kiradi. Albatta bunday korxonalarda oziq-ovqat mahsulotlarining xavfsizligi o‘ta dolzarb hisoblanadi[1].

G‘arb olimlarining tadqiqotlari shuni ko‘rsatdiki oziq-ovqatdan zaharlangan insonlarning yarmiga yaqini ovqatlanish korxonalarida go‘shtga noto‘g‘ri ishlov berish natijasida kelib chiqgan. Iste’molchilarning ovqatdan zaharlanishi holatlarining 35% muddati o‘tgan go‘shtli taomlar hissasiga to‘g‘ri keladi.

Ovqatlanish korxonalarida HACCP tizimini joriy etish uchun quyidagi vazifalarni bajarish lozim bo‘ladi:

1. HACCP uchun guruhni shakllantirish;

[1] 1. Critical Reviews in Food Science and Nutrition, "A Comparative Presentation of Implementation of ISO 22000 Versus HACCP and FMEA in a Small Size Greek Factory Producing Smoked Trout: A Case Study" (PDF). Volume 49, 2009, pages 176–201

2. Oziq – ovqat mahsulotining tavsifi;
3. Mahsulotdan foydalanish davomiyligini aniqlash;
4. Mahsulotni tayyorlash blok-sxemasini tuzish;
5. Blok-sxema joylarini tasdiqlash;
6. Xavfli omillarni tahlil qilish;
7. Muxim nazorat nuqtalarini aniqlash;
8. Kritik chegaralarni o‘rnatish;
9. Monitoring jarayonini tashkil etish;
10. To‘grilovchi harakatlarni ishlab chiqish;
11. Hujjatlarni saqlash va ularni yuritib boorish ishlarini tashkil etish;
12. Samaradorlikni baholash protsedurasini o‘rnatish.

Shu bilan birga ovqatlanish korxonalarida HACCP tizimini joriy etishda quyidagi o‘ziga xos tarmoq xususiyatlariga e’tibor qaratish lozim hisoblanadi:

- Mahsulotlar assortimentining turli-tumanligi;
- Sotib olinadigan mahsulotlar assortimentining kengligi;
- Qabul qilinayotgan mahsulot va xom-ashyolarni doimiy ravishda laboratoriya tadqiqotlarini o‘tkazish imkoniyatining yo‘qligi;
- Tayyorlangan oziq-ovqat mahsulotlarning qisqa vaqt ichida realizatsiya qilinishi kabilar.

Ya’ni ushbu xususiyatlar oziq-ovqat korxonalar bir turdagi mahsulotlarini ishlab chiqarishadi. Ovqatlanish korxonalarida menyu keltirilgan taomlar va ular uchun xom-ashyolar assortimenti xam keng hisoblanadi.

Bu esa allergik ifloslantiruvchilar o‘rtasidagi kesishuvni nazorat qilishni qiyinlashtiradi. Texnologik sxemadagi xom ashyolar bilan bog‘liq bo‘lgan risklarini aniqlash uchun vaqtinchalik xarajatlarni talab etadi,

Yana bir ovqatlanish korxonalari tomonidan HACCP ni joriy etish bo‘yicha ishlab chiqarish korxonalariga nisbatan duch kelishi mumkin bolgan qiyinchiliklardan biri xususiy bo‘lgan maxsus laboratoriyaning yo‘qligi, ovqatlanish korxonalarida esa bu yo‘q. xom-ashyo va tayyor mahsulotlarining xavfsizligini aniqlash akkreditatsiya qilingan laboratoriyalar tomonidan amalga oshiriladi.

HACCP tizimini joriy etish faqatgina korxonalarda tayyorlanayotgan taomlar va mahsulotlarini xavfsizligini ta’minlab qolmasdan balki tarmoqning barqaror rivojlanishini ta’minlaydi:

- Personal barcha sanitariya va gigiena norma va talablarga to‘liq javob berishi natijasida taomlarni tayyorlashda xavfsizlik ortadi;
- Iste’molchilarning ishonchi ortishi hisobiga korxonaning reytingi ortadi;
- Korxona faoliyati amaldagi qonunlarga to‘liq javob beradi;
- O‘tkazilishi mumkin bo‘lgan tekshiruvlar sonini keskin qisqarishi;
- Kuchli raqobat sharoitida korxona kuchli marketing ustunligiga erishadi.

Х.А.Улашев – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларига – корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт қилинадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш шу билан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши зарур. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим” дуб таъкидлаб ўтди .

Ушбу вазифаларни муваффақиятли бажариш хизмат кўрсатиш корхоналарида эса –хизмат кўрсатиш сифати ва рақобатбардошлигини оширишдир. Бу эса ўз навбатида корхоналарнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришни талаб қилади.

Маълумки, инновацион ривожланишининг асосини, мамлакатда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларга ажратилга молиявий маблағларни хажми ташкил этади. ЮНЕСКО Статистика институтининг маълумотларига кўра 2013 йилда юқорида қайд этилган тадбирларга Жанубий Кореяда ЯИМнинг -4,2%, Японияда- 3,5% , Германияда – 2,9%, АҚШ- 2,8%, Францияда – 2,2%, Хитой ХХРда – 2,1%, Буюк Британияда ва Канада – 1,6%,Росия Федерациясида -1.1% ташкил қилди. Ривожланаётган мамлакатларда ушбу кўрсаткич нисбатан паст даражани ташкил қилмоқда, яъни, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 0.2 %ни ташкил қилан бўлса, Қозоқистонда -0.17 %ни ташкил қилган.

Мамлакат инновацион фаолиятини баҳоловчи яна бир кўрсаткич-миллион кишига тўғри келадиган тадқиқотчилар сонидир. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам юқорида қайд этилган мамлакатлар етакчи ўринларни эгаллаб турибди. Яъни, Жанубий Кореяда миллион кишига 6533 тадқиқотчи тўғри келса, Японияда-5195, Канада-4494, АҚШ-3984, Россия Федерациясида-3085, ХХР-1071 кишини ташкил қилса , Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич-495 қишини ташкил қиляпти.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги №-ПҚ-2789 “Фанлар Академияси ва илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чора тадбирлар” тўғрисида Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги №-ПФ-2789 фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги № ПҚ-5264 қарори билан Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташкари 2018 йилнинг “ Фаол тадбиркорлик, инновацион ғояларни ва технологияларни қўллаб қувватлаш” йили деб номланиши хам республкамизда инновацияларга катта эътибор берилётганидан далолат беради.

Республикамизда инновацияни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан ташкил топган:

1) истиқболи йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг (фундаментал, изланиш, амалий) ривожланишини қўллаб қувватлаш;
2) инноввацион фаолиятни мутахассислар билан таъминлаш;
3) инновацион фаолликни оширишга йўналтирилган турли хил дастурларни ишлаб чиқиш;
4) алоҳида фирма (корхоналар)нинг инновацион фаолиятининг самарадорлигини оширишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатувчи фискал ва бошқа дастакларни давлат томонидан тартибга солиш;
5) фаннинг турли соҳаларининг (академия, тармоқ ва олий ўқув юрти) ўзаро алоқасини самарали ташкил этишда давлат воситачи сифатида иштирок этиши ва олий ўқув юртлари (университет, институт, академия) билан саноат корхоналари орасидаги инновация ишламалари бўйича корпорацияни рағбатлантириш;
6) инновацион ишланмаларга давлат буюртмаларини шакллантириш;
7) вилоятлардаги инновацион фаолиятни тартибга солиш;
8) инновацион фаолиятни ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
9) инновацион жараёнлар бўйича халқаро алоқаларни тартибга солиш.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли бажарилиши корхоналарга инновацион лойиҳаларни жалб қилишни кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини оширишни талаб килади.

Инновацияларнинг корхоналарга жорий қилинишига баҳо берувчи асосий кўрсаткичларнинг бири- инновацияларга сарфларланган харажатлардир (жадвал).

Жадвалдаги маълумотларда кўриниб турибдики, инновацион лойиҳаларга сарфланадиган харажатлар йилдан –йилга кўпайиб бормоқда ва 2017 йили 2010 йилга нисбатан 5158.6 млрд. сўмга ёки 20 мартага кўпайди. Инновацион харажатларнинг асосий қисмини ташкилотларнинг хусусий маблағлари ташкил қилмоқда. Яъни, 2010 йилда ушбу манбадан инновацион харажатларнинг 69.7 % молиялаштирилган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 56.2 %ни ташкил қилди.

Маълумки, инновациялар жорий қилиш турлари бўйича маҳсулотли, жараёнли, ташкилий ва маркетинглига бўлинади. Хизмат кўрсатиш корхоналарига асосан маркетингли ва ташкилий инновациялар жорий қилинди.Чунки маҳсулотли ва жараёнли инновациялар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Маълумотлар шуни кўрсатдики, таҳлил қилинган 2010-

Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларнинг молиялаштириш манбаилари, млрд.сўм (2010-2017 йиллар)

	2010йил.		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2017 йил 2010 йилга нисбатан фарқи	
	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%	млрд сўм	%
Технологик,маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар	264,4	100	5528,3	100	2571,4	100	5423	100	5158,6	
шу жумладан молиялаштириш манбаи бўйича::										
ташкилотларнинг хусусий маблағлари	184,3	69,7	1251,8	22,6	1180,0	45,9	3047,7	56,2	2863,4	-13,5
хорижий инвестициялар	48,3	18,3	156,6	2,8	314,9	12,2	737,5	13,6	689,2	-4,7
тижорат банкларнинг кредитлари	30,0	11,3	280,1	5,1	157,3	6,1	553,1	10,2	523,1	-1,1
бошқа маблағлар	1,8	0,7	3839,7	69,5	919,1	35,7	1084,6	20,0	1082,8	19,3

2017 йилларда жами инновацияларнинг 4,5-5 %ни ташкилий ва маркетингли инновациялар ташкил қилмоқда. Қолганлари асосан маҳсулотли (60 %) ва жараёнли (40 %) инновациялардир.Умуман қилиб олганда таҳлил қилинётган йилларда жами ташкилий ва маркетингли инновацияларниг сони 100 тадан ортмаган.

Ушбу таҳлил маълумотлари хизмат кўрсатиш корхоналига инновацион лойихаларни жорий қилиш муҳим вазифалардан бири эканлигини билдиради. Бизнинг фикримизча хизмат кўрсатиш корхоналарига инновацион лойиҳаларни жорий қилиш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

- хизматларни тақдим турлари бўйича инновацион лойихаларнинг (телекоммуникация, мобил алоқа,электрон тижорат ва ҳоказо) сезиларли даражада кенгайтириш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида мижозларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида янги имтиёзларни жорий қилиш(мехмонхоналарда мавсумга қараб нархларни диференциялаш);
- хизматларнинг сифатини яхшилаш (таълимда инновацион хизмат, соғлиқни сақлаш ва бошқа хизматлар);
- ахборот-коммуникация ресурсларидан фойдаланишга асосланган янги бошқарув усулларини жорий этиш (ИСО-сифат менежменти ва бошқалар);
- хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятининг институционал шароитлари-

ни такомиллаштириш (қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини ривожлантириш, мақсадли дастурларни амалга ошириш ва бошқалар);

- хизмат кўрсатиш соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш механизмларини жорий этиш (инвестициялар ва солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, махсус ҳудудларни яратиш, инфратузилмани ривожлантириш ва ҳоказо), янги молиявий воситаларни ва молиялаштириш технологиясини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. 2018 йил 28 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

И.И.Жабборов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли “**Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**”ги Фармони ижросини таъминлаш ҳамда аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг қулайлигини ошириш ва янада яхшилаш мақсадида 10 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси билан Ўзбекистоннинг ривожланишида замонавий ва ўз натижасини берган тажрибаларга таянишбилан бирга давлат бошқарувининг мутлақо янги ва самарали фаолиятини йўлга қўйишга жиддий эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда ушбу йўналишда бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шунга мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида электрон порталлар яратилди ва маълумотлар базалари шакллантирилди.

Маъмурий ислоҳотлар концепциясига асосан Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши белгиланди.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини такомиллаштириш мақсадида алоҳида эътибор берилган. Жумладан:

1-йўналишда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчил такомиллаштириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини янада кенг жорий этиш;

5-йўналишда давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш;

6-йўналишда профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш белгиланган.

Шуларга мувофиқ давлат хизматининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича амалий ишлар кўрилмоқда.

Маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагинатижаларга эришиш бўйича комплекс тадбирлар қилинмоқда.

Жумладан: Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъ-сирчан механизмларини яратиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидан қаноатланганлик даража-сини мустаҳкамлаш, шу жумладан, қуйидагилар орқали янада ошириш:

“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш натижасида давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

Умуман олганда, Ўзбекистонда мазкур ислоҳотларнинг амалга оширилишидан кўзланган асосий мақсад **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сонли **“Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини изчиллик билан такомиллаштириш, аҳоли ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида қаралмоқда.

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартибини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилиши натижасида**“Doing Business 2018”** глобал рейтингидаги “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича давлатимиз 24-ўриндан 11-ўринга яхшиланди**.**

Айни кунда ҳам, айрим давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиблари фуқаролар учун мураккаблигича қолмоқда ва уларнинг фойдаланиш учун қийин кечмоқда.

Кўрсатиб ўтилган муаммолар аҳолининг давлат хизматларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, уларни кўрсатиш билан боғлиқ вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини ошириш имконияти етарли даражада яратилмаганлиги аниқланмоқда.

Лекин, мазкур фармонга мувофиқдавлат хизматларининг сифати, тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имконини тубдан ошириш

бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Мазкур соҳадаалоҳида давлат органи – **Давлат хизматлари агентлиги** ташкил этилди. Натижада аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бошқарувни амалга оширишнинг аниқ ташкилийасослари шакллантирилмоқда.

Давлат хизматлари марказлари фаолиятини самарали ташкил этишдан ташқари, ахборот алмашинуви бўйича идоралараро, энг аввало, электрон ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ушбу Фармон билан **Давлат хизматлари ягона реестрини** ташкил этиш, давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича ягона маъмурий регламентлар ишлаб чиқиш, давлат хизматлари марказларида ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари яратилмоқда.

Давлат хизматлари марказларининг янги қиёфасини ишлаб чиқиш ва биноларини босқичма-босқич янгилашга киришилди.

Давлат хизматлари марказларида “ягона дарча” тамойили бўйича кўрсатиладиган **58** та давлат хизматининг рўйхати тасдиқланди. **2020 йилгача жорий этишга киришилган.**

Яъни уй-жойларнинг сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, якка тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга рухсатнома, турар жойи бўйича рўйхатга олиш (прописка), рўйхатдан чиқариш ва ҳисобга қўйиш, турли архив маълумотномалари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий ҳужжатлар дубликатларини олиш каби аҳолининг талаби юқори бўлган хизматлар киритилган.

Юқоридаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018 йил 1 июндаги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Давлат хизматлари ягона реестри тасдиқланди. Шунга мувофиқ Ягона реестр билан “**Давлат хизмати**” **номи**, “**Давлат хизматини кўрсатиш натижасини берувчи ваколатли орган**”, “**Давлат хизмати кўрсатилаётган ариза берувчилар тоифалари**”, “**Давлат хизмати кўрсатиш шакли**” *(анъанавий ва электрон)*, “**Тўлов тури**” ва “**Давлат хизмати кўрсатиш натижаси**” аниқ белгиланди.

Давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш натижасида мамлакатимизда 79 та (ва бундан ташқари 200 га яқин ҳокимликлар) ваколатли органлар томонидан 693 та кўрсатилаётган хизматларни кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолига кўрсатиладиган давлат хизматлари вақт, масофа, мазмун ва сон жиҳатидан такомиллаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пировардида, аҳоли катта-кичик давлат ташкилотлари раҳбарларига эмас, аксинча давлат раҳбарлари халққа хизмат қиладиган тартиб ўрнатилади.

D.Abdurasulova – Jizzax Davlat Pedagogika instituti katta o‘qituvchisi,
J.Sangirov – JDPI tarix fakulteti talabasi.

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNING XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISHDAGI ROLI (Zomin tumani misolida)

Jahon iqtisodiyotida yetakchi mavqega erishgan mamlakatlar tajribasi ko‘rsatadiki, ular kichik biznesni, xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish orqali yuksalgan, aholi turmush darajasini ko‘targan. Masalan, Yevropa Itiffoqiga a’zo bo‘lgan mamlakatlarning yalpi ichki mahsuloti tarkibida kichik va o‘rta biznesning ulushi 67 foiz, Germaniyada – 65 foiz, AQSH da – 52 foizni tashkil etdi. Yaponiyada ish bilan band bo‘lgan aholining 80 foizi, Yevro‘pa Ittifoqi mamlakatlarida – 70 foiz kichik biznes va xususiy tadbirkorlik tarmoqlarida ishlaydi.

Jahondagi rivojlangan mamlakatlarning tajribasidan kelib chiqqan holda Mustaqillikning ilk vaqtlaridan boshlab O‘zbeksitonda ham kichik biznes, tadbirkorlikni rivojlantirishga iqtisodiy islohatlarning hal qiluvchi, strategik ahamiyatga ega bo‘lgan ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida e’tibor berildi.

1995 yil 5 yanvar kuni “Xususiy tadbirkorlikda tashabbus ko‘rsatish va uni rag`batlantirish to‘g`risida” gi, shu yilning 21 dekabr kuni “Kichik va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish to‘g`risida”gi qonunining qabul qilinishi iqtisodiyotning mazkur sektoriga davlat va mintaqaviy darajada rag`batlantirishning asosiy yo‘nalishlarini belgilab berdi. Shu asosda butun respublika, qolaversa Zomin tumanida ham bu sohada o‘zgarishlar, taraqqiyot alomatlari ko‘zga tashlandi.

1995 yilda tumanda 258 ta xususiy tadbirkorlar davlat ro‘yxatidan o‘tgan bo‘lib, faoliyat olib borayotgan kichik korxonalar soni 62 tani tashkil etdi. Tumanda tadbirkorlikni qo‘llab quvatlash maqsadida 5 nafar kichik va o‘rta biznes bilan shug`ulnuvchi tadbirkorlarga 3 million 150 ming so‘mlik imtiyozlar kreditlar, “Madat” sug`urta kompaniyasi tomonidan ajratildi. Aholiga pullik xizmat ko‘rsatish 16 million 228 ming so‘mga yetdi. Shu davrda xalq iste`mol mollarini tayyorlash 17 million 721 ming so‘mni tashkil etib, o‘tgan yilga nisbatan 7 million 980 ming so‘mga ko‘paydi, Savdo xizmat ko‘rsatish tavar oborti hajmi 63376 ming so‘mga yetdi.[1] Eng muhumi esa 2250 ta qo‘shimcha ish o‘rinlari yaratildi.

Bu raqamlarning o‘sishi davom etib, 1997 yil boshidagi ma’lumot bo‘yicha tumanda 400 ga yaqin yuridik huquqga ega bo‘lgan xususiy tadbirkorlar ro‘yxatga olindi. [2] Bunday tadbirkorlarga 1999 yildan Isroil texnalogiyasi asosida sutni qayta ishlashga asoslangan “Qo‘ng‘irboy T”

[1] Tuman hokimining 1996 yilgi ma’ruzasi. Zomin. “Sharq tongi” gazetasi, 1996 yil 6 fevral.
[2] Tuman hokimi vazifasini bajaruvchi P. Soipnazarov ma’ruzasi bayoni. Zomin. “Sharq tongi” gazetasi, 1997 yil 24 yanvar soni.

firmasini misol qilib keltirish mumkin.[1] 1997 yilda aholiga pullik xizmat koʻrsatish koʻlami va sifati keskin oshdi, birgina shu yilning oʻn oyi davomida bu koʻrsatgich 44 million 648 ming soʻmni, aholi jon boshiga koʻrsatilayotgan pullik xizmati 485,3 soʻmni tashkil etgan edi.

keyingi vaqtda birgina 2001 yilning oʻzida 200 dan ortiq oʻrta va kichik biznes subʼektlari tashkil qilinib, qoʻshimcha 571 ta yangi ishchi oʻrinlari yaratildi. Yoki bu koʻrsatgichlar oʻtgan 2000 yilga nisbatan 103 foizga koʻpaydi. Yil davomida oʻrta va kichik biznesni rivojlantirishga yangi ish oʻrinlari yaratishga eʼtibor qaratildi. Ushbu maqsadlarda ularga 195 million soʻmlik qisqa muddatli, 131 million soʻmlik oʻrta mudatli, jami 326 million soʻmlik kreditlar berildi. [2]

2004 -2005 yillarda ham tumanda tadbirkorlik faoliyatini har tomonlama qoʻllab-quvatlash ishlari davom etirildi. Ularga bu yillarda barcha manbalar xisobidan 159 million soʻmlik imtiyozli kriditlar ajratildi. Kichik biznes subetlarining 2004 yilgi holati boʻyicha yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 53,6 foizni tashkil qildi. Ular tomonidan 1420 ta yangi ish oʻrinlari yaratildi. Bu koʻrsatgich keyingi yilda ham muvaffaqiyatli oshirildi. Birgina 2005 yilning dastlabki yarmining oʻzida 1512 ta yangi ish oʻrilari yaratildi. Shu jumladan 765 ta xotin qizlar ish bilan taminlandi. [3]

2008 yilning 1 oktyabr holatiga koʻra roʻyxatga olingan **oʻrta** va kichik biznes subaktlari soni 2347 taga yetdi va 2007 yilning shu davriga nisbatan 315 taga koʻpaydi. 9 oy davomida barcha manbalar xisobidan tadbirkorlik subʼektlariga 788 million soʻmlik kridit ajratildi. Kichik biznes subʼektlari tomonidan 2014 ta yangi ish oʻrinlari yaratildi.[4] Natijada tumanda sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish, 131,6 foiz, xalq istemollari mollari ishlab chiqarish 106,3 foizga oʻsdi. [5] Bu soha taraqqiyoti keyingi yillarda ham davom etdi.

Misol uchun 2014 yilda tumanada birgina kichik biznes subʼektlarining soni 611 tani tashkil etdi. Kichik biznes subʼektlari tomonidan sanoat mahsuloti ishlab chiqarish 97,7 foizga koʻpaydi va 16966 mln. soʻmni (Tuman sanoat ishlab chiqqarishining 38,7 foizni) tashkil qildi. Yoki tuman iqtisodiyotida asosiy kapital kiritilgan investitsiyalar umumiy hajmining 45,7 foizi, qurilish ishlarining 85,8 foizi kichik biznes korxonalari hissasiga toʻgʻri keldi. Kichik biznes subʼektlari yuk aylanmasi tuman avtomabil transporti umumiy yuk aylanmasining 94,7 foizini tashkil etdi. Savdo aylanmasi umumiy xajmining 35,0 foizi yoki 44080,9 mln. soʻmi (oʻsish 108,4 foiz) va aholiga pullik xizmat koʻrsatish umumiy hajmining 39,0 foizi yoki 8527,5 mln. soʻmi (126,9 foiz oʻsgan) kichik tadbirkorlik subʼektlari hissasida toʻgʻri keldi. Kichik biznes subʼektlari tashqi savdo aylanmasi tuman tashqi savdo aylanmasi hajmining 74,9

[1] Qadamlari qutlugʼ Jizzaxning (Zomin). Jizzax. “Jizzax haqiqati” gazetasi, 2000 yil. 23 mart soni.
[2] Tuman hokimi Z. Abdulayevning maʼruzasi bayoni. Zomin. “Sharq tongi” gazetasi, 2002 yil 2 mart soni
[3] Tuman faollari yigʼilishi. Zommin, “Shar tongi” gazetasi. 2005 yil 21 avgust soni.
[4] Xalq deputatlari tuman kengashining qarori . Zomin. “Sharq tongi” gazetasi. 2009 yil 24 yanvar soni.
[5] Xalq deputatlari tuman kengashining qarori . Zomin. “Sharq tongi” gazetasi. 2009 yil 24 yanvar soni.

foizini tashkil qildi va shu yilda ular tomonidan 1613,9 ming AQSH dollori (umumiy eksport hajmining 72,9 foizi), miqdorida mahsulot eksport qilindi. Import 444,3 ming AQSH dollori (umumiy importning 83,3 foizi) ni tashkil qildi.[1]

Xullas mamlakatimizda istiqlolning ilk yillaridan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka e'tibor berildi. Bu holat Zomin tumanida bo'lgani kabi yurtimizning deyarli barcha viloyat, tumanlarida ijobiy natija berib, xizmat ko'rsatish sohasida oldinga siljishlarning yuzaga kelishiga olib keldi.

О.Н. Асадов– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси 2-курс тингловчиси,
Н.А. Абдуллаева– Тошкент молия институти ўқитувчиси

САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАТИРИШДАГИ ЎРНИ

Сўнгги йилларда республикамизда жадал амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли турмуш шароити ва фаровонлигини янада ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақиллигини ва рақобатбардош бўлишини таъминлашдан иборат.

Шу мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг ҳаётга жорий этилиши қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг ижросига чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари»да алоҳида банд билан корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш масаласи қўйилган ва алоҳида миллий корхоналар акцияларини хорижий нуфузли фонд биржаларида дастлабки тарзда жойлаштирилишга (IPO) тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Амалга оширилган чора тадбирлар натижасида 2018 йил давомида 2 та акциядорлик жамиятида IPO ўтказилди. 2018 йил апрель ойида «Кварц» АЖ IPO ўтказилиб, 7 523 817 131 сўмга жами 2 475 269 та акция жойлаштирилган. 2018 йил декабрда ойида эса «Қўқон механика заводи» АЖ IPO ўтказилиб, 2 928 698 046 сўмга жами 2 821 065 та акция жойлаштирилган.

[1] Jizzax viloyati Zomin tumanining ijtimoiy –iqtisodit rivojlanishining asosiy ko'rsatkichlari.(Zomin tuman pasporti) Zomin tuman statistika bo'limi. Zomin 2014 yil.

Ўзбеистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизни тараққий эттиришнинг асосий устувор вазифалари сифатида бошланган ислоҳотларни жадал давом эттириш, замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш ва иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш масалалари қўйилди.

Ҳозирги кунда молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда республикада 603 та акциядорлик жамияти фаолият юритмоқда. Шундан 486 тасида давлат улуши мавжуд. Иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўлган ёқилғи-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат иштирокининг юқори даражада сақланиб қолиши уларнинг бозор механизмлари асосида ривожланиши ва инвестициялар жалб этишига тўсқинлик қилмоқда.

Статистика маълумотларига кўра ҳозирда 972 та давлат корхонаси активларининг атиги 21 фоизи Давлат рақобат қўмитаси томонидан, қолган 79 фоизи вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан бошқарилмоқда. Бу ёндашув сўнгги йилларда давлат корхоналарини оғир аҳволга олиб келди, баъзи соҳаларни эса йўқолиб кетишига олиб келди.

Бу муаммоларни ҳал этиш бўйича илк қадамлар ташланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октбярда «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3981-сон қарори, 2018 йил 27 ноябрда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5584-сон фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 8-сон қарорлари қабул қилинган.

Ушуб қарор ва фармонларнинг асосий мақсади юқорида санаб ўтилган иқтисодиётнинг стратегик соҳаларига бошқарувнинг замонавий шакллари ва усулларини, илғор хорижий тажрибани, замонавий инновацион ишланмалар ва технологияларни тадбиқ этиш, мазкур соҳаларда рақобатни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилишдан иборатдир.

Ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5614-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасида таркибий ислоҳотлар асосий йўналишларининг «Йўл харитаси» тасдиқланган.

«Йўл харитаси»ни амалга ошириш учун Иқтисодий кенгаш ҳамда Халқаро экспертлар гуруҳи ташкил этилган бўлиб, иқтисодиётнинг муҳим

соҳаларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича стратегиялар, концепциялар ва “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

Мазкур Фармон билан 2019 йил 1 июнгача давлат улушига эга бўлган корхоналарни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда давлат секторида корпоратив бошқарув принципларини кенг жорий этиш, шунингдек, «Мустақил директорлар» институтини ривожлантириш вазифаси белгиланган.

Республикамизда олиб борилаётган институционал ва таркибий ислоҳотларни жадаллик билан амалга ошириш, давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, капитал бозорининг ишончли ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Бу қарорнинг мақсади рақобатни ҳимоялаш, монополияга қарши курашиш, давлат активларини бошқариш ва фонд бозорларини ривожлантириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу ислоҳотлар ва ўзгаришларни амалга оширишда қуйидаги илмий ва амалий асосларга эга бўлган услуб ва воситалардан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Қўйилаётган масалаларнинг кенг қамрови ҳамда турли соҳаларни кесишувидан иборатлигини инобат олиб, бошқарувда қарорларини қабул қилишда тизимли таҳлилнинг илмий-услубий ва амалий дастурий воситаларидан фойдаланиш.

2. Стратегик соҳаларнинг қисқа ва узоқ муддатдаги мақсадларини амалга оширишда, белгиланган кўрсаткичларга эришишнинг ишончлилиги баҳолаш ҳамда уларга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни, ижобий ва салбий оқибатларини баҳолашда рақамли ўлчовлардан фойдаланиш.

3. Бошқарув жараёнларида юзага келадиган эҳтимолий таъсирлардан келиб чиқиб, стратегик режа ёки кўрсаткичларни эгилувчанлик ўзгартириш имкониятини таъминлаш.

Таклиф этилган воситалар ва усуллардан фойдаланиш замонавий бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг устувор соҳаларини самарадорлигини ошириш, улар фаолиятининг шаффофлигини ва рақобат муҳитини таъминлашда кутилаётган натижаларга эришиш имкониятини яратади.

Ш.С.Олтаев – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ҳамда иқтисодий тизимдаги ахборот ролининг ўсиши, янги технологиялар, капитал бозорлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишини тақозо этмоқда. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, шунингдек, республикамизнинг бой табиий ва ижтимоий ресурслари, ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятини ҳисобга олиб, инновацион ривожланиш йўлини танлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Бизнингча, мамлакатимиз ривожланишини максимал даражада ташкил этиш учун, энг аввало, инновацион ҳамда илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Бу борада мамлакатимизнинг комплексли инновацион сиёсатини шакллантириш бўйича қонунчилик асосларини яратиш зарур.

Инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва ривожлантириш учун эса, мазкур фаолиятнинг стратегик ва тактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш талаб этилади. Инновация, бу-янада мукаммалроқ ҳолатда ўтиш учун яратилувчи янгиликлардан иборат бўлиб, ўйлаб топиш, ишлаб чиқариш ва ихтиро қилиш лозим бўлган янги восита, янги усул, янги маҳсулот, янги технологиялар демакдир. Инновация-янги билимларнинг йиғиндиси сифатида амалда қўлланиши ва мос келувчи соҳаларда самара бериши лозим.

Бугунги кунда инновация ишлаб чиқаришда, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларда, илм-фан, маданият, таълим соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Бу эса, ҳар бир соҳанинг ривожи учун янгича ёндашув билан қараш деганидир.

Ўзбекистон иқтисодиётида миллий саноатнинг роли ва аҳамияти салмоқли бўлиб, давлат мустақиллигига эришилгандан кейин бу соҳада туб хўжалик-иқтисодий, ташкилий-институционал ва таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат – акциядорлик, корпоратив, жамоа ва хусусий мулк шаклларига айлантириш, саноат тармоқларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, чет эл капитали иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этилди. Миллий саноат ривожланиши, янги даврнинг макроиқтисодий вазиятларини, бозор муносабатларини шакллантириш ва таркибий ўзгаришлар тавсифини саноатлаштириш стратегиясидан келиб чиқиб бир неча босқичга ажратиш мумкин. Бозор муносабатларига ўтишнинг устувор йўналишларидан бири, бу – иқтисодиёт тармоқларида инновацион ислоҳотлар, туб

янгиланишларнинг модернизация қилиниши ҳисобланиб, у макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналарни янги технологиялар билан жиҳозлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор улушини оширишга асосланади. Ушбу жараён, шубҳасиз, мамлакатнинг инновацион, иқтисодий салоҳиятини ошириш билан бир пайтда, ундан унумли фойдаланишни назарда тутади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадаллаштиришни талаб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, самарали инновацион стратегияга эришиш учун иқтисодий ва табиий омиллардан оқилона фойдаланиш зарур. Мамлакат саноат-инновацион сиёсатида потенциал рақобатбардошликни юзага келтириш учун, энг аввало, иқтисодиётнинг хомашё йўналишига ихтисослашган тармоқларида таркибий ўзгаришлар ҳисобига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга. Инвестицияларнинг жалб этилишини мувофиқлаштириш, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш ва дунё бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш бўйича давлат сиёсатини юритиш асосида ёндашувларимиз моҳиятини намоён этиши лозим.

Саноат тармоқларида инновацион стратегияларни мунтазам равишда қўллашни йўлга қўйиш ва татбиқ этишни амалга ошириш учун ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш давомийлигига эришиш саноат ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Фан-техника тараққиётини таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири, бу – илғор, энг замонавий технологияларни мунтазам равишда ўзлаштириб боришдан иборат. Илғор технологиялар, бу – синовдан ўтган технологик жараёнларни бирлаштириш, турли-туман физик-кимёвий усулларни қўллаш, вакуумлаш, нанотехнологиялардан самарали фойдаланиш каби бир қанча усуллар мажмуини ўзлаштиришни ташкил этишга қаратилган жараёндир.

Яна бир йўналиш – ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш, электрлаштириш ва компьютерлаштиришдан иборат. Ривожланган мамлакатларнинг барча тармоқларида қайд этилаётган жиҳатларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қатъий риоя қилинади. Бу борада талаб этилаётган биронта омилга иккиламчи вазифа, дея қаралмайди. Аксинча, техник фаолиятни ташкил этиш учун зарур бўлган барча талабларнинг ўз ўрнида бўлишига жиддий эътибор қаратилади. Шунингдек, автоматлаштиришнинг юксак чўққиси ҳисобланмиш ва самарадорликни таъминлайдиган робот техникаларини қўллашга эътибор бериш ҳам ишлаб чиқаришнинг энг олий мақсадларидан бирига айланиши лозим.

Техника илм-фан ютуқлари асосида яратилаётган инсон куч-қудратини, унинг иш қобилиятини, ижодий салоҳиятини чексиз оширувчи

қурол ҳисобланади. Технология эса, илм-фан ва замонавий техник воситалар асосида маълум моддий бойликларни яратувчи ёки шу моддий бойликларни амалга оширувчи омилдир. Янги технология ва инновацион стратегик, техник жараёнларнинг бир бирига боғлиқлиги, бир бирини тўлдириб туриши, уларнинг мунтазам равишда такомиллаштирилиши жамият тараққиётига хизмат қилади.

Технологик инновациялар юридик шахснинг биринчи маротаба ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, жараёнлар хизматлар ва усуллар шаклида бўлиши мумкин. Технологик инновациянинг иккита тури мавжуд бўлиб, улар маҳсулотлар инновациялари ва жараёнлар инновацияларидан иборат. Саноат ишлаб чиқаришда маҳсулот инновациялари технологик жиҳатдан янги ва ҳар тарафлама такомиллаштирилган маҳсулотни тайёрлаш ва жорий этишни ўз ичига олади. Технологик янги маҳсулот, бу – технологик хусусиятлари ёки қўлланиш мақсади принципиал жиҳатдан янги ёки юридик шахс томонидан илгари ишлаб чиқарилган шунга ўхшаш маҳсулотлардан сезиларли даражада фарқ қилувчи маҳсулотдир. Бундай инновациялар принципиал жиҳатдан янги технологияларга ёки мавжуд технологиялардан тадқиқот ва ишланмалар натижаларидан фойдаланалишга асосланган бўлиши мумкин. Технологик жиҳатдан такомиллаштирилган маҳсулот, бу – юқори самарали таркибий қисмлар ва материаллардан фойдаланиш, бир ёки бир неча техник таркибий қисмларни қисман ўзгартириш йўли билан ишлаб чиқаришнинг сифат хусусиятлари яхшиланадиган ва иқтисодий самарадорлиги ошириладиган маҳсулотдир.

Мамлакатимизда корхоналарни ривожлантириш учун республикамизнинг истеъмол бозорларини аҳоли ўртасида харидоргир бўлган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш, кичик корхоналар томонидан рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш, тармоқда янги техник ва технологик, инвестиция сиёсатини юритиш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига янги ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мунтазам ўзлаштириш, тармоқ корхоналарини янги техникалар билан жиҳозлашга жиддий эътибор қаратиш учун хорижий сармояларни кенг кўламда жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилади.

Хуллас инновацион муносабат тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг асосини ташкил қилади. Яъни бозор муносабатлари шароитида фаолият юритаётган корхоналар ва хўжаликларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришлари, хизматлар кўрсатишда муваффақиятга эришишлари учун мунтазам равишда янгиликларни излашга интилишлари ва ўз фаолиятларига татбиқ этишлари бу борадаги энг муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

Н.Т.Парпиева – ТМИ катта ўқитувчиси, илмий раҳбар,
Д.Б.Шеркузиева – ТМИ, ММ-74 iq гуруҳ талабаси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Мамлакатимизда инновация соҳасига катта эътибор берила бошланди, бунга мисол сифатида инновацион соҳага оид кўплаб қонун, қарор ҳамда фармойишлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрда “Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармон асосида Инновация вазирлиги ташкил қилинди, ушбу вазирлик инновация ғояларини тарғиб қилиш ҳамда барча соҳаларда қўллашни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаган. Инновация вазирлиги барча тармоқлардаги ғояларни бириктириш учун ҳар йили танлов ва форумлар ўтказиб келаяпти. Бу эса инновацион ғояси бор инсонлар учун айни муддао ҳисобланади.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшиланиши хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинди. Ўзбекистон мустақилликдан кейинги қисқа давр ичида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини ошириш бўйича бой тажрибага ҳам эришди. Буни мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий - иқтисодий тараққиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва уни ривожланиш борасидаги олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатда кўриш мумкин.

Ҳозирги даврда хизмат кўрсатиш соҳаси нафақат муайян давлат иқтисодиётида, балки бутун жаҳон иқтисодиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида хизматларнинг улуши мунтазам ўсиб бормоқда, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар сони ҳам ижобий динамикага эга бўлиб, хизматларнинг халқаро савдоси фаол ривожланмоқда. Бугунги кунда сервис ва хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиш ва вазифаларини, шу жумладан:

- хизматларни ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг иқтисодиётдаги улушини 48,7 фойзга етказиш;

- 2020 йилга келиб, қишлоқ жойларда хизматларнинг 1,8 баробар ўсиши;
- сервис соҳасида жадал ривожланиш учун шарт-шароитларни яратиш, муҳандислик, коммуникация, автомобиль ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- аҳолининг телекоммуникация тармоғига техник имкониятларини таъминлаш, уларнинг асосида юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, рақамли телефон алоқа ва телевидение тизимларига ўтишни таъминлаш, республика иқтисодиётида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улушини 2020 йилгача 2,5 фоизга ошириш;
- замонавий электрон тўлов технологияларини жорий этиш билан молиявий хизматларни ривожлантириш;
- юқори технологияли тиббий хизматларни янада ривожлантириш.[1]

Хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг долзарб масаласидир

Миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг динамикаси асосий тенденциялари ҳисобга олинган ҳолда, уларни шакллантириш ва амалга оширишнинг асосий шарти асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасида акс эттирилаётган мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши зарурлиги эканлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқотлар натижасида қуйидаги бешта тенденция ва хизмат бозорининг ривожланиш қонуниятларини аниқладик. Улар таркибига қуйидагилар киради:

1. Хизматлар сифати ва маданиятига талабларнинг ошиб бориши. Бундай талабларни ресторан ва меҳмонхоналар бизнеси, туризм ва гўзаллик индустриясида кузатишимиз мумкин. Айниқса, интернет ва уяли алоқа тизимидаги талаблар хизмат кўрсатувчилар томонидан ўзгараётган шароитларга мослашишларини тақозо этади.

2. Харажатлар кўпайган сари хизмат кўрсатиш соҳасининг даромад келтириш даражаси кўпаймоқда. Хизматлар сифати ва маданиятига сарфлар ошиши кутилаётган маблағ ва инвестициялардан оқилона фойдаланишга мажбур қилмоқда. Рақобатда чидаш учун янги шароитга мослашиш йўлларини ахтариш зарур бўлади.

3. Истеъмол ҳажмларини ошиб бораётган пайтда бирламчи истеъмолчилар миқдорини камайиши кузатилади. Истеъмолчилар сервис ташкилотларига қайта мурожаат қилиши асосан ўрта ёки юқори даромадга эга бўлган аҳоли қисмига тўғри келади.

4. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг йириклашуви кузатилмоқда. Рақобат муҳити кучайган сари йирик ташкилотлар кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорларга нисбатан фаолият кўрсатиши енгилроқ кўчади,

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли “2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори.

мақсадли истеъмолчи ва таъсир кўрсатиш доирасини тақсимлаб олиш имкониятига эга бўлади. Масалан, автомобилларга ёки маиший техникага хизмат кўрсатиш йирик ташкилотларда (“Узтеххизмат”, “Артель” ва бошқалар) самаралироқ олиб борилиши кузатилмоқда.

5. Таклиф этилаётган хизмат ассортименти кенгаймоқда. Истеъмолчиларга замон талабига қараб янги хизмат турлари кўрсатилиши ошмоқда. Янги йўналишлар тариқасида маслаҳат бериш, таълим, суғурта, реклама ёки PR таклифлари, банк хизматлар турлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимида кўп ҳисоботлар топшириш, мурожаат этиш масофавий амалга ошириш катта аҳамият берилмоқда. Маркетингда электрон тижоратнинг ривожланиши ҳам шу тоифага киради.

2019 йилда хизматлар фаолиятида аҳолининг бандлиги савдо, таълим, ташув, овқатланиш соҳасида кўпроқ улушини ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин. Республикамиз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда маиший, соғлиқни сақлаш, молиявий, маслаҳат бериш хизматлар турини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташкари, хизмат кўрсатиш соҳасидан ортган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш; меҳнат ресурслари сафига келиб қўшилаётган кишиларни иш билан таъминланса ҳам яхши бўлар эди.

Z.M.Bazarov – SamISI assistenti,
Sh.T.Maksumov – SamISI assistenti,
T.I.Shukurov – SamISI talabasi

KEYTERING XIZMATINI TASHKIL ETISH XUSUSIYATLARI

Bugungi kunda ovqatlanish industriyasida keytering xizmati muhim roʻl oʻynamoqda. Keytering xizmati mijozlarga keng va turli tuman imkoniyatlarni taqdim etadi. Aynan koʻchma restoran xizmati yordamida keng miqyosda katta ma’muriy qabullarni, kichkina xususiy oʻtirishlarni, bolalar bayramlarini, tabiat qoʻynidagi barbekularni tashkil etish mumkin. Oʻzbekistonda ovqatlanish sohasida keytering bozori 2000-yillarning boshida rivojlana boshladi. Hozirgi kunda keytering xizmatlariga kiruvchi taomlarni buyurtma asosida uy va ish joylariga yetkazish xizmatlari yurtimizning koʻpgina shaharlarida yaxshi yoʻlga qoʻyilgan. Yurtimizning turli shaharlarida koʻchma ovqatlanish xizmatlarini koʻrsatish boʻyicha kompaniyalar, kafe, restoranlar paydo boʻla boshlagan[1].

Hozirgi kunda keytering xizmatini koʻrsatishda quyidagi shakllari mavjud:

Furshet (fransuzchada – vilka) norasmiy uchrashuvlar uchun eng

[1] Погодин К.С. Кейтеринг. Практическое руководство для владельцев и управляющих : учеб. пособие. Ресторанные ведомости. 2011.

qulay hisoblanib, bu usuldan odatda qisqa muddatda (30 minut – 1.5 soat) ko‘p sonli mehmonlarni qabul qilishda qo‘llaniladi. Rasmiy ushrashuvdan ko‘ra , ishbilarmon doirasidagi uchrashuvlarga ko‘proq mos keladi. Bunda mehmonlar tik turgan holatda ovqatlanadilar, ularga zalning xoxlagan joyida ovqatlar va ichimliklar tavsiya qilinadi. Bir necha stollar esa mini-bar sifatida jihozlanadi salqin va yaxna ichimliklarga mos bokallar qo‘yiladi. Zalda furshet uchun mo‘ljallangan stollar taklif qilingan mehmonlar bemalol ular orasida yura olishi mumkin bo‘lgan masofa oralig‘ida joylashtiriladi. Furshet menyusi asosan turli xildagi yaxna gazaklardan tashkil topgan bo‘ladi va tik holatda birgina sanchiqi yordamida iste’mol qilish qulay bo‘lish uchun gazaklar ixcham, kichkina bo‘laklarda tayyorlanadi. Ba’zi hollarda issiq gazaklar ham tortiladi. Har bir stolda gazak likobchalari oshxona anjomlari qo‘yiladi. Likopchasini to‘ldirib olgan kishi bemalol alohida stolga o‘tirib qiziqarli suhbatini davom ettirishi mumkin. Ofitsantlar uning bakalini ichimliklar bilan to‘ldiradi, navbatdagi taomni olib keladi.

Rasmiy tadbirlar boshida majlis va yig‘ilishlar orasida tanaffus paytida ertalab kunning birinchi yarmida odatda kofe – break tashkil qilinadi. Kofe – breakda dissert , pishiriq, alkogolsiz ichimliklar va albatta choy, kofe tortiladi. Bu o‘z navbatida mini – furshetning bir turi bo‘lib unga yarim soat vaqt ketadi. Ushbu keytering xizmatini tashkil qilishda duch keladigan asosiy qiyinchiliklar xizmat ko‘rsatishning tezkorligi, taomnomani assortimenti cheklanganligiga qaramasdan, qatnashuvchilarni talabini qondira olish hisoblanadi.

Piknik yoki **barbekyu** odatda yoz paytida, ochiq havoda tabiat qo‘ynida o‘tkaziladi. An’anaviy taomlari – go‘sht va baliq hisoblanadi. Ularni qurada tayyorlashadi, Yaxna gazaklar ham shular jumlasiga kiradi. Piknik vaqti cheklanmagan bo‘ladi. Ushbu keytering xizmat turi ayniqsa biznes sheriklar uchun, norasmiy uchrashuvlar uchun juda qulay hisoblanadi. Albatta piknik tashkilotchilari tabiat injiqligiga tayyor turishi kerak. Yomg‘ir yog‘ib qolgan taqdirda berkinish uchun tentlar, chaylalar o‘rindiqlar bo‘lishi lozim. Issiqda ovqat tami buzilmasligi va yaxshi saqlash uchun muzlatgichlar bo‘lishi kerak. Yozgi keytering xizmati ayrim xususiyatlariga to‘xtalib o‘tsak. Keytering kompaniyalari o‘z xizmatini mijoz xoxlagan joyda har qanday tadbirlarni a’lo darajada tashkil qilib berish uchun o‘z moddiy – texnik bazasiga ega bo‘lishi lozim.

Keyingi paytlarda shahar shovqini, smogdan (sanoat changi va qurumlaridan zaharlangan havo) olisda mashinalar tirbandligidan chetroqda, tabiat qo‘ynida korporativ kechalarni o‘tkazish odat tusiga kirmoqda. Bunday korporativ tadbirlar yoz vaqtida ko‘p o‘tkaziladi. Bunga misol qilib yangi yil bayramlarini, qor bilan qoplangan o‘rmondagi o‘tirishlarni olsak bo‘ladi. Keytering xizmati mutaxasislari uchun tadbirlarni qishda yoki yozda, xona ichida yoki tabiat qo‘ynida tashkil etishni ahamiyati yo‘q. Ular uchun mijozning talabi va mijozga oliy xizmat ko‘rsatish ahamiyatlidir.

Yozgi keytering xizmatini alohida xususiyatlaridan yana biri birinchi bo‘lib dam oluvchilar uchun tadbir, kecha, o‘tirishga mo‘ljallangan joy ustini

yopishdir. Odatda har bir keytering - administratori dalada yoki oʻrmonda tanlangan joyni tezkorlik bilan chiroyli qilib ustini yopib beruvchi ustalar bilan shartnoma tuzgan boʻlishi lozim. Tabiat injiqligi oʻz yoʻliga, yomgʻirdami, boshqa tabiat hodisasi boʻladimi keytering xizmat sifati yuqori boʻlishi shart.

Taomlarni buyurtma asosida yetkazish. Hozirgi kunda ushbu ovqatlanish xizmati xam rivojlangan mamlakatlarda keytering xizmati tarkibiga kiritilmoqda. Mijozlarning buyurtmasi asosida taomlarni uning ofisiga, uyiga yoki turgan joyiga olib borish taomlarni buyurtma asosida yetkazish xizmatlari hisoblanadi. Ushbu xizmat mijoz tomonidan internet yoki telefon orqali bir soat oldin buyurtma qilinishi mumkin. Taomlar bir martalik yoki maxsus idishlarda joylarga yetkaziladi. Joylarga yetkazishda masofa katta ahamiyatga ega boʻlib transport xarajatlar mijozdan undirib olinadi[1].

Keytering xizmatini tashkil etish dastlab quyidagi bosqichlarni oʻz ichiga qamrab oladi[2]:

- joyni tanlash;
- ish qoidasi va tadbir reglamentini tuzish;
- tadbir menyusi va taom tortish grafigini tuzish;
- xizmat koʻrsatish zonasini aniqlash;
- xodimlar vazifalarini taqsimlash;
- zaruriy jihoz va inventarlarni olib kelish;
- taomlarni bezash uchun joyni tayyorlash;
- mebel yoki stol va stullarni joy- joyiga qoʻyish;
- stollarni servirovka qilish;
- xodimlarga yoʻriqnoma berish.

Keytering xizmatlarini turi va shakllari koʻpayib bormoqda. Tadbir davomida har bir usul oʻz ahamiyatiga ega. Mijozning talabini bajarish uchun keytering xizmatini barcha koʻrinishlari haqida mukammal tushunchaga ega boʻlishi kerak.

Keytering xizmati odatiy restoran xizmatidan katta farq qiladi. Bu yerda nafaqat maxsus jihoz va tayyorlash texnologiyasida farq bor balki ofitsiant va barmenlar tomonidan koʻrsatilayotgan xizmatda ham farq katta. Shuning uchun har bir ofitsiant va barmenga alohida qoʻllanma berish shart, ular oʻz vazifasini aniq bilishi kerak. Chunki ularning xizmati furshet va banket tadbirlaridagi xizmat koʻrsatishdan mutloq farq qiladi. Banketlarda, maxsus rasmiy qabullarda mijozlar stolda oʻtirgan boʻladi va restoran hududida xodimlar uchun tanish boʻlgan makonda boʻlishadi. Koʻpgina keytering xizmatlarida mijozlar tik holatda, xoxlagan joyda turishi hamda xizmat koʻrsatish xodimga butunlay notanish makonda boʻlishi mumkin.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki ushbu xizmatni tashkil etishdagi oʻziga xos jihatlarini bilmaslik tadbirlardagi xatoliklarni koʻpayishiga, mijoz noroziligiga va natijada firma obroʻsiga putur yetishiga olib keladi.

[1] Погодин К.С. Ресторан выездного обслуживания. Кейтеринг. /Питер 2008

[2] Эрдош Д. Кейтеринг. Как успешно вести выездной ресторанный бизнес. М.: Альпина Бизнес Бокс, 2013.

О.М.Пардаева – Самарқанд ветеринария тиббиёт институти ўқитувчиси

ЎЗИНИ ЎЗИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАБ БАНДЛИК МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур масала бўйича мамлакатимиз миқёсида ва унинг ҳар бир ҳудуди бўйича ҳам кенг кўламли дастурлар тузилиб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Аммо шуларга қарамасдан бандлик муаммоси сақланиб қолмоқда. Чунки, ҳар йили 500 мингдан зиёд ёшлар меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибига қўшилмоқда. Аммо яратилган янги иш ўринлари 350-400 минг нафарни ташкил қилади. Агар аҳвол олдингидек сақланиб қоладиган бўлса, ишсизлар сони йилдан-йилга ортиб бораверади. Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизда барча банд аҳолининг камгина қисми олий маълумотли мутахассисларни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда 32,8 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб, 35,0 %га етган[1]. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткичнинг улуши 80-9 %ни ташкил қилади. Бундай шароитда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш бироз мураккаблашиб бораверишни мумкин. Чунки, юқори маълумотга ва малакали мутахассисликка эга бўлмаган аҳоли қўлидан инновацион иқтисодиётга ўтиш келмаслиги тайин. Шу туфайли меҳнатга қобилиятли аҳолининг таркибидан олий маълумотли аҳолининг сонини кўпайтириш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда аҳолининг бандлик муаммосини ҳал қилишнинг учта йўналиши мавжуд:

- давлат корхона ва ташкилотларига жалб қилиш;
- тадбиркорлик субъектларида ишга жойлаштириш;
- ўзини-ўзи иш билан таъминлаш.

Барча йўналишлар бўйича ишга жойлаштиришда асосан эътибор олий маълумотли мутахассисларга қаратилган. Бундай ходимлар асосан давлат корхона ва ташкилотларига жойлаштиришга ҳаракат қилинади. Олий маълумотли мутахассисларнинг бир қисми тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар. Кўп ҳолларда ўзини-ўзи иш билан таъминлайдиган шахсларда маълумот етарлича бўлмайди. Чунки, маълумоти йўқ аҳоли билан тизимли равишда ишга жойлаштириш масаласи билан қатъий шуғулланадиган мутасадди субъектлар деярли белгиланмаган.

Ҳозирги кунда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолига қуйидагилар киради:

- ишдан ажралган ҳолда таълим олаётган, қўшимча даромади

[1] Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: 2018. – 30 бет.

бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;

- ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари;

- бола тарбияси билан шуғулланадиган ишламайдиган аёллар ва уй бекалари;

- кўчмас ва кўчар мулкни ишлатиишдан даромад оладиган, ишламайдиган шахслар;

- ўз ихтиёри билан ишламайдиган шахслар.

Ҳозирги кунда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолининг (нофаол) умумий аҳолидаги улуши камайиш тенденциясига эга. 2014 йилда ушбу аҳолининг улуши 25,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб – 23,1 %га тенг бўлди [1] . Ушбу ҳолат аҳолининг яшаш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Ногиронлиги бор кишилар ва бошқа ишламайдиганлар (шу жумладан, уй бекалари ҳам) аста-секинлик билан қисқариб бораётганлигидан далолат беради.

Шуларнинг қаторида, вақтинча ишламайдиган, ишдан бўшаган, ҳали ишга жойлашмаган ишсизлар ҳам мавжуд. Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан банд аҳолининг улуши 2014 йилда 94,9 %ни ташкил қилган бўлса. 2017 йилда 94,2 %ни ташки қилган. Мос равишда ишсизларнинг уоуши 2014 йилда 5,1 %ни (100,0 – 94,9) ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб, 5,8 %ни (100,0 – 94,2) ташкил қилди. Ушбу ҳолат ишсизларнинг улуши мамлакатимизди ҳақиқатда ошиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Мамлакатимизда пенсионерлар улуши ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу аҳоли фаровонлигини оширилаётганлигидан далолатдир. Жумладан, 2014 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар 8,69 %ни (2697,0*100/31022,5) ташкил қилган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткичнинг миқдори 9,74 %га (3181,9*100/32656,7)[2] тенг бўлган. Худди шундай меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик аҳоли сонининг улуши ҳам ошиб бормоқда. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда 29,9 %ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб унинг миқдори 30,2 %га тенг бўлди[3].

Шу билан бирга, олиб борилган таҳлил натижалари жойларда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорида асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган[4].

---

[1] Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: 2018. – 24 бет.

[2] Ўша жойда, – 17-бет.

[3] Ўша жойда. – 19 бет.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь. 1-2

Биринчи вазифа, “тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлашдан” иборат.

Иккинчидан, “тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш” масаласи белгиланган. Чунки ҳар қандай киши ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиб кетавермайди. Уларнинг билимини ўстириш билан бирга руҳий жиҳатдан ҳам тадбиркорликка тайёрлаш лозим бўлади. Одам тадбиркорликка руҳий жиҳатдан тайёр бўлмаса, ундаги малака ҳам иккинчи даражали бўлиб қолиши мумкин. Шу туфайли, ушбу вазифани амалга ошириш ҳам катта ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва руҳий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Учинчидан, “тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш” масаласи қўйилган. Жуда кўп ҳудудларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган аҳоли қатлами мавжуд бўлиб, уларнинг ўз фаолиятини диверсификация қилиш имкониятлари ва истаклари пайдо бўлган бўлишлари мумкин. Бундай тадбиркорларга қўшимча иш ўринлари яратиш амалий ёрдам бериш чораларини кўриш лозим бўлади.

Тўртинчи вазифа, “касаначилик ва кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш орқали аҳолига қўшимча даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш” масаласидир. Бу бизнинг мамлакатимизда айниқса, иқтисодий фаол бўлмаган аҳолининг мавжудлиги учун аҳамиятлидир. Касаначилик меҳнати асосан уйда амалга оширилганлиги туфайли, бандликнинг ушбу тури ишламайдиган учинчи гуруҳ ногиронлари, бола тарбияси билан шуғулланадиган ишламайдиган аёллар ва уй бекалари учун жуда қулай юмуш бўлиб ҳисобланади. Чунки, улар бир вақтнинг ўзида болалар тарбиясидан узулмаган ҳолда меҳнат билан ҳам банд бўлади.

Бешинчидан, “қишлоқ ва маҳаллаларнинг ихтисослашувини (ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш ва бошқалар) ҳисобга олган ҳолда мазкур соҳада ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини-кластерлар ташкил этиш”дан иборат, қилиб белгиланган. Ушбу йўналиш бўйича ишсизларни ўзини-ўзи иш билан таъминлаш пинципига ўқитиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳам одамларни руҳий жиҳатдан

бетлар.

тайёрлашга алоҳида аҳамият бериш лозимдир. Чунки, давлат идораларида ва тадбиркорларга қарам бўлиб, кимнингдир буйруғи билан ишлагандан кўра, ўзи ишни ташкил қилиб, ҳеч кимга қарам бўлмасдан ўзи мустақил фаолият кўрсатишнинг афзалликларини ҳар бир инсон ҳис қилиб яшайдиган бўлишлиги лозим.

Олтинчидан, “жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш” масаласи ҳам устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Чунки оилавий тадбиркорликнинг аксарият қисми ўзини-ўзи иш билан банд қилиш принципи асосида иш тутади. Бундай шароитда, ҳар бир оилада тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, оилаларда тадбиркорликнинг микро кластерларини ташкил қилиш йўлида фаолият кўрсатиш кўникмасини шакллантириб боришни тақозо қилади.

Еттинчидан, қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш” масаласи ҳам иш билан таъминлаш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг устувор вазифалари сирасига киради. Чунки, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ўзида бўш турган ер майдонлари бўлмаслиги мумкин. Бундай жойларни уларнинг ихтиёрига бериш масаласи амалиётимизда синалган самарали йўллардан бири бўлиб қолди. Агар ушбу тадбирлар амалга оширилса, аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратилиши билан бирга, яна қўшимча даромад манбалари ҳам яратилади. Ушбу тадбирлар ҳам аҳолининг фаровонлигини ошириш имконини беради.

Саккизинчидан, “вақтинчалик молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш” масаласи ҳам устувор вазифалар сирасидан ўрин олган. Сир эмас, бизда кўпчилик тадбиркорлар, айниқса маҳаллаларда, давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Буларни рўйхатга олиб, фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизда мавжуд қуфиёна иқтисодиётнинг элементларига чек қўйилади. Ушбу тадбирлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, ўзини ўзи иш билан таъминлаб, ўзини банд қилиш муаммосининг ўз ечимини топиши, мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз қўйган вазифаларни аъло даражада бажариш билан бирга аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг оширилишига ҳам эришилади. Пировардида, халқнинг эртанги кунга ишончини ва уларнинг давлатдан рози бўлиб яшашлигини таъминлайди.

М.К. Рашидов – НДКИ катта ўқитувчиси,
А.А. Шарипов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

НАВОИЙ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4059-сонли Фармонига асосан ташкил этилди. “Навоий” эркин иқтисодий зонасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги 21-сонли қарорига асосан, Навоий вилоятининг Кармана туманидан 564 га (шундан 364 га ишлаб чиқариш майдони) ер майдони ажратилган. Ҳудуднинг бош режаси Маъмурий кенгашининг 2009 йил 29 апрелдаги 3-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юқори даражада инфратузилма яратилди. Масасал, “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 4,5 км ички автомобил йўллари қурилган, 21 км узунликдаги суғориш ва техник сув ички тармоғи ишга туширилган, 18,7 км узунликдаги ички табиий газ қувурлари ётқизилган, ҳудудга 5,5 км узунликда темир йўл линияси ётқизилган ва “Кармана” темир йўл логистика маркази ташкил этилган. 50 мВА ли электр подстанцияси хизмат кўрсатиб келмоқда.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 22 та тадбиркорлик субъектлари (шундан 15 таси қўшма корхона) томонидан қиймати 167,5 млн.доллар (шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - 49,8 млн.долл.) бўлган 29 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 2018 йил январь-декабрь ойлари давомида 916,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди (режага нисбатан 138,3%). 7,7 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди (режага нисбатан 38,3%) ва 1,3 мингта иш ўринлари ташкил қилинди.

Жорий йилнинг ўтган давр мобайнида 7 та лойиҳа амалга оширилиб, натижада 42,5 млн. доллар инвестиция киритилди (шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 15,9 млн. АҚШ долл.) ва 352 та янги иш ўрни ташкил этилган. Шу билан бирга, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида 24 та тадбиркорлик субъектлари томонидан қиймати 126,2 млн. доллар (шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - 33,9 млн. долл.) бўлган 25 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 275,5 млн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 87,9 млн. долларлик маҳсулотни экспорт қилиш ҳамда янги 1676 та иш ўринлари ташкил қилиш кўзда тутилган.

Давлат мулки бўлган объектлар ва ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Навоий” эркин иқтисодий зонаси

фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3774 сонли қарорига асосан Навоий шаҳридаги умумий ҳудуди 84,24 га бўлган фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудига киритилди.

“Навоий” эркин иқтисодий зонасидаги ўрганишларимиз давомида, мавжуд бино ва иншоотлардан қуйидагилар: 48 та цех ва завод (жами: 75.411 м^2), 23 та омборхона (жами: 6.706 м^2), 20 та ижтимоий объеклар (жами:3.459 м^2), 11 та гараж-бокслар (жами: 2.728 м^2), 15 та маъмурий бино (жами: 5.967 м^2) ва 10 та Лента-галерея (жами: 979м^2)лар мавжудлиги аниқланди. Мутахассислар хулосасига кўра мавжуд бино ва иншоотлардан 38 тасининг (4771 м^2 ишлаб чиқариш ва қўшимча бинолар) умумий ҳолати қониқарсиз ва қайта таъмирлаш ва реконструкция қилишга тавсия этилмаслиги ҳамда ишлаб чиқариш биноси сифатида фойдаланилмаслиги маълум бўлди. Бу ҳолат, инвесторга шубҳа туғдириши, табиийдир.

Яратилган имкониятлар билан хорижий ва маҳаллий инвесторларни хабардор қилиш ва уларни ҳудудга жалб этиш мақсадида, эркин иқтисодий зонанинг веб саҳифасида, вилоят ижтимоий тармоқларида ва оммавий ахборот воситаларида объектлар тўғрисида тарғибот ишлари амалга оширилиб, маълумотлар тақдим қилиб келинмоқда. Бундан ташқари, Дирекциянинг 2018 йилнинг 25 июлдаги 01/252-сонли хати орқали Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги 28 та элчихоналари ва консулликларига мазкур объектларга хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича амалий ёрдам сўраб мурожаат қилинган. Мазкур ҳудудга жойлаштириш учун “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгаши томонидан умумий қиймати 19,1 млн. АҚШ доллари бўлган 9 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши маъқулланган.

“Навоий” эркин иқтисодий зонасининг бугунги ва келажакдаги ҳолати тўғрисида таҳлилий маълумот

	2008-2018йй.	2019й.	2020й.
Яратилган иш ўринлари	1269 та	1676	850
Корхоналар сони	22 та	24	7
Лойиҳалар сони	30 та	25	7
Лойиҳалар қиймати (млн.долл.)	167,5	126,2	87,0
шундан:			
хорижий инвестиция (млн.долл.)	49,8	33,9	51,0
ўз маблағи (млн.долл.)	72,2	29,6	9.69
Банк кредити (млн.долл.)	45,6	62,7	26.27
Ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)	1897,4	2286,6	-
экспорт (млн. долл.)	39,0	87,9	-

Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 5,8 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, 405 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Бундан ташқари умумий қиймати 45,79 млн.

АҚШ доллари бўлган 7 та инвестиция лойиҳалари ЭИЗ ва КСЗ Маъмурий кенгаши томонидан кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, умумий қиймати 51,0 млн. долларга тенг бўлган 6 та истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 51,0 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритилиб, 550 та янги иш ўринлари яратилади.

Мутахассислик йўналишлари бўйича ривожланиш истиқболлари

Йўналиш	2008-2018йй.		2019й.		2020й.	
	Сони	қиймати млн.дол.	сони	қиймати млн.дол.	сони	қиймати млн.дол.
Машинасозлик ва автомобилсозлик	5	53,11				
Электротехника ва телкоммуникация	6	47,69	4	7,4	2	20
Кимё ва нетфкимё	4	17,61	2	1	1	25
Фармацевтика, гигиена ва тиббиёт буюмлар	3	6,94	2	4,7		
Қурилиш материаллари	2	39,48	12	86,8	1	3
Озиқ-овқат	1	1,21	1	2,4		
Енгил саноат	1	1,49			1	1
Чарм-пойафзал			1	2,9		
Бошқалар			3	22,0	2	37,9

“Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳамда мамлакатимиздаги барча эркин иқтисодий зоналарни янада ривожлантириш учун қуйидагиларни эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Мақсад, вазифа ва яратиладиган эркин иқтисодий зона типини бошидан аниқ қилиб белгилаб қўйиш керак, айниқса техник-иқтисодий асосланишни пухта ишлаб чиқиш зарур. Хорижий инвесторлар учун таваккали энг кам бўлган, харажатларни энг тез қоплаб бўладиган ҳамда бутун мамлакат миқёсида аҳамиятга эга бўлган зона турига, соҳага, тармоққа устуворлик бериш керак.

2. Зоналар сонини ва майдонларини иложи борича минимумга келтириш керак. Чунки жаҳон талабларига жавоб берадиган инфратузилмани яратиш жуда катта маблағни (аввалам-бор давлат бюджети ҳисобидан сарфланадиган) талаб қилади (масалан, ЭИЗнинг ҳар бир кв. км. майдонини жаҳон стандартлари талаби даражасига чиқариш учун ўртача 40-45 млн. долларни талаб қилинади).

3. Ягона қонунга асосланган эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг норматив ҳуқуқий базаси зарур. Бу билан норматив ҳужжатлар турлича талқин қилинишлар ҳамда улардаги қарама-қаршиликни бартараф этилади, қонунни суистеъмол қилиш камаяди, ЭИЗ фаолиятида барқарорликни таъминлашга эришилади. Қонунларда марказий, ҳудудий ва маҳаллий бошқариш органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиши шарт.

4.Ўзбекистон минтақаларида деҳқончик ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида эркин иқтисодий кластер зоналари ташкил қилиш мақсадга муофиқдир. Бу зона тез фурсатларда чўл зоналарини ўзлаштирилишига олиб келади.

5.Биламизки, хизмат кўрсатиш соҳаси икки марта кўп бошқа соҳаларга нисбатан самара беради. Бу соҳада ҳам алоҳида зона ташкил қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, тиббиёт хизмати. Бу хизмат бизда хусусий секторлар томонидан амалга оширилмоқда, лекин кўпгина операциялар учун чет элга чиқишга ва валютамиз сарфланишига олиб келяпти. Бунинг учун, энг аввало эркин тиббий хизмат зоналари ташкил этсак, ўша хорижлик тажрибали жарроҳни мамлакатимизга жалб қиламиз ва тиббиёт олийгоҳларимиз учун ҳам асосий амалиёт майдонини яратган бўламиз.

6.Тадқиқотларимиз натижасида шунга амин бўлдикки, маҳаллий корхоналар эркин иқтисодий зоналардаги имтиёзларни эшитишиб, ўзлари ишлаб турган жойларидан кўчиб, зона ҳудудида ўз корхоналарини ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда. Бу жараён, чекка туманлар ва қишлоқлардаги ўзи кам сонли корхоналарни ҳам, зона ҳудудига чорлаяпти. Бунинг учун Ўзбекистоннинг барча минтақаларига тегишли бўлган алоҳида имтиёзли эркин иқтисодий тартиб (режим) жорий қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Бу тартибга асосан- мамлакат ҳудудидаги корхоналардан хохловчи корхоналар ушбу тизимга ва тартибга асосан имтиёзлар пакетига эга бўладилар. Улардан фақат мамлакатга импорт ўрнини босувчи ва камида 50% экспортга йўналтирилган товарларни ишлаб чиқариш талаб қилинади. Бу тартиб давлатимиз томонидан жорий қилинса, маҳаллий инвесторларимизни изланишга ва халқаро бозорларга чиқишга ҳаракат қилишларига олиб келади.

7.Давлат бозор иқтисодиётининг асосий унсурларидан бири бўлган бозор очиқлиги сиёсатини устуворлигини таъминлаши зарурдир. Ҳозирги кунда бу борада бир қанча муаммоли вазиятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам бозор очиқлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаси деб,ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рашидов М.К. “Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмун –моҳияти ва ҳудудлар ривожланишига таъсири” // Иқтисод ва молия илмий – амалий журнали мавзусида 2012 йил №3 сон 50 - 54 бетлар.
2. Рашидов М.К. “Жаҳон мамлакатларида эркин иқтисодий зоналар тажрибаси таҳлили” // “Современные технологии и инновации горнр-металлургической отрасли” научно- технической конференции Навоий 14-15 июнь 2012 год 544-545 бет
3. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий зоналарнинг таснифланиш назарияси “Сервис” илмий – амалий журнал // -Тошкент,2017. № 4. – Б.13 –39.

М.А.Саидов – Ўзбекистон Республикаси хузуридаги Давлат
Бошқаруви академияси ДБА 2 – курс тингловчиси

РЕКРУТИНГ ТИЗИМИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Рекрутинг хизматлари бозори нафақат кадрлар хизмати бозори, балки меҳнат бозорининг ажралмас қисмидир, шунинг учун у ҳам меҳнат бозори, ҳам бозор учун тенденциялар ва қонуниятлар билан тавсифланади. Шундай қилиб, олди-сотди объекти бўлиб меҳнат ёки иш қобилиятини ишлатиш ҳуқуқидир. Пул алмашинуви субъекти нафақат муайян қобилиятларини эмас, балки амал қилиш муддатини ҳам ўз ичига олади, бу эса рекрутинг фаолиятининг турли йўналишларида акс этилган. Шу билан бирга, ходимлар хизмати билан боғлиқ хизматлар бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнат бозорининг мавжуд таърифларини таҳлил қилганда, ишга қабул қилиш меҳнат бозорининг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаш мумкин. Хизматни муваффақиятли ишлаши учун бозор инфратузилмаси зарур бўлиб, бозорда товарлар ва хизматларнинг эркин харакатланишини таъминлайдиган муассасалар ва ташкилотлар тизимидир. Шундай қилиб, рекрутмент меҳнат бозори инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг вазифалари иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ўз ичига олади. У иқтисодий тикланиш даврида турли хил йўллар билан ривожланади, иқтисодий ўсиш ва иқтисодий инқироз даврида фаолиятнинг турли жиҳатлари биринчи ўрнида туради. Меҳнат бозорининг фаолияти нуқтаи назаридан, давлат ва нодавлат воситачилик ташкилотларининг бир-бири билан рақобатлашиб бораётган инфратузилмалари мавжудлиги ижобий ҳисобланади, чунки ҳар қандай бозор аввало рақобатдошдир.

Макроиқтисодий даражада рекрутмент таъсири: [5]

1) Иқтисодий фаол аҳолини глобал иқтисодиётда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, шунингдек, жамиятнинг инсон ресурслари ҳаракатининг жадаллигига. Бугунги кунда иқтисодий тизимнинг глобаллашуви ва ахборотлаштириш, интернетдан фойдаланиш нафақат бир мамлакат ичида, балки бошқа мамлакатларда ҳам ҳар қандай минтақадаги ходимларни танлаш имконини беради. Бундай ҳолда, потенциал ишчилар яшаш жойидан қатъи назар иш топишлари мумкин;

2) Касбий тайёргарлик, малака даражаси ва шахсий фазилатлари нуқтаи назаридан ишчи кучи сифатини оширишдир. Ходимларни қидириш ва танлаш мезонларини аниқлаш учун ваколат моделини яратиш ва лавозим профилини яратиш потенциал номзодларининг касбий ва шахсий хусусиятларига бўлган талабларини шакллантириш имконини беради;

3) Инсон ресурсларига инвестицияларнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги;

Ички меҳнат бозори бозори даражасида ишга қабул қилиш (ички ва ташқи) қуйидагиларга имкон беради:

- Зарур инсон ресурсларини шакллантириш;
- Меҳнатнинг ҳаракатланишини рағбатлантириш;
- Корхонанинг ривожланиш стратегиясига таъсир кўрсатиш (стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқори даражали менежерлар ва асосий ходимлар жалб қилиниши);
- Ташкилот имиджини иш берувчи сифатида шакллантириш;
- Ходимларнинг сон ва сифат таркибини такомиллаштириш;
- Бизнес жараёнларни оптималлаштириш.

Рекрутинг корхоналари ва ходимлар агентлигининг мавжудлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши, мамлакатда ишсизлик мавжудми ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай мутахассислар учун жамиятда доимо эҳтиёж борлиги билан изоҳланади. Эҳтиёж кўп ёки камроқ бўлиши мумкин, лекин у доимо жамиятда мавжуддир. Ташкилотларда ҳар доим объектив сабабларга кўра (пенсия, ҳарбий хизмат, туғруқ таътиллари ва бошқалар) ишчилар қўнимсизлиги учраб туради. Доимий ёки вақтинчалик нафақага чиққан ходимлар ўрнига янги ходимларни қабул қилиш талаб қилинади. Шундай қилиб, рекрутинг хизматларнинг корхона, худуд, тармоқ ва бутун мамлакат даражасидаги бозорининг мавжудлиги ижобий холатдир.

Замонавий бозор иқтисодиёти даврида рекрутинг корхоналарининг мақсади – мижознинг манфаатларини қониқтирадиган ходимларни етказишдан иборатдир. Бу эса ташкилотнинг рақобатдошлигини оширишга, ва натижада унинг бозор нархларини оширишга имкон беради.

Сўнги 50 йил давомида рекрутмент бизнесга ёрдам берувчи фаолиятдан мустақил бизнес турига айланди ва рекрутинг хизматлари бозорини шакллантирди. [3]

Хусусий иш билан таъминлаш бўйича агентликларнинг меҳнат бозорида мавжуд бўлишининг “фойдали”лиги ишга ёлланган ишчилар ва мижоз-корхоналар орасидаги “ахборот камомадини ва маълумотларнинг номутаносиблигини” тезроқ ва самаралироқ қилади. Бунга қуйидагилар киради: меҳнат бозорида хизматлар сифатида ошириш; уларнинг номенклатурасини кенгайтириш; давлатнинг бандликка кўмаклашиш маркази фаолият соҳаси билан қамраб олинмаган бозор сегментида ишлаш.

Шундай қилиб, рекрутинг агентликларнинг фақат иш берувчи-мижозга йўналтирилиши сабабли уларнинг давлатнинг бандликка кўмаклашиш марказларидан асосий фарқи ҳисобланади. Бандликка кўмаклашишнинг махсухлаштирилган тижорат агентликлари ходимлар агентликларидан фарқли равишда иш берувчиларга ва иш изловчиларига йўналтирилган. Тижорат ташкилотлар ўзининг эгилувчанлиги ҳисобига меҳнат бозорининг инфратизимининг барқарорлигини сезиларли даражада оширади.

Рекрутинг агентликларининг вазифаларини шартли равишда иккита гуруҳга бўлиш мумкин: [4]

Биринчи гуруҳ – мижозга тааллуқли вазифалар:

1. Иш берувчининг талабларига мувофиқ номзодларни излаш ва танлаш.
2. Танловнинг, яъни тақдим этилаётган вакилнинг ишончлилиги. Бу рекрутинг агентликлари томонидан тақдим этилаётган номзодларнинг бажарадиган вазифаларини аниқ равишда ҳал этишга қодир эканлигига жавобгарлик ва кафолатларни олишидир. Кафолатлар лавозимнинг даражасига қараб муддатларга ажратилади.
3. Шартномада белгиланган муддатларда танловнинг ўтказилиши. Бу рекрутинг фирмаларнинг қобилиятлари ва буютманинг мураккаблигига қараб агентлик ва буюртмачи томонидан биргаликда белгиланади.

Иккинчи гуруҳ – рекрутинг агентликнинг ўзига таълуқли вазифалар.

1. Агентлик фаолиятининг рентабеллиги.
2. Ўз ходимларини қидириш ва ўқитиш.
3. Ходимлар хизмати бозорида ўз брендини яратиш ва ўсиш.

Ходимлар агентлигининг ва рекрутинг компанияларининг жамиятдаги энг муҳим институционал роли етакчи компанияларга малакали меҳнатни жалб қилиш йўли билан ишсизлик билан курашиш, бандлик тузилмасини яхшилаш ва бизнеснинг рақобатдошлигини оширишдан иборат.

Агентликларнинг самарали ишлашини таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб муаммолардан бири бу уларнинг кадрлар билан таъминланган-лигидадур. Бугунги кунда малакали рекрутерлар, яъни ходимларни танловини доимий равишда шуғулланадиган ишчиларнинг етишмайди.

Улар асосан рекрутинг корхоналари ва ходимлар агентликларида ишлайди, лекин корхоналарнинг ходимлар бўлими ҳам худди шу функция билан шуғулланишади. Уларнинг ишининг моҳияти мижоз учун керакли ишчиларни топиш ва тегишли хужжатларни расмийлаштиришдан иборат. Ушбу фаолият бир қатор тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади:

1) мижозларни қидириш;
2) мижозлар билан шартнома тузиш;
3) рекламаларни жойлаштириш;
4) резьюмеларни кўриб чиқиш;
5) потенциал номзодларнинг телефон қўнғироқларини қабул қилиш;
6) номзодларнинг шахсий ва касбий сифатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
7) номзодни мижоз билан интервьюга тайёрлаш;
8) ходимни янги иш жойига мослаштириш.

Шубҳасиз, рекрутинг агентликларнинг обрўси уларда ишлаётган маслаҳатчи (консультант)ларнинг касбий маҳорати билан баҳоланади. Ушбу соҳада муваффақиятга эришиш учун, одамда ўткир ақл, харизма, катта ҳажмдаги маълумотларни тузиш ва натижаларга еришиш қобилияти бўлиши керак. Бундан ташқари, муваффақиятли рекрутерда стрессга чидамлилик, мослашувчанлик, мулоқот қобилияти, тизимли таҳлил ва бошқа сифатлар бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рекрутер касбида аниқ шахсий сифатлар касбий сифатларга нисбатан катта роль ўйнайди. Рекрутернинг вазифаси нафақат мижозларнинг талабларини қондиришдан иборат, балки ўз карьерасини ўсишини истаган шахсларга маслаҳатлар ҳам беришади. Шундай қилиб, рекрутер мижознинг ва иш қидирувчи шахснинг умумий алоқаларини аниқлаш ва ҳамкорликнинг самарали усулларини топиш учун талабларини солиштириши зарур. Бошқача қилиб айтсак, рекрутер ёрдамида корхона ўзининг бўш турган иш ўрнинни тўлдиради, иш қидираётган шахс эса ўз касбий ва шахсий ривожланишни энг юқори даражада амалга ошириш учун "ўзининг" корхонасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 4947-сонли Фармонига [1] асосан Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Бандликка кўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида"ги [2] қонуннинг лойихаси муҳокама қилинмоқда. [6]

Ушбу қонун Ўзбекистоннинг қонунчилик амалиётида биринчи мартта ҳалқаро меҳнат ташкилотининг хусусий бандлик агентлиги тўғрисидаги конвенцияни халқаро стандартларини ва рекрутинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш мақсадида яратилди. Ушбу хужжат иш қидираётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси худудида маъқул иш танлаш, иш берувчи учун кадрлар танлаш, чет элда иш қидираётган шахсларга ишга жойлаштириш, меҳнат бозорида ахборт ва маслахат хизматлари кўрсатишни кўзда тутади. Шунингдек, рекрутинг фаолияти соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг мақоми ҳамда вазифалари белгилаб берилган.[8]

Рекрутинг агентликларининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- корхоналарни белгиланган мезонларга жавоб берадиган ходимларни танлаш, кейинчалик эса уларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикасида ва чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган иш жойларида ва бошқа хизматларда ишга жойлаштиришга ёрдам бериш.

Рекрутинг корхоналарининг иш қидираётган шахсларга ва корхоналарга хизматлар тўлов асосида амалга оширилади.

Шу тариқа мамлакатда рекрутинг хизматини жорий этиш орқали аксарият иш қидираётган шахслар ва иш кучига мухтож бўлган корхоналар бир бирларини топишади ва улар иқтисодиётни ўсишига катта хисса қўшиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. Қонун лойихаси. “Бандликка кўмаклашиш нодавлат ташкилотлари (рекрутинг агентликлари) тўғрисида”.
3. Баскина Т. Всемирная история кадровой индустрии – Москва. Манн, Иванов и Фербер. 2015 год.
4. Легкая Л. Е. Эффективность кадровой политики в рекрутинговых агентствах. Шифр ВАК РФ 08.00.05. 2012 год.
5. Папкова Л.Л. Подбор персонала. Практика эффективного рекрутмента - Издательство: Папкова Л.Л. 2013 год.
6. https://regulation.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси)
7. http://strategy.gov.uz (2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси)
8. http://parliament.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис қонунчилик палатаси)

Д.М.Маликова – СамИСИ ассистенти,
С.С.Тоғаев – СамИСИ ассистенти**,**
Х.М.Сандибоев – СамИСИ талабаси

ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБИДА ИННОВАЦИОН ХИЗМАТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда иқтисодиётнинг барча соҳаларини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, банк тизими соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш, банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш имконияти вужудга келмоқда.

Депозит — талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қайтариб бериш шарти билан топшириладиган миллий ва чет эл валютасидаги пул суммаси бўлиб, омонатларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар, жамғарма омонатлар, муддатли омонатлар, омонат сертификатлари каби турлари мавжуд.[1]

Барчамизга маълумки, 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони билан банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини

[1] “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида” ги Йўриқнома (2015 йил 26 август, 2711-сон)

ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган.[1]

Банкларнинг депозит базасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарасини тижорат банкларининг депозит ва депозит сертификатлари маблағлари қолдиғи бўйича 2018 йилнинг биринчи ярим йиллик кўрсаткичлардан ҳам кузатишимиз мумкин. Хусусан, тижорат банклари депозитлари қолдиғи 2017 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра жами 42 124 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг шу санасига ушбу кўрсаткич 1,5 баробарга ошиб 63 016 млрд. сўмни ташкил этди. Бундай натижага асосан 1 йилдан юқори бўлган муддатга жойлаштирилган депозитлар салмоғининг ошиши ҳисобига эришилганлигини кўришимиз мумкин.[2]

Шу ўринда, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 2018 йил 1 июл ҳолатига омонатлар таркибидаги талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 47 фоиздан ортиқ. Тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағларнинг муддати ликвидлиликни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Банклар учун жалб қилинган маблағларни жойлаштиришда, жалб қилинган маблағларнинг барқарорлиги ва муддати аниқ бўлиши мақбул. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йил I ярим йиллик статистик бюллетени маълумотларига кўра ҳисобот санасига банклардан ташқаридаги нақд пуллар 21 663,0 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Яъни ҳанузгача аҳоли қўлида ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрида нақд пул маблағлари йиғилиб қолмоқда. Бунинг сабаби сифатида бир қанча омилларни кўрсатишимиз мумкин, жумладан, инфляция суръатларининг ошиши, аҳолининг банкларга бўлган ишончсизлиги, ҳуқуқий саводхонлик даражасининг пастлиги, омонатларнинг муддатлари ва бошқалар.

Кўпгина давлатларда онлайн-омонатларга жойлаштирилган маблағларнинг салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Онлайн омонатлар асосан жисмоний шахслар учун банкка ташриф буюрмасдан мобиль банкинг тизими орқали депозит очиш имкониятини яратиб беради. Ўзбекистонда ҳам 2018 йилнинг бошидан бошлаб мазкур турдаги инновацион хизмат – онлайн-омонатлар жорий этилди. 2018 йилнинг июнь ҳолатига эса республикамиздаги 29 та тижорат банкларидан 13 таси онлайн-омонатларни мижозларга таклиф этди[3].

Онлайн-омонатларнинг бир қанча афзалликлари мавжуд, жумладан,

- жамғарма кассага келиб омонат ҳисобварағи очиш, пулни кассага топшириш, шунингдек омонатни расмийлаштириш учун ортиқча вақт сарфланмайди;
- омонатга ҳисобланган фоизли даромадни бошқа пластик

[1] http://www.lex.uz/docs/3107036
[3] http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/2018/07/128253/
[3] https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/sumdagi_eng_foydali_omonatlar_2018_yil_iyun

картага, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш учун йўналтириш;

- омонатга пул маблағи қўйишда омонатнинг шартлари билан мобиль банкинг дастури орқали танишиш ва электрон офертани тасдиқлаш;
- омонатларга ҳисобланган фоизли даромадлар ва бошқа барча кирим-чиқимлар бўйича мобил телефонига SMS хабар келади ва бошқалар.

Хулоса сифатида, шуни айтиш жоизки, банкларнинг мобиль банкинг тизимини доимий узлуксиз равишда хатоликларсиз ишлашини ҳамда колл-марказлар операторларининг омонатлар ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлишини таъминлаш, чунки банк омонати шартномаси тузилгунга қадар банк истеъмолчига оғзаки тарзда омонат тури, омонат муддати, омонат шартлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши керак[1], шунингдек, онлайн-омонатларнинг афзалликларини аҳолига етказилиши аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг омонатларга жалб қилинишига кўмаклашади.

С.Абдукаримов – СамИСИ талабаси

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги вақтда, бутун дунё бўйлаб юзага келаётган давлатлар ўртасидаги ўзаро рақобат майдонида ҳар бир мамлакат ўзининг мустаҳкам позитсиясига эга бўлишга интилмоқда. Бунда халқаро ва минтақавий муносабатларда сезиларли таъсирига эга бўлиш, иқтисодий барқарор ва сиёсий мустақилликка эришиш каби масалалар ўз аксини топади.

Зеро, ҳозирги даврда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланганлиги, ўзининг фуқаролари ва бошқа давлатлар олдида мустаҳкам мавқейига эга бўлиши учун кафолать ҳисобланади. Ўз навбатида, бизнинг мамлакатимизда ҳам амалга оширилаётган барча ислоҳотларда, ана шу мақсад асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатмиз иқтисодиётини янада мукаммал даражага етказишга қаратилган чора-тадбирлар юртимиз ривожланишига катта туртки сифатида хизмат қилмоқда.

Юқорида санаб ўтилган мақсадларга эришишда хизмат кўрсатишнинг роли ва унинг иқтисодий жараёнларга таъсирини кенгайтириш ва бу билан унинг самарадорлик кўрсаткияларини реяль равишда яна ҳам яхшилаш, унинг янада кенгроқ секторни қамраб олишга зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш, шу билан биргаликда хизмат кўрсатиш жараёнинини ташкил этишнинг сифат даражасини ошириш, унинг ўзига хос жозибадорлиги ва афзалликларидан фойдаланиш каби масалалар

[1] “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида” Низом (3030-сон, 02.07.2018 й.)

иқтисодиётимизни ривожлантиришда олдимизда турган асосий тўсиқ сифатида гавдаланади. Йиллар давомида, ривожланиш учун давлатлар ўзига хос йўлдан фойдаланишган бўлиб қадимги даврларда қишлоқ хўжалиги, ўрта асрларда саноат ва ниҳоят ҳозирги кунда энг мақбул йўл сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси қаралмоқда. Жаҳонда етакчи давлат бўлиб келаётган АҚШнинг ЯИМнинг 80%ни хизмат кўрсатиш секторига тегишли эканлиги ҳам юқоридаги фикрларнинг ёрқин исботидир[1].

Хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа соҳаларга қараганда бир қатор афзалликларга эга бўлиб, булар унинг иқтисодиётда яна ҳам кенгроқ доирада шаклланиши зарурияти, унинг самарадорлик кўрсаткичларини сезиларли яхшилаш қанчалик фойдали эканлигини кўрсатиб беради. Ушбу соҳа бошқа соҳаларга нисбатан камроқ капитал ва куч талаб қилиши унинг асосий афзаллиги ҳисобланиб, ўз навбатида бу унинг ривожланиш даврини анча қисқартириш, нисбатан кам харажат эвазига юқори кўрсаткичдаги даромадга эришиш каби ижобий натижаларга эга бўлишини таъминлайди.

Шу билан биргаликда, ҳозирги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган экологик аҳволнинг ёмонлашувини олдини олиш ва уни яна олдинги нормал ҳолатига қайтариш каби масалага ечим сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси катта рўл ўйнайди. Маълумки, бу соҳа табиий ресурслардан фойдаланиш даражасини кескин пасайситирибгина қолмасдан, уларни сезиларли даражада яхшиланишига ёки қайта тикланишига туртки сифатида ўзига хос аҳамият касб этади.

Хўш, барқарор ва мустаҳкам иқтисодга эришишда хизмат кўрсатиш қанчалик муҳим рол ўйнаши юқоридаги қисқача маълумотлар орқали етарли даражада ойдинлашди. Унинг самарадорлигини янада ошириш ушбу соҳанинг турли хил шаклларда намоён бўлишини ҳисобга олганда анча мушкул вазифа ҳисобланади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва самарадорлилиги жиҳатини оширишга қаратилган хар бир йуналишлар(коммунал, транспорт, маиший хизматлар)га индивидуал йондашишни талаб килади. Ушбу хусусиятни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги бир қатор усуллар хизмат кўрсатишни барча шаклларида хизматнинг таъсирчанлгини ошириш ва мижозларнинг мустаҳкам ишончини эгаллашга кўмаклашади.

Хизмат кўрсатишда авваламбор ишчи ҳодимлар муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг малакаси, мижозлар билан муомила маданияти ҳисобга олган ҳолда ишчи ҳодимлар таркибини тўғри ташкил этиш фаолиятнинг ривожланишида ва унинг бардавомийлигини таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда корхонада турли хил ҳодимлар кўникмасини оширишга қаратилган лойиҳалар,тренинглар мунтазам равишда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, фаолиятни қатъий тартибда ва аниқ кўринишдаги ишлаб чиқилган, маълум бир мақсадга йўналтирилган режалар асосида

[1] . Википедия, АҚШ иқтисодийоти, 2017 йил статистик маьлумотлари.

ташкил қилиш, яъни хизматни маълум бир қолибга солиш унинг ишончни сақлаб қолиши, турли хил фаолиятдан четланишлардан ҳоли бўлиши учун асосий таянч сифатида хизмат қилади. Бу ўз навбатида ҳодимларга маълум бир доирада эркинлик бериш билан биргаликда уларнинг иш фаолиятларини маълум бир стандартлар асосида баҳолаб бориш орқали амалга оширилади.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш босқичларини қисқартириш, яъни истеъмолчи билан иложи борича яқин масофада муносабатда бўлиш. Бу орқали уларнинг ўзларига кўрсатилаётган хизматга бўлган муносабатларини, фикрларини шу билан биргаликда уларнинг янги ва ўзига хос эҳтиёжлари ҳақида маълумотга эга бўлиш имконияти вужудга келади.

Тўртинчидан, мижозларга хизматларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи қўшимча қулайликлар яратиш. Хизматни етказиб бериш жараёнида истеъмолчига яна бошқа хизмат сифатини ва уни таъсирчанлигини янада оширадиган ихтиёрий таклифлар билдириш сингари ишлар ҳам ижобий натижага эришишга ёрдам беради.Мисол учун, меҳмонхона хизматини ташкиллаштиришда унга қўшимча сифатида турли хил кўнгилочар хизматларни таклиф қилиш мижозлар онгида ижобий тассурот қолдиришга хизмат қилади.

Бешинчидан, хизмат кўринишини доимий равишда янгилаб унинг жозибадорлигини ошириб бориш ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Бу орқали корхона мижозлар қизиқишини сақлаб қолиш ва янги мижозларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Олтинчидан, мижозлар билан узлуксиз равишда алоқада бўлиб туриш. Яъни, корхона ижтимоий тармоқларда ўзининг доимий равишда сўровномаларини олиб бориши ўзининг хизматлари, янги таклиф ва лойиҳалари ҳақида маълумотлар бериб бориши, шу билан биргаликда улар ҳақида мижозларнинг фикрларини ўрганиб бориши керак.

Етинчидан, талаб ва таклиф ўртасидаги тушунмовчиликни камайтириш ҳам хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга улкан хисса қўшади. Тўпланган маълумотлар асосида кейинги фаолият стратегик режаларини белгилаб олиш, ундаги турли хил камчиликларни бартараф этиш каби масалалар ушбу усулни асосини ташкил қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаларини қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳанинг тараққий этиши учун керакли шарт-шароитларни яратиб бериш, зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш иқтисодиётимизнинг янада жозибадор кўринишда шаклланиши, турли хил глобал иқтисодий муаммоларга бардошли бўлиши, жаҳонда мамлакатимизнинг кучли рақобатчи сифатида гавдаланишига катта хисса қўшади. Юқоридаги санаб ўтилган бир-бири билан узвий боғлиқликдаги усуллар асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш орқали унинг бошқа соҳалар билан узлуксиз боғлиқлигини таъминлаш ва шу билан бир қаторда унинг самарадорлигини ошириш сингари масалаларни ҳал қилиш мумкин.

II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИВА СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аҳоли ҳаёт фаровонлигини юксалтириш, моддий неъматлар ва хизматлар мўл-кўллигини таъминлаш, кишилар истеъмолини ҳажм ва таркиб жиҳатидан уларнинг тобора ўсиб борувчи эҳтиёжлари даражасига яқинлаштириш ҳар қандай прогрессив тизимнинг бош мақсади, унинг ривожланиш стратегиясидир. Бу масалада Ўзбекистон ҳам истисно эмас. Ҳозирги кунда мамлакатда Ҳаракатлар стратегияси доирасида, уни амалга ошириш бўйича қабул қилинган барча социал-иқтисодий дастур ва режаларда аҳоли турмуш даражасини ва сифатини юксалтириш, кенг кўламли ва катта амалий натижалар беришга қаратилган ислоҳотлар орқали иқтисодий ўсиш сурьатларини жадаллалтириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички махсулот хажмини ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлаштириб бориш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу пировард мақсадга эришишда ҳар бир соҳа ва тармоқларнинг, жумладан туризмнинг ҳам ўз ўрни ва алоҳида аҳамияти бор.

Нима учун айнан туризм соҳасининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини чуқурроқ, кенг асосда тадқиқ этишни, иқтисодий ҳаётимизнинг бу ҳар иккала узвий, ўзаро чамбарчас боғликда бўлган жиҳатларини ўрганишни зарур деб топдик? Биринчидан, туризмнинг аҳоли турмуш даражасини шаклантиришдаги роли юқори бўлишига, демак, ушбу тармоқни жадал ривожлантириш сиёсати унинг айнан аҳоли турмуш даражасини юксалтириш муаммоларини ечишдаги алоҳида аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигига қарамасдан, мавжуд адабиётларда асосий эътибор туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотининг шаклантиришдаги, айрим ҳоллардагина унинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли ва аҳамиятига қаратилган. Ваҳоланки, туризмнинг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсири фақат иқтисодий ўсиш ёки аҳоли бандлигини таъминлаш билан чегараланиб қолмасдан, балки яна бошқа бир неча муҳим йўналиш ва соҳаларда ҳам намоён бўлади. Иккинчидан, “Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси“ бўйича тайёрланган лойиҳага мувофиқ. Ўзбекистонда 2035 йилга бориб мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажмини

479 млрд. АҚШ долларига етказиш, туризмнинг ундаги улушини эса ҳозирги кундаги 1,4 фоиздан 28 фоизгача кўтариш назарда тутилаяпти.[1] Бундан хулоса шуки, яқин ва узоқ келажакда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда айнан туризм соҳаси асосий, етакчи ролни ўйнаши керак, демак, аҳоли ҳаёт фаровонлигини юксалтириш муаммосини ҳал этишда ҳам унинг роли бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан тезроқ ортиб боради.

Туризм сохаси аҳоли турмуш даражаси ва сифатига бир неча йўналишларда таъсир кўрсатади. Тадқиқот натижаларида умумлаштирилган ҳолда туризм соҳасининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатига таъсирини бир неча йўналишларини аниқладик.

Биринчидан, туризм соҳасида банд бўлган аҳоли реал даромадлари кўпаяди. Туризм соҳаси инсон иқтисодий фаолиятининг алоҳида тури сифатида туристик хизмат ишлаб чиқарувчиларига иш ҳақи сифатида катта даромад келтиради, уларнинг мамлакатда яратилган миллий даромаддаги улушини таъминлаб беради. Ҳозирги кунда туризм соҳаси мамлакат миллий иқтисодиёти таркибида энг тез суръатлар билан ривожланаётган, фаолият кўлами тобора кенгайиб бораётган ва шу туфайли ўта истиқболли соҳалардан бирига айланди. 2017 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган туристлар сони 1,5 млн кишини ташкил этган бўлса,2018 йилда уларнинг сони 4,8 млн кишига етди, яъни шу давр мобайнида у 3 мартадан зиёдроққа ошди. Ички туризм эса бундан ҳам тезроқ суръатлар билан ривожлана бошлади. Табиийки, туристлар оқимида юз бераётган бундай жиддий ўзгаришлар туристларни қабул қилиб, уларга турли хил хизматлар тақдим этаётган меҳнат аҳоли даромадларининг кўпайишида ўз аксини топади.

Иккинчидан, туризм соҳасига кирмайдиган, лекин туристларнинг турли товар ва хизматларга бўлган хилма-хил эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган барча тармоқ ва соҳаларда банд бўлганлар, банк, молия, суғурта, тиббий соҳа, маданият, санъат, туристлар хавфсизлигини таъминлаш хизматлари ишчи-ходимларнинг иш ҳажми кенгаяди,натижада улрнинг иш ҳақи даромадлари кўпаяди. Ҳозир мамлакатимизда туризм турларини кўпайтириш, саёхатчиларга янги туристик хизматларни таклиф қилиш, туризм базасини кенгайтириш ички ва ташқи туризмни жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиеёв Олий Мажлисга мурожаатномасига (2018 йил) бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, шундай деган: “Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд”.[2] Шу

[1]https://www.norma.uz/nashi_obzori/prezentovana_strategiya_razvitiya_uzbekistana_do_2035_goda

[2]Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиеёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Ҳалқ овози, 2018 йил, 19-декабр.

билан бир қаторда, экотуризм, аграр туризмни ривожлантириш, бу соҳаларда янги иш ўринларини яратиш қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли кенг қатламлари даромадларини кўпайтиришнинг асосий омилларидан бирига айланиши муқаррар.

Учинчидан, туризм ва туризм соҳасида ҳамда туристларнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш билан боғлиқ соҳа ва тармоқларда янги иш ўринлари яратилади. Туризмнинг ривожланиши туризм соҳасидаги корхоналарга (турагентликлар, туристларни жойлаштириш корхоналари: меҳмонхона, отель, санаторий, пансионат ва ҳоказолар), туристик корхоналарга қарашли овқатланиш шаҳобчалари (ресторан, ошхона, кафе, бар ва бошқалар) ҳамда дам олиш ва кўнгил очиш масканларида янги иш ўринларини ташкил этиш имконини беради. Бундан ташқари, туризм соҳасининг ривожланиши ушбу тармоқ билан бевоситава билвосита алоқадор тармоқ ва соҳаларда ҳам янги иш ўринлари яратишга имконият туғдиради (туризмга инвестицияларнинг мультипликатив самараси). Туризм билан бевосита алоқадор тармоқ ва соҳаларга савдо, умумий овқатланиш, транспорт, алоқа корҳоналарини киритиш мумкин. Бундан ташқари, туризм билан билвосита алоқадор соҳалар ва тармоқларда ҳам янги иш ўринлари яратишга шароит туғилади. Булар: аэропорт, вокзал, элчихона, суғурта ташкилотлари, тиббий муассасалар, хавфсизлик ва тартибни сақлаш хизматлари ва бошқалар. Туризм келтирган мультипликатив самара эвазига туризм ва унга боғлиқ бўлган барча соҳа ва тармоқларда кўплаб янги иш ўринлари яратилади ва бу муқаррар равишда Ўзбекистонда бандлик муаммосини ҳал этишда катта ижобий самаралар беради.

Тўртинчидан, туризмнинг ривожланиши давлат бюджети даромадларининг кўпайишига олиб келади. Туризм соҳасида ва туристларнинг эҳтиёжларини қондиришда у билан ҳамкорликда ишлайдиган барча соҳа ва тармоқларда фаолият ҳажми кенгайиб, даромадлари ошади ва бунга мос равишда давлат бюджети даромадалари ҳам кўпаяди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Туризмни тезкор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси тўғрисида”ги Фармони билан 2019-2025 йиллар учун Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш кўзда тутилган. Унга мувофиқ, 2025 йилда туризмнинг ЯИМдаги улушини 5 фоизга етказиш, хорижлик сайёҳлар сонини 9-10 млн. нафаргача кўтариш, жумладан мамлакатимизга узоқ хориждан келувчи сайёҳлар сонини 2 млн. кишига етказиш мўлжалланмоқда. Туризм хизматлари экспортидан келадиган даромадлар шу давр мобайнида 950 млн. доллардан 2,2 млрд. долларгача, яъни 2,3 мартага оширилиши кўзда тутилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, туристларга хизмат кўрсатишда, уларнинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда туризм соҳаси билан бевосита ва

билвосита алоқадор бўлган тармоқ ва соҳалардаги ишлаб чиқариш ҳажми туризмда яратилган хизматлар ҳажмидан ҳам кўп бўлади. Туризм ва унга алоқадор соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши натижасида давлат бюджетига солиқ ва бошқа тушумлар ҳам кескин кўпаяди. Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми аҳоли кенг қатламлари турмуш сифатини ошириш мақсадларида фойдаланилади.

Бешинчидан, туристлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида алоқа ва муносабатлар ўрнатилади. Саёхат чоғида туристлар маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ва аньаналарини ўрганадилар, тарихий меъроси ва маданияти билан яқиндан танишадилар, улар билан мулоқотда бўладилар. Ўз навбатида, маҳаллий аҳоли мамлакатда турист бўлиб келган меҳмонларнинг ҳаётидан, уларнинг тарихи ва маданиятидан ҳабардор бўлиш, бу хусусда қизиқарли маълумотлар олиш имкониятига эга бўладилар, дунёқарашлари кенгайиб, ҳаётий тажрибалари ортади. Буларнинг барчаси нафақат туристларнинг, балки маҳаллий аҳолининг ҳам турмуш сифатига катта ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари, туризм аҳоли турмуш даражаси ва сифатига турли мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамланиши орқали, шунингдек, таълимни ривожлантириш, янги билимларни ўзлаштириш, тажриба алмашиш, умр кўриш давомийлигини узайтириш ва бошқа жихатлар билан ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади.

И.С.Тухлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий инновацион-инвестиция фаолияти тизимини шакллантиришнинг барқарор ривожлантириш механизмларини яратиш мақсадида Ўзбекистонда қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хозирги пайтда инновация тушунчасига нафақат турли хил таърифлар берилмоқда, балки бирини иккинчиси билан қиёслаб бўлмайдиган кўпгина ҳодисаларни ҳам қўшиб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Инновация – бу келажак дегани”[1] сўзлари катта маънога эга бўлиб, инновация келажакда жамият талаб қилган иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техник ёки бошқа турдаги самарага эришиш мақсадида илмий янгиликларни жорий этишнинг якуний натижаси бўлиб ҳисобланади. Ўтган 2018 йил юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017 йил 22 декабр. https://president.uz/uz/lists/view/1371

йили” деб номланиши ҳам бежиз бўлмади. Натижада бу борадаги Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 минг та лойиҳа амалга оширилди.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг илмий ва инновацион-инвестиция сиёсатининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлмоқда: мамлакат иқтисодиёти ривожида фан ва техника улушини ошириш; моддий ишлаб-чиқариш соҳасини прогрессив ривожланишини таъминлаш; жаҳон бозорида миллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш; мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш; экологик муҳитни яхшилаш; мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Миллий инновацион-инвестиция тизимини шакллантириш механизмининг асоси бўлиб, Ўзбекистонда инновацион-инвестиция фаолиятнинг турли жиҳатларига тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий база яратилгани ҳисобланади, айниқса охирги икки йил мабойнида хукуматимиз томонидан бу борада муҳим фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3416-сонли қарори қабул қилингандан сўнг мамлакатимизда инновацион фаолиятга эътибор янада кучайди. Эндиликда фан ва инновациялар бўйича барча жараёнлар ушбу вазирлик томонидан амалга оширилмоқда ва бошқарилмоқда. Вазирлик Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелда «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3682-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор инновацион фаолиятга кенг имкониятлар яратиб бериш билан бир қаторда, инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни тўлақонли жорий қилиш, уларни хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг долзарблигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш тармоқларига амалий жорий қилишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор омиллар санаб ўтилиб, бу муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Инновацион инфратузилмани янада шакллантириш, тадбиркорликни, инвестицион салоҳиятни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, инновацион ғояларни, технологиялар ва лойиҳаларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий қилиш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ бир қатор ишлар амалга оширилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг 2018 йилдан бошлаб ҳар йили хорижий инновацион ва

илмий марказлар, инвестицион фондлар, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес-инкубаторларнинг фаол иштирокида халқаро интерактив инновациялар ярмаркаларини ва халқаро инновацион-инвестицион форумларни ўтказиш бўйича таклифлари маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майда яна бир қарори «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3697-сонли қарори имзоланди. Шу йилнинг 7 май куни «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Унга кўра, Олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректорлик лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозими жорий этилди. Қарорга асосан, Олий таълим муассасаларида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвеститциялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2017-2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инноватцион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг етишмаётган қисмида ўз вақтида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши таъминланди.

Ушбу фармон ва қарорларни қабул қилиш молиявий ресурсларни инвестициялаш, инновацион лойиҳаларни кредитлаш механизмини яхшилаш, инвесторлар ва кредиторлар учун инновацион-инвестиция бозорини шакллантириш ҳамда ўрта ва катта илмий ҳажмли лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этиш имкониятини бермоқда.

Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёт самарадорлигининг асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, мамлакатнинг илмий-техник салоҳияти ташкил этади. Иқтисодиётнинг янги ҳолатга ўтиши иқтисодий ўсишнинг зарурий омили ҳисобланган илм-фанни талаб қилувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва инновацион фаолият моҳиятини оширишга хизмат қилади.

Иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришни таъминлашга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлар шароитида илмий- техник салоҳиятни сақлаб қолиш, уни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда. Инновацион фаолият тўғрисидаги қонун инновацион сиёсат стратегиясини ва тамойилларини шакллантириш тартибларини аниқлайди. Шу жумладан, қонун иқтисодиётда илмий ва илмий-техник фаолиятнинг ўрни; молиялаштиришнинг кўплаб манбалари, инновацион фаолиятни бошқариш тамойиллари; инновация соҳасида давлат ва вилоятлар миқёсида давлат бошқарув

органлари таъсирининг асосий шакллари, халқаро илмий-инновацион ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини акс эттиришга ёрдам беради.

Инновацион-инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий омиллари барча манфаатдор тузилмаларнинг фикрларини ҳисобга олишни таъминлаши ва шу вақтнинг ўзида инновацион жараёнларни рағбатлантириш бўйича чоралар қабул қилиш учун шароит яратиши лозим. Инновацион-инвестиция сиёсатнинг асосий мақсадларидан бири рақобатбардошликни ошириш ва шу билан бирга самарали технологиялар ва инновацион механизмларни қўллаш, кадрлар малакасини доимий равишда ошириш ҳамда товар ва маҳсулотларни ички ва жаҳон бозорида олдинги ўринларни эгаллашини таъминлаш ҳисобига инсонлар турмуш даражасини ошириш ҳисобланади.

Давлат инновацион-инвестиция сиёсатининг зарурий омили сифатида-ҳудудлар иқтисодиётининг ривожида истиқболли йўналишларда зарурий илмий-техник муаммоларни самарали ҳал этишни таъминловчи ресурслар, муддатлар ва тадбирларни бажарувчилари бўйича ўзаро алоқадор мажмуали-ҳудудий инновацион-инвестицион дастурлар ишлаб чиқиш керак бўлмоқда. Дастурларни тайёрлашда истиқболли илмий-техник ютуқларнинг кенг қамровини жорий қилиш учун зарур бўлган янги ва ўзаро алоқадор лойиҳалар, янги технологик жараёнларни шакллантиришга йўналтирилган, катта тузилмавий ўзгаришлар учун сезиларли аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий йўналишлар, башоратлар ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим.

2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, янги – 2019 йилга **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”** деб ном берилиши ҳам бежис эмас, фақат ўтган 2018 йилда Ўзбекистоннинг Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.[1] Шу туфайли янги йилда инновацион-инвестиция жараёнларини молиялаштиришни оптимал инструментларини излаб топиш муаммоси катта аҳамият касб этади, чунки инновацион фирма ихтиёрида бўлган ресурслар ҳажми ва характери инновацион стратегияни аниқловчи зарурий ташкил этувчи ҳисобланади. Жорий этилаётган инвестицион-инвестиция лойихалар илғор истиқболли техника ва технологик тенденцияларни қай даражада ҳисобга олганлиги микродаражада фирманинг олаётган фойда миқдорига боғлиқ бўлса, макродаражада эса мамлакатнинг халқаро бозорлардаги

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабр. https://president.uz/uz/lists/view/2228

рақобатбардошлигини ҳамда илмий-техник тараққиёти даражасини амалга оширишда акс этади.

Халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳозирда қисқа муддатлар ичида ички ва халқаро бозор учун рақобатбардош воситалар яратиш имкониятига эга бўлган юқори илмий-техник салоҳиятли, истиқболли соҳаларни яратиш ва фаолиятини амалга ошириш босқичида турибди. Бунинг натижасида биз миллий инновацион-инвестиция тизими ривожини ҳамда уни жахон илмий-техник тизимига интеграциясини кўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатимизни иқтисодий ривожланишини янги инновацион-инвестиция моделига ўтишини таъминлашига асос бўлади.

Н.С.Ибрагимов – БухДУ докторанти, и.ф.н.

ТУРИСТИК ҲУДУД БРЕНДИ ФОРМУЛАСИ ВА УЛАРНИ ТОИФАЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Худди маҳсулот ва хизматалар каби туристик ҳудудлар ҳам ўз тижорат белгиси, яъни брендига эга бўлиши тобора глабаллашиб бораётган, бир-бирига ўхшаш саёҳат турларини таклиф қиладиган туристик жойларнинг кўпайиб бораётган айни тарихий даврда жаҳон туризм бозоридан мамлакат ўрнини топиш, бошқа туристик давлатлардан фарқлаш имкониятини берадиган туристик рамзни яратиб уни бозорда қанчалик самарали тарғиб қила олиш, туризм соҳаси барқарор рақобатбардошлигига эришишда белгиловчи бўлиб ҳисобланади. Ушбу тезисда, туризм соҳасини Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бирига айлантиришда ўта долзарб масала, туристик ҳудуд бренларини тоифалаш методологиясига оид илмий хулосалар келтирилган.

Тадқиқотда 200 дан ортиқ туристик ҳудуд (минтақа, мамлакат, вилоят, шаҳар ва туман)ларнинг брендларини 3 қисм (ҳудуд номи, логотипи ва слоган) дан иборат яхлит объект сифатида ўрганиш методологияси қўлланилиб, *ҳудудий кўлами, бренд таркиби ва логотипнинг шаклига* кўра тоифалаш усули таклиф этилган бўлиб, унинг илмий янгилигидир.

Худди маҳсулот ва хизматларга ўхшаб ҳудудларнинг ҳам брендини яратиш мумкин. Туристик ҳудуд ҳақида умумий тасаввурнинг шаклланишида 2 турдаги белгилар фаол қатнашади:

1. **Атрибутив белги** – туристик ҳудудга мос келадиган белгилар мажмуи (географик жой номи, логотип, шиор, байроқ, герб, гимн).
2. **Маҳаллий белги** – туристик ҳудуд билан боғлиқ маълум диққатга сазовор жой белгиси.

Бизнинг фикримизча, амалда туристик ҳудуд бренди таркиб жиҳатдан қуйидаги элементлардан иборат:

- **Логотип** – туристик ҳудудни бошқа жойлардан фарқловчи маълум белги, меъморий обида, табиат манзараси ёки ноёб ҳайвонларнинг тасвири, байроқдаги ранглар, давлат харитасининг контурлари, миллий, диний ёки тарихий рамз ва бошқалар;
- **Туристик ҳудуднинг номи (**логотипга айлантирилган гибрид шаклида, туристик ҳудуд порталининг манзили шаклида**);**
- **Туристик ҳудуднинг потенциал ташриф буюрувчига берадиган ваъдаси (**илмий адабиётларда слоган, мото, шиор каби тушунчалар қўлланилади).

Айтиш жоизки, туристик ҳудудларнинг брендлари ягона стандарт асосида шаклланмайди. 200 дан ортиқ туристик ҳудуд рамзларини ўрганиш эвазига тўлақонли **Туристик ҳудуд бренди** қуйидаги формула асосида тасвирланиши мумкин, деган хулосага келдик:

ТҲБ=Л+ТҲН+С

ТҲБ – Туристик ҳудуд бренди
Л – Логотип
ТҲН – Туристик ҳудуд номи
С - Слоган

Ваҳолангки, амалда жорий этилган турли географик кўламдаги туристик ҳудуд брендларининг барчаси ушбу формулага риоя этган ҳолда шаклланмаган. 200 дан ортиқ туристик ҳудуд брендлари ўрганиш натижасида, уларни турли гуруҳлар асосида қуйидагича тоифалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- **Ҳудудий кўламига кўра:** *қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят, давлат ва минтақаларнинг туристик бренди мавжуд;*
- **Бренд таркибига кўра**: *Логотип+Туристик ҳудуд номи+Слоган(шиор), Логотип+Туристик ҳудуд порталининг веб манзили+Слоган(шиор), Логотипга айлантирилган туристик ҳудуд номи+Слоган (шиор); Логотипга айлантирилган туристик ҳудуд номи+Туристик ҳудуд порталининг веб манзили;*
- **Логотипнинг шаклига кўра:** *мамлакатнинг туристик рамзи (меъморий обида, табиат манзараси, ҳайвон) тасвирланган логотип, мамлакат байроғидаги ранглар асосида шаклланган логотип, давлат номи билан тасвирланган логотип.*

Ҳудудий кўлами, бренд таркиби ва логотипнинг шаклига кўра тоифаланган туристик ҳудуд брендларига аниқ мисолларни 1-жадвалда кўриш мумкин.

***1*-жадвал**

Ҳудудий кўлами, бренд таркиби ва логотипнинг шаклига кўра тоифаланган туристик ҳудуд брендлари

ҲУДУДИЙ КЎЛАМИГА КЎРА ТУРИСТИК ЖОЙ БРЕНДЛАРИ			
МИНТАҚА БРЕНДИ - Жанубий Австралия		ДАВЛАТ БРЕНДИ - Бразилия	
ШАҲАР БРЕНДИ – Куинстаун (Янги зелландия)		ВИЛОЯТ БРЕНДИ – Трентино (Италиянинг вилояти)	
Туман бренди – Италиянинг Трентино вилояти Вал ди Нон тумани			
БРЕНД ТАРКИБИГА КЎРА			
Логотип+Туристик ҳудуд номи+Слоган (шиор)		Логотипга айлантирилган туристик ҳудуд номи+Слоган (шиор)	
Логотип+ Туристик ҳудуд порталининг веб манзили+Слоган(шиор)		Логотипга айлантирилган туристик ҳудуд номи+ Туристик ҳудуд порталининг веб манзили	
ЛОГОТИПНИНГ ШАКЛИГА КЎРА			
Мамлакат байроғидаги ранглар асосида шаклланган логотип		Давлат номи билан тасвирланган логотип – Дубай сўзи араб ва лотин ёзувларида келтирилган	

МАМЛАКАТНИНГ ТУРИСТИК РАМЗИ ТАСВИРЛАНГАН ЛОГОТИП			
Иорданиянинг Петра шаҳридаги меъморий обида тасвирланган бренд		Помир тоғлари тасвирланган Тожикистон туристик бренди	
Австралиянинг рамзи – КЕНГУРУ тасвирланган туристик бренд			

Манба: муаллиф ишланмаси

Хуллас, туристик ҳудудларнинг имижи бирламчи бўлиб, у туристик ҳудуд брендидан олдин мавжуд бўлади. Ташқи имиж, потенциал сайёҳнинг туристик ҳудуд ҳақидаги билимлари ва ассоциациялари (тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши) асосида шаклланса, ички имиж маълум географик жойнинг ваколатли шахслари томонидан тарғиб қилишда қўлламоқчи бўлган жойнинг белгиловчи хусусиятлари мажмуи бўлиб, негиз ва кенгайтирилган имижлардан таркиб топади. Туристик ҳудуд брендларини ҳудудий кўлами, бренд таркиби ва логотипнинг шаклига кўра тоифалаб, ТҲБ=Л+ТҲН+С формуласи орқали моделлаштириш мумкин.

О.Х.Холиқулов – СамИСИ ассистенти,
С.Камолова – Самарқанд молия иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси
О.Иноятов – СамИСИ, МХТ-116 гуруҳ талабаси

ТУРИСТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА КОРПОРАТИВ КАРТОЧКА ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТЎЛОВЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги замонавий дунё иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси, яъни туристик фаолиятга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан Республикамизда туристик фаолиятга доир янгича ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017-2021 йиллар учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифаси белгиланди. Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли

ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш[1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек: “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Шу боис, туризм соҳасини янада ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Келгуси йил учун Давлат бюджети дефицити 4,5 триллион сўм атрофида бўлиши ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз бўлиши режалаштирилмоқда. Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим.

Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, *тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш* нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 2019-2025 йилларда Туризмни ривожлантириш миллий концепциясини ишлаб чиқиши ва ижросини таъминлаши зарур. Шу асосда 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозим[2].

Республикамизда фаолият юритаётган туристик корхоналарда корпоратив карта билан амалга оширалидаган операцияларни тўғри ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқдир. Шуни қайд этиш лозимки, корпоратив картага маблағларнинг илк бор ҳисобга киритилиши ва кейинчалик тўлдирилиши корхонада белгиланган тартибга кўра: раҳбар ёки у ваколат берган шахснинг ёзма ёки оғзаки фармойишига асосан амалга оширилади. Маблағлар тўлов топшириқномасига кўра карта ҳисобварағига ўтказилади. Ҳисобда уларнинг ўтказилиши ва ҳисобга киритилиши қуйидаги ёзув билан қайд этилади:

Дебет ***5540-«Корпоратив карточка» ҳисобвараға***

Кредит ***5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобвараға кредити.***

Корпоратив карточкадаги пул маблағлари ҳаракати банк кўчирмасига қараб кузатилади. Бунда банк билан тузилган шартномада раҳбар, бухгалтер (мавжуд бўлганда) имзолаган карта ҳисобварағини тўлдириш реестрининг қўшимча равишда тақдим этилиши назарда тутилиши

[1] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

мумкин. Реестрдаги ҳамда тўлов топшириқномасига кўра ҳисобварақка ўтказилган маблағлар мос келиши керак, акс ҳолда банк карта ҳисобварағига ўтказилган суммани корхонанинг депозит ҳисобварағига қайтаради.

Ҳисобда корпоратив карточка бўйича операцияларни қуйидагича акс эттириш лозим:

1-жадвал[1]

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Дебет	Кредит
1.	Корпоратив карточ-кага маблағлар ўтка-зилганлиги акс эттирилди	5540-«Корпоратив карточка»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
2.	Корпоратив карточка воситасида товарлар, ишлар ва хизматлар ҳақи тўланди	4220-«Хизмат са-фарларига берилган бўнаклар»; 4230-«Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»; 4290-«Ходимларга берилган бошқа бўнаклар» ва б.	5540-«Корпоратив карточка»
3.	Корпоратив карточка воситасида тўланган харажатлар ҳисобдор шахсдан ҳисобдан чиқарилди	0800-«Капитал қўйилмалар»; 1000-«Материаллар»; 2900-«Товарлар»; 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 9400-«Давр харажатлари» ва б.	4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар»; 4230-«Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»; 4290-«Ходимларга берилган бошқа бўнаклар»
4.	Банкнинг воситачилик ҳақи ҳисобдан чиқарилди	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Шуни қайд этиш лозимки, ҳисобдор шахсга корпоратив карта берилаётганда унга картани бериш пайтида эмас, балки у қилинган харажатлар тўғрисида ҳисобот тақдим этган пайтда бухгалтерия проводкалари қилинади. Бунда ҳисобдор шахснинг қарзи картага ҳисоблаб киритилган бутун суммада эмас, балки картадан сарфланган маблағлар суммасидагина акс эттирилади.

Ишлатилган маблағлар бўйича ҳисобдор шахслар карта олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай қилинган харажатлар тўғрисидаги ҳисоботни бухгалтерияга тақдим этишлари шарт. У эркин шаклда расмийлаштирилади (тасдиқланган шакли йўқ). Бироқ ҳисобот корпоратив банк картаси воситасида пул маблағлари сарфланишига оид хўжалик операцияси амалга оширилганлигини акс эттирувчи бошланғич ҳисоб ҳужжати ҳисобланиши боис унда белгиланган қуйидаги мажбурий рекви-

[1] www.norma.uz - Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг сайти маълумотлари. 2019 йил. 18-январ.

зитлар қайд этилиши шарт:

- ❖ корхона (муассаса)нинг номи;
- ❖ ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;
- ❖ хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва ўлчов бирликлари кўрсатилган миқдор ўлчови (натура ва пулда ифодаланган ҳолда);
- ❖ хўжалик операциясини бажарган шахсларнинг (шахснинг) идентификация қилиш учун зарур бўлган фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ёхуд бошқа реквизитлари кўрсатилган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари[1].

Ҳисоботда унга қайси тасдиқловчи ҳужжатлар, масалан, слипларнинг асл нусхалари, электрон терминаллар квитанциялари, товар счётлари, контрагентларнинг ҳисобварақ-фактуралари, йўл чипталари ва бошқалар илова қилинаётганини ҳам кўрсатиш зарур.

Агар корпоратив карта маблағларидан хизмат сафари харажатларини, масалан, йўл чипталари, яшаш харажатларини тўлаш учун фойдаланилган бўлса, ходим хизмат сафаридан қайтгач 3 кун давомида ҳисобдор шахс, олинган ва сарфланган маблағлар суммаси, уларнинг қолдиғи ёки ортиқча сарфиёт ҳақидаги ахборот акс этган бўнак ҳисоботини тақдим этиши шарт. Бундай ҳисоботнинг тақдим этилиши, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқномада *(АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* назарда тутилган.

Ҳисобдор шахслар корпоратив карточкалар бўйича ҳисобот тузаётганда ва бошқа ҳолларда, агар корхонада ўзгача махсус шакл белгиланмаган бўлса, бўнак ҳисоботи шаклидан фойдаланишлари мумкин.

Ҳозирги вақтда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида корпоратив карточкалар орқали амалга ошириладиган тўловларни айни вақтда ҳисоби ва ҳисоботини ўз вақтида юритиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

П.Ш.Усмонов – СамИСИ ассистенти,
А.Н.Маматалиев – СамИСИ талабаси,
А.А.Аннаев – СамИСИ талабаси

ЭКОТУРИЗМНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, дастлаб, 1999 йил қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 17 апрелда «Ўзбекистон Республикаси 2006-

[1] Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг *(30.08.1996 йилдаги 279-I-сон, 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон Қонун таҳририда)* 14-моддаси.

2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 288-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг N ПФ-4861-сонли, 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм сохасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг қабул қилиниши ватанимизда туризм, жумладан, туризмнинг янги йўналишларидан бири бўлмиш экотуризм фаолиятини дастурий асосда йўлга қўйишда мустаҳкам пойдевор бўлди. Ушбу фармонда Президентимиз таъкидлаганидек, «…республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёж ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўлтранспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини, йўл-бўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш каби масалаларнинг қўйилганлиги туризм саноатини жадал ривожлантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.[1]

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда республикамизда аҳоли сонининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг жадал ривожи, автотранспорт воситалари кўпайиши атроф-муҳитга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг оқибатини камайтириш учун эса табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни қайта тиклаш бўйича ҳар томонлама пухта ўрганилган тизимли чоратадбирларни амалга ошириш зарур. Инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларнинг 20-25 фоизи атроф-муҳит билан боғлиқ. Масалан, атмосфера ҳавоси ва сув объектларининг ифлосланиши, тупроқ деградацияси, зарарланган муҳитда етиштирилаётган ёҳуд ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ҳамда бошқа омиллар киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, экологик хавфсизликни таъминловчи комплекс чораларни қабул қилиш йўли билан атрофмуҳитга кўрсатилаётган антропоген таъсирни имкон қадар камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу мақсадда минтақаларда экотуризмни жадал ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили Таъкидлаш жоизки, ўтказилган бошқа илмий тадқиқотлардан фарқли, мазкур тадқиқотда "экотуризмни жамиятга ижтимоий-иқтисодий моҳияти"ни тўлароқ очиб беришга эътибор берилмоқда. Шу боис, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш мақсадида соҳа мутахассисларига таниш

[1]Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони, Тошкент шаҳри, 2016 йил 2 декабрь.

бўлган “экотуризмни ижтимоий-иқтисодий моҳияти” ибораси бўйича адабиётлар таҳлилини ўтказамиз, улар бўйича қараш ва ёндашувларни умумлаштирамиз. Жаҳон амалиётида ва мутахассислар фикрича, экотуризмни ривожлантириш - муҳофаза этилиши лозим бўлган ҳудудларни эҳтиётлашга қаратилгандир. Мазмунан олиб қараганда, экотуризм ўзини-ўзи ҳимоялашга хизмат қилади. Туризмнинг экологик йўналиши даставвал, дунё миқёсида амалий ишлардан бошланган.

Экотуризм айни кунда намунали тарзда ривожланиб келаётган Скандинавия мамлакатларида 1972 йилдан бошлаб фуқароларга китларни томоша қилиш ва ўрганишни ташкил қилиш орқали йиғилган маблағни уларни муҳофазаси учун сарфлашган. Кейинчалик мамлакатда экотуристик маршрутлар ишлаб чиқилиб, улар Европанинг бошқа мамлакатларига, Осиё, Шимолий Америка давлатларига ёйилган. Экотуризмнинг мустақил туристик йўналиш сифатида ривожланиши XX аср охири ва XXI асрнинг бошларига тўғри келди. Лекин ҳозирги кунда экотуризмнинг умумий эътироф этилган назарияси ва амалиёти етарли даражада шаклланмаган. Масалан, Экотуризм тушунчанинг илк асосчиси Мексикалик эколог иқтисодчи олим Г.Ц.Ласкурейндир. Дунё олимлари экотуризмнинг иқтисодий жиҳатларини ўрганар экан, шунингдек, россиялик олимлар М.Б.Биржаков, В.И.Никифоровлар (Индустрия туризма: Перевозки (туристов) Туризм секторида сайёҳлар учун энг муҳими қулай ва тизимли транспорт воситалари эканлигини таъкидлашади.[1]

В.Ф.Буйленко (Туризм Ростов на Дону: Феникс,) Экотуризмга психологик ва педагогик томондан ёндашиб, экотуризмнинг инсон руҳиятига ижобий таъсирлари ҳақида тўхталиб ўтган.[2] Ибн Сино тиб илмида ҳам кўпгина касалликларни тоза ҳаво ва чиройли табиат қўйнида даволаш мумкинлиги ҳақида қатор тавсиялар бериб ўтган. В.В. Храбовченко, (Экологический туризм), тоғли ҳудудларда тоғли дарага элтувчи махсус мосламалар яхши иқтисодий самара беришлигига тўхталиб ўтилган.[3]

Экотуристик ҳудудлар бўйича Сурхондарё вилояти хусусида тўхталсак, мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланилиб, вилоятда хусусан, 2015 йилда 77 гектар ерда токзор, 400 гектар майдонда интенсив боғ яратилганлиги минтақаларда экотуризм ривожининг истиқболида муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, вилоятнинг Термиз, Ангор, Бойсун ва Олтинсой туманларида мана шундай диққатга сазовор манзарали гўшаларга сайёҳларни таклиф қилиш учун имконият ва масканлар яратилганлиги экотуризмни боғдорчилик туризмини ривожлантириш истиқболини белгилаб беради. Шунингдек, Республикамиз минтақаларида

[1] Биржаков М.Б., Никифоров В.И. Индустрия туризма: Перевозки (туристов) Издательский дом Герда, 2007 – 528 с.
[2] Буйленко В.Ф. Туризм Ростов на Дону: Феникс, 2008.-41с
[3] Храбовченко В.В. Экологический туризм, -М; 1983-221 с.

қишлоқ хўжалиги ҳажмини кенгайтириш ва сайёҳларни экскурсия қилишда яхши натижа беради. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш учун, экотуризм индустриясини шакллантиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экотуристик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг кадастрини олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудининг тўлақонли экотуристик харитасини яратиш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг мазмунини экотуристик маршрутларда акс эттириш, экотуризм бўйича мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш, экотуристик хизмат кўрсатишнинг мулкий шаклларини кенгайтириш ва мазкур фаолият билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга имтиёзлар белгилаш, уларни лойиҳа ва бизнес-режалар ишлаб чиқишда, моддийтехника базасини мустаҳкамлашда, ахборот-таҳлилий, тезкор хизмат базасини яратишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали юксалтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экотуризмни ривожлантириш борасида Фарғона водийсида қўриқхоналар ташкил этиш, ечимини кутаётган масала бўлиб қолмоқда. Бунга асосий сабаб, водий ҳудудининг нисбатан кичиклиги, аҳоли зичлигининг юқори эканлиги, саноат ва транспорт тармоқларининг бир-бирига ўта яқинлиги, водийнинг барча ҳудуди қарийб ўзлаштирилганлиги кабилардир. Лекин, водийда қўриқхоналар, экологик ва миллий парклар, «Табиат музейлари» каби сайёҳларни қизиқтирадиган манбааларни ташкил этиш имкониятлари мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони, Тошкент шаҳри, 2016 йил 2 декабрь.
2. Биржаков М.Б., Никифоров В.И. Индустрия туризма: Перевозки (туристов) Издательский дом Герда, 2007 – 528 с.
3. Буйленко В.Ф. Туризм Ростов на Дону: Феникс, 2008.-41с.
4. Храбовченко В.В. Экологический туризм, -М; 1983-221 с.

О.Жумақулов – СамДУ, 3-курс талабаси

САМАРҚАНДДА ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳозирги пайтда туризм соҳаси мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этиши ва у XXI аср жаҳон хўжалигининг устувор тармоқларидан бири эканлиги маълум бўлмоқда.

Шу туфайли туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегиясининг иқтисодиётни

ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишарида ҳам ўз аксини топгани бежиз эмас.

Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарурий манбаларга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ватанимиз қулай табиий-иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга.

Бугунги кунда хукуматимиз томонидан туризм соҳасига миллий иқтисодиётнинг стратегик сектор мақомини берилиши, унинг истиқболда ривожланишига катта замин яратди.

Жаҳон банкининг президенти Жеймс Д.Уолфенсон Самарқандга ташриф буюрганида «Кейинги 40 йил давомида мен қарийб бутун дунёни кезиб чиқдим, бироқ, Самарқанддек шаҳарни ҳеч жойда кўрмадим»[1], деб ўз қалб сўзларини айтган эди. Америкадан келган сайёҳларнинг фикрича, «дунёда биттагина Париж ва биттагина Самарқанд мавжуд».

Самарқанд ўзининг ноз-неъматлари, табиати, бой маънавий мероси, бетакрор тарихи, оламшумул меъморий обидалари билан бутун дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келаётган «сайқали рўйи заминдир». Хусусан, ўтган йили дунёнинг етмишга яқин давлатидан 240 мингдан ортиқ сайёҳ Самарқандга ташриф буюрди. Бугунги кунда Самарқандда 85 та туристик фирма, 107 та меҳмонхона фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон катта туристик ресурслар салоҳиятига эга бўлиб, унинг ҳудудида 7000 дан ортиқ тарихий-архитектура ёдгорликлари ва гўзал табиий-иқлимий ресурслари мавжуд. Шу боис, Самарқандда 1105 археологик, 670 меморий, 37 диққатга сазовор жой, 18 монументал, 21 мемориал, жами 1851 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд.

Аммо, бугунги кунда ушбу туристик ресурсларнинг 10/1 қисмигина туризм учун фаолият кўрсатмоқда, қолганлари эса туристик инфратизимнинг шаклланишини ва янги турмаҳсулотлар тайёрлашни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда кўпгина тармоқлар каби туризм индустрияси ҳам тез ривожланиб бормоқда. Туристик бизнесни мавжуд инвестиция, технология, ҳамда малакали ишчи-ходимлар орқалигина шакллантириб бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда, туристик ресурслардан самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Ташқи муҳитни ўрганиш натижаларига асосланиб, туристик фаолият юритишдаги бўлажак хавфларни олдиндан белгилаш мумкин. Шу мақсадда минтақадаги ички ва ташқи муҳитни ўрганишда SWOT – таҳлил усулини қўлладик. Унинг асосида туристик-рекреацион кластер ривожининг йўналишларини аниқлаш имконияти пайдо бўлди.

SWOT-таҳлил натижасида Самарқанд минтақаси туристик-рекреацион кластерини шакллантиришда қўйидаги омилларни эътиборга олиш лозим бўлди:

[1] Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Самарқанд, СамИСИ, 2007, 2-бет.

1. Самарқанд вилояти ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун бой ресурсларга эга.

2. Самарқанд кластерини шакллантиришда мавжуд ахборот базасидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиш керак.

3. Кластерли ёндашув мавжуд туристик объектлардан самарали, тўлиқ фойдаланишдан ташқари, уларни турли хавф–хатарлардан ҳимоя қилиш имкониятини берди.

4. Минтақада яратилаётган туристик маҳсулотни тўлиқ хажмда бозорга таклиф қилиш йўлларини аниқлаш учун қулай шароит яратиш.

Шунинг билан биргаликда, айрим камчиликлар ҳам аниқланди ва уларни бартараф этиш йўлларини излаш лозим бўлади:

1. Вилоятдаги табиий ва ижтимоий туристик ресурслар кенг кўламли бўлишига қарамасдан, улар ҳақидаги маълумотлар базаси мукаммал эмас, ресурсларнинг бошқа ҳудудлардаги объектлардан фарқли жиҳатлари тўлиқ ёритилмаган.

2. Кластернинг истиқболи учун муҳим бўлган бошланғич йўналишлари, туризм турлари ва шакллари илмий жиҳатдан асосланмаган.

3. Кластер туристик маҳсулотлари истеъмолчиларининг асосий гуруҳлари аниқ фарқлангани йўқ.

4. Туристларнинг кластер ҳудудига етиб келишини таъминловчи маршрутлар ва транспорт воситалари аниқ белгиланиши лозим.

Унинг кириш ва чиқиш кўрсатгичларини жадаллаштиришда баъзи масалаларни эътиборга олишни тавсия қиламиз.

Биринчидан, минтақалараро ҳамкорлик тамойилига амал қилган ҳолда кластер чегарасини кенгайтириш ва бошқа ҳудудлардаги объектларни мажмуа таркибига киритиш лозим бўлади. Бунда Хива, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарлардан транзит макони сифатида фойдаланмасдан, балки уларни туристлар 2-3 кун давомида тўхтайдиган иккинчи дестинация маконига айлантириш маъқул кўринади. Бу ҳолда туристлар олдиндан тур муддатини 2-3 кунга узайтирадилар. Ушбу иккинчи дестинация маконлари ўз имкониятлари доирасида, Самарқанд туристик-рекреацион кластери билан ҳамкорликда туристларнинг талабини тўлиқ қондирадиган туристик маҳсулотларни таклиф қиладилар.

Иккинчидан, кластер шаклланишинг илк босқичида унга асос бўладиган туризм шакллари ва турларини аниқлаш лозим. Илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, кластер 10-15 йил давомида шаклланади. Шу боис унинг дастлабки ривожланиш босқичларида муҳим бўлган йўналишларни ажратиш ва уларни кейинчалик кенгайтириш истиқболини режалаштиришнинг аҳамияти катта. Шунингдек, танланган йўналишларга мос келадиган инфратизимни таъминлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Барча йўналишларни бир пайтда ривожлантиришга интилиш эса молиявий таъминот хавфини туғдиради, етук мутахассисларни жалб қилишни қийинлаштиради.

Учинчидан, туристик кластер ресурсларининг беқиёс жихатларини,

алоҳида эътиборга молик объектларини аниқлаш ва асослашга жадал киришишга ёрдам беради. Зотан, таклиф қилинаётган туристик маҳсулотнинг бошқа ҳудудлардагидан фарқли жиҳатигина туристлар эътиборини жалб қила олади.

Тўртинчидан, Самарқанд туристик-рекреацион кластери ҳудудига туристлар оқими миқдорини ошириш учун авиакомпаниялар ва бошқа транспорт ташкилотлари билан бевосита алоқага киришиш ҳамда чартер йўналишларини ташкил қилиш талаб қилинади. Туристлар тўпланиш маркази фақат Тошкент шаҳри бўлиб қолмасдан, балки бошқа шаҳарлар имкониятларидан фойдаланиш йўлларини ҳам қидириш тавсия қилинади. Шунингдек, таклиф қилинаётган махсулотлар, сайёҳлик турлари таннархини пасайтириш имкониятларини излаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida» O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni.2016 yil 2 dekabr,PF-4861-son.
2. «O‘zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida» O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori.2016 yil 2 dekabr, PQ-2666-son.
3. “Oliy ta’lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. 2017 yil 20 apreldagi PQ-2909-son.
4. «Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak». O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning mamlakatimizni 2016-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasi. 15.01.2017.

Ш.Рахмонов – СамИСИ, “Сервис ва туризм” факультети талабаси,
М.Рахматова – СамИСИ, “Сервис ва туризм” факультети талабаси

ТУРИЗМНИНГ САЛОҲИЯТЛИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳар қайси мамлакатнинг дунёда ўз ўрнини топиши, халқаро майдонда танилишида муҳим рол ўйнайдиган соҳалардан бири ҳисобланадиган туризм соҳасини ривожлантириш республикамизда давлат аҳамиятига молик масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиз улкан туристик салоҳиятга эга бўлиб, туризмни ривожлантириш йўлида бугунги кунда республикамизда катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Республика ҳудуди бўйлаб ва ҳориждаги ўзбекистонликлар орасида ўтказилган статистик сўровнома натижаларига кўра, 2018 йилда иқтисодиёт соҳалари орасида энг катта ижобий ўзгаришга учраган соҳа сифатида туризм энг юқори кўрсаткични эгаллаган[1].

[1] Узбекистанцы назвали сферу с наиболее позитивными изменениями в прошлом году. Манба: https://nuz.uz. 9.01.2019.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларига кўра: “мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини — зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш” ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган[1]. Шу нуқтаи назардан бой туристик ресурс, узоқ тарих ва шонли ўтмиш, ўзига хос маданият ва санъат, халқ оғзаки ижоди, урф-одат ва анъана, бетакрор ва биохилма-хил табиат, дунё ошхонасида ўз ўрнига эга бўлган миллий таомларимизга хорижлик меҳмонлар қизиқишини янада ошириш муҳим вазифа бўлиб келмоқда.

Экотуризм барқарор туристик йўналишлардан бири ҳисобланади. Диёримизнинг бетакрор табиати, иқлими, сўлим гўшалари, табиат ёдгорликлари, давлат муҳофазасига олинган табиий ҳудудлари, сув ресурслари, флора ва фаунаси ҳар қайси туристни ўзига жалб қилади. Бу эса, республикамизда экотуризмни ривожлантириш имкониятининг юқори эканлигидан далолат беради. Мамлакатимизда 2007 йилда қабул қилинган “Экотуризмни ривожлантириш концепцияси” республикада ушбу туризм турини ривожлантиришга анча олдин эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 450-сон Қарорига асосан Самарқанддаги “Зарафшон” давлат қўриқхонаси ҳудудини ва у ерда сақланаётган Бухоро буғусининг (хонгулнинг) туристлар томонидан кенг қамровли кузатилиши учун илмий-рекреацион ҳудудларни ташкил этиш вазифалари [2] , Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрь куни “Чорвоқ” эркин туристик зонаси ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли Фармонининг қабул қилиниши [3] ва Чорвоқ ҳудудида кенг кўламли ишларнинг олиб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Манба: www.lex.uz

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 450-сон Қарори. 2017 йил 30 июнь. Манба: www.lex.uz

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвоқ” эркин туристик зонаси ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли Фармони. 2017 йил 5 декабрь. Манба: www.lex.uz

борилаётганлиги, 2018 йилнинг сентабрь ойида АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган “Сўқоқ” ўрмон ҳўжалигида ўтказилган семинар-тренингда АҚШ Ўрмон хизматининг юқори тажрибали мутахассислари томонидан ўрмоннинг табиий манбаларига зарар келтирмаган ҳолда туристлар оқимини кўпайтириш борасида фикрлар алмашилганлиги [1] ва бошқа кўплаб мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Яна бир салоҳиятли туризм турларидан бири бу ***гастрономик туризм*** ҳисобланади. Ўзбек ошхонаси ўзининг мазали таомлари, қуёш иссиғида тобланиб пишган сарҳил мевалари, тотли тарвуз ва қовунлари билан дунё кулинария ихлосмандларини ўзига оҳанграбодек тортиб келмоқда. 2018 йилда National Geographic Traveler томонидан машҳур туристик йўналишлар учун овоз бериш жараёнида “Гастрономик туризм” номинациясида Италия ва Озарбайжон давлатларини ортда қолдириб Ўзбекистоннинг энг яхши туристик йўналиш деб тан олиниши ва бунинг яққол далили ҳисобланади. Гастрономик туризмни ривожлантириш ва бутун дунёга намоёқ қилиш мақсадида 2018 йилнинг 3-5 октабрь кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ”да бўлиб ўтган “Ипак йўлида туризм” XXIV Тошкент халқаро туризм кўргазмаси доирасида “Ипак йўли таъми” номи остида миллий таомлар гастрономик фестивалининг бўлиб ўтганлиги, Тошкент шаҳрида “Ўзбегим” фестивали доирасида қарийб 7,5 тонна ошнинг дамланиши ва унинг Гиннеснинг рекордлар Китобига киритилишини мисол қилиб олишимиз мумкин. Британиянинг The Guardian нашри томонидан Ўзбек ошхонасининг шоҳ томони ҳисобланган паловнинг “Энг яхши кўча таомлари” рўйхатига киритилиши [2] хорижий сайёҳларни мамлакатимиз гастрономиясига қизиқиш уйғотишда муҳим рол ўйнайди.

Мамлакатимиз туризмининг оғриқли нуқталаридан ҳисобланадиган мавсумийликка барҳам бериш ўта муҳим саналади. Туристлар оқими пасайиб кетадиган қиш мавсумида мавжуд туристик салоҳиятлардан самарали фойдаланиш зарурдир. “ТурСтат” агентлигининг берган маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри МДҲ шаҳарлари орасида қишки саёҳатни амалга ошириш учун энг яхши шаҳарлар рейтингида 6-ўринни эгаллаган [3]. Қишки туризмни ривожлантириш борасида катта амалий ишлар бошланган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 900 гектар майдонда жаҳон андозаларига мос келувчи биринчи “Amirsoy” тоғ-курортининг ташкил этилаётганлиги ва бу ерда тоғ-чанғи қорли трассалари тармоғи, 7 та осма дор йўли, сноуборд парки, спорт мактаби, ресторан, тоғ-

[1] Ўзбекистонда экотуризм янада ривожланади. “Сўқоқ” бу борада намуна бўлади. 22.09.2018. Манба: https://kun.uz/07720212

[2] 10 of the world’s best street food stalls: readers’ travel tips. Guardian readers. 6.09.2018. Манба: www.theguardian.com

[3] Названы лучшие города СНГ для зимних путешествий. 26.12.2018. Манба: https://tass.ru

чанғи жиҳозлари ижара пунктларининг ташкил этилиши хорижий туристларнинг қиш мавсумида мамлакатимизга ташриф буюришига асосий мотив бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, бугунги кунда кўплаб сайёҳларни қиш мавсумида ўзига жалб қилаётган Тошкент вилоятидаги Чимён тоғ-чанғи курортида маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сонини ошириш мақсадида туризм инфратузилмаларининг яратилаётганлиги бунга мисол бўла олади. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, Travel.ru сайёҳлик сервиси ва Forbes журнали билан ҳамкорликда россиялик сайёҳлар учун МДҲ ҳудудидаги нархи қиммат бўлмаган тоғ-чанғи курортлар ўнталигида Чимён 2-ўринни эгаллаган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, бажарилаётган амалий ишлар билан биргаликда хорижий туристлар учун туристик салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда янги иқтиқболли туризм турлари учун туристик инфратузилмани шакллантириш, ушбу турлар учун туристик маҳсулотларни яратиш ва уларни дунё туризм бозорига олиб чиқиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, янги туризм турларини ривожлантиришда туризм ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш, хорижий туристик компаниялар билан ҳамкорликда ишлаш, бозордаги истеъмолчиларнинг барча сегментини қамраб олиш мамлакатимиз туризм бозорининг ривожланишига ҳамда хорижий туристлар сонининг ошишига ўзининг катта ижобий таъсирини кўрсатади.

III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д., “Турон” фанлар академияси академиги,

И.М.Пардаева – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги бошқарув академияси Самарқанд ҳудудий филиали катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР НЕГИЗИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Барчамизга аёнки, ислоҳот – бу янгиланиш, ўзгариш дегани. Ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун, аввало раҳбарларимиз ва одамларимиз ўзгариши керак. Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради”[1], деган пурмаъно гапни айтдилар. Ушбу мақсадга эришиш учун бир қанча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилиш лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, “барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда[2], деб таъкидланди.

2019 йилда ҳам олдимизга улкан вазифалар қўйилган. Бу биринчи галда замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этишга қаратилган. Ушбу вазифаларни бажариш учун қуйидаги долзарб масалаларга эътиборни қаратиш лозим бўлмоқда. Бу вазифалар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган (1-жадвал).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида маъмурий ислоҳотларни давом эттириш, замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этишга қаратилган бир қанча устувор вазифалар белгилаб берилди. Улардан **биринчиси,** парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш лозим[3]лигига қаратилган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

[3]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

1-жадвал

Маъмурий ислоҳотларни давом эттириш, замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этишга оид устувор вазифалар

Вазифалар т/р	Вазифаларнинг мазмуни
Биринчидан	Парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш вазифаси
Иккинчидан	Ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш зарурлиги
Учинчидан	Давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш зарурлиги
Тўртинчидан	Маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада оширишимиз лозим
Бешинчидан	Халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши шартлиги

Ҳозирги кунда ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этаётган эмас, чунки конституцияга мувофиқ, парламент фақат Бош вазирни тасдиқлайди, лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмайди. Буни инобатга олиб Президентимиз мазкур мурожаатномасида Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритишни таклиф этди. Эндиликда бўлажак вазир парламент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилади ва унга эришиш йўлларини асослаб беради. Уларнинг илмий ва профессионал салоҳияти ва бошқарув қобилиятини, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳамда уларнинг ечимларини тўғри тушунишини шунга қараб баҳолайди.

Эндиликда жойлардаги маҳаллий кенгашларда ҳам вилоят ва туман идоралари раҳбарларини тасдиқлаш бўйича мана шундай амалиётни жорий этиш муҳтарам Президентимизнинг мазкур мурожаатномасида тавсия этилган. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир катта-кичик раҳбарлар эгаллайдиган лавозимига муносиб эканини исботлайдилар. Энди инсонлар тақдири олдингидек фақат қоғозга қараб эмас, балки жонли мулокрт натижасида унинг кимлигини билган ҳолда хулоса қиладилар. Бу эса раҳбарларни тўғри танлаш имконини беради. Адолат ўрнатилади, ушбу жараённинг шаффофлиги таъминланди.

Бугунги кунда парламент назоратининг таъсирчан чоралари-дан ва асосий шаклларидан бири Давлат ва қуйида маҳаллий бюджетларни қабул

қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқишга алоҳида аҳамият берилади. Шу мақсадни кўзлаб, Олий Мажлис қошида Давлат бюджети бошқармасини ташкил этиш тавсия қилинди. Мазкур бошқарма ушбу ишни юқори профессионал даражада йўлга қўйишга эришиши лозим.

Иккинчидан, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш зарур[1].

Олдин ҳам, ҳозир ҳам ислоҳотлар ижроси учун жавоб берадиган юқори ваколатли орган барча давлатларда Ҳукумат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтирилиши-ча, ҳозирги кунда Ҳукумат комплекслари таркибига 160 дан ортиқ идора ва ташкилотлар киради, Бош вазирнинг соҳа ва тармоқлар бўйича 8 нафар ўринбосари мавжуд[2]. Лекин Вазирлар Маҳкамаси ва унинг таркибидаги идораларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ўрни бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаслиги ҳам таъкидланди. Жумладан, вазирлар ва компания раҳбарлари арзимаган масала бўйича ҳам Вазирлар Маҳкамасига қатнашга ўрганиб қолган. Оқибатда, Ҳукумат фақат кундалик жорий масалаларни ҳал қиладиган тузилмага айланиб бормоқда. Табиийки, бундай шароитда мамлакатимиздаги иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганишга вақт қолмайди. Натижада ўз олдидаги муҳим стратегик масалалар маълум даражада эътибордан четда қолиб кетиши табиий.

Бугунги кунда барча раҳбарларга қўйиладиган талаб ўзгармоқда. Жумладан, 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берганимиз муносабати билан мутасадди вазирлик ва идоралар олдига қўйиладиган вазифалар ҳам ўзгармоқда. Шу йилдан бошлаб, инвестиция киритиш масаласи оддий инвестиция эмас, балки фаол инвестиция бўлади ва ижтимоий ривожланиш ҳам оддий эмас, балки бу ерда ҳам фаол ривожланиш бўлади. Ушбу талаб кўпгина раҳбарлар фаолиятига ўзгартиришлар киритишга тўғри келтирди. Масалан, Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг чет элдаги ваколатхоналари ҳам ўз ишини қайта кўриб чиқишлари, мамлакатимизга кўпроқ ўша ўзи элчи бўлиб турган мамлакатдан кўпроқ инвестиция киритишга сафарбар қилишлари лозим бўлади. Бу ўз навбатида, бизнинг хориждаги элчиларимиз фаолиятига ҳам қўйилган талабнинг ўзгаришига, уларнинг фаолиятига баҳо беришда биринчи навбатда инвестицияларни жалб қилиш бўйича қандай ишлаётганига ҳамда ана шу инвестиция миқдори қанчалигига қаралади.

Замон талабидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси Ҳукумат ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идоралар фаолиятини оптималлаштириш ва такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[2] Ўша жойда.

раҳбар кадрларнинг шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Президент қабулхоналари-нинг икки йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатдики, биз яқин ўтмишда халқдан, унинг ташвиш ва муаммоларидан анча узоқлашиб қолган эканмиз”[1], деган ҳақ гапни келтириб ўтган. Эндиликда фуқаролар билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифларни фаолиятнинг барча йўналишларида инобатга олиб, давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилишимиз, илғор давлат менежменти ва “ақлли” бошқарув принципларига босқичма-босқич ўтишимиз лозимлигига ҳам тўхталиб ўтди. Бундан буён давлат муассасалари бевосита одамлар билан ишлашга ўтади.

Бундан буён Давлат идоралари халққа хизмат қилади, тадбиркорларга яқин кўмакчи бўлади. Давлатнинг бошқарув соҳасидаги баъзи функцияларини давлат-хусусий шериклик асосида жумладан, “аутсорсинг” шаклида хусусий секторга босқичма-босқич топшириб боради. Хуллас, ижро ҳокимияти тизимини оптималлаштириш, маъмурий ислоҳотларни давом эттириш ва давлат бошқарувида замонавий менежмент усулларини кенг қўллаш учун зарур бўлган барча ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлар манзилли ишлайди ва ҳар бир соҳа бўйича мутасаддилар бўлади. Ушбу жараёндан ҳеч ким четда қолмайди, чунки натижадан ҳамманинг манфаатдорлиги таъминланади.

Учинчидан, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш зарур[2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида яна бир оддий ҳақиқатни, яъни Давлат идораларида малакали ва етук кадрлар етишмаётганлигини тан олиб айтишимиз кераклиги хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Эътироф этилишича, “Ҳанузгача давлат хизматчиларининг мақоми белгиланмаган, давлат хизматига қабул қилишнинг ошкора механизмлари ишлаб чиқилмаган”[3]. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Муҳтарам Президентимиз ўзининг мурожаатномасида давлат органларида эртага, истиқболда қандай вазифалар долзарб бўлиши, содда қилиб айтганда, беш, ўн, йигирма йилдан кейин қандай муаммолар олдимизда кўндаланг бўлишини прогноз

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[3] Ўша жойда.

қиладиган тизим ҳали шаклланган эмаслигини ҳам афсус билан қайд этди. Бундан келиб чиқиб, Президент Администрациясига тармоқлар фаолиятини самарали бошқаришда стратегик таҳлил, режалаштириш ва прогноз тамойилларига асосланган узоқ муддатли давлат сиёсати Концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бунинг учун келгусида давлат бошқаруви идораларида стратегик таҳлил ва прогнозлаштириш тузилмалари ҳам ташкил этилади.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида алоҳида Эксперт кенгаши ташкил этилади. Ушбу кенгашга хорижий мамлакатларнинг нуфузли олимлари ва амалиётчилари жалб қилиниши ҳам айтиб ўтилган. Кўриниб турибдики, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига асосан малакали ва тажрибали етук мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсати шакллантирилади. Чунки бутун дунёда барча соҳаларнинг мувоффақиятли юксалишини таъминлайдиган, моддий мулкнинг самарадорлигини оширадиган, жамият ҳаётининг танчлиги ва барқарорлигини ҳам таъминлайдиган ягона кун – бу инсон капитали, интеллектуал мулкдир.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқишимиз, уларнинг мустақиллигини янада оширишимиз лозим[1]лиги ҳам мазкур соҳанинг устуво вазифаларидан бири сифатида қайд этилган. Мурожаатномада таъкидланганидек, ҳудудларни ривожлантиришга оид масалаларни ҳал этишда аксарият ҳокимларда масъулиятни ўз зиммасига олиб, мустақил қарор қабул қилиш ва ташаббускорлик етишмаяпти. Уларнинг кўпчилиги бугунги тез ўзгаришлар замонига, ундаги пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал қилишга мослаша олмаяпти.

Мурожаатномада Муҳтарам Президентимиз 2018 йилда Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида амалга оширилган давлат бошқарувининг янги тартиби бўйича айрим натижаларга тўхталиб ўтган. Бу бевосита шаҳар ва туман ҳокимларига молия, иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат соҳалари раҳбарларини тайинлаш ваколати берилганлиги билан боғлиқ масалалар эди. Натижада 30 дан ортиқ комиссия ва кенгашлар тугатилиб, уларнинг ваколатлари тегишли ҳудудий органларга берилди. Самарасиз ишлаётган 12 та давлат унитар корхонаси ҳам тугатилди[2]. Яна бир муҳим жиҳат, Давлат бюджетига тушадиган маблағларнинг бир қисмини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш тартиби ўрнатилгани туфайли Тошкентда солиқ тушуми прогнозга нисбатан 2 триллион сўмга кўпайди. Давлат бошқаруви соҳасидаги бундай экспериментнинг ижобий натижаларини бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилади.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[2] Ўша жойда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳокимнинг айни вақтда Халқ депутатлари кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилинади. Ҳар бир шаҳар ва туманларда маҳаллий депутатлар таркибидан алоҳида кенгаш райислари сайланади.

2019 йилда мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий жараён – Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга навбатдаги сайлов ўтказилади. Ушбу тадбирни миллий қонунчилигимиз ва халқаро стандартлар асосида юқори савияда ўтказиш учун ҳар томонлама тайёргарлик ишларини ўз вақтида бошлаш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун ушбу масалаларни Олий Мажлис палаталарида атрофлича муҳокама қилиб, амалий чоралар дастурини қабул қилиш лозим бўлади.

Бешинчидан, халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши шарт [1], деган муҳим вазифа ҳам қўйилган. Ушбу масала бўйича ўтган икки йил давомида анча тажрибалар тўпланди. Мамлакатимиз миқёсида қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар айнан халқнинг талабидан келиб чиқиб, уларнинг манфаатларини ифода этмоқда. Чунки, раҳбарларимиз жойларда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этаётган бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Қабулхонасига мурожаат қилиши жамиятимизда ҳукм сураётган муаммоларнинг манзилини, мазмунини, унинг кимларга тегишли эканлигини, қачон пайдо бўлганлиги каби жуда кўр мезонларни аниқлаш имконини бермоқда. Ушбу ишнинг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш учун тегишли шароит яратиш жорий йилда ҳам катта-кичик давлат ташкилотлари фаолиятининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимизнинг барқарор ва жадал ривожланишига қаратилган ўнгланиш йўлидаги маъмурий ислоҳотларни давом эттириш, ҳаётимизга замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш борасида охирги икки йил давомида маълум ютуқларга эришдик. Ушбу эришилган ютуқларимизга таянган ҳолда жорий йилда ҳам асосий эътибор мавжуд камчиликларни аниқлашга қаратилади ва уларни бартараф этиш борасида муҳим қадам бўлади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

А.Н.Холиқулов – СамИСИ Менежмент ва статистика кафедраси мудири

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА УМУМИЙ БОШҚАРУВ АСОСЛАРИ

Хизмат кўрсатиш корхоналаридаги бошқарув жараёни қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, ишлаб чиқариш ва шу каби соҳаларида ҳаракатланувчи ҳар қандай корхона бошқаруви умумий тавсифларини ўз ичига олади. Кўпгина корхоналардагидек, бошқарув жараёни бу ерда ҳам меҳнатни тўғри тақсимланиши билан боғлиқдир, шунингдек хизмат кўрсатиш фаолият юритишнинг тақсимланиши кичик бўлимларга, секторларга ва ҳоказоларга ҳам боғлиқдир.

Энг аввало, биз хизмат кўрсатиш корхоналарида ўз ўрни бўлган бошқарув жараёнининг асосларини кўриб чиқамиз.

Бошқарувнинг асосий функциялари қуйидагилар:

- ишлаб чиқариш фаолияти мақсад ва вазифаларининг ривожланиши;
- мақсадга томон интилишни ва режалаштиришни ва вазифаларнинг ечими;
- қарорлар қабул қилиш;
- қарорларни тарқатиш – буйруқларни ишлаб чиқиш, хизмат ходимининг инструктажи ва ташкилоти, вазифаларининг бўлиб берилиши, буйруқларнинг бажарилиши жараёнини кузатиб бориш;
- кўзда тутилган режа ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Бундан ташқари, хизмат доирасидаги бошқарув ишлаб чиқариш ва хом-ашё бошқаруви асосларини алоҳида аниқлаб беришга ёрдам беради. Шунингдек, сиёсий умумий ташкилотларда ҳам хизмат даражасидаги бошқарув бозорининг ривожланиши вазифаларига хизмат қилади.

Шу билан бир вақтда бошқарув шу корхонада фаолият кўрсатаётган катта гуруҳ одамларининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга эътиборни қаратади.Лекин хизмат кўрсатувчи ва талабгор шахсларнинг муносабати тўлалигича бозор алмашинувига, олди-бердисига мос келавермайди. Улар орасида социал, маданий, психологик компонентлар юзага келиб, бу бир-бирига кучли таъсир ўтказишга айланади. Бошқа сўз билан айтганда, хизмат кўрсатиш ташкилотлари бошқарув ишида технологик – ишлаб чиқаришнинг жараёнлари биргина эмас, бир неча ҳолатларда хизмат корхоналари фаолиятини аниқлаб бера олади. Уларнинг барчаси хизмат менежментларининг умумлашган ҳолдаги ташкилотлар бошқаруви орасидаги фарқни келтириб чиқаради. Энди кўз олдимизга хизмат кўрсатиш корхоналаридаги бошқарув жараёнларини келтирамиз.

Умумий менежмент таҳлилидан бошласакда, бу таҳлил корхонача сиёсий ривожланиш билан боғлиқ бошқарув стратегияси билан маҳкам қўшилиб кетган. Бунда умумий бошқарув характерида кўпгина нарсалар корхона фаолияти ўлчамларига, ходимларнинг сонига ва ҳуқуқий-

ташкилий формаларига боғлиқ бўлади. Йирик акционерлик компанияларда, 50 кишилик акционерларга эга бўлганларнинг юқори раҳбарияти директор, қўмита ва бошқарув йиғилишига қўйилади. Директорлар маслаҳати йиғилишида умумий стратегик режа ишлаб чиқилади, бошқарма уни ҳавола қилади ва бош менеджер (бош администратор, директор, бошқарувчи) ўзларининг қўлида ташкилот, фирма ва филиалларининг барча нуқталарини ушлаб туради.

Ўртача хизмат кўрсатиш корхоналарида бошқарувнинг юқори бўлими ўзининг кичик административ кучлари сифатида тақдим этади. Бунда фақатгина раҳбариятга қарашли корхона қарорларини қабул қилувчи 3-7 кишилар ҳақида сўз боради. Шундай қилиб раҳбарият гуруҳини юқори лавозимдаги шахс (директор ёки бошқарувчи) ташкил қилади, бир ёки бир неча ўринбосар ва бош менеджерлар корхона асосий таркибини бошқаради (булар ишлаб чиқариш бошқарувчиси ёки хизмат кўрсатиш жараёнининг бошлиғи, кадрлар бўйича инспектор).

Кичик корхоналарда бошқарувнинг барча хусусиятлари қоидага биноан фақатгина бир шахсга қаратилган бўлади.

Энди хизмат кўрсатиш корхонаси юқори бўлимлари менежментининг вазифаларини кўриб чиқамиз:

- корхона фаолияти режаси, ривожланиш миқёси мақсадларини ишлаб чиқиш;
- корхонанинг бозор миқёсини баҳолаш ва унинг фаолиятидаги самарадорликни аниқлаш;
- умумий раҳбарият ва ташкилий-бажариш характерларини амалга ошириш;
- жамоа ичидаги ва жамоа ташқи муҳитидаги коммуникатив-координация функцияларини сақлаш;
- ходимлар ва улар фаолиятидаги асосий йўналишни назорат турлари орқали қўллаш;
- корхона ва хизмат кўрсатиш ишларида умумий хавфсизликни таъминлаш;
- компаниянинг бошқа умумий жамият, ҳокимият биргаликда ишлайдиган одамлар билан алоқани ривожлантириш;
- ҳозирги замон талабига жавоб берадиган, аҳамиятга эга, бизнес талабларига боғлиқ ишга тааллуқли ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш.

Юқорида қайд этилган вазифалар якка тартибдаги корхоналарга мос келмайди ва шунинг учун менежментнинг юқори бўлимини ташкил этувчилар кўпроқ фойда кўришлари мумкин.

Мақсад деганда корхона ҳолатидаги яқин келажак ва узоқ келажакдаги тараққиёти кўзда тутилади. Ишлаб чиқариш жараёнлар ҳаракатини, фирма, компания қачон, қандай мақсадда эканлигини аниқлаб беради. Мақсадлар бош, иккинчи даражали, умумий ёки хусусий, узоқ муддатли ва қисқа муддатли, тугалланган ва назоратли бўлиши мумкин.

Ҳар қандай компания бизнесида асосий мақсад қилиб ривожланиш, бозор рақобатбардошлилигини сақлаб қолишдир. Бу асосий мақсадни аниқлаб беришда бошқа мақсад ўрин эгаллайди, бу – даромад.

Менежмент корхонадаги даромад фирма борлигининг сабабчиси эмас, балки унинг фаолият натижаси эканлиги учун шароит яратиб бериши керак.

Даромаднинг ўсишига олиб борадиган умумий мақсадларга қуйидагилар киради:

- фаолият турларини йиғишда рентабелликдан фойдаланиш;
- фирма ривожланишда янги йўналишларни, фаолиятдаги янги турларни ишлаб чиқиш;
- фирмада иқтисодий барқарорлик ҳолатини ва унинг ишдаги хавфсизликни ҳар томонлама таъминлаш;

Тор доирада ва аниқ мақсадларга қуйидагилар киради:

- даромад маркази, сифатида алоҳида қисмлар рентабеллигини аниқлаш;
- хўжалик фаолиятида асосий турлардаги мақсадлар;
- хўжалик филиалларидаги мақсад.

Юқори менежментнинг асосий вазифаларидан бири – корхонанинг яқин 2-4 йилдаги ва 5 ёки ундан ортиқроқ йилдаги режалар мақсадини аниқлаш. Бу ҳолатда менежмент қўйилган мақсадни ақл билан ўз олдига мақсад қилиб қўйиши ва унга етишиши ҳолатини кўради.

Мақсадлар корхона (фирма) стратегиясини ишлаб чиқишда асосий рол ўйнайди. Хизмат кўрсатиш корхонаси стратегияси – бу корхонанинг мақсадини аниқлашга ва шакллантиришга кўмаклашади. Бунга корпоратив топшириқлар, кўзланган аниқ мақсадларни баҳолаш ва уларга эришиш масалаларини ечиш киради.

Ҳар бир фирманинг ўз вазифаси – мақсади бор. Лекин ҳамма фирмалар учун умумий бўлган асосий мақсад: омон қолиш ва фойда.

Ҳар хил корхоналар ва хизмат кўрсатиш кампаниялари ривожланишда бир хил йўлни танлашмайди. Бунда менежмент ўзининг ақлини ишга солиб ўзи учун шароит яратади, бу уни ҳеч ким кўрмайдиган шароитда фирмада альтернатив фаолиятини ишлаб чиқади.

Стратегияни ишлаб чиқиш қуйидаги вазифаларни ечиш билан боғлиқ:

- стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш;
- альтернатив фаолиятни баҳолаш;
- ички имкониятларни баҳолаш ва ташқи муносабатларни корхона томонидан ечимини топиш;
- маркетинг фаолиятидаги асосий тенденцияларни таҳлил қилиш;
- корхона фаолиятини мақсад ва режада белгиланган турли ҳисобларни юритишни баҳолаш;
- дастур, бюджет, режаларга тайёргарлик кўриш.

Корхона ўзининг келгуси режаларини мақсадга қарата аниқлайди. Бунда турли стратегиялар келиб чиқиши мумкин: бозор маҳсулоти,

стратегик маркетинг, рақобатчилик стратегияси, янги услубдаги инвестицион стратегия.

Кўрсатилган стратегия турлари бир-бири билан кесишиши ҳам мумкин. Қоидага мувофиқ, уларнинг ўрни фирманинг ички ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб туради.

Тадбиркорликнинг дунёвий тажрибасида узоқ вақтга белгиланган механизмларнинг ишлаб чиқишнинг қисқартирилиши ва корхона фаолиятини режалаштириш ҳам қисқартирилган. Хизмат кўрсатиш корхоналарида тез-тез ҳар қандай баҳода бўлмасин фойда, чунки "тез ишни бажарсанг – тез пул тушади", деган амалга риоя қилишади. Бу умумий кризисни енгиб ўтишга халақит беради, хизмат кўрсатишда, мамлакат иқтисодиётини тиклашда катта зарар етказади.

Айниқса, кичик хизмат кўрсатиш корхоналарида раҳбарлар орасида ишлаб чиқариш режасининг асоси ва стратегик менежментнинг кераксиз эканлигига ишонч ҳосил қилиш кенг тарқалган. Узоқни кўзлайдиган режалар улар учун кераксиз деб баҳоланади. Бундай ҳолатларда стратегик менежментнинг ишчи-ходимларини ва корхонани бошқаришдаги касбий билим маҳоратини яхши баҳолай олишмайди.

Албатта, ривожланишнинг узоқ муддатли дастури унча катта бўлмаган корхоналарда бошқача ишлаб чиқилади. Кичик хизмат кўрсатиш корхоналарида барча ташкилот ва технологларнинг хизмати катта даражадаги кунлик талабга биноан кўзда тутилган.

Бунда шуни ҳисобга олиш керакка, ҳар қандай мақсад ва режанинг муаллифи келажакда нима бўлишини тасаввур ҳам қила олишмайди. Шунинг учун менежер бу ёки у режани амалга ошираётиб, ҳеч қачон уларнинг натижаларининг яхшилигига ишонч ҳосил қилиши керак эмас, чунки кўпинча режа билан натижа ҳамма вақт ҳам бир-бири билан тўғри келавермайди. Асосийси шундаки, стратегик режалаштириш кўпинча натижани аниқ режалаштириш мажмуаси ҳар томонлама ташкилотнинг топшириқларини амалга оширишга ва мақсадга эришишни таъминлайдиган йўналишда бўлмоғи керак. Стратегик режа фирманинг олий раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилади. Уни амалга оширишда бошқарувнинг барча савияси қатнашади.

Хизмат кўрсатиш корхонаси менежментининг олий раҳбарияти кабинет раҳбарлари бўлиши мумкин эмас. Уларнинг иш мазмуни ходимлар, мижоз, бизнес ишчилари билан ҳамиша учрашувда, ҳаракатда бўлиши керак. Уларнинг эътиборидан сифатли хизмат қилишни таъминлаш кунлик масала эканлиги четдан қолмаслиги зарур.

Ҳар қандай хизмат кўрсатиш кампания ва фирманинг асосий эътибори корхона ва бизнеснинг хавфсизликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Бу борада сўз ҳамма томонлама хавфсизликка ёндошиш, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида. Шундай қилиб, хавфсизликни таъминлаш криминал элементларга қарши бўлиш ва ишчи, рақобатчиларнинг виждонан ишламасликларининг олдини олишга ёрдам беради.

Россия хизмат кўрсатиш корхоналарининг тажрибасига суянган ҳолда фирма раҳбарияти шуни ҳисобга олиш керакки, ўзларининг фирмаларининг хавфсизлигини таъминлаш керак:

- хавфсизликни таъминлашнинг узлуксизлиги – бу иш вақтида ҳам, фирма ёпилганидан кейин ҳам давом этиши;
- муҳофазанинг фаоллиги;
- қонуний, яъни ҳар бир нарсанинг қонунга мувофиқ бажарилиши.

Хизмат корхона бошқаруви олий раҳбариятининг асосий ғамхўрлиги – жамоа ишчиларининг бирлиги ва корхонанинг барча шароитларини яхшилаш.

Ш.Ж.Маматкулова – СамИСИ доценти, и.ф.н.,
О.Халиков – СамИСИ, МР-118 гуруҳ талабаси

МЕҲМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИДА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

2018 йил 7 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Давлатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маърузасида туризмни жадал ривожлантириш, туристларга муносиб инфратузилма яратиш, хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар давом эттирилмоқда. Меҳмонхоналарнинг инфратузилмаси, дам олиш масканлари ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун 2 триллион 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Бунинг натижасида минглаб янги иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда бренд меҳмонхоналарни ташкил этиш чораларини кўриш қайд этилди. Туристик, меҳмонхона ва ресторан хизматлари маркетингини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларга тур маҳсулотни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали реклама қилиб бориш, туризм соҳаси ходимлари иштирокида туризм мавзусига бағишланган махсус кўрсатувлар тайёрлаш, ҳар ҳафтада реклама мақсадларида туристик объектларнинг кўринишлари акс эттирилган видеотасмалар бериб бориш каби тадбирлар киради.

Меҳмонхона тармоғи ривожланишининг бозор иқтисодиёти модели қуйидаги тадбирлар орқали шаклланади:

- меҳмонхона бизнесида фаолият кўрсатадиган хусусий, қўшма корхоналарни ривожлантириш;
- бозор инфратузилмаси элементларини ривожлантириш;

- меҳмонхоналардаги туристик хизматларнинг нархлари ва тарифларини пасайтириш;
- ўрта ва кичик меҳмонхона бизнесининг ривожланишига хайрихоҳлик қилиш;
- меҳмонхона тадбиркорлиги бўйича антимонополия чораларини кўриш, бунинг асосида рақобатчилик муҳитини яратиш;

Меҳмонхона хизматлари маркетингини ташкил этиш турли хизматларни яратиш ва уларни бозорда сотишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олади: талаб катта бўлган хизматларни яратиш, реклама, тақсимот, тушумдан маркетинг тадбирлари учун фойдаланиш. Меҳмонхона хизматлари маркетингини кўп жараёнлари яхши ўрганилмаган. Биз меҳмонхона маркетингини такомиллаштиришнинг қуйидаги жараёнларини таклиф қиламиз:

Ўзбекистонга келувчи хориж ва МДҲ давлатлари туристлари таркибини ўрганиш, уларни меҳмонхона тизимларига жалб қилиш маркетинг тадқиқотларини асосини ташкил этиши лозим. Меҳмонхона хизматларини реклама қилиш ёрдамида туристлар у ёки бу меҳмонхона уларга нимани таклиф қила олиши мумкинлиги ҳақида , шу орқали эса Ўзбекистон ҳақида ҳақиқий тасаввурга эга бўладилар. Бозор сегментлари ичида ишбилармонлик ва хизмат юзасидан Ўзбекистонга келувчи хорижлик сайёҳлар энг қулайи ҳисобланадилар, уларга унча кўп молиявий маблағ сарфланиши талаб этилмайди. Шу билан бирга улардан Ўзбекистоннинг туристик саноатининг ҳар бир бўғимида хусусий корхоналарни ривожлантиришни қўллаб қувватлаши лозим.

Замонавий халқаро туризм турли давлатларнинг жаҳон туризм бозорига чиқишининг ўзига хос механизми бўла олади. Ўз вақтида миллий туристик мажмуаларнинг жаҳон бозорига кириб бориши натижасида миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари товар ва хизматлар бозорига кириб боришлари учун шароит яратилади.

Меҳмонхона хизматлари маркетинги мавжуд меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, меҳмонхона бозорида фаол фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган янги ўринларни очиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш технологияси ва ажратилиши режалаштираётган инвестициялар ҳисоб-китобини ўз ичига олади. Ундан ташқари маркетинг меҳмонхона хўжалигини мустақил туристик маҳсулотга айланишига ёрдам беради.

Туризмда фаолият натижасини туристик маҳсулот касб этади. Туристик маҳсулот – туристларнинг у ёки бу талабини қондирадиган ва улар томонидан тўланадиган ҳар қандай хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади. Туристик хизматга меҳмонхона, транспорт, экскурсия, таржима, маиший-воситачилик ва бошқа хизматлар киради. Меҳмонхона хизматлари ишлаб чиқариш ва истеъмолида маркетинг масалалари жуда муҳим роль ўйнайди. Сифатли хизмат кўрсатмайдиган меҳмонхона корхонаси ўзининг асосий мақсадларига эриша олмайди. Турли меҳмонхона корпорациялари ривожланишининг тарихи фойда маркетингни маҳсули эканлигини

кўрсатади. Меҳмонхона корхонаси олдида хизмат кўрсатиш маркетингини керакли даражада сақлаб туриш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси туради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мижоз меҳмонхонага яна келиш ёки келмаслиги унга кўрсатилган хизматнинг яхши ёки ёмонлигига боғлиқ. Биринчи марта меҳмонни яхши реклама, бой жиҳозлар ёки кенг турдаги таомномалар билан жалб қилиш мумкин. Аммо иккинчи марта меҳмон ходимларнинг малакали ишлаши ва олдин унга кўрсатилган хизмат сифатининг юқорилиги учун келади. Агар хизмат кўрсатиш корхонасини уни ривожланиш динамикаси нуқтаи назаридан кўриб чиқсак, унинг ҳаётийлигига энг катта таъсир кўрсатишини кўриш мумкин. Истеъмолчига сифатли маҳсулотни муваффақиятли сотиш корхона фаолиятининг асосий манбаи ҳисобланади.

Мижозларнинг хизмат маркетингига бўлган талабларини доимий ўзгариши ва кўпайишини эътиборга олган ҳолда мижозларнинг барча эҳтиёжларини ва белгиланган стандартларга мос келувчи сифатли хизматлар кўрсатиш муҳим стратегия ҳисобланади. Туризм минтақалари ҳам, алоҳида хизмат кўрсатиш корхоналари ҳам истеъмолчи билан муносабатда бўлиш соддалаштирилган ҳолда, фақат хизмат кўрсатиш технологияси асосида амалга оширилмаслиги кераклигини тушуна бошладилар. Хизмат маркетинги ҳар доим ҳам истеъмолчилар, раҳбарлар ва катта хизматчиларнинг ўзини ҳам қониқтирмайди. Юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминловчи омил маркетинг стратегиясини танлаш ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш стратегиясини ташкил қилиш учун корхона раҳбари энг аввало танламоқчи бўлаётган бозор шароитининг моҳиятини англаб етиши ва бу шароитда корхона қандай ўрин тутишини англамоғи лозим. Яхши ишлаб чиқилган стратегия қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим, яъни биз мижозларни қандай эҳтиёжларини қондира оламиз? Кимдан-дир яхшироқ хизмат кўрсатиш учун, биз етарлича билим ва тажрибага эгамизми-йўқми?

Хизмат кўрсатиш стратегияси ишбилармонларга учта асосий элементни ёдда тутиш лозимлигинни кўрсатади:

-мижозларнинг эҳтиёжлари ;

-бу эҳтиёжларнинг қондиришда корхонанинг қобилиятлари;

-корхонанинг узоқ муддат давомида фойдани ушлаб туриши.

Меҳмонхона стратегиясини асосий мақсади – етакчиликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир. Меҳмонхона хизматлари маркетингини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларга кўрсатадиган хизмат турларини кенгайтириш, нархни пасайтириш, реклама тадбирларини кучайтириш лозим. Маркетинг стратегиясида ташриф буюраётган сайёҳларни мамлакатлар бўйича ўрганиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзиллари, халқаро аэропортлар, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматларнинг сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

И.К.Комилов – магистрант АГУ при Аппарате Президента Республики Узбекистан

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫМИ РАЗВИТИЕМ СЕЛЬСКИХ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

Одним из основных факторов, сдерживающих ускорение инновационного развития сельских регионов Узбекистана, выступает затянувшийся процесс институционального укрепления механизма инвестиционного обеспечения субъектов региональной экономики и узкий спектр инструментов финансового обеспечения их крупных инновационных проектов, связанных с наращиванием экспортного потенциала территорий.

В период осуществления реформы государственного управления одним из важных условий устойчивого развития национальной экономики выступает своевременное институциональное укрепление региональных инновационных систем путем последовательного наращивания их научного и технического потенциала за счет роста инновационной активности субъектов региональной экономики и создания территорий опережающего развития.

Как показало проведенное нами исследование, эффективным средством привлечения иностранного капитала для нужд инновационного развития регионов в среднесрочной перспективе должны стать принятие мер по повышению инвестиционной привлекательности территорий республики для иностранных и внутренних инвесторов за счет внедрения рейтинговой оценки инвестиционной привлекательности регионов страны и утверждения национального рейтинга состояния инвестиционного климата в регионах республики.

Центральным направлением укрепления институциональных основ региональных инновационных систем должно стать создание в каждом из них территорий опережающего развития на основе центров инновационного роста в форме свободных экономических зон, малых промышленных зон, технических или технологических парков, сети бизнес-инкубаторов.

Другим важным объектом приложения совместных усилий органов государственного и регионального управления должно стать дальнейшее развитие в каждом сельском регионе современной рыночной инфраструктуры, обслуживающей потребности инновационных организаций и потенциальных инвесторов, за счет расширения сети инжиниринговых и внедренческих центров, консалтинговых и лизинговых компаний, и оценочных и аудиторских фирм, рейтинговых и коллекторских агентств, а также филиалов крупных коммерческих банков и страховых компаний

Перспективным направлением совершенствования механизма управления инновационным развитием сельских регионов должны стать меры по повышению инвестиционной привлекательности территорий республики для иностранных и внутренних инвесторов за счет предоставления им ощутимых налоговых льгот или других финансовых преференций. Для решения этой сложной задачи целесообразно использовать средства международных финансовых и образовательных институтов, а также практику приглашения в регионы республики квалифицированных экспертов зарубежных рейтинговых агентств или консалтинговых компаний.

Повышению инвестиционной привлекательности сельских регионов Узбекистана могли бы способствовать совместная работа подразделений Государственного комитета по инвестициям с областными хокимиятами по разработке и созданию качественных вэб-сайтов, раскрывающих инновационный и инвестиционный потенциал территорий республики, что повысит уровень ее прозрачности и инвестиционной привлекательности в глазах иностранных инвесторов.

Важными шагами на пути совершенствования механизма управления инновационным развитием сельских регионов должны стать и такие эффективные меры организационно-технического характера, как:

а) создание единой общереспубликанской базы данных об инновационном потенциале региональных инновационных систем, которая должна постоянно обновляться и способная стать доступной для частных предпринимателей и инновационных организаций, действующих в удаленных территориях республики;

б) формирование системы ощутимых имущественных, налоговых, таможенных и других преференций для внутренних и внешних институциональных инвесторов, участвующих в реализации программ инновационного развития регионов республики;

в) отработка вопросов правовой, информационной, патентной, организационно-технической, кадровой поддержки активных субъектов региональных инновационных систем;

г) налаживание эффективного сотрудничества продвинутых субъектов инновационной деятельности из регионов республики с ведущими зарубежными поставщиками передовых инновационных технологий и потребителями инновационной продукции из других территорий страны на горизонтальном уровне;

д) внедрение эффективной системы оптимального мониторинга и контроля за реализаций инвестиционных проектов, включенных в состав региональных программ инновационного развития.

Еще одним действенным институциональным фактором, способным обеспечить активизацию инновационной деятельности субъектов региональных инновационных систем, следует рассматривать повышение уровня реальной конкуренции на различных сегментах национального

финансового рынка, что позволит сделать для них более доступными банковские кредиты, лизинговое оборудование, а также другие виды инвестиционных ресурсов.

Отмечая важные достоинства указанных мер институционального характера со стороны органов государственного и регионального управления по поддержке процессов активизации субъектов региональных инновационных систем, нельзя забывать, что главным условием притока к ним иностранного и внутреннего капитала выступает повышение уровня их инвестиционной привлекательности за счет своевременного освоения ими международных стандартов бухучета и аудита, повышения прозрачности их деятельности, освоения выпуска экспортоориентровнной или импортозамещающей продукции.

Предметом особого внимания органов государственного управления и экономических министерств республики, заинтересованных в активизации субъектов региональных инновационных систем, следует рассматривать их усилия по расширению спектра и увеличению масштабов использования инновационных инструментов финансирования проектов предприятий-экспортеров, являющихся подлинными драйверами развития региональных экономик.

Последовательный курс на реализацию указанных направлений институционального укрепления механизма управления региональными инновационными системами способен оказать позитивное влияние на активизацию инновационных процессов в сельских районах республики, что безусловно повысит уровень их инвестиционной привлекательности для иностранных инвесторов.

В заключении следует подчеркнуть, что своевременность и качество институционального укрепления и дальнейшего функционального развития региональных инновационных систем в Республике Узбекистан в значительной степени будет зависеть от уровня взаимодействия органов государственного, отраслевого и территориального управления в вопросах разработки и реализации взвешенных стратегий эффективного использования ресурсного, производственного и экспортного потенциалов территорий, внедрения прогрессивных экономических отношений и новых подходов к внедрению инновационных методов финансирования.

Только слаженная и четкая работа всех участников процесса активизации инновационной активности субъектов региональных инновационных систем позволит добиться качественных структурных сдвигов в деле наращивания масштабов выпуска экспортной продукции и внести тем самым весомый вклад в повышение темпов сбалансированного социально-экономического развития сельских регионов Узбекистана.

С.Э.Анваров – слушатель II курса Академии Государственного Управления при Президенте Республики Узбекистан

ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МОТИВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ В ОРГАНИЗАЦИИ ТРУДА РАБОТНИКОВ

Как отмечено в Указе Президента Республики Узбекистан от № УП-4947 от 7 февраля 2017 г., “Отказ от административно-командного управления экономикой, поэтапная реализация рыночных реформ и взвешенная денежно-кредитная политика способствовали обеспечению макроэкономической стабильности, высоких темпов роста экономики, удержанию инфляции в прогнозных пределах, созданию широких возможностей и благоприятных условий для развития малого бизнеса и частного предпринимательства, фермерского движения.

Вместе с тем, всесторонний анализ пройденного этапа развития страны, изменяющаяся конъюнктура мировой экономики в условиях глобализации и усиливающаяся конкуренция требуют выработки и реализации кардинально новых идей и принципов дальнейшего устойчивого и опережающего развития страны.” [1]

В современных условиях ускоренных изменений, когда само существование многих организаций и перспективы их дальнейшего развития определяются эффективностью человеческих ресурсов, вопросы мотивации трудовой деятельности персонала приобретают особую актуальность для управления.

Мотивация является важнейшим фактором в области кадровой политики, и поэтому одной из важнейших задач кадрового обслуживания является создание мотивационного механизма, который поощряет людей к эффективной работе. Материальная мотивация предусматривает получение дополнительного вознаграждения за конкретные результаты типично неплатежеспособного сотрудника. Материальная мотивация может быть как положительной, так и отрицательной. В негативной мотивации, если работник не выполняет указанные целевые показатели, он / она потеряет часть выигрыша. В позитивной мотивации, напротив, предусмотрено дополнительное вознаграждение за особые задачи, масштабную работу, инициативу, деятельность. Инструменты нематериальной мотивации включают, но не ограничиваются, социальные пособия и льготы, выплачиваемые сотрудникам, известные как пакеты социального обеспечения. Существует несколько вариантов непатентованных стимулов для определения готовности сотрудника, характера деятельности, качества кадрового обеспечения и финансовых возможностей организации, и в первую очередь для повышения способности сотрудника и эффективно работать на этом предприятии.

Содержательный подход в теориях мотивации основан на утверж-

дении, что людей заставляют действовать определенные внутренние побуждения (потребности). Поэтому в рамках содержательных теорий в первую очередь важно определить потребности, побуждающие человека к действию, особенно при определении объема и содержания работы.

Известно, что стимулирование человека непосредственно связано с удовлетворением его разнообразных потребностей (физиологических, духовных, экономических).

Призванием организации труда в организации является создание благоприятных условий труда, заинтересовать сотрудника в своих личных результатах и в общих результатах организации. Мотивация – это один из основополагающих факторов, определяющих эффективность трудовой деятельности персонала.

Мотивация труда – важнейший фактор результативности работы, и в этом качестве она составляет основу трудового потенциала работника, то есть всей совокупности свойств, влияющих на производственную деятельность. Трудовой потенциал состоит их психофизиологического потенциала (способности и склонности человека, состояния его здоровья, работоспособности, выносливости, типа нервной системы) и личностного (мотивационного) потенциала. В этом единстве способностей и возможностей личности мотивационный потенциал играет роль пускового механизма, определяющего, какие способности и в какой степени работник будет развивать и использовать в процессе трудовой деятельности.

Мотивация труда – это стремление работника удовлетворить свои потребности (получить определенные блага) посредством трудовой деятельности. В структуру мотива труда входят: потребность, которую хочет удовлетворить работник; благо, способное удовлетворить эту потребность; трудовое действие, необходимое для получения блага; цена – издержки материального и морального характера, связанные с осуществлением трудового действия.

Мотивация труда - это искусство побуждать себя и других, чтобы получить определенные блага через труд. Сущность мотивации заключается в том, чтобы, ориентируясь на систему потребностей сотрудников, обеспечить полное и эффективное использование их трудового потенциала для скорейшего достижения целей организации. Универсальных рецептов мотивации не существует. Достаточно вспомнить пирамиду Маслоу, где один человек работает, чтобы удовлетворить первичные потребности, а другой чтобы самореализоваться. [11]

Вознаграждения – это то, что человек считает для себя ценным. Менеджеры используют внешние вознаграждения (денежные выплаты, продвижения по службе) и внутренние вознаграждения, получаемые по средством самой работы (чувство успеха). Понятие «удовлетворение потребностей» отражает позитивное чувство облегчения и комфортного состояния, которое ощущает человек, когда его желание реализуется.

Для того чтобы пробудить желание в сотрудниках работать лучше руководитель должен умело применять на практике методы мотивации персонала:

- Мотивация сотрудников через их личные увлечения;
- Мотивация сотрудников с помощью фиксирования их успехов;
- Мотивация сотрудников с помощью индивидуального подхода;
- Мотивация сотрудников через единую систему вознаграждений;
- Мотивация сотрудников через знания;
- Мотивация сотрудников с помощью системы наград.

При построении системы стимулирования на предприятии необходимо учитывать, что мотивация поведения в процессе трудовой деятельности должна носить дифференцированный и комплексный характер. С одной стороны, определяясь с вознаграждением, обязательно нужно учитывать потребности каждого работника. С другой стороны, такая система поощрений персонала должна включать разные стимулы: индивидуальные и коллективные, материальные и социальные.

Для руководителя организации важно знать, какие именно мотивы и какие потребности имеют значение для его сотрудников. Для одного работника важно материальное вознаграждение, а для другого более важным будут условия труда или признание. Для управления мотивацией персонала организации руководителю необходимо научиться правильно подбирать способы мотивации для каждого сотрудника индивидуально, учитывая его потенциал, а для этого нужно уметь правильно оценивать свой персонал. В итоге можно отметить, что от поведения руководителя зависит многое. Особое внимание в системе мотивации персонала организации необходимо уделять мотивации, основанной на комплексной оценке ключевых показателей эффективности (KPI), основанная на принципе выплата вознаграждения за достижение поставленных целей и выполнение стратегических задач.

Исходя из вышесказанного можно заключить что, во многом именно от управляющего зависит, как будут работать сотрудники, будут ли они стремиться раскрывать свой потенциал и развивать свои профессиональные навыки. Поведение каждого сотрудника определяют человеческие факторы, знать и понимать которые должен каждый управляющий, который желает добиться эффективности работы от коллектива.

Имеется ошибочное мнение, что лояльность сотрудников можно заслужить только с помощью материальных поощрений, а нематериальная мотивация не оказывает ощутимого влияния на эффективность персонала. В чем же причина таких мнений, а в том, что методы нематериальной мотивации начинают действовать лишь после удовлетворения базовых потребностей, находящиеся на нижних ступенях пирамиды Маслоу. Стремление к профессиональному росту и признанию появляется при условии, что уровень зарплаты работника позволит не ломать ему голову

над тем, как оплатить свое жилье и лечение. [11]

Для систематического осуществления организации труда необходимо совершенствовать критерии оценки своей деятельности и практиковать практику размещения ее на служебных позициях в зависимости от уровня профессионализма сотрудника. Важнейшей мотивацией для персонала является справедливая и прозрачная система роста, основанная на знаниях, способностях и навыках. Целесообразно создать или усовершенствовать существующий координирующий орган, который реализует организацию труда.

Необходимо регулярно проводить мониторинг профессионального роста персонала и их деятельности по повышению их знаний и профессиональных навыков в соответствии с требованиями современной рыночной экономики

Вопросы повышения правовой осведомленности и культуры персонала, а также формирование их корпоративной культуры являются одними из наиболее важных организационно-правовых вопросов. Поэтому необходимо организовать специальные тренинги, направленные на повышение правовой грамотности и грамотности персонала, подтверждая уровень информированности сотрудников.

Основной целью управления мотивацией персонала в организации является выстроить такую систему, которая отвечает потребностям и интересам каждого сотрудника, определяемая достижением стратегических целей организации. В этом случае каждый работник будет четко понимать одну истину, что чем скорее и эффективнее при его трудовом участии организация достигнет поставленной стратегической цели, тем в более полной мере будут удовлетворены его потребности. А важнейшей целью управления персоналом организация является задействовать потенциал каждого сотрудника.

Но в современном динамичном мире не существует единых методов мотивации персонала, эффективных во все времена и при любых обстоятельствах. Только с помощью мотивации можно привязать сотрудников к организации и её целям. Создать дружескую рабочую атмосферу, в которой будут признавать и ценить успехи, и сотрудники с воодушевлением будут прилагать все усилия, чтобы достичь целей.

Одним из ключевых приоритетов при эффективной организации труда организации должно стать выявление молодых перспективных руководителей и сотрудников с большим потенциалом дальнейшего роста. Для них необходимо разрабатывать индивидуальные планы развития, специальные образовательные программы, курсы и тренинги.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
2. Распоряжение Президента Республики Узбекистан № Р-5155 «Об организационных мерах по разработке проекта государственной программы по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в

2017 — 2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» - 28 декабря 2017 г.
3. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. // Доклад Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году // "Народное слово", 16 января 2017 г.
4. Клочков А. К. KPI и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. — Эксмо, 2010
5. Армстронг М., Практика управления человеческими ресурсами. Питер, 2009
6. Мерман Э., Мотивация персонала.«Гуманитарный центр»,Харьков. 2007
7. Шапиро А.С., Основы трудовой мотивации. Издание «Кнорус», 2015
8. А. Гарольд Маслоу. Мотивация и личность, издание «Питер», 2009
9. Теория человеческой мотивации // В кн.: Маслоу А. Мотивация и личность. Пер. А. М. Татлыбаевой. — К.: Psylib, 2004
10. Трейси Б., Мотивация. М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014
11. Клочков А.К., «KPI и мотивация персонала». Полный сборник практических инструментов. Эксмо; Москва; 2010
12. www.studbooks.net

Д.Ҳ.Холмаматов – СамИСИ мустақил изланувчиси

УЛГУРЖИ САВДО МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА ХАРИДОРЛАРГА СОТУВДАН КЕЙИНГИ СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти Президентимиз томонидан 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги тасдиқланган фармонда Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланишни иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари асосида тараққий этиб келмоқда. Айниқса, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш соҳасининг модернизация ва диверсификация қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда.

Рақобатли бозор шароитида самарали бизнес юритиш шундан иборатки, жаҳон бозорининг талабларига жавоб берувчи юқори сифатли илғор маҳсулотларни ишлб чиқариш тадбиркорлик фаолияти муваффақиятининг фақат ярмигагина хосдир, қолган иккинчи ярмини эса сотишни билиш ҳамда сервис хизматисиз тасаввур қилиш қийиндир. Корхона маҳсулотига истеъмолчи қизиқишини уйғота билиш керак. Бунда юқори даражада сотиш ва сервис хизмат кўрсатиш муҳим ўрин эгаллайди.

Агар корхона бозор талабига мос ҳолда ишлаб чиқарилган маҳ-сулот ҳамда даромадларнинг бошқарувида ўзаро муносабатга эга бўлса, у

ҳолда бу корхона ташкилий-иқтисодий мустаҳкам тизим ҳисобланади. Бозор талаби товарга бўлган талаб билан чегараланмайди. Истеъмолчи у ёки бу товарни етказиш бўйича жамғариш - сотув жараёнида унга кўрсатиладиган хизматлар таркиби ва сифати миқёсида ҳам ўз шартларини қўйди. Айниқса, сотувдан олдинги ва кейинги сервис бугунги кунда ҳар қандай савдо корхонасининг, жумладан, улгуржи савдо корхоналарининг ҳам рақобат шароитида фаолият кўрсатишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Демак, бугунги кунда муаммолар фақат ишлаб чиқаришда эмас, балки сотишда ҳам бўлмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида улгуржи савдода сотувдан кейинги сервис фаолиятини ривожлантириш долзарб масалага айланиб бормоқда.

Albaum G., Duerr E. & Strandskov J.лар фикрига кўра улгуржи савдода фақат товар сотиш билан чекланиб, қолинмасдан бир қатор комплекс хизматлар ҳам бажарилади. Шунингдек, улгуржи савдо фақат биргина мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатмасдан, балки бошқа мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини ташкил этишда ҳам муҳим ўринда туради. Улгуржи савдо фаолияти кўплаб бозорнинг бошқа инфратузилмалари билан биргаликда амалга оширилади. Товарларни чегарадан олиб чиқиш ва киритишда божхона хизмати, юкларни суғурталашда суғурта компаниялари, етказиб беришда логистик ёки транспорт компаниялари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Харидорлар учун сотиб олинган товарларга сотувдан кейин ҳам сервис хизматлар кўрсатилади[1].

Ш.Ж.Эргашходжаева томонидан сервис ва кафолат хизматлари кўрсатиш маркетингнинг узвий ва ажралмас элементларидан эканлиги таъкидлаб ўтилган. Улар харидорларга у ёки бу товар сотиб олинишидан аввал ёки сотилгандан кейин тақдим этиладиган хизматларни ифодалайди. Сервис икки ёқлама кўриб чиқилиши мумкин:

– товарнинг бир қисми, фирманинг харидорларга таклифи бир қисми, асосий маҳсулотга илова сифатида. Шу сабабли сервисни товар сиёсатининг бир қисми сифатида кўриб чиқиш асосланган ҳисобланади;

– сервис функциялари кўпинча ишлаб чиқарувчи эмас, балки айнан савдо корхоналари томонидан амалга оширилади. Харидорларга хизмат кўрсатиш ва сотиш тизимининг бир қисми сифатида сервисни сотиш сиёсатида кўриб чиқиш тўла ўзини оқлайди[2].

Улгуржи савдо компания ва корхоналари маркетинг фаолиятида сервис хизмат кўрсатиш маҳсулотни сотиш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ хизматлар комплекси (мажмуаси)дан иборат.

Улгуржи савдода харидорларга маҳсулотни сотиш жараёнида кўрсатиладиган хизматлар ҳар хил бўлади. Умуман олганда бу

1AlbaumG., Duerr E. & StrandskovJ. (2005). International marketing and export management. Upper Saddle River , NJ : Prentice Hall

[2]Эргашходжаева Ш.Ж. Маркетингни бошқариш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, Иқтисодиёт, 2017. – 219 б.

хизматларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Сотувдан олдинги хизматлар ва сотувдан кейинги хизматлар.

Сотувдан олдинги сервис хизматларига маслаҳатлар (консультация) бериш, маҳсулотни тайёрлаш, техник воситаларни сотишда эса уннг ишлашини кўрсатиб бериш, сотиб олувчиларни ўргатиш, керакли ҳужжатлар билан таъминлаш ва бошқалар киради. Товар ташилиб сотиш жойларига келтирилгандан кейин сервис хизмати ходимлари ташиш жараёнида товарда юз берган камчиликларни тугатиши, жиҳозларни ишлашга тайёрлаши, керак бўлса таъмирлаши, умуман олганда ишчи ҳолатига келтириши талаб этилади. Сотиб олишгача бўлган сервис хизматлари пулсиз бўлади.

Товарни сотиш жараёнида ҳам ҳар хил логистик хизматлар кўрсатилади ва уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

a) омборларда товар захираларининг бўлишига эришиш;

b) буюртмани бажариш, товар ассортиментини шакллантириш, ўраб-жойлаш, юк бирлигини шакллантириш ва бошқалар;

c) товарни етказиб беришда эҳтиёткорликни таъминлаш;

d) товар тайёрланиши ва жўнатилиши бўйича ахборотлар бериш ва бошқалар.

Сотувдан кейинги хизматлар – бу хизматларни кафолатлашдан иборатдир. Кафолат даврида ишлаб чиқарувчи товардан (ташишлар, уй жихозлари) кафолат берилган муддат давомида бузилмасдан, камчиликларсиз ишлаши мажбуриятини ўз бўйнига олади. Ана шу ўрнатилган кафолат муддати давомида ишлаб чиқарувчи мижозга товардан қандай фойдаланишни ўргатади, ундан қандай фойдаланаётганлигини назорат қилиб боради, техник воситаларни назорат қилиб, эскирган қисмларини алмаштиради ва ҳоказо.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, товардан фойдаланишнинг кафолат муддати ўтгандан кейин ҳам сервис хизмати кўрсатилади. Лекин, бу кўрсатиладиган хизматлар пуллик хизматлар ҳисобланиб, унинг нархи контракт шартномасида кўрсатилади. Хизматлар нархини белгилашда прейскурантлар ва бошқа ҳужжатлар асос қилиб олинади.

Сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатишнинг аҳамияти шундаки, улгуржи савдо самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Улгуржи савдода товар сотиш ҳажмини ошириш ва мижозлар билан ҳамкорлик қилиш учун асос ҳисобланади.

Улгуржи савдода сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатиш улгуржи савдо айланмасида мавжуд бўлган товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, бозорда улгуржи товар сотишнинг муваффақияти ва интенсивлигини белгилайди. Пировардида сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатиш улгуржи савдо рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Улгуржи савдо маркетинг фаолиятида харидорларга сотувдан

кейинги сервис хизмат кўрсатиш стратегияси бозорда таклиф қилинадиган товарнинг рақобатбардошлигини ошириш, товарларнинг бутун эксплуатация даврида хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйишга қаратилган. Улгуржи савдо маркетинг фаолияти доирасида сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатиш соҳасида дифференциация ва интеграция стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда асосий эътиборни қуйидагиларга қаратиш лозим:

- сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатишни технологик инновациялар ёрдамида дифференциация қилиш, яъни хизматлар таркибини кенгайтириш, товарни эксплуатация даври давомида тўлиқ хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатишда ўзаро ҳамкорлик, ишлаб чиқариш-улгуржи савдо-истеъмол занжирида харидорларга кўрсатиладиган хизматларни ҳамкорлик асосида ташкил этиш, сервис марказлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатишнинг юқори сифати учун корхоналар хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларни мунтазам ўқитиш, хизмат кўрсатиш тармоғи бўйича бир хил хизмат даражасини таъминлайдиган махсус стандартлар ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини ишлаб чиқиш.

Ф.А. Бабаджанов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси 2-курс тингловчиси

ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

“*Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим:*
- иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш”[1]

Мирзиёев Ш.М.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларнинг асосий мақсади иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминлаш, аҳоли турмуш шароити ва фаровонлигини янада ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақиллигини ва рақобатбардош бўлишини таъминлашдан иборат.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 22.12.2018 йил «2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар тўғрисидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизни тараққий эттиришнинг асосий устувор вазифалари сифатида бошланган ислоҳотларни жадал давом эттириш, замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш ва иқтисодиётни бошқаришда юқори салохиятли ва илмий-педагог кадрларга эхтиёж борилигини бир неча маротаба таъкидлаб ўтдилар.

Юқори салохиятли ва илмий педагог ходимларни етиштириб чиқаришда ходимларни тўғри баҳолаш энг долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Ходимларни баҳолаш-ходимларни бошқариш тизимидаги мураккаб ва энг муҳим бўғин ҳисобланиб, ташкилот ва корхоналарнинг иқтисодий, ижтимоий фаолиятлари билан узвий боғлиқдир.

Ходимларни баҳолаш орқали корхона ёки ташкилот ходимларга ўз-ўзларига баҳо қўйиш имконини, жамоада тутган ўрниларини билиб олиш имконини яратади. Ходимларни баҳолаш орқали ташкилот жуда қимматли маълумотларга эга бўлади. Булар қуйидагилардир:

- ходимлар салохияти;
- ходимлар хизмати бўлими ёки бошқармасининг кадрлар танловидаги аниқлик, шаффофлик ёки аксинча;
- бажарилган ишлар сифати ва натижаси;
- бошқарув қарорларини тўғри ва аниқлилиги;
- кадрларни қайта тайёрлаш бўйича аниқ йўналишларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Ходимлар меҳнатини баҳолаш орқали: **маъмурий, информацион** ва **мотивацион** мақсадларда фойдаланиш имконини беради.

Маъмурий мақсад - рахбарга бошқарув қарорларини қабул қилишда(лавозим мартабасини кўтариш ёки тушуриш, бошқа ишга ўтказиш, бошқа иш таклиф қилиш, малакасини ошириш, лавозимдан олиш) асос бўлиб ҳисобланади.

Ахборот ёки информацион мақсад - ходимлар ва менежерлар фаолиятиги холис баҳо бериш, корхона ёки ташкилотнинг олдида турган вазифаларни қай даражада олиб борилаётгани, мавжуд камчиликлар ва уларга дарҳол ечим топишда рахбарларга тўғри қарор қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

Мотивацион мақсад – бу персоналга (ходимлар) тўланган иш хақининг қанчалик мақсадга йўналтирилганлиги, кейинги фаолият учун рағбатлантириш ва иш хақи каби мотивацион чораларни кўришда асос бўлиб хизмат қилади.

Ходимларни баҳолашнинг қуйидаги босқичлари мавжуд. (1-расм).

Ходимларни баҳолашда энг асосий баҳони баҳоланаётган ходим ёки рахбарнинг бевосита бўйсунувчи тармоқ рахбари ёки менежери хал қилади. Баҳолаш учун зарур бўлган ахборот базасини холислиги ва тўлиқлиги учун тармоқ рахбари бевосита масъулдир. Шунинг учун ҳам ходимларни баҳолашда инсон омилини инобатга олган ҳолда баҳолашда



1-расм. Ходимларни баҳолаш босқичлари.

шаффофликни ва очиқликни таъминлаш энг долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда, йирик халқаро ташкилотлар (корхоналар)да турли хил илғор ва инновацион усулларда ходимларни баҳолаш тизимларидан фойдаланилади. Булар асосан қуйидагилардир: умумий баҳолаш усуллари, меҳнат фаолияти давомида хатти-ҳаракатларини баҳолаш ва меҳнат натижаларини баҳолаш.

Умумий баҳолаш усуллари ходимларни умумий баҳосини берувчи усуллар бўлиб уларга: ёзма тавсифномалар, жуфтлик билан солиштириш, рейтинг усуллари киради.

Меҳнат фаолияти давомида хатти-ҳаракатларни баҳолаш усулларига қуйидагилар киради: фавфқулотда вазиятлар таҳлили, бажарилган ишлар натижадорлиги ва 360^0С усули.[1]

Юқорида санаб ўтилган баҳолаш усуллари ва мезонларини амалиётга тадбиқ этиш орқали хозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлган инсон омили, инсон капитали деган энг самарали меҳнат ресурсларидан оқилона ва юқори натижадорликка эришилади.

Ушбу ислоҳотлар ва ўзгаришларни амалга оширишда қуйидаги илмий ва амалий асосларга эга бўлган услуб ва воситалардан фойдалани-

[1] Кибанов, А. Я. Управления персоналом организации: учебник / А.Я. Кибанов. – М. : ИНФРА-М, 2010. – 695 с. – ISBN 978-5-16-003671-7.

лиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1. Ходимларни баҳолашда корхона ва ташкилотларнинг фаолият соҳасидан (давлат бошқаруви органи, илмий-тадқиқот муассасаси, ишлаб чиқариш корхонаси, хизмат кўрсатиш ва бошқалар) келиб чиқиб ҳамда ходимларнинг функционал вазифаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ходимларни баҳолаш натижаларини мотивацион дастаклар билан ўзаро боғлаш. Бу усул орқали ходимларни баҳолаш уларни нафақат эгаллаб турган лавозимига муносиблиги балким уларни ҳам моддий тарфдан қизиқтириб, ўз устида доимий ишлашга туртки бўлади.

Юқорида таклиф этилган воситалар ва усуллардан фойдаланиш замонавий бозор муносабатлари шароитида инсон капиталидан самарали фойдаланиш, давлат бошқаруви кадрларининг салоҳиятини ошишига, иқтисодиётнинг устувор соҳаларини самарадорлигини ошириш, кадрлар тизими фаолиятининг шаффофлигини ва рақобат муҳитини таъминлашда кутилаётган натижаларга эришиш имконини яратади.

И.Тошпулатов – Фарғона политехника институти таянч докторанти

ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ РОЛИ

Енгил саноат мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган тармоқлардан биридир. Ушбу саноат тармоғини янада ривожлантиришнинг имкониятлари кенглигини эътиборга олиб, тармоқнинг самарадорлигини янада ошириш, халқаро бозорларга мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат брендини бутун дунёга танитиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада юртбошимиз Ш.Мирзиёев томонидан “2017 – 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарорида “Енгил саноат корхоналарига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига маркетинг, ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатиш, кўргазмаларда ва матбуот нашрларида реклама тадбирларини амалга ошириш, экспорт салоҳиятини кенг ёритиш ҳисобига енгил саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш”[1] масалаларини “Ўзбекенгилсаноат” АЖ (ҳозирда “Ўзбектўқимачиликсаноат” уюшмаси)нинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши этиб белгилаган.

Енгил саноат тармоғини ривожланишига қаратилган барча чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошишига,

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-2687-сонли Қарори

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Аммо, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган айрим енгил саноат корхоналари фаолиятида иқтисодий инқироз ҳолатига учрашларини ҳам кузатишимиз мумкин. Бунга асосий сабаб сифатида, мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида маркетинг хизматини тўғри ташкил қилинмаганлиги, ишлаб чиқариш корхоналаридаги маркетинг бўлими фаолияти қониқарсиз даражада эканлиги, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш "ортиқча харажат" сифатида қаралаётганлиги айтишимиз мумкин. Ваҳолангки, бугунги кунда АҚШдаги компаниялар маркетинг соҳасига оид тадқиқотлар ва изланишлар учун йилига қарийб 2 млрд. АҚШ доллари сарфламоқда. Сарфланган маблағлар натижасида, маҳсулотга бўлган талаб ўсмоқда, ҳамда дунё бозорида компаниялар ўз бренди билан обрў-эътибор топмоқда.

Енгил саноат корхоналарида маркетинг хизматини ривожлантириш корхона иқтисодий самарадорлигига ҳақиқатдан ҳам кучли таъсир кўрсатади-ми? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида кичикроқ тадқиқот иши ўтказамиз. Барчамизга маълум бўлган Фехнер коэффициенти ёрдамида маркетинг хизмати омилини маҳсулот сотиш хажмига қай даражада боғлиқлигини аниқлаймиз. Ушбу коэффициентдаги белгилар корреляцион коэффициент деб ҳам аталади. Бу алоқалар зичлигининг оддий кўрсаткичи ҳисобланади. У ҳар бир аломатнинг (Х ёки Y) индивидуал қийматларини ўзиниг ўртача миқдори билан фарқининг таққосланишига асосланган. X_i ва Y_i қийматлари эксперт усули ёрдамида аниқланган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Фехнер коэффициенти

№	Маҳсулотларни сотиш ҳажми, минг сўмда, Хi	Маркетинг хизмати харажатлари, минг сўмда, Yi	Ўртача миқдордан фарқ ишораси	
			$X_i - X_{ўрт}$	$Y_i - Y_{ўрт}$
1.	87815435	39800	-	-
2.	146350615	52800	-	-
3.	204885796	185600	+	+
4.	219525923	244800	+	+
5.	153670679	110800	-	-
6.	168298142	86800	-	-
7.	204885796	132800	+	+
8.	155127093	93800	-	-
9.	234166050	274800	+	+
10.	156596172	98800	-	-
∑	**173132170**	**132080**		

Жадвалдан кўринадики, ∑ТК=10 га, ∑ТКМ=0 га тенг. Кўрсаткичларни формулага қўйилса, қуйидаги натижа олинади.

$$K_ф = \frac{10 - 0}{10 + 0} = 1$$

Демак, Кф=1 га тенг. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, енгил саноат

корхоналари маҳсулот сотиш хажми маркетинг хизмати фаолияти билан жуда юқори даражада тўғри боғлиқлик мавжуд. Шунинг учун корхоналарда маркетинг хизматини ривожлантириш орқали рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тизимини такомиллаштириш зарурият сезмоқда. Енгил саноат корхоналарида маркетинг хизматини асосий вазифаси бўлиб, маркетинг мақсадлари ва функцияларини бажариш ҳисобланади.

Маркетинг хизматини асосий вазифалари қуйидагилар:

– Бозорлар ва уларнинг ривожланиш истиқболларини комплекс ўрганиш;
– Товарлар ва хизматларда қониқмаган эҳтиёжларни аниқлаш;
– Ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талабларига мослаштириш;
– Рақобатчиларнинг фаолиятини, уларнинг харидорларга таъсир этиш стратегия ва тактикасини ўрганиш;
– Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш;
– Товарларнинг барқарор сотилиши учун шароитларни таъминлаш;
– Ишлаб чиқариш, илмий-текширув ва лойиҳа-конструкторлик ишларининг бозор йўналишини мувофиқлаштириш.

Маркетинг хизмати бўлими раҳбари ва унинг ходимлари фойда келтирувчи бозорларни топа билиши, бозор вазиятини таҳлил қилиши, янги товарларни чиқариш ҳақида тавсияларни тайёрлаши, бозорнинг истиқболини аниқлаши, маркетинг стратегияси, тактикаси ва дастурини ишлаб чиқиши, товарга, унинг ассортиментига қўйиладиган асосий талабларни ишлаб чиқиши, корхонанинг нарх ва сотиш сиёсатини аниқлаши ва уларнинг амалга оширилишини назорат қила олиши керак.

Бугунги кунда енгил саноат маҳсулотларини сотишда турли ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланиш зарур. Шу билан бирга енгил саноат маҳсулотларига хизмат кўрсатувчи сервис корхоналарини кўпайтириш керак. Саноатдаги кийим маҳсулоти учун бўяш, тозалаш каби сервис хизматларини кўрсатиш шулар жумласидандир.

Тадқиқотимизда ўрганилган енгил саноат корхоналарида маркетинг хизматини ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

– Енгил саноат корхоналари хусусиятидан келиб чиқиб маркетинг хизмати билан боғлиқ харажатларни ошириш;
– Техника ва технологияларни янгилаш эвазига махсулот ассортиментини кенгайтириш ва янгидан-янги бозор сигментларини кашф этиш;
– Истеъмолчида талабни уйғотиш учун турли товарни силжитиш операцияларини амалга ошириш (реклама, нархни пасайтириш ва ҳоказо);
– Чет-эл бозорларидаги талабни ўрганиш ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
– Юқори савияли маркетологларни шакллантириш.

Н.А.Усманова – преподаватель СамИЭС,
О.Х. Алламуродов– студент СамИЭС,

ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ В ОРГАНИЗАЦИИ

Управление людьми, как главная задача менеджмента в организациях, всегда основывается на совокупности основополагающих исходных теоретических и эмпирических предпосылок, формирующих парадигму, на базе которой сроится система управления персоналом в организации. На сегодняшний момент важным фактом развития конкурентоспособности предприятия и достижения поставленных экономических целей является эффективное управление персоналом. Целые десятилетия существовал технократические подход к хозяйствованию на уровне предприятий, когда на вершину ставились производственные планы, бюджеты, структуры, административные распоряжение. Кадровой политикой занимались государственные органы власти. Многие составляющие этого управления не учитывали роли руководителя, тем самым сводя на нет мотивацию, а также увлеченность и заинтересованность подчиненных. Все это привадило к низкой производительности труда. Многие руководители преуменьшают значимость методов управления персоналом, которые свойственные современному менеджменту и с большой инициативой используют за границей, это делает эффективным управление и повышает производительность труда.

На нашем исследовании, метод управления – это метод воздействия субъекта управления на объект управления для практического осуществления стратегических и тактических целей системы управления. Целью системы управления является достижение конкурентоспособности выпускаемой продукции, выполняемой услуги, организации и других объектов на внешнем или внутреннем рынке.

Современное понимание позиции менеджера опирается на то, что если человек занимает руководящую должность любого уровня в любых организациях, предприятиях, учреждениях и фирмах, то для успешной и продолжительной деятельности ему не обойтись без знаний базовых теорий и методов управления персоналом. Понимание и грамотное применение ключевых методов, использование математического моделирования и квалиметрических оценок, развитие специальных профессиональных и управленческих компетенций позволит применить на практике сами способы управленческих воздействий на персонал.

В современных рыночных условиях хозяйствования традиционно используемый метод “кнута и пряника” в управлении работает все менее эффективно, что обуславливает необходимость поиска новых способов управления персоналом. Методы управления персоналом различаются по способу и характеру воздействия руководителя на подчиненных,

применению дифференцированного подхода в рамках организационной культуры, использованию аспектов социального партнерства в сфере труда и методов поддержания и улучшения качества трудовой жизни, повышению социальной мотивации.

Управление персоналом содержит в себе несколько, аспектов, а именно:[1]

- технико-экономический – отражает уровень развития конкретного производства, особенности используемых в нем техники и технологий, производственные условия;
- организационно-экономический - содержит вопросы, связанные с планированием численности и состава работающих, моральным и материальным стимулированием, использованием рабочего времени;
- правовой - включает вопросы соблюдения трудового законодательства в работе с персоналом;
- -оциально-психологический - отражает вопросы социально-психологического обеспечения управления персоналом, внедренная в практику работы различных социологических и психологических процедур;
- педагогический – предполагает решение вопросов, связанных с воспитанием персонала, наставничеством и др.

Помимо того, что управление персоналом имеет множества аспектов, оно может основываться на различных концептуальных положениях. Концепции отражают ту философию и исходные принципы в управлении персоналом, на которых базируется согласование интересов организации и ее сотрудников. Эти принципы существуют объективно, могут быть осознаны и организационно оформлены, а могут реализовываться интуитивно, без определенного организационного оформления.

Инновации в сфере управления могут быть определены как отход от традиционных принципов управления, процессов и методик, значительно изменяющий принцип работы менеджеров. Работа менеджера включает:
- Определение целей и планирование;
- Мотивацию сотрудников и согласование подходов;
- Координирование и управление деятельностью;
- Накопление и распределение ресурсов;
- Приобретение и применение знаний;
- Приобретение, развитие и поддержку деловых связей;
- Поиск и развитие талантов;
- Понимание и балансирование требований клиентов.

Руководителю предприятия необходимо сформировать готовность персонала к осознанию производственной и экономической необходимости осуществления нововведение, а также способов личного включения в осуществление инновации.

[1] Игнатьева А.В, Максимцов М.М. Исследование систем управления учебное пособие для студентов вузов. –М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2000,-157с

Управление персоналом как инновация обладает своими особенностями:[1]

- изменения в управлении персоналом нацелены на решение определенных проблем, связанных со стратегией развития предприятия;
- невозможно заранее определить результат, к которому они могут привести;
- инновации могут привести к конфликтным ситуациям, связанным с сопротивлением работников, которые не принимают их;
- изменения управления персоналом влекут за собой изменения во всей системе управления предприятием вследствие того, что они касаются главной составляющей предприятия – его персонал.

Проведение исследований и анализ любой конкретной системы управления как объекта нужны для обеспечения конкурентоспособности организации на рынке товаров и услуг, для повышения эффективности функционирования подразделений организации в целом. Сведения и знания основных методов и методик исследования организаций, использование их на практике имеют на современном этапе немалое значение. Для исчерпывающего понимания внутриорганизационных процессов и явлений, следует сформировать системное представление об объект исследования, увидеть способы и возможности ликвидации возникающих недостатков в системе управления. Необходимо располагать сведениями и уметь использовать всевозможные методы исследования систем управления, приобрести опыт проведения различных процедур при исследовании управленческих систем организаций.

Список использованных литератур:

1. Игнатьева А.В, Максимцов М.М. Исследование систем управления учебное пособие для студентов вузов.–М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2000,-157с
2. Управление современной компанией: Учебник. Под ред. Б.Мильнера и проф. Ф.Лиса М. –М.:ИНФРА-М,2001.-586с.
3. Данцева Д.С. Современные методы управления персоналом организации. Молодой ученный. – 2017. - №40.- С.106-108
4. stat.uz
5. aab.uz

[1] Управление современной компанией: Учебник. Под ред. Б.Мильнера и проф. Ф.Лиса М. –М.:ИНФРА-М,2001.-586с.

IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Ж.Р.Зайналов – д.э.н., профессор СамИЭС

ВЛИЯНИЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ РОСТА НАЛОГОВЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ В ДОХОДЫ БЮДЖЕТОВ

Использование иностранных инвестиционных капиталов на обеспечение роста налоговых поступлений становится все более важной характеристикой структуры доходов бюджета. Особенно большой размах этот процесс получил в ходе интеграции и модернизации экономики. Постепенно в процесс привлечения иностранных инвестиций включается и модернизирующаяся налогово-бюджетная система. Движущимся мотивом являются как растущие объемы размещения расходов бюджетов в социально-экономической сфере, так и острая потребность государства в мобилизации части финансовых ресурсов из-за рубежа для косвенного пополнения доходов бюджета и преодоления дефицита бюджета.

Приведенные выше доводы позволяют проследить несколько тенденций. Во-первых, для первых лет взаимоотношений государственного бюджета с налогоплательщиками характерно существенное снижение объема поступлений прямых налогов в общую сумму доходов бюджета; во-вторых, поступления всех видов налогов носили, и даже на сегодняшний день носят неустойчивый характер, что становится невозможным их планировать; в-третьих, частный, прежде всего, механизм формирования налогооблагаемых баз сохраняет осторожность, о чем свидетельствует сохранение или стагнация их экономических границ; в-четвертых, крайне неутешительно положение с притоком прямых налогов как с позиций их объема, так и устойчивости; в-пятых, быстрый рост налогового притока по косвенным налогам, в частности, по акциям, может повысить опасность спекулятивных операций по акцизным товарам. В целом, не смотря на предпринимаемые усилия, сохраняется тенденция к повышению доли косвенных налогов в общей сумме доходов.

Ввиду вышесказанного Ш.М. Мирзиёевым отмечено, что «основная идея внедряемой с 2019 года новой Налоговой концепции заключается в снижении налогового бремени, внедрении упрощенной и стабильной налоговой системы и посредством этого – повышении конкурентоспособности нашей экономики, создании максимально благо-

приятных условий для предпринимателей и инвесторов»[1].

Данное направление прослеживается в отношении всех лет независимого развития нашей республики. И это подтверждают следующие данные: согласно данным Министерства Финансов Республики Узбекистан поступления от акцизного налога составили 9 702,2 млрд. сум, когда общая сумма прямых налогов составила 15656,2 млрд. сум (без ресурсных платежей и налога на имущество, и прочих доходов).[2]

В целом, следует признать, что доля акцизного налога в общем доходе бюджета остается высокой, что может иметь и нежелательные социальные последствия.

Во-первых, намного повышается вероятность непредсказуемых быстрых изменений ситуации под воздействием множества факторов, в том числе спекулятивного характера реализации акцизных товаров.

Во-вторых, в ближайшей перспективе на товарном рынке будет преобладать стремление скорее продавать акцизные товары, чем покупать их у производителей.

В-третьих, могут предприниматься попытки реализовать акцизные товары не на внутреннем, а на внешнем рынке. К этому производителей толкает нестабильность, нечеткость законодательства и высокая степень рисков и неплатежей акцизных налогов.

Изменить подобное положение может лишь преодоление нестабильности в области установления налоговых ставок и резкое повышение экономической стабильности. Решение последнего во многом обусловлено необходимостью привлечения иностранных производственных инвестиций в экономику, что продиктовано рядом долговременных объективных причин. В среднем по Республике Узбекистан доля собственных средств предприятий в инвестициях составляет не более 60%. Остальная часть должна привлекаться из внешних источников.

В настоящее время уровень инвестиционной активности в области налоговых платежей недостаточен. Доля налоговых поступлений в доходах бюджетов всех уровней высока. Одновременно не происходит ожидаемый рост производственных мощностей субъектов, функционирующих при помощи инвестиционных вложений, доля поступлений от некоторых налоговых платежей не увенчалась ростом. Привлечение из-за рубежа капитала, должно приносить прибыль, именно, прибыль, создающую источник прироста капитала, которая обеспечит необходимый его объем в конкретном периоде, а не только покроет стоимость пользования капиталом, что могло бы внести «определенный вклад в смягчение остроты проблем, связанных с недополучением налогов в доходы бюджета». Однако, на предприятиях с иностранным участием приходится в настоящее время всего лишь, порядка 5% общего объема

[1] Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28.12.2018 г. Дата обращения 28.12.2018 г.

[2] По данным Министерства финансов Республики Узбекистан. www.mf.uz. Дата обращения 05.01.2019 г.

вложенного капитала, усиливаются перекосы в структурной политике: почти 60% инвестиций направляются в промышленность, а их объемы в перерабатывающей промышленности и АПК падают. При этом происходит понижение эффективности инвестиций. За годы независимости Республики Узбекистан за 9 месяцев 2018 годы наблюдался самый высокий уровень инвестиционной активности – 71,1 трлн.сум, или рост на 30,9 %. Соответственно, инвестиции в основной капитал составили в 2005 году – 2,0 трлн. сумм, или увеличилась на 6,9 %, в 2010 – 10,8 трлн.сум, или на 8,1 %), в 2015 году. – 28,5 трлн.сум, или на 9,9 %.[1]

Это привело к некоторому повышению притока в производство новых технологий, инфраструктурных разработок и продуктов, однако, это грозит не достаточно высоким технологическим прогрессом предприятий страны.

Прозрачная налоговая политика по отношению к иностранному капиталу должна основываться на критериях оценки ее эффективности. Здесь доминирующим критерием должны служить льготы по налогообложению. Здесь государство не может ограничиваться только задачей достижения макроэкономических притоков, связанных с привлечением иностранных финансовых ресурсов. Она должна внимательно следить за воздействием их притока на микроэкономические показатели региональной экономики с помощью экономического, правового и в необходимых случаях, административного регулирования. Это вызвано рядом причин, в частности, необходимостью согласования общегосударственных и местных интересов и приоритетов.

Во-первых, выше уже отмечалось, что поступления значительной части иностранного капитала пока происходит как на двусторонней межправительственной основе, так и на многосторонней основе в сотрудничестве с международными финансовыми институтами, где республику также представляет правительство. Относительная величина поступления кредитного потока немного превышает соответственно величины налоговых поступлений в доходы бюджета. Так, различные виды кредитной поддержки субъектов на двух- и многосторонней основе (не считая технической помощи) к великому сожалению существенно не изменит роста поступления налогов. Подобные факторы ложатся тяжелым бременем на бюджет, вынуждая нести ответственность за полноту поступления налогов. Во-вторых, слабое развитие микросубъектов, пробелы в хозяйственном законодательстве, отсутствие четкого разделения полномочий между республиканским и местными бюджетами – все это препятствует совпадению или хотя бы однонаправленности интересов отдельного предприятия, сферы в целом. В-третьих, не существует пока единых оценок эффективности применения налоговой системы по отношению к притоку иностранных капиталов.

[1] Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. www.stat.uz. Дата обращения 10.01.2019 г.

Учитывая изложенное в перспективе, следует принять меры с тем, чтобы все большая часть притоков иностранного капитала из-за рубежа поступала непосредственно хозяйствующим субъектам, ответственным не только за их использование и своевременный возврат, но и за обеспечение полноты поступления налогов.

Программа управления инвестициями в приоритетных отраслях должна предусматривать определенные всесторонне просчитанные налоговые льготы для иностранных инвесторов, участвующих в реализации приоритетных проектов. Эти льготы должны быть ограничены точно обозначенным временным периодом с постепенным приближением к национальному режиму. В соглашениях следует предусматривать недопустимость изменения режима в рамках оговоренного срока, а также необходимо включить в них статью о недопустимости применения положений новых законодательных актов, меняющих режим инвестора до истечения оговоренного в соглашении срока. Подобная защита может способствовать привлечению новых инвесторов, соответственно смягчая причины торможения налоговых поступлений.

Особого внимания в ближайшее время требует также разработка мер по привлечению с учетом налогового регулирования иностранных инвестиций. В перспективе они, очевидно, будут играть существенную роль в притоке налогов в доходы бюджета, и изменят соотношение косвенных и прямых налогов, естественно в пользу последнего. Уже сейчас необходимо предвидеть эту ситуацию и подготовить возможные варианты решения возникающих проблем

Х.Исканов – ТМИ катта ўқитувчиси

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА СМЕТАЛАР ИЖРОСИ ҲИСОБИ

Бюджет тизимида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Давлат бюджети ижросини амалга оширишнинг мукаммал меъёрий хуқуқий ҳамда ташкилий асоси яратилди. Давлат бюджети ижроси ушбу меъёрий хужжатлар доирасида амалга оширилиши бюджет даромадлари ва харажатлари ўзаро мувофиқлигини таъминлаб келмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, бюджет тақчиллигини олдини олиш долзарб масалалардан бири саналади. Бюджет ташкилотлари бюджет маблағларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланиб, Давлат бюджети харажатларини ташкил этади ва харажатлар сметаси асосида бюджетдан молиялаштирилади. Шуниндек, бюджет ташкилоти қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан ташкил бўлиш манбалари ва фойдаланиш йўналишлари

кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар доирасида харажатларни амалга оширади(1-чизма).

Бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар даромадлари ва харажатлари бўйича сметалари тузилади ва тасдиқланиб ижроси таъминланади. Бунда, республика ҳамда маҳаллий бюджетларда турувчи ташкилотларни молиялаштириш, улар учун тасдиқланган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади[1].

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари – қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлар бўлиб, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида-алоҳида даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади ҳамда молия йили давомида ижроси амалга оширилади.



1-расм. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбааларининг схематик кўриниши

Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарфини назорат қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бевосита ҳисоб ишларини ташкил

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги “Бюджет кодекси”, № 360-сонли Қонун. 11-боб

қилиш ва юритиш орқали амалга оширилади. Бюджет тизимида боқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар бюджет ташкилотларининг даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисоби услубиётини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Бюджет ташкилотларида даромадалар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисобини юритишда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини баъзавий тамойилларини умумлаштирувчи алоҳида Давлат сектори бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилиниши зарурияти мавжуд. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин, яъни хўжалик субъектлари учун тасдиқланган бухгалетрия ҳисоби миллий стандартлари шунингдек, молиявий ҳисобот халқаро стандартларида даромадлар ва тушумларни ҳисобда акс эттиришнинг аниқ талаблари белгиланган аммо, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумларни даромад сифатида ҳисобда акс эттиришнинг аниқ мезонлари белгиланмаган.

Бу ҳолат, бюджет ташкилотларида тушумлар ва даромадларни ҳисобда акс эттиришда турлича ёндашувларини келтириб чиқаради. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари ва даромадлари тўғрисида ишончли ҳамда тизимли ахборотларни шакллантиришга тўсқинлик қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари маблағ манбаларини шакллантиришга қаратилган амалий ҳаракатларни чеклайди;

Юқоридаги ҳолатнинг ечими юзасидан қуйидаги фикр мулоҳазаларни билдириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Жумладан, амалдаги бухгалтерия ҳисобига оид қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўз тизимидаги ташкилотларда фаолият ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг умумий қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида белгиланган тартибда меъёрий ҳужжатлар чиқаришлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет ҳисобининг барча ҳисоб объектларига оид “Давлат сектори Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари”ни ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилиши керак. Ҳозирда амалиётда бюджет ҳисобининг стандартларини ишлаб чиқишнинг зарурлиги ўз исботини топмоқда. Ушбу стандартларнинг ишлаб чиқилиши бюджет ташкилотларида бухгалтерия объектлари ҳисобини ташкил этилишини ягоналигини таъминлайди.

Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар учун харажатлар ва даромадларни тан олиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган “Махсулот (ишлар,

хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2-сон “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар” ва 3-сон “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” БҲМСлар тушумлар ва даромадларни ҳисобда акс эттиришнинг аниқ меъзонларини белгилайди.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бюджет ҳисобининг стандартларини ишлаб чиқиш асосида бюджетдан молияланадиган ташкилотларни бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумлари ва даромадларини ҳисобда акс эттиришнинг минимал талабларини аниқ белгилаш имконияти вужудга келади;

Умумий қилиб айтганда, юқорида келтирилган муаммоли ҳолатларни ижобий ҳал қилиш ҳамда бюджет ташкилотларида маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун келтирилган амалий таклиф ва тавсияларни амалга ошириш керак деб ўйлаймиз.

А.Ш.Кулибоев –ТМИ, “Бюджет ҳисоби” кафедраси ўқитувчиси

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ВАЛЮТА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда ҳамда давлат бюджетидан ижтимоий соҳага етарли даражада маблағ ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бири сифатида “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб эътироф этилган.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бу соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришдир.

Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш белгиланган:

- аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш;
- оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга

асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш;

- фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун кетадиган харажатларнинг бир қисми давлат бюджетидан молиялаштирилади, қолган қисми тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бунинг учун тиббиёт муассасаларида бюджет маблағлари бўйича молия йили учун харажатлар, тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузадилар.

Харажатлар сметаси бўйича харажатларни ҳисоблаб чиқариш иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари кўрсаткичларига ва тежамкорликнинг қатъий режимини ҳисобга олган ҳолда маблағларга бўлган эҳтиёжга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Харажатларни ҳисоблаб чиқаришда қуйидагиларга амал қилиниши зарур:

- белгиланган тартибда тасдиқланган ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш дастурларига;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан уларга тақдим этилган бюджет соҳасидаги ваколатлари доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга;
- белгиланган тартибда тасдиқланган бюджет ташкилотлари харажатларининг нормативларига;
- товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган нархлари ва тарифларига.

Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 61- моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414 –сонли Қарорига асосан тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари:

- ✓ тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;
- ✓ фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;
- ✓ ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси

бўйича тежалган маблағлар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно;

- ✓ тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;
- ✓ белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;
- ✓ ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасалари ихтисослашувига қараб, қўшни мамлакатлар фуқароларига ҳам пуллик тиббий хизмат кўрсатиш орқали, чет эллик юридик ва жисмоний шахлар томонидан муассасанинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига ҳомийлик пулларини тушириши мумкин. Бу ерда муаммо чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида "Валюта ҳисобварағи" счётида чет эл валютаси бўйича операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу счётнинг дебет томонида чет эл валюталарининг кирими, кредит томонида эса, чет эл валюталарининг чиқими акс эттирилади.

Ташкилот томонидан бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан чет эл валютасини сотиб олишда "Валюта ҳисобварағи" счётининг дебети ва "Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар" счётининг тегишлисчётлари ва бошқа пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар кредити бўйича бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирадилар. Аксинча, чет эл валютасини миллий валютага сотишда эса, "Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар" счётининг тегишли счётлари ва бошқа пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар дебети ва "Валюта ҳисобварағи" счёт кредити бўйича бухгалтерия проводкаси билан расмийлаштирилади.

Чет эл валютаси бўйича маблағларнинг синтетик ҳисоби 381-сон жамланма қайдномада (3-мемориал ордерда), аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) чет эл валютаси турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади. Чет эл валютасидаги операциялар бухгалтерия ҳисобида улар амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўм эквивалентида акс эттирилади.

Бундан ташқари курс фарқларини бухгалтерия ҳисобида юритишни соддалаштириш мақсадида кечиктирилган даромадлар ва харажатлар счётларида мос равишда акс эттирилган ижобий ва салбий курс фарқларини ҳисобдан чиқаришни ҳисобот ойининг охиридаги чет эл валютасининг бир бирлигига тўғри келадиган курс фарқининг ўртача миқдори бўйича амалга оширишга рухсат этилади.

Аммо юқоридагилардан келиб чиқиб, курс фарқларини тиббиёт муассасасининг ҳисоб сиёсатида акс эттирилишида қўлланилаётган усулларни ички ва ташқи омиллар таъсирида такомиллаштириб бориш, мақсадга мувофиқдир.

З.О.Ахроров – СамИСИ ассистенти,
А.А.Ходжимамедов – СамИСИ ассистенти,
Ш.Усмонов – СамИСИ талабаси

ҲОЗИРГИ ДАВРДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Бозор иқтисодиёти солиқ сиёсатини барқарорлаштириш учун янги йўл очиб берди. Бозор иқтисодий муносабатларини шакллантиришга қадар солиқ сиёсати давлат олдида турган вазифаларни тўлиқ ечишга ожизлик қилганлиги давлат миқёсида молия ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб бермади. Мажбурий тўловлар орқали юзага келтирилган молиявий ресурслар мамлакат миқёсидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни эркин фаоллик даражасига таъсири кучайди. Бундай зиддиятлар ўтиш даврининг биринчи йилларда ҳам сакланиб қолинди. Юзага келган ҳолат жаҳоп тажрибаси ва уз амалётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этган ҳолда ўзининг мустақил солиқ сиёсатимизни шакллантириш заруриятини кун тартибига чиқарди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, шу билан бирга, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш белгилаб берилди[1].

Солиқ сиёсатини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи қонуниятларни қабул қилиниши энг аввало мамлакатимизда эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришни ҳуқуқий қонунлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни хал қилишнинг асосий шарти сифатида фойдалана бошлади. Агарда мустақиллик йилларида босиб ўтилган йиллардаги муҳим муносабатларга назар ташласак, унда республикамизни солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб кучга кирганлиги бевосита мустақил солиқ сиёсатини шакллантириш ва давлат вазифаларини бажаришга хизмат қилишга қаралганлигидан хулоса қилишимиз мумкин. Шуни дам алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизнинг мустақил солиқ сиёсатини юргизиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам қайд этилган.

Мустахдшликнинг дастлабки кунларидан бошлаб солиқ сиёсати

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6- сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.

қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг солиғи тўгрисида»ги Қонунлари асосида амалга оширилди.

Аммо солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асоси 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Солиқ Кодексида ўз аксини топди. Унга таянилган ҳолда ҳар қандай тадбир, иш, фаолият илгаридан белгиланиб, аниқланиб, режалаштириб, ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар амалиётга фаол солиқ сиёсатини ишлаб чикиш билан жорий этила бошлади. Шу тариқа, давлатнинг илгаридан режалаштириб, аниқлаб туриб амалга оширган чора-тадбирлар йиғиндиси ўз аксини солиқ сиёсатида топди. Солиқ тизими ва солиқ солиш тизимларини шакллантириш борасидаги ишларини ташкил қилиш ҳам солиқ сиёсати доирасида олиб борилади. Солиқ сиёсати қабул қилинганлиги ва уни амалда самарали ташкил этиш солиқ тўловчи хўжалик субъектларининг миқдорини тубдан оширди. Шуни айтиш керакки, солиқ сиёсати давлат бюджетини тўлиқлигини таъминлашдаги хусусиятларини, уни молия сиёсатининг таркибий қисми сифатида унга боғлиқ ҳолда баркамол ривожланишига ҳуқуқий асос яратилди. Солиқ сиёсати молия сиёсатига хизмат килиши шак-шубҳасиз, солиқ сиёсатига замонавий таъриф бериш ва шу таъриф доирасида уни ривожлантириш мумкин бўлди.

Шундай қилиб, солиқ сиёсати деганда давлатнинг солиқ муносабатлари доирасидаги фармон, қонун ва қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилиш учун ишлаб чиқадиган чора-тадбирлар, фаолиятларининг туб йигиндиси тушунилади. Бундай таъриф фақат ҳар томонлама мустақил муносабатларни ва барқарорлаштириш йўлида шаклланади ва ривожланади.

Иқтисодчи олим Тошмуродова Б.Э. таъкидлашича [1], республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларини кузатиш мумкин:

- солиққа тортишда асосан, фискалликка эътибор берилиши;
- даромад солиқлари ставкаларини пасайтириш тенденцияси;
- истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- турли хил солиққа тортиш тартибларининг қўлланилиши;
- ресурс солиқлари аҳамиятининг ошириб бориш;
- эгри солиқлар улушининг кўпайиб бориши ва улар воситасида истеъ-мол даражасини бошқариш сиёсатининг олиб борилиши;
- бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ролининг кескин ошиши;
- солиқлар воситасида протекционизм сиёсати юритилишига катта эътибор берилиши ва бошқалар.

[1] Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2007. – 13 б

Шундай қилиб, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия муносабатларидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Қолаверса, у иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, молия муносабатларини бошқаришга таъсир кўрсатади.

Солиқ пул муносабатларини ҳаракати доирасида юзага келар экан, сўзсиз у молия муносабатларининг таркиби сифатида бозор иқтисодиётининг зарурий қисми ҳамдир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши шартдир. Шу боис солиқ муносабатларини чуқур ўрганиш, ундан илмий хулосалар чиқариш мумкиндир. Акс ҳолда, бундай сиёсат катта муваффақиятга эришиши қийин.

Шундай экан, солиқ сиёсатини солиқ ва солиқ солиш тизимини ривожлантириш мақсадида бу борада юксак назарий ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар ва олимларни фикрларини ўрганиш муҳимдир. Агарда солиқ солиш тизимини шакллантирувчи ва бугунги кунда амал қилувчи солиқ қонуниятларига назар ташлайдиган бўлсак, унда уни такомиллаштириб бориш заруриятлигидан хулоса чиқариб олиш мумкин бўлади. Чунки мажбурий солиқ тўловлари давлат олдида турган вазифа ва чора-тадбирларни тулиқ молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятини яратгани эмас. Бундай нуқсонларни келиб чиқишининг олдини олиш ва мутахассислардан ташкил топган координацион кенгашни ташкил этиш ва уларга солиқ муносабатларини динамик ўзгаришини кузатиш орқали фикрлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш маъсулиятини юклаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек уларни турли чора-тадбирларни ишлаб чиқариш борасидаги фаоллигини оширишга қаратиш муҳимдир, яъни:

- кичик бизнес корхоналарини ҳар томонлама қизиқтириш (яъни имтиёзлари, илмий асосланган ва пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш йўли билан) орқали уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва шу тариқа бандлик муаммоларини ҳал қилиш;

- солиқларни замонавий ижтимоий муҳитини яратишга қаратиш;

- солиқларни истеъмолчиларга тушадиган оғирлигини тизимли равишда оқилона солиқ муносабатлари қўллаш орқали енгиллаштириб бориш;

- замонавий солиқ муносабатларини юзага келтириш орқали фаолият юритувчи хўжалик субъектларини миқдор жиҳатидан ошириб бориш;

- солиқ муносабатлари ҳар томонлама бошқа молиявий кўрсаткичлар ва уларни ўсишига монанд олиб боришига зарурий шарт-шароитлар яратиш;

- хўжалик субъектлари ва аҳолини кенг қатламини солиқ қонуниятларига амал қилиши учун зарурий шарт-шароит яратиб бериш.

Шундай қилиб, солиқларни оқилона тартибга солишда, халқ манфаатлари йўлидаги таъсирчанлигини оширишда солиқ сиёсати муҳим ўрин эгаллаши зарур. Амалга оширилаётган чора-тадбирларни, яъни кичик

бизнес корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, йирик корхоналарни реструктизациялаш орқали уларни турли фаолият юргизишга қаратиш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, акционерлик жамиятини прогрессив қатламларини юзага келтириш аҳолининг кенг қатламини моддий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш ва ҳокозаларни солиқдан комплекс фойдаланиш орқали амалга ошириш солиқ сиёсатини солиқ ва солиқ солиш тизимини барқарорлаштиришга қаратилиши билан ҳал этилиши мумкин.

М.С.Хамроев – СамИСИ ассистенти,
П.Ш.Усмонов – СамИСИ ассистенти,
О.Омонов – СамИСИ, МК-317 гуруҳ талабаси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакатни модернизация қилиш шароитида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишда суғурта фаолияти субъектларининг ўрни бениҳоя катта бўлмоғи лозим. Бошқачароқ таъриф берадиган бўлсак, иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда 30 дан ортиқ суғурта компанияси фаолият юритмоқда. Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллашиб боришида йирик анжуманлар, кўргазмалар, ташкил этилаётган семинар ва ўқув машғулотларида бу борадаги ютуқ ҳамда камчиликлар таҳлил қилиб борилаётгани ҳам ёрдам бераётир. Уларда мамлакатимиз ва хорижлик мутахассислар соҳадаги янгиликлар, тармоқни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимиз иқтисодиётини сармоялашда суғурта бозорининг аҳамиятини кучайтириш масалалари бўйича тажриба ва фикр алмашмоқда, ҳаётни суғурталаш бозорини ривожлантириш, мамлакатимиздаги молия, тадбиркорлик ва банк фаолиятига оид таваккалчиликлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган ижобий ўзгаришлар суғурта бозори иштирокчилари фаолияти мисолида ҳам яққол намоён бўлаётгани бугун юртдошларимиз эътироф этишмоқда. Масалан, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти тақдим қилган маълумотларга назар ташлайлик. Жамият тизимида суғурта даъволарни кўриб чиқишни такомиллаштириш ҳамда мижозларга етказилган зарарни тез муддатда тўлаб бериш самарадорлиги доимий равишда ошириб борилмоқда. 2017 йилда жами 96,7 миллиард сўмлик суғурта тўловлари амалга оширилган. Ялпи суғурта мукофотлари тушуми 133,8 миллиард сўмни ташкил этган. Шу жумладан,

аҳоли суғуртаси тури бўйича 46,1 миллиард сўм, қишлоқ хўжалиги суғуртаси турлари бўйича 37 миллиард сўм суғурта мукофотлари тушумига эришилди[1].

Бундан ташқари, “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти маҳаллий суғурта бозорида қарийб барча суғурта компаниялари билан чиқувчи ва кирувчи қайта суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Халқаро алоқаларни ўрнатиш масалаларида ҳам бир қатор иш-лар амалга оширилган.Қайта суғурта фаолиятини янада ривожлантириш, уни жаҳон стандартларига мослаштириш каби масалаларда чет эл суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилган. Жумладан, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия сингари ривожланган давлатлар қайта суғурта компаниялари ва брокерлари билан алоқалар бор.Аҳоли соғлиғи ёки мол-мулкига бахтсиз ҳодиса оқибатида зарар етганда унга молиявий кўмак бериш ҳам суғурта компаниясининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мижознинг суғурта ҳодисаси юзасидан мурожаатини имкон қадар тез кўриб чиқиб, суғурта қопламасини ўз вақтида тўлаб бериш эса суғурталовчининг нуфузини белгилаб беради.Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компания¬си томонидан жами 2594 та суғурта даъвоси кўриб чиқилиб, 6 млрд. сўм суғурта қопламаси тўланганлигини кўриш мумкин. Шундан қарийб 4,6 млрд. сўми юридик шахсларга ажратилган бўлса, 1,4 млрд. сўми жисмоний шахслар улушига тўғри келади. 2018 йилнинг ҳар ойида ўртача 864 та суғурта даъвоси кўриб чиқилиб, асосан, ипотека суғуртаси, транспорт воситаларининг ихтиёрий суғуртаси, мол-мулк суғуртаси, ихтиёрий тиббий суғурта, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича қопламалар тўланди. Амалга оширилган қопламаларнинг 72 фоизи ёки 4,3 млрд. сўми ихтиёрий, 28 фоизи ёки 1,7 млрд. сўми мажбурий суғурта турларидан иборат.Жорий йилнинг биргина март ойида содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича берилган даъво аризаларининг кўриб чиқилиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун мижозларга 1 млрд. сўмдан ортиқ маблағ тўланган.[2] Агар уларни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, нефтни қайта ишлаш соҳасида ихтиёрий транспорт воситаси суғуртаси бўйича 177 млн. сўм, темирйўл состави суғуртаси бўйича 156 млн. сўм қопламалар тўланганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда хизмат кўрсатиш сектори нафақат муайян давлат, балки бутун жаҳон иқтисодиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республика-

[1] www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида
[2] www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида

сини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун “йўл харитаси”га айланди. Бугунги кунда хизматлар ва хизматлар соҳаси халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида аҳамиятга эга бўлиши ва Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш нуқтаи назаридан унинг ЯИМдаги улушини ошириш зарурати бир қатор шартлар билан белгиланади, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши ва ривожланиши барқарор иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради (айниқса, иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида хизматларнинг ўсиши).Ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 50,0 фоиздан ошади (Жаҳон банкининг 2017йил 1 январь ҳолатидаги ҳисоб-китобларига кўра, хизмат даромадлари жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 71 фоизини ташкил қилади. Хизмат кўрсатиш соҳасида етакчилик қилаётган мамлакатлар орасида Люксембург – 88,5фоиз, Кипр – 87,9 фоиз, Мальта – 85,7фоиз, Дания – 76,8 фоиз, Испания – 75,1 фоиз, Буюк Британия – 79,9 фоиз, Америка Қўшма Штатлари – 77,7фоиз)[1]

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлиги масалаларини миллий ва ҳудудий даражаларда ҳал этишга ёрдам беради. Меҳнат сиғими юқори минтақалар мавжудлиги (2017йил маълумотларига кўра, Андижон вилоятида республика аҳолисининг 9,4 фоизи, Наманганда – 8,3 фоизи, Фарғонада – 11,4 фоизи, Қашқадарёда – 9,8 фоизи истиқомат қилади) меҳнат ресурсларини самарали ишлатишни талаб қилади. Иш билан бандликнинг ўсиши хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг сони кўпайишини талаб қилади.Шу ўринда мамлакатимизда суғурта фаолияти талаб даражасида шаклланмагани, уни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда илмий асосда ўрганиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этадиган масала эканини таъкидлаш ўринли бўларди. Айниқса, иқтисодиёт субъектларининг эркинликлари кенгайиб бораётган, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)нинг янги турлари ўзлаштирилиши суғурта фаолиятида риск трансферининг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни орттирмоқда. Суғурта ишини ривожлантиришда касаба уюшмалари ва суғурталовчилар уюшмалари, суғурта брокерлари, актуарийлари бирлашмалари муҳим ўрин тутади.

[1] Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2017 52-б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
1. Шеннаев Х, Халикулова Г, Абдураҳмонов Х. Ташқи иқтисодий фаолият суғуртаси.-Т.:Чўлпон,-2014 й.
2. Никулина Н.Н. Страховой менеджмент.-ЮНИТИ,2011г.
3. “Суғурта иши” маърузалар матни. Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, 2005 й.
4. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2017 52-б.
5. Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. - Т., 2017. 40 б.

O.I.Ochilov – Senior teacher of TFI

INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF THE ENTERPRISE AND ITS EVALUATION

Today, a number of reforms in all spheres of life are being implemented rapidly. Large amounts of local and foreign investments are being attracted to develop national economy and business. But, according to the President of the Republic of Uzbekistan ShavkatMirziyoyev, current amount of investmentsdoesnot fit our huge economic potential.

The investment activity of enterprisesis closely related to its investment attractiveness.Before evaluating investment attractiveness of business unit, it is important to disclose essence and meaning of the concept. The diversity of opinions of economists in relation to the concept of "investment attractiveness of the enterprise" can be explained by the difference in approaches to its evaluation. Therefore, the study of the concept of investment attractiveness in conjunction with the feasibility of investment is relevant and determines the purpose of this article.

Most authors distinguish two approaches to the definition of the concept of investment attractiveness: traditional and complex. The traditional approach involves evaluating the investment attractiveness of the enterprise by using traditional methods of analyzing the financial position based on the financial statements of the enterprise. In a complex approach, along with the application of the financial indicators system, it is also proposed to take into account non-financial aspects of business activity, such as the form of corporate governance, the level of demand for products, its competitiveness, etc. Authors of the complex approach, who note the dependence of investment attractiveness of the enterprise from external and internal factors.

The difference between traditional and complex approaches can be calledconditional, as it is based on the view that the investment attractiveness of an enterprise depends on its current financial and economic activities. The majority of representatives of the traditional approach associate an estimation of investment appeal with an estimation of the factors characterizing a financial

condition of the enterprise: liquidity, stability, business performance, profitability. In the opinion of M.N. Kreynina, "the investment attractiveness of an enterprise is determined by a set of coefficients that characterize its financial position" [1, p. 31]. Part of this opinion is shared by E. Krilov and others, who relate the investment attractiveness of the enterprise to "the structure of its own and borrowed capital and its placement between different types of property, as well as the efficiency of their use" [2 ,p. 27]. At the same time, the mentioned authors can be attributed to the representatives of the integrated approach, because they believe that investment attractiveness along with the financial state is formed due to "the competitiveness of the product, the client-oriented nature of the enterprise, expressed in the most complete satisfaction of the customers' requests" [2, p. 29].

A number of economists represent the investment attractiveness of the enterprise in the form of an integrated assessment of individual future investment objects in terms of future revenues, costs and prospects for efficiency. Interesting opinion L.M. Putyatina, who considers the investment attractiveness of the enterprise as an economic category, characterizing "the efficiency of using the enterprise's property, its solvency, financial stability, the ability to innovate on the basis of increasing the profitability of capital, technical and economic level of production, quality and competitiveness of products" [3, p. 21].

There is an opinion that the investment attractiveness of an enterprise is largely determined by the impact of external and internal factors, rather than its financial state. Among the internal factors, as a rule, distinguish the specifics of the organization and management of the enterprise, the production features, innovative technologies, the level of depreciation of the enterprise's fixed assets, the range and quality of products, etc. Among the external factors, the investment potential of the region of the presence of the enterprise, federal and regional legislation, regulating economic and investment activities, tax legislation, the availability of regional infrastructure and institutions development, etc. In addition, external factors include economic features of the type of economic activity carried out by the enterprise.

Summarizing the above definitions of the investment attractiveness of the enterprise, we can conclude that they are all united by the idea that an enterprise should prove the feasibility of investments to a potential investor. This idea is most clearly expressed in the definition of the investment attractiveness of the enterprise. Matveyev, who views it as "a complex indicator characterizing the expediency of investing in a given enterprise" [4, p. 1]. Similar ideas for determining the investment attractiveness of the enterprise are expressed by L. Valinurova and O. Kazakova. In their opinion, this is "a combination of objective attributes, properties, means and opportunities that determine the potential effective demand for investment" [5, p. 16]. Nevertheless, in the opinion of the author, the definitions considered do not fully reflect the essence of the investment attractiveness of the enterprise, since they do not take into

account the goals set by the investor and the business entity - the recipient of the investment.

The objectives of potential investors can be very diverse and therefore each company cannot meet the goals and expectations of investors. The enterprise must know its investor and meet its requirements. From here one can agree with the opinion of individual authors who believe that when determining the investment attractiveness of an enterprise it is necessary to take into account the subjective preferences of investors.

Thus, the level of the investment attractiveness of the enterprise depends on the subjective expectations of investment, the probability of the investor achieving the investment goal. As for the investment objectives, first of all, they allocate strategic and portfolio investors. For the strategic investor, the main objective of investing is to participate in the strategic management of the enterprise activity - the recipient of investments. He is interested in establishing direct control and management of the investee, is focused on expanding the sphere of influence, securing future financial interests, and not only on obtaining current income.

The goal of the portfolio investor is to obtain the desired level of income for the invested funds and diversify the risks. As a rule, the funds of the portfolio investor are used to purchase securities belonging to different issuers and other assets. Unlike a strategic investor, he is interested in extracting current income in the form of an increase in the market value of investment objects, dividends, interest, and other cash payments.

In our opinion, this classification is not complete, since it does not cover the objectives of investors in the public sector or in the public sphere. In particular, it does not include investors pursuing social goals. Such investors can be state or regional executive authorities, local governments or public organizations, whose goal is not to make a profit, but the social significance of the investment object. Therefore, based on investment objectives, investors should be divided into strategic, speculative, socially oriented (Figure no.1).



Figure no.1. Classification of investors by investing purposes

Thus, it can be concluded that one of the defining features that reveal the essence of investments is their target orientation, while the purpose of investment can be not only profit, but also other economic and non-economic goals, and it is advisable to supplement the classification of investors with

socially oriented investors. With regard to the definition of the concept of "investment attractiveness of the enterprise," in our opinion, this is not only a set of factors that determine the investment process of the enterprise, but also the opportunities by which the investment objective can be achieved.

A variety of opinions on the concept of "investment attractiveness of the enterprise" predetermines the divergence of views and methods for its evaluation. Methods for assessing the investment attractiveness of the enterprise, published in the economic literature, can be conditionally divided into three groups of methods based on the analysis:

- market capitalization of the enterprise and its derivatives;
- financial and economic indicators of the enterprise;
- a single generalizing (integral) indicator.

Methods for assessing the investment attractiveness of an enterprise based on capitalization indicators were developed for portfolio investors. Currently, they are used by rating agencies. At the same time, such factors as "capitalization to sales proceeds", "capitalization to own capital", "capitalization to net profit", "dividend income" are used as the main evaluation criteria.

The disadvantage of these valuation methods is that they can only be applied to companies that have placed their shares on the securities market. At the same time, it should be noted the limited number of enterprises that enter the Russian stock market and make transactions with securities.

The most common methods for assessing the investment attractiveness of an enterprise are methods based on the use of indicators that characterize the financial condition of an enterprise. As a rule, indicators of liquidity, solvency, financial stability, business activity, profitability, determine the investment attractiveness of an enterprise.

When using the methods of assessing the third group, assess the level of investment attractiveness with the help of a single integral indicator of investment attractiveness, which includes a set of the most significant financial and economic indicators for the investor.

We believe that the methods examined assess the investment attractiveness of the enterprise from the requirements of the present day and do not take into account its future state. The choice of the methodology for evaluating the investment attractiveness of the enterprise should be made depending on the purpose of the analysis, which in turn is determined by the investor's goal.

Bibliography

1. *KreyninaM.N.* Financial management: handbook – M.:DeloandServis, 1998, p. 304.
2. Analysis of the financial condition and investment attractiveness of the enterprise: handbook / *E.I. Krilov, V.M. Vlasova, M.G. Yegorova*[and others]. – M.: Finance and statistics, 2003,p. 191
3. *PutyatinaL.M., VanchugovM.Yu.*Evaluation of the investment attractiveness of an enterprise based on its economic potential // Property and market. – 2005. – № 6. – p. 21.
4. *MatveyevT.N. Evaluationinvestmentattractiveness of entity*//http://e-magazine.meli.ru.
5. *Валинурова Л.С., Казакова О.Б.* Управление инвестиционной деятельностью: учебник. – М.: Кнорус, 2005. – 384 с.

Ш.М. Латипова – СамИСИ ассистенти,
З.О. Ахроров – СамИСИ ассистенти,
П.Ганиева – СамИСИ, КТИ-216 гуруҳ талабаси

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Иқтисодий муносабатларни модернизация қилиш шароитида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда инвестиция муҳити муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш инвестиция фаолиятига эҳтиёж туғдирадиган сабаблардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак.

Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсак, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин”[1].

Маълумки, ҳар қандай давлат ташқи дунёдан ажралган ҳолда, жаҳондаги илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқлардан, иқтисодий ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан самарали фойдаланмасдан ривожланиши мумкин эмас. Ушбу мақсад йўлида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда хорижий инвестицияларнинг иқтисодиёт тараққиётидаги ролини аниқ ва равшан англаб олиш, инвестиция талаб қилинадиган соҳаларга киритилиши заруратини юзага келтиради.

Хорижий инвестициялар чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкий, молиявий, интеллектуал бойликларни билдиради.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида: «чет эл инвесторлари асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари»[2], – деб эътироф этилган. Ушбу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий инвестициялар бир мамлакат иқтисодиётидан

[1] 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 й. 28 декабр
[2] Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи, 1999 йил 12 январ. №7. – б. 1.

мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётига кўчувчи капитал бўлиб, у рисклар доираси кенглиги билан ички инвестициялардан фарқланади.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит хорижий инвестициялар ҳажмининг йилдан йилга ўсиб боришига етакчи омил бўлмоқда. Чунки республикамизда инвестиция фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уни давлат томонидан мувофиқлаштириш учун ҳукуматимиз томонидан бир қанча қонун ва қоидалар қабул қилинган. Ушбу қонунлар инвестицион фаолиятнинг тартибга солиниши ва мувофиқлаштирилиши бўйича ҳуқуқий тизимнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги янги таҳрирда, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларнинг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ги қонунлар қабул қилинган бўлиб, бу қонунларда инвестицион муносабатларга тааллуқли барча жараёнларга ва тушунчаларга аниқликлар киритилган. Инвестиция фаолиятининг субъектлари ва объектлари, инвестицион фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниш масалалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мол-мулк кафолатлари ва имтиёзлари кабилар аниқ белгилаб берилган.

Мустақиллик йилларидан эътиборан, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши мулкчиликнинг турли шаклларини ташкил топишига кўмаклашмоқда. Бу инвестициялар туфайли иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотларга замин яратилиб, нуфузли тармоқларни барпо етилиши таъминланмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани еътиборга созовордир. Энг муҳими хорижий инвестицияларнинг 75 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди. Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-қуватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар алоҳида корхоналарнинг фаолиятини ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2015 йилда мамлакатимизга 15 млрд. 800 млн.лик АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилган бўлиб, бу 2014 йилга нисбатан 9,5% кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 млрд. 300 млн.дан зиёди ёки 21%дан ортиғи хорижий инвестициялар ҳисобланиб, шунинг 73%и тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларни ташкил этган. Энди 2016 йил якунларига эътибор берадиган бўлсак, иқтисодиётга 16,6 млрд. АҚШ долларидан кўп инвестиция қилинди ёки 2015 йилга нисбатан 9,6% га кўпдир. Ушбу йилда Ўзбекистонга жалб этилган хорижий инвестициялар

ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга кўпайган ва 3,7 млрд. доллардан ошган. Бу эса албатта ижобий ҳолат эканлигини кўрсатади[1]. 2017 йилда эса хорижий инвестициялар ҳажми 4,5 млрд. долларга етиши мумкин. “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланган 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади[2].

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакимизга инвестицияларни жалб қилиш борасида улкан режа ва мақсадлар белгиланган[3]. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари бу мақсадларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос, ташкилий тизим бўлиб хизмат қилади.

Хорижий инвестициялар биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим. Бу борада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда биргина Самарқанд вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, бунда саноатни ривожлантириш лойиҳалари асосида 902 млрд. сўм ҳудудий, 18 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар йўналтирилади ва бунинг натижасида 10 минг та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган[4].

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, экспортга ишлайдиган корхоналарни кўпайтириш ва уларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бош мақсад бўлмоғи лозим. Ҳозирги шароитда хорижий инвесторларни қизиқтирувчи соҳалар, объектлар ва жойларни аниқлаш ва улар тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга хорижий инвесторларни жалб этиш йўлларини излаб топишни талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда инвестицияларнинг, хусусан, хорижий инвестицияларнинг ўрни каттадир. Буни биргина иқтисодиётимиз нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, унинг йилдан йилга юқори суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

[2] 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 й. 28 декабр

[3] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

[4] 2016 йилнинг январ-декабр ойларида Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида www.samarkand.uz сайти маълумотлари

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 й. 28 декабр
2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. //Халқ сўзи, 1999 йил 12 январ. №7. -б.1.
3. Вахобов А., Хожибакиев Ш., Мўминов Н. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.- Т.: Молия, 2010. -328 б.
4. Mamatov B.S., Xo‘jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. Toshkent moliya instituti. – T.: Iqtisod-moliya, 2014. – 608 b.

А.М.Каримова – ассистент СамИЭС,
Д.М.Маликова – ассистент СамИЭС,
О.Х.Алламуродов – студент СамИЭС

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ – ЗАЛОГ ЗАЩИТЫ ПРАВ АКЦИОНЕРОВ И ВКЛАДЧИКОВ БАНКА

Коммерчески банки играют важную роль в развитии предпринимательства, сохранении экономической и социальной стабильности в обществе и поддержании международного авторитета государства. Банки являются особым видом организации, отличающимся от реального сектора экономики и иных финансовых организаций, что соответственно, обусловливает специфические проблемы внедрения в них системы корпоративного управления.

Корпоративное управление в коммерческом банке – это способ управления деятельностью отдельной кредитной организации со стороны Совета и управления банка, затрагивающий вопросы управления текущей деятельностью с учетом интересов заинтересованных сторон, постановки корпоративных целей организации, соответствия корпоративной деятельности и соблюдения действующего законодательства, а так же защиты интересов вкладчиков.

В Узбекистане в последние годы уделяется большое внимание внедрению принципиально новых, эффективных форм и методов корпоративного управления, приведение их в соответствие с меняющейся ситуацией в мире. Принципиально важным шагом в совершенствовании системы корпоративного управления стали Указы Президента Республики Узбекистан «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах» от 24 апреля 2015 года за №УП-4720 и «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года за №УП-4947, которыми определено продолжение внедрения современных международных стандартов и методов корпоративного управления, усиления роли акционеров в стратегическом управлении предприятиями.[1] Наряду с этим, все большее

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года за №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

количество отечественных компаний в разной степени демонстрирует свою приверженность принятым в международной практике принципам корпоративного управления. Неизбежно растет и число лиц, вовлеченных в данную сферу.

Повышение уровня корпоративного управления позволит укрепить доверие потенциальных контрагентов, решить проблемы связанные с кредитованием, и т.д.[1] В результате чего,

– банковская система привлечет новых инвесторов, вкладчиков, заемщиков и иных контрагентов;

– повысит эффективность своей деятельности;

– государство сможет опереться на поддержку банковского сектора в своих усилиях по укреплению конкурентоспособности национальной экономики;

– общество в целом воспользуется конечными результатами увеличения общественного богатства.

На сегодняшний день в Узбекистане уже проведена значительная работа в данном направлении, сформирована нормативно-правовая база корпоративного управления, во всех акционерных обществах созданы органы корпоративного управления, функционируют организации оказывающие консалтинговые услуги, приняты соответствующие решения правительства по ускорению процессов внедрения систем управления качеством на предприятиях.

Главной целью и задачей перспективного развития корпоративного управления банковской системы является:

- декларирование стремлений и намерений, а не жесткая регламентация;
- описание действующей в банке системы корпоративного управления;
- взгляд на перспективу, а не формальное отражение текущей системы корпоративного управления;
- принципы, которыми руководствуются органы управления банка в развитии системы корпоративного управления;
- системный подход с акцентом на взаимодействие элементов системы корпоративного управления;
- систематизация внутренних документов, регулирующих работу системы корпоративного управления;
- направленность на аудиторию – акционеры, вкладчики, инвесторы, сотрудники и партнеры.

Коммерческие банки, безусловно, являются особым видом организаций, отличающимся от предприятий реального сектора экономики

[1] «Эффективная система корпоративного управления как залог устойчивого развития и повышения конкурентоспособности банковской системы Узбекистана» Доклад ген. директора Ассоциации банков Узбекистана. 2016г.

и иных финансовых организаций, что, естественно, обусловливает специфические проблемы их корпоративного управления.

На сегодняшний день существует ряд проблем корпоративного управления в банковской системе:

- недостаточная организация корпоративного управления;
- различия в информации о банке, представленной в корпоративных источниках и рыночной оценке;
- непрозрачность управления банком;
- незнание и несоблюдение сотрудниками банков требований Кодекса профессиональной этики банкира;
- неполноценное управление риском.

Данные проблемы решаются путем следования общепризнанным международным тенденциям в совершенствовании корпоративного управления в коммерческих банках[1].

1. Повышение актуальности задач совершенствования корпоративного управления в коммерческих банках. Банкам, прежде всего, требуется построение внутрибанковской системы управления, позволяющей своевременно и в полной мере контролировать весь спектр сделок, совершаемых множеством подразделений и филиалов в целях повышения эффективности деятельности банка. Небольшим банкам, особенно региональным, в первую очередь, требуется построение эффективной системы управления, повышающей конкурентноспособность на рынке банковских услуг.

2. Развитие систем бюджетирования, планирования, контроля и управления рисками. Коммерческие банки активно внедряют системы бюджетирования, планирования, контроля и управления рисками, при этом построение эффективной системы невозможно без использования автоматизированных систем управления.

3. Активизация работы по созданию условий для привлечения денежных средств вкладчиков. Банки, стремительно увеличивающие за последние годы размер депозитов населения, начинают приходить к пониманию того, что одним из наиболее важных аспектов корпоративного управления является защита интересов вкладчиков.

4. Принятие больших усилий по обеспечению повышения прозрачности представляемой отчетности. Обеспечение прав заинтересованных лиц на получение необходимой информации в настоящее время требует от банков выработки собственной комплексной информационной политики. При этом собственно коммерческие банки должны быть заинтересованы в раскрытии информации, чему должно способствовать совершенствование системы корпоративного управления.

Для банков в качестве конкретных мероприятий по совершенство-

[1] Балтабаева А.К., Ахметова А. Развитие корпоративного управления в коммерческих банках. Научная статья. Журнал - Вестник Инновационного Евразийского университета, 2013 г.

ванию системы корпоративного управления можно предложить следующее:

- повышение квалификации и мастерства корпоративного управления;
- создание четко сформулированной стратегии, позволяющая оценить успех всего банка в целом, а так же вклад отдельного работника;
- доведение до всех сотрудников банка кодекса профессиональной банковской этики и обеспечение строгого его соблюдения на всех уровнях организационной структуры банка;
- создание стимулов финансового и управленческого характера в виде денежных вознаграждений, продвижения по службе и т.д.;
- совершенствование систем оповещения результатами деятельности банка акционеров, защиты прав акционеров;
- обеспечение прозрачности управления банком;
- привлечение акционеров к обсуждению важных вопросов функционирования банка, определению условий и размеров вознаграждений членам совета директоров и правления.

Таким образом, для повышения устойчивости и надежности банковской системы важное значение имеет дальнейшее совершенствование системы корпоративного управления в коммерческих банках, так как банки создаются, как правило, в форме акционерного общества [1], которое должно быть направлено на достижение большей прозрачности банков, адекватную оценку рисков в целях обеспечения законных интересов всех сторон, связанных с деятельностью коммерческих банков. Должный уровень корпоративного управления способствует формированию доверия граждан и хозяйствующих субъектов, размещающих свои средства в коммерческих банках, а банков-контрагентов – к своим клиентам-заемщикам на межбанковском рынке, инвесторов на рынке долговых бумаг и рынке акций.

М.С.Хамроев – СамИСИ ассистенти, илмий раҳбар,
Д.Очилова – Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,
С.Ғаппоров – СамИСИ, МК- 317 гуруҳ талабаси

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Суғурта хизматларининг ривожлантириб борилиши мамлакат ЯИМнинг ўсишига хизмат қилади. Чунки ушбу хизмат турлари орқали юридик ва жисмоний шахслар фаолиятларидаги турли кутилмаган йўқотишларнинг молиявий таъминоти яратилади. Шу орқали суғурта хизматлари юридик ва жисмоний шахсларнинг кенгайтирилган ишлаб

[1] Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности», 1996 года 25 апреля, статья 7.

чиқариш жараёнидаги қиймат яратиш муносабатларининг бардавомлигини молиявий қўллаб-қувватлашга бевосита хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бўйича бешта устувор йўналиш қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун "йўл харитаси"га айланди. Бугунги кунда хизматлар ва хизматлар соҳаси халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан биридир. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди.Тан олиш керакки суғурта хизматларининг ЯИМдаги улуши ҳозирда сезиларли улушда эмас, лекин хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши тобора ортиб бу ҳолат суғурта хизматларининг улушини ошиб боришига йўл очиб беради. Суғурта хизматлари миллий иқтисодиёт ривожланишига кўмаклашувчи, аҳолининг кенг қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи муҳим молиявий восита бўлиб ҳисобланади. Суғурта турли кўринишдаги ҳавф-хатарларнинг юзага келтирган зарарланишларини қоплаб беришга кўмаклашувчи хизмат туридир.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасида суғурта хизматлари салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Ривожланган давлатларда юридик ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларида учраши кутилаётган рискларнинг 90-95% ини суғурталайдилар, бизда эса бу кўрсаткич юкори эмас. Шу сабабли юридик ва жисмоний шахслар мулкини каттагина қисмида суғуртавий ҳимоя таъминланмаган. Буларнинг барчаси миллий суғурта хизматлари бозоридаги суғурта ташкилотларининг мижозларни жалб қилиш учун суғурта кўламининг мавжудлигидан ҳамда пул маблағларини жойлаштириш ва тўплаш мумкинлигидан далолат беради.

Миллий суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш давлатнинг, аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми ва узоқ муддатли инвестицияларнинг ишончли манбаини шакллантириш сифатида суғурта ролини мустаҳкам-лашга йўналтирилгандир. Республика бўйича 2017-2021 йилларда хизмат соҳаларини асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметр-ларига мувофиқ, 2019 йилда молиявий хизматлар таркибида суғурта хизматлари 2.2 мартага ўсиши белгиланган. 2019 йилга бориб, мамлакат ЯИМда хизматларнинг улушини 55% гача ошириш кўзда тутилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ҳаракатлар стратегиясида миллий суғурта бозоримизни ривожлантириш ва келгусида суғурта компаниялар фаолиятини янада кенгайтириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги белгилаб берилди:

– босқичма-босқич суғурталовчилар низом жамғармаларининг минимал миқдори талабини ошириб бориш белгиланди;

– ҳаётни суғурталаш тармоғини, шу жумладан ҳаёт суғуртасининг узоқ муддатли ва жамғариш турларини келгусида ривожлантириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиб бориш;
– суғурта ташкилотларининг суғурта, молиявий ва воситачилик фаолиятлари бўйича хужжатлар тақдим этилишининг ягона электрон тизимини шакллантириш;
– суғурта ташкилотлари раҳбари ва бош бухгалтерларига қўйиладиган малака талабларини кучайтириш;
– келгусида суғурта бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида суғурта бозори профессионал иштирокчилари: аджастерлар, сюрвейерлар, актуарийлар, ассистанс хизматини кўрсатувчилар фаолиятини кенгайтириш каби устувор чора-тадбирлар.

Суғурта хизматлари бозорини капиталлаштириш суғурталовчилар тўлов қобилиятини ва улар амалга оширадиган операцияларнинг молиявий барқарорлигини оширишни таъминлайди. Шу билан бирга, республика суғурта компаниялари капитал ҳажми бўйича чет эл суғурталовчиларидан анча орқадалиги ҳам миллий, ҳам халқаро суғурта бозорларида рақобат масалаларида муаммоларга олиб келади. Шу сабабли, республика суғурта компанияларини капиталлаштириш даражасини ошириш, халқаро меъёр ва стандартларга эришишгача давом этиши керак.

Миллий суғурта хизматлари бозорининг таркибий сиёсатидаги муаммо, ихтиёрий ва мажбурий суғурта турлари нисбатидаги оптималлаштириш бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатлари шароитида мажбурий суғурта хизматлари улушининг ортиши табиийдир, чунки айнан шунинг ҳисобидан суғурта хизматлари бозорининг капиталлашуви жадаллашади. Миллий суғурта хизматлари бозорининг барқарорлиги, ишончлилиги ва шаффофлигини таъминлаш учун суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштиришга ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Жумладан, бизнинг фикримизча яқин келажакда мажбурий тиббий суғурта, қишлоқ хўжалигини суғурталаш, ташувчилар жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида, экологик суғурталаш тўғрисида, экспорт суғуртаси тўғрисида қонунлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон тажрибаси шуни тасдиқлайдики, ривожланган давлатларда суғурта мукофотларини йиғиш бўйича ҳаётни суғурталаш етакчи ўринни эгаллайди, чунки у ҳар бир фуқаронинг ҳаётига чуқур кириб борган. Шунинг учун ҳаётни суғурталаш тармоғини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарур. Ҳаётни суғурталаш суғурта компанияларининг инвестиция имкониятларини оширади. Ҳаётни суғурталашнинг узоқ муддатли турлари орқали иқтисодиётга пул маблағлари жалб қилинади, шу билан бирга инвестицион институтлар тизимини ривожлантиришга имкон яратади.

Мамлакатда ҳаётни суғурталаш бозорини ривожлантиришдан янада манфаатдор бўлган субъект сифатида қуйидаги сабаблар бўйича давлат ҳам майдонга чиқади.

Биринчидан, умумдавлат муаммоларини ечишда маблағ излаб топиш муаммоси – биринчи даражали муҳим бўлган муаммодир. Ҳаётни суғурталаш узоқ муддатли кредит ресурсларининг манбаи ҳисобланган маблағларини жалб қилишга имкон беради.

Иккинчидан, ҳаётни суғурталаш ҳамда, пенсияга доир суғурта давлат тўловларига, жумладан, қарилик ва ногиронлик нафақаларига боғлиқ бўлмаган қўшимча даромадлар олишни таъминлайди. Шу орқали, давлат аҳолининг энг кам таъминланган қатламини ҳимоя қилишга имкон топади.

Учинчидан, ҳаётни суғурталашни ривожлантириш суғуртанинг муҳим тармоқларидан бири сифатида янги иш ўринларини ташкил этилишига олиб келади.Чунки, халқаро тажриба ва стандартларга асосланган суғурта фаолиятини ўсиб бораётган ривожланиш доирасига жавоб берадиган қонуний тартибга солиш асосларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Шунинг учун, келажакдаги устувор йўналиш бўлиб, суғурта бозорининг мазкур иштирокчилари фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш ва ривожлантириш ҳисобланади. Инфратузилма суғурта ҳимоясини янги сифат стандартлари ва суғурта хизматига бўлган янги талаблар билан бойитиш учун хизмат қилувчи институт сифатида ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, қайд қилинган иштирокчилар суғурта хизмати сифатини яхшилашда ва уларни истеъмолчиларга кенгроқ етказишда муҳим рол ўйнайди.

Суғурта хизматлари бозорини жадал ривожлантириш, уни жаҳон суғурта хўжалигига уйғунлашувини таъминлаш, суғурта бозори иштирокчилари сони ва сифатини кенгайтириш, суғурта хизматлари бозори инфратузилмасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўндаланг қилиб қўяди.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, суғурта компаниялари даромадларининг асосий кисми инвестициялардан олинган даромадлар ташкил этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида республикада суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш суғурта хизматларини сотишдан олинган суғурта мукофотларини, суғурталовчиларни суғурта заҳираларини кўпайтиришга имкон беради, натижада ялпи ички маҳсулот таркибида суғурта хизматлари улуши янада ортади. Шунинг учун суғурта хизматлари бозори олдида турган муҳим вазифалар: мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларининг самарали тизимини ташкил этиш; замонавий инфратузилмани шакллантириш; суғурта хизматлари сифатини ошириш; кадрлар салоҳиятини яхшилаш; суғурта хизматларининг ишончлигини, барқарорлигини ва шаффофлигини таъминлаш ушбу соҳани тараққий этишига шарт шароит яратиб беради.

З.О.Ахроров – СамИСИ ассистенти,
А.А.Тураев – СамИСИ ассистенти,
З.Носирова – СамИСИ талабаси

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Солиқ юкининг муайян давр учун оптимал, яъни илмий асосланган, адолатли ва реал вариантларининг қўлланилиши кўпгина ривожланган давлатларда иқтисодиётнинг самарали ривожланиб боришини таъминламоқда.

Республикамизда ҳам солиққа тортиш соҳасидаги асосий масалалардан бири бозор иқтисодиётига утишнинг ҳозирги босқичи учун хос бўлган солиқ юкининг энг оптимал ҳолатини ишлаб чиқиш ва уни амалда таъминлаш бўлиб колмоқда.

Республикамиздаги корхоналар фаолияти таҳлиллари асосида солиқ юки юқори ва бу иқтисодиётимиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда деб дейиш мумкин. Унда бизнинг шароитимизда солиқ юкини оптималлаштириш солиқ юкини пасайтиришни билдиради. Республикамизда солиқ юкини оптималлаштириш, яъни пасайтириш мумкинми? Агар мумкин бўлса унинг йуллари қандай? Аввало давлатнинг самарасиз харажатларини қисқатириш лозим бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, купгина давлатларда, айниқса ривожланаётган давлатларда, шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам асосий ҳолларда давлат харажатлари миқдори солиқ юкини белгилайди. Аслида бундай амалиётнинг қўлланилиши нотўғридир. Оптимал даражада ўрнатилган солиқ юкининг умумий даражаси асосида шаклланган бюджет даромадларига караб давлат харажатлари бюджетлаштирилиши ва амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда бу иқтисод ривожланишига албатта салбий таъсир кўрсатади.

Давлат харажатларини қисқартириш солиқ юкини пасайтириш муаммосини тўлиқ ёки бутунлай ҳал этмайди, фақат солиқ юкини пасайтириш учун дастлабки шарт-шароитни (даромад олиш имкониятини) яратади, холос. Навбатдаги асосий масала эркин тадбиркорлик фаолиятини (айниқса ишлаб чиқариш фаолиятини) олиб бориш ва даромадга эга бўлиш учун қулай шарт шароит яратиш ва шу орқали бюджетга қўшимча солиқ тушумларининг келишига эришишдир. Бунда солиқ юкини камайтириш учун яна бир асос яратилади. Бу соҳада республикамизда анчагина объектив ва субъектив муаммолар мавжуд.

Солиқ юкини пасайтиришга эришининг муҳим йўналиши бу солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратишдир. Бу соҳада бир қанча ютуқлар билан биргаликда муаммолар ҳам мавжуд.

Баъзи адабиётларда турли соҳа ва тармоқларда солиқ юкини тенглаштириш мақсадида ягона солиқ ставкасини ўрнатиш зарурлиги

тўғрисида гап боради [1] . Солиқ механизми шаклланишининг жаҳон тажрибаси тасдиқлашича, мулк шакли ва тармоқ хусусиятидан қатъий назар ягона солиқ ставкасини жорий этиш, солиқ механизми шаклланишининг яна ҳам прогрессив тамойилларидан биридир. Аммо ягона солиқ ставкасини белгилашда иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олмаслик салбий натижаларга олиб келади.

Ҳозирги пайтда республикамизда турли соҳа ва тармоқларда турлича солиқ ставкалари ўрнатилган. Нафақат ставка, балки солиқ турлари, солиққа тортиш тартиби, механизми жиҳатидан кам бир-биридан фарқ килади. Шу жиҳатдан соҳа ва тармоқларни қуйидагиларга ажратиб олиш зарур:

- қишлоқ хўжалиги;
- ишлаб чиқариш, транспорт, курилиш, маиший хизмат кўрсатиш;
- савдо, умумий овқатланиш, воситачилик;
- банк ва суғурта ташкилотлари;
- кўнгилочар ўйин ва бошқалар;
- кичик бизнес корхоналари.

Бундан ташқари, давлат инвестиция дастурига киритилган корхоналар ҳам бошқача тартибда солиққа тортилади. Бу ҳолат бозорга ўтишининг ҳозирги боскичида иқтисодиётимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, солиқ механизми орқали иқтисодиётни бошқаришнинг ўзига хос усулларидан ҳисобланади. Бу усул солиққа тортишни мураккаблаштиришига қарамай маълум маънода ўзини оқлайди. Чунки уларнинг ягона тартибда ва ягона ставкада солиққа тортилиши (катто бир-бирига яқин бўлиши) ижтимоий тафовутларнинг, иқтисодий ривожланишдаги диспропорцияларнинг юзага келишига, уларда солиқ юки фарқланишларининг кучайишига, вертикал адолатнинг бузилишига олиб келади.

Солиқ юкининг турли соҳаларда фарқланиши тўғрисида айтилганда, банк тизимини солиққа тортиш соҳасида кам алоҳида тўхталиб утиш лозим деб ҳисоблаймиз. Банк тизимининг бир неча йиллар давомида солиқлардан озод этилиши, ҳамда уларга давлат кредитининг тақдим этилиши улар моддий-техника базасини мустаҳкамлади, қурилишлар олиб борилди. Молиявий жиҳатдан анча барқарорликка эришилди. Лекин унинг хизмат кўрсатиш соҳаси эканлигини ва моддий ишлаб чиқариш ривожланмаса молиявий мустаккам мижозлар бўлмаса, банк тизимининг қанча имтиёз берилишига ва моддий базаси мустаккамланишига карамай ривожланиб кета олмаслигини эътиборга олиш зарур эди. Ҳозирги пайтда кўпчилик вилоят ва шакарларда банклар асосий солиқ тўловчи ташкилот бўлиб қолмоқда. Бу бошқа томондан реал имтиёз беришнинг амалдаги

[1] Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Сам.: СамКИ, 2003. 220 б.; Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: 2016.; З. Махмудов Н., Адизов М. Солиқларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш. – Т.: 2014.

самарасини ҳам исботлайди. Охирги вақтда банкларнинг молиявий аҳволининг нисбатан оғирлашиб бориши юқоридаги фикрларимизни исботлайди.

Шунинг учун ҳам давлат кредитлари аввало ишлаб чиқариш соҳасига сарфланиши ва умуман ишлаб чиқариш соҳасини паст даражада солиққа тортишни ташкил қилиш лозим эди. Ҳозирги пайтда бюджет даромадларига минимум зарар етказган колда турли соҳа ва тармоқларда турлича солиқ босимини таъминлаган колда ишлаб чиқариш соҳасига (паст ставка ўрнатиш) катта эътибор бериш зарур. Бунда нафақат ставкани пасайтириш балки солиқлар сонини, солиқ базасини шакллантириш хусусиятини ҳам эътиборга олган ҳолда қараш зарур.

Корхоналарга солиқ юки қанчалик юқори булмасин, корхоналар ўзининг реал иқтисодий имкониятларидан чиқиб кета олмайди ва қўшимча солиқ ундириб бўлмайди.

Шуни алокдда таъкидлаш лозимки, солиқ юкини сезиларли даражада пасайтириш, солиқ тўловчининг талаби ёки ҳукуматнинг хохиши билан эмас, балки мустаккам иқтисодий асос бўлгандагина мумкин бўлади. Акс ҳолда янги солиқлардан қочиш тўғридан тўғри тескари натижаларга олиб келиши мумкин.

Агар харажатларни талаб килинадиган даражада солиқ муаммосини хакикатда ҳал қилишга эришиш мумкин барқарорлаштиришга эришилса ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсиш даражаси сақланиб қолинса, солиқларни қай даражада пасайтириш имкониятини тасаввур этиш ва ҳисоблаш мумкин бўлади. Фақат шу йўл билан барчаси республикамизда корхоналарни солиққа тортишда соддалаштириш томон борилмоқда. Бу маълум даражада корхоналар зиммасидаги солиқ юкини пасайтиришга, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш билан ўзлик харажатларнинг камайишига ёрдам беради. Шу туфайли солиқ сиёсати орқали иқтисодиётни бошқаришнинг муқим йўналишни бу - ишлаб чиқариш ва курилиш корхоналарида солиқ юкини амалда сезиларли даражада камайтиришдир. Бунинг учун нафақат солиқ ставкасини пасайтириш, бу соҳаларда паралел равишда солиқ имтиёзларини жорий этиш, солиқлар сонини мувофиқлаштириш ва албатта солиқ базаси элементларини адолатли солиққа тортиш нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. Молия: Корхоналар молияси. Дарслик. – Самарқанд: Иқтисод ва молия, 2018. – 268 б.
2. Мандрощенко О., Пинская М. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: Дашков и К, 2010. –344 с.
3. Махмудов Н., Адизов М. Солиқларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш. – Т.: 2014.

V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

К.Б. Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
Х.Ў. Пўлатов – СамИСИ магистранти

УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республикамизда қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»га мувофиқ бўйича барча тармоқ ва соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ушбу ўзгаришлар бевосита хизмат кўрсатиш соҳасига, унинг барча тармоқларига, чунончи улгуржи савдога ҳам даҳлдордир.

Улгуржи савдонинг иқтисодиётда тутган ўрни шундаки, у орқали мамлакатимизда ҳамда хорижий мамлакатларда яратилаётган товар-моддий бойликлар йирик партияларда ички ва ташқи бозорларга етказилади, шу асосда корхоналар ва аҳолининг товарларга бўлган истеъмол талаблари қондирилади. Улгуржи савдо ҳажмига қараб, мамлакат экспорти ва импорти кўрсаткичлари баҳоланади. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз корхоналарини инвестициялар сифатида киритилаётган энг замонавий меҳнат воситалари ҳамда меҳнат предметлари билан таъминлашдаги роли борган сари ошиб бормоқда.

Улгуржи савдо корхоналари орқали амалга оширилаётган ички ва ташқи савдо фаолияти ҳажмининг борган сари ошиб бораётганлиги, ушбу фаолиятга бўлган талабларнинг кучайиши, 2019 йилнинг 1 январидан барча бир миллиард сўмдан ошиқ товарооборотга эга бўлган улгуржи савдо корхоналарни солиққа тортиш тартибларида юз берган ўзгаришлар уларда бошқарувнинг муҳим дастаклари бўлган ҳисоб ва аудитнинг долзарб назарий ҳамда методологик масалаларини ҳал этишни тақоза эмоқда. Қуйида ушбу соҳада ҳисоб ва аудитнинг айрим долзарб масалаларига тўхталамиз.

Улгуржи савдо корхоналарида бугунги кунда энг долзарб бўлган масалалардан бири бўлиб импорт товарлар таннархини тўғри шакклантириш ҳисобланади. Республикамизда амалда бўлган 4-сон

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС)га[1] мувофиқ импорт товарлар таннархи қуйидаги элементларни ўз ичига олиши лозим:

ИТт = Тсқ + Бб+ Тх+ Бсх

Бу ерда: **ИТт –** импорт товарлар таннархи**; Тсқ –** товарларнинг сотиб олиш қиймати; **Бб –** божхона тўловлари; **Тх-** товарларни ташиб келтириш харажатлари; **Бсх –** бошқа сотиб олиш харажатлари (воситачилик хизматлари ҳақи, сафар харажатлари, юридик хизматлар ва бошқалар).

Изланишлар улгуржи савдо корхоналари амалиётида юқорида келтирилган тартибга тўлиқ амал қилинмаётганликни кўрсатмоқда. Чунончи, айрим улгуржи савдо корхоналарида товарлар импортида тўланаётган божхона тўловлари, товарларни сотиб олишда қилинаётган транспорт ва бошқа харажатларни сотиб олинган товарлар таннархига эмас, балки корхонанинг сотиш харажатларига (9410 счётга) олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай ёндашувга асосан иккита омил сабаб бўлмоқда:

(1) улгуржи савдо корхоналари тўлаётган божхона тўловлари ҳамда бошқа сотиб олишга доир харажатларнинг улар тўлаётган ягона солиққа таъсир кўрсатмаслиги;

(2) товарларни сотиб олишда тўланадиган божхона тўловлари ва бошқа харажатларнинг сотиб олинган товарлар ўртасида тақсимлаб чиқишнинг катта ҳажмдаги ҳисоб-китобларни амалга оширишни, бу, ўз навбатида, кўп меҳнат сарфини талаб этиши.

Юқоридаги субъектив сабаблар кўра бухгалтерлар энг енгил усулни, товарлар импортида қилинадиган қўшимча сарфларни ёппасига корхона харажатларига ҳисобдан чиқаришни танламоқдалар. Бироқ, бундай енгил усулни танлаш улгуржи савдо корхоналарида товарлар таннархини шакллантириш бўйича белгиланган меъёрий ҳужжатлардан четланишларга олиб келмоқда. Б, ўз навбатида, аудиторлик текширувларида мижоз ва аудиторлик ташкилоти ўртасида молиявий ҳисоботга ижобий ёки салбий хулоса беришда тортишувларга ва келишмовчиликларга олиб келмоқда.

Фикримизча, юқоридаги салбий жиҳатларни бартараф этиш мақсадида республикамизда амалда бўлган 4-сон БҲМСнинг тегишли моддасида импорт товарлар таннархини юқоридаги алгортм асосида шакллантиришнинг бухгалтерлар учун мажбурий эканлигини белгилаш, шунингдек уларга амалий ёрдам сифатида божхона тўловлари ва бошқа сотиб олиш харажатларинини товарлар ўртасида тақсимлаш механизмини аниқ мисолларда бериш мақсадга мувофиқ.

Юқорида келтирилган таклифларни 4-сон БҲМСда махсус белгиланиши ҳозирги кунда ўта муҳим бўлган яна бир долзарб масалани ҳал этишга имкон беради, деб ҳисоблаймиз. Бу ҳам бўлса - республикамизда 2019 йил 1 январдан жорий этилган ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини савдо корхоналарда, чунончи улгуржи савдо

[1] Молия вазирининг 15.06.2006 й. 52-сон буйруғи билан тасдиқланг, Адлия вазирлиги томонидан 17.07.2006 й. 1595-сон билан рўйхатга олинган

корхоналарида тўғри юритилишини таъминлаш.

Маълумки, узлуксиз фаолият олиб бораётган улгуржи савдо корхоналарида 2019 йилнинг бошига олдиндан сотиб олинган товарларнинг сотилмасдан қолинган маълум қолдиқлари мавжуд. Олдиндан ҚҚС суммаси божхонага тўлаб қўйилган ҳамда товарлар таннархига киритилган ёки корхона харажатларига олиб борилган ушбу товарлар энди 2019 йилнинг 1 январидан ҚҚС билан сотилиши лозим. Мос равишда, улгуржи савдо корхоналари бюджетга ҚҚС солиғини тўлашлари керак.

Республикамизнинг солиқ кодексига мувофиқ бюджетга тўланадиган ҚҚС сотишдан олинган ҚҚС суммасидан камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммасини айиришдан кейин қолган суммадан иборат бўлади, яъни:

ҚҚСб = ҚҚСс – ҚҚСк

Бу ерда: **ҚҚСб –** бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси;

ҚҚСс – сотишдан олинган ҚҚС суммаси**;**

ҚҚСк – камайтиришга олиб борилган ҚҚС суммаси.

Улгуржи савдо корхоналарида 2019 йилнинг 1 январига заҳира мавжуд бўлган товарларини сотиш бўйича ҚҚС ҳисоб-китобларини юқорида келтирилган алгортмга асосан тўғри амалга ошириш ҳамда ушбу солиқни бюджетга тўғри тўланишини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Биринчидан, 2019 йил 1 январ ҳолатига импорт товарларнинг омборларда мавжуд заҳираларини инвентаризация қилиб, уларнинг реал қийматини аниқлаш.

Иккинчидан, 2019 йил 1 январ ҳолатига импорт товарларнинг омборларда мавжуд заҳиралари қийматига тўғри келувчи божхонага тўланган ҚҚС суммасини аниқлаш. Ушбу ҳисоб-китобларни импорт товарлар қолдиғи инвентаризация варағи маълумотлари асосида қуйидаги шаклда расмийлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

2019 йил 1 январь ҳолатига импорт товарлар бўйича тўланган ҚҚС ва улар таннархи ҳисоб-китоби

№	Импорт товар номи	Импорт товар кирим қиймати (ҚҚС билан)	Шу жумладан ҚҚС суммаси	Импорт товар кирим қиймати (ҚҚС сиз)
1	А товар	120000000	20000000	100000000
2	Б товар	60000000	10000000	50000000
3	В товар	36000000	6000000	30000000
	…….			
	Жами	**600000000**	**100000000**	**500000000**

Юқоридаги келтирилган ҳисоб-китоб асосида импорт товарлар ҳисобини юритишга мўлжалланган счёт (2910 счёт) қолдиғини ҚҚсиз акс эттириш учун қуйидаги ёзувни бериш лозим, деб ҳисоблаймиз:

Дебет 4410 « Бюджетга ҚҚС бўйича тўланган ҚҚС – 100 000 000;

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар» - 100 000 000 сўм.

Агарда божхонага тўланган ҚҚС суммаси корхона давр харажатларига олиб борилган бўлса, ушбу ҳолда давр харажатларини ушбу суммага камайтириш лозим ва унга қуйидагича ёзув қилиниши мақсадга мувофиқ:

(А) ҳисоб йили бўйича молиявий ҳисобот давлат солиқ инспекциясига топширилмаган бўлса:

Дебет 4410 « Бюджетга ҚҚС бўйича тўланган ҚҚС – 100 000 000;

Кредит 9410 «Сотиш харажатлари» - 100 000 000 сўм.

(Б) ҳисоб йили бўйича молиявий ҳисобот давлат солиқ инспекциясига топширилн бўлса:

Дебет 4410 « Бюджетга ҚҚС бўйича тўланган ҚҚС» – 100 000 000;

Кредит 8710 «Ҳисобот давр тақсимланмаган фойдаси» - 100 000 000.

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб омбордаги импорт товарларнинг ҚҚС билан сотилишига қараб, ҳисобот даврлари охирида (ой охирида) 2019 йил 1 январь ҳолатига камайтиришга олиб борилган ҚҚСнинг сотилган қисми ҳисоб-қилиниши ва, мос равишда, бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини топишда эътиборга олиниши лозим. Мисол учун, айтайлик 2019 йил январь ойида «А» товарнинг 500 донаси, ҳар бир 110 000 сўмдан (таннархи 100 000 сўм, устама 10% ёки 10 000 сўм) жами 55 000 000 сўмга, 20 %лик ҚҚС билан (11 000 000 сўм), жами 66 000 000 сўмга сотилган дейлик. Бу ҳолда сотилган импорт товарлар бўйича ҚҚС ҳисоб-китоби январь ойида қуйидагича тузилади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

2019 йилнинг январь ойида сотилган импорт товарлар бўйича ҚҚС кўрсаткичлари ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Сумма	Изоҳ
1	Сотишдан олинган ҚҚС	11 000 000	500*110 000*20%
2	Камайтиришга олиб борилган ҚҚС	10 000 000	20000000/1000*500
3	Бюджетга тўланадиган ҚҚС	1 000 000	11 000 000 -10 000 000

2019 йил январь ойида импорт товарларнинг сотилиши, унга доир ҚҚС кўрсаткичлари қуйидаги ёзувлар билан ҳисобда акс эттирилади.

**сотишдан олинган соф тушум суммасига:*

Дебет 4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар» – 55 000 000;

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинадиган даромадлар» - 55 000 000.

**сотишдан олинган ҚҚС суммасига:*

Дебет 4010 «Харидорлардан олинадиган счётлар» –11 000 000;

Кредит 6410 «Бюджет билан ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар» 11 000 000.

**божхонага тўланган ҚҚС суммасини камайтиришга олинган суммасига:*

Дебет 6410 «Бюджет билан ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар» - 10 000 000.

Кредит 4410 « Бюджетга ҚҚС бўйича тўланган ҚҚС – 10 000 000

**бюджетга тўланадиган ҚҚСнинг тўланишига:*

Дебет 6410 «Бюджет билан ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар» - 1 000 000.

Кредит 4410 « Бюджетга ҚҚС бўйича тўланган ҚҚС – 1 000 000

**сотилган импорт товарлар таннархига:*

Дебет 9120 «сотилган товарлар таннархи» – 50 000 000;

Кредит 2910 «Омбордаги товарлар» - 50 000 000.

Ушбу операциялардан кейин омборда қолган «А» товарнинг қолдиқ суммаси 50 000 000 сўмни, ушбу товар бўйича камайтиришга олиб бориладиган ҚҚСнинг қолдиқ суммаси 10 000 000 сўмни ташкил этади. Камайтиришга олиб бориладиган ҚҚС суммаси келгуси ойларда товарларни сотилишига қараб юқорида келтирилган тартибларда ҳисоб-китоб қилиниши ҳамда ҳисобда акс эттирилиши лозим.

Улгуржи савдо корхоналарида 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб кирим қилинган импорт товарлар бўйича божхонага тўланадиган ҚҚС суммаси блжхона юк деклорацияси (БЮД) асосида тан олиниши ҳамда ҳисобда қуидагича акс эттирилиши лозим;

Дебет 4410 « Бюджетга ҚҚС бўйича тўланган ҚҚС»;

Кредит 6990 «Бошқа кредиторлик қарзлар».

Божхонага тўланган ҚҚС суммаси тўлов топшириқномаси асосида бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилиши керак:

Дебет 6990 «Бошқа кредиторлик қарзлар».

Кредит 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Фикримизча, юқорида келтирилган таклиф ва тавсияларимизни бухгалтерия ҳисоби стандартларига киритиш улгуржи савдо корхоналарида импорт товарлар ҳисобида бугунги кунда мавжуд амалий муамоларни яхлит тарзда ҳал этилишига имкон беради. Шунингдек, ушбу таклифларимиз улгуржи савдо корхоналарида ўтказиладиган аудиторлик текширувларидаги тортишувлар ва келишмовчиликларни ҳам бартараф этиш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

Р.А.Абдуллаев – СамИСИ профессори, и.ф.н.,
О.Х.Холиқулов – СамИСИ ассистенти,
С.Худойбердиев – СамИСИ, БХ-315 гуруҳ талабаси

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР АУДИТИНИ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Инвестиция – бу иқтисодиётнинг юраги!
Ш.Мирзиёев

Ҳозирги кунда фаол тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги инновацион ҳамда инвестицион муҳитга ижобий ислоҳотлар ижобий тарзда қилиниб келинмоқда. Шиддат

билан ривожланиб бораётган иқтисодиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёзлар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, инновация жараёнларини жадаллаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида фаол тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда иш билан бандликни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида асосий эътиборни моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишга, унумсиз сарфларни ва нобудгарчиликларни бартараф қилишга қаратмоқ муҳим аҳамият касб этади.. Бундай улкан ишларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг роли беқиёсдир.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса, ўз навбатида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини аудит қилиш натижасида молиявий ҳисобот истеъмолчиларини ишончли ахборотлар билан таъминлашга олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, ”келгуси йил учун Давлат бюджети дефицити 4,5 триллион сўм атрофида бўлиши ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз бўлиши режалаштирилмоқда. 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Шуни айтиб ўтиш жоизки, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак[1].

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 бараварга ошириш[2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси келтирилганидек, “Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда”[3].

Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ау-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

[2] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й.

дити аудиторлик текширувининг муҳим ва ажралмас қисмларидан бири ҳисобланиб, уни ўтказиш ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бунда аудиторлар ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолият тури, молиявий натижанинг шаклланиши, манбалари, молиявий натижаларни тақсимланиши хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишларни амалга ошириши зарурияти муҳимдир.

Ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижаларни шаклланишини куйидаги бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар орқали аудитдан ўтказилади: 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар ҳисоби счёти», 9300-«Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлари», 9500-«Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари», 9700-«Фавкулотда фойда (зарар)лар ҳисоби счётлари», 9800- «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши ҳисоби счётлари», 9900 - «Якуний молиявий натижа» ва бошқа счётлар.

Ишлаб чиқариш корхоналарида асосий фаолиятдан даромадлар тайёр маҳсулотларни сотиш, мулкларни сотишдан олинган даромадлардан иборат. Ушбу даромадлар 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счётларнинг кредитида ва 4010- «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 5110- «Ҳисоб-китоб счётининг» дебетида акс эттирилган бўлади. Нақд пулга сотилган тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушумлар эса бевосита 5010, 5020 счётларда ифодаланган бўлади. Ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар ой охирида якуний молиявий натижа счётига ўтказилган бўлади. Шу мақсадда аудитор автотранспорт хизмат кўрсатувчи корхонасида 9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар» счётининг дебетидаги ёзувлар билан 9900-«Якуний молиявий натижа» счётининг кредитдаги ёзувларни ўзаро солиштириб кўради. Ушбу маълумотлар Бош китоб, айланма қайдномалари ва молиявий ҳисоботнинг 2-шакл: «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» кўрсаткичлари билан таққосланади. Аудитор ушбу операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳамда бирламчи бухгалтерия хужжатларида тўғри акс эттирилганлигига алоҳида эътибор қаратишини талаб этади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижаларни аудит қилиш жараёнида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни сифат ҳамда миқдор жиҳатлари, молиявий ҳисоб маълумотлари билан таққосланиб таҳлил қилинади ва тегишли тавсиялар берилади. Ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш тавсия қилинади:

- ишлаб чиқариш корхоналарининг мулкий ҳолати;
- ишлаб чиқариш корхоналари мулкга эгалик қилиш ҳуқуқининг ликвидлиги;
- ишлаб чиқариш корхоналарининг тўловлик қобилияти даражаси;

- ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий барқарорлиги;
- ишлаб чиқариш корхоналарининг рентабеллик даражаси.

Аудитор ишлаб чиқариш корхоналарида бевосита бухгалтерия ҳисобининг объектларидан молиявий натижалар ҳисобига алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. **Молиявий натижа** – бу ҳисобот давридаги фойда ёки зарардир[1]. Рентабеллик - самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланади. Аудитор ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижани текшириш жараёнида харажатлар таркибига киритилган фойда (зарар) кўрсаткичига таъсирини аниқлаши керак.

Ишлаб чиқариш корхоналари фойдаси муҳим сифат кўрсаткичларидан бўлиб товар-моддий заҳиралардан самарали фойдаланганликни ифодалайди. Олинган фойда миқдорига қараб активларнинг рентабеллигини билиш мумкин. Аудит жараёнида активларнинг турлари бўйича рентабеллик даражаси таҳлил қилинган фойдани янада оширишга қаратилган асосли тавсиялар ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Фойда аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади. Аудитор тузилган шартномага асосан фойданинг тўғри ҳисобланганлигини, йил давомида меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талаблари асосида ишлатилганлигини текширади. Бундай текширув 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)», 9900 - «Якуний молиявий натижа» ва бошқа счётлар орқали амалга оширилади.

Аудитор ишлаб чиқариш корхонаси фойда кўрсаткичининг тўғри ҳисобланганлигини қуйидаги операциялар орқали текширади:

- ишлаб чиқариш корхоналарида даромад турлари бўйича операциялар;
- ишлаб чиқариш корхоналарида харажат турлари бўйича операциялар;
- ишлаб чиқариш корхоналарида йил давомида ишлатилган фойда бўйича операциялар.

Фойданинг аудити 9900 - «Якуний молиявий натижа» счётидаги бухгалтерия ёзувларини текшириш орқали амалга оширилади. Бундай текширув тартибини «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» аксиядорлик жамияти мисолида кўриб чиқамиз. Ҳисобот даври бўйича аксиядорлик жамиятининг 9900 «Якуний молиявий натижа» счётида қуйидаги ёзувлар бўлган:

«Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти 2018 йил декабр ойида чет эллик ҳамкори билан тайёр маҳсулотларини етказиб бериш бўйича умумий қиймати 50 000 АҚШ доллари бўлган шартнома тузди. (Марказий банк курси бўйича 1$=8150 сўм). Экспорт қиладиганлар учун ҚҚС нинг ноль ставкаси қўлланилади.

Аудитор бевосита аудиторлик ҳисоботида юқоридаги бухгалтерия ёзувлари асосида текшириш ишлари олиб боради.

[1] Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотиволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби: Дарслик. ТДИУ. Т.: 2007. 103- бет.

Дебет	**9910 - «Якуний молиявий натижа»**	**Кредит**
Колдиқ- 6-a) 315 000,0		Қолдиқ- 6-b) 407 500,0
Дт.оборот. 315 000,0		Кт.оборот. 407 500,0 Оқ. 92 500,0

1-жадвал[1]

№	Хўжалик операциялари	Сумма (минг сўм)	Дебет	Кредит
1	Корхонада ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинган	315 000,0	2810	2010
2	20.12.2018 да харидор бўнак сифатида транзит валюта счётига 20 000$ пул ўтказди. (1$=8150 сўм) 20 000$x8150	163 000,0	5210	6310
3	Харидорга 50 000$ тайёр маҳсулот сотилиши амалга оширилди. Тайёр маҳсулот жўнатилиши амалга оширилган санадаги курс (1$=8150 сўм) 50 000$x8150	407 500,0	4010	9010
4	Харидорнинг бўнак тўлови ҳисоб-китоб қилинди.	163 000,0	6310	4010
5	a) Валюта счётига харидордан 30 000$ пул келиб тушди. (1$=8290 сўм) b) Курсдаги ижобий фарқ	248 700,0 4 200,0	5210 5210	4010 9540
6	Тайёр маҳсулот экспортидан молиявий натижа a) Сотилган тайёр маҳсулот таннархи ҳисобдан чиқарилди. b) Сотишдан даромадлар якуний молиявий натижага ўтказилди.	 315 000,0 407 500,0	 9910 9010	 9110 9910
7	Молиявий натижа	92 500,0	9910	8710

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳсулотлар экспортидан ялпи фойда 92 500,0 минг сўм. Муомалалар жараёнида бюджетга ҚҚС ҳисобланмаган, чунки экспорт қиладиганлар учун ҚҚС нинг ноль ставкаси қўлланилган.

Аудитор бевосита молиявий ҳисобот маълумотларни бухгалтерия ҳисобининг жорий маълумотлари билан ўзаро таққослаб текширади.

[1] 2018 йил «Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» аксиядорлик жамияти маълумотлари.

Аудитор ҳисобот йилидаги соф фойданинг тақсимланишини (зарарнинг ёпилишини) қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали текширади:
Фойда суммасига:

Дебет	Кредит
8710	8532

Зарар суммасига:

Дебет	Кредит
8532	8710[1]

Аудитор бухгалтерия ҳисобида счётлар қолдиғи бўйича айланмаларни тўғри акс эттирилганлигини синчиклаб текшириши лозим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасини текширишда аудитор пул ажратмаларига алоҳида аҳамият беришини тақозо этади. Бунда аудитор бухгалтерия ҳисоби бирламчи хужжатларидан, яъни шартномалар, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, солиқ ҳисоботлари, счет-фактуралар ҳамда банк кўчирмаларини ва бошқа шу каби ҳужжатларни алоҳида эътибор билан текшириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу боис аудитор молиявий натижаларни аудит қилишда солиқ тўловларига ҳам алоҳида эътибор беришини талаб этади.

Ф.Э. Жомонқулова – СамИСИ катта ўқитувчиси, т.ф.н.,
М.Қ.Низомов – СамИСИ босмохона оператори

ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш энг муҳим масалалардан биридир. Чунги ҳозирги замонавий бухгалтерия дастурлари маълумотлар базасини яратиш ва унинг асосида турли мураккабликдаги бухгалтерия ҳамда солиқ ҳисоботларини тўғри шакллантириш имкониятини беради. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобида хатога йўл қўймасликда, иш вақтини тежашда, зарур ахборотларни тезкор равишда олишда автоматлаштирилган тизимнинг роли беқиёсдир. Қабул қилинган “Ҳаракатлар стратегияси”да эътироф этилганидек: “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг самараси, сифатини юксалтириш ва бу хизматдан аҳоли хамда тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланиш имкониятларини ошириш вазифалари белгиланган[2]. Мазкур вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши бошқарув тизимида замонавий компьютерлардан кенг фойдаланишни тақозо қилади.

[1] «IMPULS- AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти маълумотлари асосида.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган: “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.”

Умуман олганда, “Бухгалтерия ҳисоби” ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Фаолият сифатида у кишилик жамиятида хўжалик юритувчи субъектларни пайдо бўлиши билан вужудга келган. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши билан мос равишда бухгалтерия ҳисоби ҳам ривожланган, унинг шакл ва мазмуни, юритиш техникаси ва усуллари такомиллашиб борган. Бошқарув органлари ходимлари ичида айнан ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланувчи касб эгалари шаклланган. Шу йўсинда бухгалтерия ҳисоби махсус касбга айланган.

Шунинг учун, ахборот технологиялари ривожланаётган бир пайтда, корхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришга катта эҳтиёж сезилмоқда. Илгари, бухгалтерия ҳисобини амалга ошириши учун бухгалтерлардан жуда катта меҳнат ҳамда вақт талаб қилинар эди. Мисол учун, корхоналарда нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун бухгалтерлар тўлов топшириқномасини тузишлари, банкка олиб бориб топширишлари, банк қайдномасини олиб келишлари, бухгалтерия ёзувларини амалга ошириб журналларда қайд этишлари лозим эди. Бу эса, бухгалтер касбини қийин ва зерикарли касбга айлантириб юборган эди. Эндиликда, бу машаққатларга эҳтиёж қолмади. Чунки ҳозирги шароитда, бухгалтерлар интернет тармоғига уланган компьютерлар билан бундай операцияларни осон ва тез суръатда бажарадилар.

Шу сабабли, ҳозирги замон бухгалтерлари олдиларига қўйиладиган энг асосий талаб ва вазифалардан бири, бу бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимида ҳисобни юритиш ҳисобланади.

Ҳозирги ахборот технологиялари ривожланган бир пайтда, бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилиб борилмоқда. Бу эса, албатта, ҳисоб-китобларнинг тўғри бўлишини таъминлайди ҳамда иқтисодий самарадорликни оширади. Аммо бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш корхона бухгалтерининг ишига муаййан ўзига хосликни олиб киради, чунки ушбу дастур ёрдамида ҳисобни бажариш махсус дастурчиларнинг кўмагини талаб этади. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа солишга доир қонун ҳужжатларида мунтазам равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиляпти. Уларга мувофиқ тарзда дастурни ҳам тезкорлик билан янгилаш даркор бўлади.

Махсус дастурий маҳсулотларни бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришда катта тажрибага ва обрўга, сотилаётган дастурларнинг лицензиялари ва сифат сертификатларига эга бўлган профессионал фирмалардан сотиб олган маъқул. Дастурни танлашда у қайси корхонага: кичик, ўрта ёки йирик корхонага мўлжалланганини ҳисобга олиш, унинг қай соҳага тегишлилигига эътибор қаратиш зарур.

Корхоналар фаолиятида замонавий компьютерлардан фойдаланиш орқали содир бўлаётган турли хил жараёнлар тўғрисида тезкорлик билан аниқ ахборотларни шакллантиришга имкон яратилади. Ушбу масалалар турли мулкдаги корхоналарда олиб борилаётган бухгалтерия ҳисобини компьютерлаштириш билан боғликдир.

Бухгалтерия ҳисобининг бошқарувда тутган ўрни асосан у бажарадиган ахборот бериш функцияларида, яъни ахборот таъминотида ёрқин намоён бўлади, Ахборот тушунчаси лотинча сўзидан келиб чиққан бўлиб, бирон бир вақт ёки ҳодисанинг баёни, изоҳи маъносини англатади. Ҳаётда ахборотга моддий дунёнинг у ёки бу томони ва унда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар деб қаралади. Хўжалик фаолиятида ахборот деганда, кенг маънода, атроф-муҳит тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар тушунилади. Бу маълумотлар атроф-муҳит билан ўзаро алоқадан, унга мослашишдан ва унинг ўзгариши жараёнидан олинган бўлиши мумкин.

Ахборот – бу яратувчиси доирасида қолиб кетмаган ва хабарга айланган, билимлар ноаниқлиги, тўлиқсизлиги даражасини камайтирадиган ҳамда оғзаки, ёзма ёки бошқа усуллар (техник воситалар, ҳисоблаш воситалари ва ҳоказо) орқали ифодалаш мумкин бўлган атроф-муҳит (объектлар, воқеа-ҳодисалар) тўғрисидаги маълумотлардир.

Ахборот корхона учун қуйидаги имкониятларни беради:

- корхонанинг стратегик, тактик ва тезкор мақсад ҳамда вазифаларини белгилаш;
- корхона, унинг бўлинмаларнинг жорий ҳолатини, улардаги жараёнларни назорат қилиш;
- асосли ва ўз вақтидаги қарорларни қабул қилиш;
- мақсадга эришишда бўлинмалар ишини мувофиқлаштириш.

Реквизитлар иқтисодий ахборотнинг оддий бўлинмас бирликлари ҳисобланади. Улар объектнинг муайян хоссаларини ифодалайди. Реквизитлар реквизит-белгилар ва реквизит-негизларга бўлинади. Реквизит-белгилар тавсифланаётган объектнинг (ҳаракат вақти ва жойи, ижроси, фамилияси, исми, отасининг исми ва ҳоказо) сифатий хоссаларини ифодалайди. Реквизит-негизлар эса ўлчамнинг муайян бирликларидан ифодаланган ҳодисаларнинг миқдорий тавсифини беради. Масалан, товарлар ҳажми - сўмларда, режа бажарилиши - фоизларда. Алоҳида олинган реквизит-белгилар ва реквизит-негизлар иқтисодий маънони касб этмайди, шунинг учун бир-бири билан боқлиқлигидагина қўлланилади. Иқтисодий маъно касб этган ўзаро боғланган реквизит-белгилар ва реквизит-негизлар кўрсаткич деб аталади. Ҳар бир кўрсаткич битта ёки бир неча реквизит белгидан ташкил топади.

Ҳужжатлар кўрсаткичлар асосида тузилади, яъни битта ёки бир нечта кўрсаткични ўз ичига олиши мумкин. Ҳужжатларда улардаги ахборот тўғрилиги учун жавобгар шахслар имзоси албатта бўлиши шарт.

Бухгалтерия ҳисобининг ахборотли тизимлари асосида мажмуаларга бирлаштирилган, ҳисобнинг алоҳида участкалари томонидан бажариладиган ҳисоб вазифаларини ҳисоблаш амалга оширилади. Вазифалар мажмуаси иқтисодий мазмунини аниқлаш, тасдиқланган синтетик счеётларни олиб бориш, бирламчи ва йиғма ҳужжатлар, ҳисоблаш алгоритмларини ўзаро алоқалари ҳамда ҳисобнинг аниқ

участкасининг услубий материаллари ва меъёрий ҳужжатлари билан таърифланади.

Шахсий компьютер базасида автоматлаштирилган иш жойларини ташкил қилиниши, корхоналарда маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини яратиш, ахборот базасини ташкил қилиш ва иқтисодий вазифалар мажмуасини шакллантиришда янги талабларни илгари суради. Шунда маълумотларнинг тақсимланган базалари тизимини яратиш, турли фойдаланувчилар ўртасида ахборотларни алмаштириш, компьютерда бошланғич ҳужжатларни автоматик шакллантиришнинг имкониятлари пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
2. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида». Ўз.Р. Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармони
3. Джуманиязова М., Икрамов М., Тиллашайхова М., Информационные технологии в экономике. Учебное пособие./ - Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2010.

Д.Ж.Пошоходжаева – СамИСИ катта ўқитувчиси, илмий раҳбар,
У.Абдурайимов – СамИСИ, БХ-316 гуруҳ талабаси,
О.Омонов – СамИСИ, БХ-316 гуруҳ талабаси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА АУДИТОРЛИК КАСБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

“Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъий назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислоҳотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак” [1] , - бу сўзлар давлатимиз раҳбарининг мақсади бугунги кун ёшларининг эса вазифасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига янги замонавий техника-технологияларнинг кириб келиши асосида хўжалик субъектларининг молиявий мустаҳкамлигини ошиши кейинги йилларда аудиторлик фаолиятини янада ривожланишига пойдевор бўлмоқда. Ўтган йилларда мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати давлат раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратмоқда.

Шу билан бир қаторда бугунги кунда республикамизда хизматлар соҳасини ривожлантиришда бир қатор устувор йўналишлар ва вазифалар белгиланган. Биринчидан, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш. Иккинчидан, 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш ҳам кўзда тутилган. Учинчидан, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технология-ларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳасини, таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масаласи ҳам ўта долзарб масалалар сифатида белгиланган. Хизматлар соҳасини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга. Зеро мамлакатимизнинг ҳамма бурчаклари туристик ресурслардан иборатлиги кўплаб хорижий туристларнинг ташрифини тақозо қилади. Шу туфайли бугунги кунда хизматларни ривожлантириш масаласига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Тўртинчидан, соҳада рақобат ва тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, ҳамда бир вақтнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш масаласи ҳам муҳим вазифа сифатида қўйилган. Зеро хизмат кўрсатиш соҳаси асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эвазига шаклланиб ривож топмоқда. Мазкур хизматларнинг ўсиши билан бир қанча муаммоларнинг ҳал қилинишига эришиш мумкин. Жумладан, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратилиши билан бирга бандлик муаммоси ҳал қилинади, ишлаб чиқариш жараёнининг хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилади, пировардида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати оширилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси – аудиторлик фаолияти хизматлари бозорини ривожлантириш заруратидан келиб чиқади. Аудит ўтказиш босқичлари ва уларда қўлланаладиган амаллар такомиллаштириш турли хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга, яъни провард натижада – бозор муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида хўжалик механизмини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва аудиторлик фаолияти ривожи Ўзбекистонда баҳолашнинг янгича меъзонларини ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтиради. Ҳар қандай миқдорий кўрсаткичлар бўйича текшириш ва улар фаолиятини баҳолашда сифат кўрсаткичлари орқали корхона ривожланиш йўлини аудиторлик баҳолаш чоғида текшириладиган динамик алоқалар асосига қурилган баҳоларга ва ўлчаш усулларига аста-секин ўтиш лозим. Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда аудиторлар олдида жуда муҳим вазифа –тараққиёт йўлини баҳолашнинг

янгича усулларидан фойдаланиб, юқоридаги тасниф қилинган усулларга асосланган ҳолда, иқтисодий ахборотни компьютер дастурларидан фойдаланиб, аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг энг мақбул имкониятларини вужудга келтирадилар.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш, бу борадаги қонунчиликни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар, авваламбор, аҳолининг янги шаклланаётган бозор институтлари ва механизмларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда юртимиздаги акциядорлик жамиятлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг миллий молиявий ҳисоботларини халқаро стандартларга ўтказиш тажрибаси тўлиқ ўзлаштирилди. Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига хорижий инвесторларни жалб этиш ва корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, бошқаришга оид қарорларни қабул қилиш ва корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда,булар жумласига аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси пастлиги, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралаётганлиги, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқараётганлиги аудиторларни махсус тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминланмаётганлигини кўрсатиб ўтишни лозим топдик. Шу ўринда аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэътироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмаслиги, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигини тушуниш кўникмасининг шаклланишини таъминламаётганлигини кўрсатиб ўтиш шарт деб уйлаймиз.[1]

Аудиторлар далолат бериш вазифасини бажарар эканлар бухгалтерия ҳисоботининг тўғрилиги ва объективлиги тўғрисида фикр билдириш имконини берадиган етарли даражада ишончли далилларни ўз вақтида тўплашни ўзларининг вазифаси деб биладилар. Демак, аудиторлар кўпгина ҳолатларни (масалан, текширилаётган хўжалик тизими ходимлари ва маъмуриятининг суистеъмолларини) ўзларининг вазифаларидан, шунингдек олинган топшириқ моҳиятидан келиб чиқмайдиган қўшимча деб ҳисоблаши керак.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 19.09.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Бироқ бухгалтерия ҳисоботини тузувчилар, ундан фойдаланувчилар аудит (умумий аудит, банклар, фондлар, суғурта компаниялари аудити) давомида хизмат қандай бўлиши лозимлигига бироз бошқача қарайдилар. Масалан, аудиторлар маҳорат ва кўп гонорар олишга даъво қиладилар, бухгалтерия ҳисоботини тузувчилар ва ундан фойдаланувчилар ҳар қандай ҳолларда ҳам текширувчилардан улкан, муҳим суистеъмолларнигина эмас, майда суистеъмолларни, ҳисоботдан барча бузилишларни очиб ташлашга самарадорликни кутишлари мумкин. Бироқ, тажрибали аудитор, айниқса энди ишлай бошлаган аудитор бу соҳаларда ҳамиша самарали ишлай олмаслигини кўрсатмоқда.

Текшириладиган хўжалик тизимининг маъмурияти аудиторлар олдига эҳтимол тутилган суистеъмоллик фактларини ва уларнинг оқибатларини аниқлаш вазифасини қўйса - бу бошқа гап. Масалан, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи йирик базанинг маъмурияти ўз ҳудудида жойлашган иккита номустақил транспорт дўконида чакана савдо тўғри юритилаётганини текширишни илтимос қилди. (Бу аудиторларнинг мижоз билан келишилган тадбирлари бўйича хизмати дейилади). Бундай топшириқни бажариш учун, шубҳасиз текширувчилар алоҳида аудиторлик тестлари ва тадбирларини ишлаб чиқишлари назоратнинг товар ва кассани тўсатдан инвентаризация қилиш, миқдор ҳисобини тиклаш, шубҳа туғдирган алоҳида ҳужжатлар бўйича қайта текшириш ўтказиш каби алоҳида усуллардан фойдаланишлари лозим.

Мустақиллик - аудиторлик касбининг асосий тамойилларидан биридир. Аслини олганда бу профессионал фикрни билдиришга, яъни ўзининг ҳалоллиги, виждони софлиги ва касбига оид бурчини бажаришга холисона ёндашиш асосида аудиторнинг далолат бериши вазифасини бажаришига имкон берадиган муҳитдир. Бунга:

а) мутлақ мустақиллик амалда бўлмайдиган орзу, лекин шундай мустақилликка эришишга интилмай ўтказилган текшириш умуман ўз моҳиятини йўқотади;

б) текширувчиларнинг билим даражаси кенгайган сари текширишнинг самараси ортади ва мустақиллик даражаси камайган сари пасаяди;

в) деярли ҳамиша текширувчилар мустақиллигини пасайтирувчи омиллар вужудга келиши мумкин;

г) касбига доир фаолият билан шуғулланаётган аудиторларнинг мустақиликка эришишга интилиши, улар дуч келадиган салбий омилларни ишончли бартараф этишлари учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Жаҳон тажрибасида бир қанча омиллар ва вазиятлар таъсири натижасида аудитор мустақиллиги даражалари камайиб бормоқда. Уларни ҳаммасини санаб ўтиш қийин, шунга қарамай уларнинг орасидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўзи бажарган аудиторлик хизматлари учун ўз аудиторлик ташкилотларидан эмас, бевосита иқтисодий субъектдан ҳақ (молиявий ёрдам, қарз ва шу кабилар) олгани;

- иқтисодий субъект маъмурияти вакилларига яқин қариндошлилиги;

- кўп йиллар ушбу иқтисодий субъектни текширишда сурункасига қатнашганлиги ва бошқалар.

Амалда аудитор мустақиллиги мақсад бўлиши, аудиторлар ҳам уларнинг мижозлари ҳам, умуман жамият ҳам шу мақсадга интилиши керак. Бундай мақсадга маълум даражада эришса бўлади. Масалан, аудитор хизмати учун кўп холларда уни ёллаган мижоз шахсини ўзи ҳақ тўлашига қарамай аудитор бу ишни бажариш учун етарли даражада мустақил бўлиши мумкин ва лозим. Бундан ташқари аудиторга текширилаётган хўжалик тизими томонидан ҳақ тўланиши агар бу тизим маъмурияти жиноий ишларга ботиб қолмаган бўлса таклиф этилган мутахассисга алоҳида ишонч билдиради, ҳатто ўз хўжалиги жуда шубҳали, хатарли зоналарни муфассал, чуқур тадқиқ этиш ташаббускори бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бошқача айтганда аудиторнинг мустақиллиги (хизмати учун мижоздан ҳақ оладиган нотариус ёки врачнинг мустақиллиги каби) умуман фуқаролик жамияти интилиши лозим бўлган мақсаддир, бу яқинлашиш маълум даражада мумкин ва жуда зарур бўлган мақсаддир.

Хулоса қиладиган бўлсак, Республикамизда аудиторлик текширувларини ташкил этиш, унинг натижаларини умумлаштириш, баҳолашнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини амалдаги қонунчиликка асосан атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан самарали таклифлар тавсиялар бериш бўлса, иқтисодиётда тутган ўрни мулкчилик шаклидан қатъий назар биринчидан, молиявий-хўжалик фаолиятининг ишончли, холисона ва мустақил аудиторлик текширувидан ўтказилишини таъминлаш, иккинчидан, амалдаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши аудиторлик хизматининг сифатли ўтказилишини рағбатлантиришдан иборатдир деб уйлаймиз. Бугунги кунда аудиторлик фаолиятини такомиллаштиришга бўлган талаб янада кучаймоқда. Бу эса кўпроқ сифатли хизматлар кўрсатиш, ташкилот фаолиятини қайтадан янгилаш, замонавий жиҳозлар билан таъминлашни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 19.09.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси.2003- с. 612
3. Маматов З.Т. ва бошқ. Аудит: Ўқув қўлланма.-Т.: Тошкент Ислом Университети. 2002.-280 б.
4. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия. 2003.-220 б.
5. Ризақулов А.А., Нарзиев Р. Аудит, - Т.: 1999.
6. Санаев Н.С., Нарзиев Р. Аудит. Ўқитувчи, 2001.

О. Х. Холиқулов – СамИСИ ассистенти,
Х.Ю.Абдуқодиров – Самарқанд молия-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси,
Ш.Ў.Усмонов – СамИСИ, БҲ-115 гуруҳ талабаси

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАҲИРАЛАР ҚАРЗГА ОЛИНГАНЛИГИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ислоҳот – бу янгиланиш, ўзгариш дегани!
Шавкат Мирзиёев

Мамлакатимизда сўнгги йилларда фаол инвестиция муҳитини, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган бир қатор дастурий йўналишлар туристик фаолият, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек ишлаб чиқариш тармоғининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоғини тубдан ривожлантириш масаласига республикамизни жадал тараққий топтиришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда. Бундай ислоҳотларни ижобий йўлга қўйишда албатта, товар-моддий заҳираларни ҳолатини тўғри ҳисобга олиш ҳамда улар аудитини тўғри амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дунё миқёсида рақобатбардош комплекс яратиш, унинг порлоқ келажагини таъминлай олиш бевосита хорижий ўзгаришларни ва талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ҳар қандай соҳада халқаро тажрибанинг қўлланилиши орқали миллий модел яратилиши мумкин. Шу аснода республикамизда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарда товар-моддий заҳираларни ҳаракати ҳисоби ҳамда назоратини тўғри йўлга қўйиш, бизга маълумки, барча ишлаб чиқариш корхоналарни фаолиятини яхшилашга асос бўлади. “Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда”[1]. Шу боис ҳам республикамизда ҳалқаро андозаларга асосан бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тубдан ривожлантириш масалалари давлат дастури бўйича амалга оширилмоқда. Республикамизда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналари изчил, яъни узлуксиз йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳар доим хом-ашё заҳираларига эга бўлишликни таъминлаш зарурдир. Лекин айрим вақтларда товар-моддий заҳиралар етмай қолишлик ҳолатлари ҳам учраб турадилар. Ана шундай вақтларда товар-моддий заҳираларни қарзга олишга мажбур бўлишлик ҳолатлари юзага келади. Бундай вазиятда қарзга маълум бир нархда олинган материалларни нарх-наво ошиши муносабати билан амалда 10-20 фоиз баланд баҳода қайтариш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. www.lex.uz.

ҳолатлари ҳам юз беради. Шу муносабат билан ушбу операцияларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш муҳим ҳисобланади. Маълумот учун шуни айтиб ўтиш жоизки, мазкур ҳолатда биз, яъни қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланган корхоналар асосида амалий ёндошамиз.

Хом ашё қарзга олинганда, биз даставвал, шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, яъни товарларни реализация қилиш обороти – бу қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқаришда қарз шартномалари асосида товар – моддий заҳираларни бериш деб тавсифланган. Аудитор хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида, яъни қарз берувчи ҳам (товар-моддий бойликларни қарзга беришда), қарз олувчи ҳам (товар-моддий бойликларни қарз берувчига қайтаришда) бир-бирига ҚҚС кўрсатилган ҳолда ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганлиги ҳамда тўғри акс эттирилганлигини текшириш лозим. Тегишинча, ушбу ҚҚС суммаси қабул қилувчи тарафда “бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ҳақиқатда олинган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга” [1] Солиқ кодексининг 197-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлса, яъни ҳисобга олиниши ва аудит қилиниши лозим, топширувчи тараф эса уни бюджетга тўлаш учун ҳисоблаши керак.

Товар қарз шартномасига мувофиқ, қарзга олинган товар-моддий бойликларнинг **хили, сифати** ва миқдорига баравар товар-моддий бойликларни қайтариб бериш лозим. Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади[2].

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҚҚСни ҳисоблашда Солиқ кодексининг 204-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ: "Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда ... солиқ солиш мақсадлари учун **солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланади**".

Шунга кўра, агар сиз қайтариб берилиши лозим бўлган материалларни улар қарзга олинган нархдан юқори нархда олган бўлсангиз, қарзни қайтаришда ёзиб берилган ҳисобварақ-фактурада қарз шартномаси шартларига мувофиқ, қайтариб бериладиган товар-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси 39-боб, 218-моддаси 1-қисми.(2019 йил 1 январ ҳолатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда). ЎзР. 24.12.2018 й.ЎРҚ-508-сон.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 732-моддаси. 29.08.1996 й. (2018 йил 12 октябр ҳолатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда).

моддий захиралар нархини ва ҚҚС суммасини кўрсатасиз. Бунда қайтариб берилаётган товар-моддий захираларни олиш таннархи ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Ушбу операциялар бўйича шартли мисолда кўриб чиқамиз, яъни “СУФАТ И Д” МЧЖ (Қарз берувчи, ҚҚС тўловчиси) “Самарқанд Таъмир Дизайн” ИТКХК (Қарз олувчи, ҚҚС тўловчи) қисқа муддатли қарз шартномаси бўйича ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 1,2 миллион сўмлик материаллар тақдим этди. "Самарқанд Таъмир Дизайн" ИТКХК "СУФАТ И Д" МЧЖ га қарз шартномасида белгиланган муддатларда ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 1,2 миллион сўмлик айнан шу материалларни қайтариб берди, бироқ бунда "Самарқанд Таъмир Дизайн" ИТКХК корхонаси ушбу материалларни ошган нархда, 1,5 миллион сўмга (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) сотиб олди.

“СУФАТ И Д” МЧЖ қарз берувчининг товар-моддий заҳиралар ҳисоби қуйидаги бухгалтерия ёзувлари асосида аудит қилинади:

1-жадвал[1]

№	Босқичлар	Хўжалик операциясининг номи	Счётлар корреспонден-цияси		Сумма
			Дебет	Кредит	
1.	Қарз берилди	ТМБни топшириш акс эттирилди	5830	9220	1 000 000
		ҚҚС ҳисобланди (1 млн. сўм х 20%)	5830	6410	200 000
		Топширилган ТМБ таннархи ҳисобдан чиқарилди	9220	1010 (1090)	1 000 000
2.	Қарз қайтарилди	Аввал қарзга берилган ТМБ қайтарилиши акс эттирилди	1010 (1090)	5830	1 000 000
		Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси	4410	5830	200 000

Аудитор бевосита аудит ўтказиш жараёнида товар-моддий заҳиралар аудитини белгиланган қонун хужжатлар асосида амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда товар-моддий заҳираларни қарзга бериш ҳамда қарзга олиш операциялари юзага келади.

“Самарқанд Таъмир Дизайн” ИТКХК қарз олувчининг олинган товар-моддий заҳиралар ҳисоби бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали аудит қилинади:

[1] 2018 йил III-квартал. “СУФАТ И Д” МЧЖ молиявий ҳисоб маълумотлари.

2-жадвал[1]

№	Босқичлар	Хўжалик операциясининг номи	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
			Дебет	Кредит	
1.	Қарз олинди	ТМБ олинди ва кирим қилинди	1010 (1090)	6820	1 000 000
		Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси	4410	6820	200 000
2.	Қарз қайтарилди	Аввал қарзга олинган ТМБ қайтарилиши акс эттирилди	6820	9220	1 000 000
		Ҳисобварақ-фактурага мувофиқ ҚҚС ҳисобланди	6820	6410	200 000
		Қайтарилаётган ТМБ таннархи ҳисобдан чиқарилди	9220	1010 (1090)	1 250 000
		ТМБ чиқиб кетишидан олинган зарар акс эттирилди	9430	9220	250 000
		ТМБ таннархи ва қарз шартномаси бўйича юклаб жўнатиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига ҚҚС ҳисобланди (250 минг сўм х 20%)	9430	6410	50 000

Аудитор хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида товар-моддий заҳиралар ҳисоби ва уларнинг назоратини тўғри юритишда бевосита республикамизда мавжуд норматив-ҳуқуқий хужатлар асосида амалга оширишни тақозо этади. Юқоридаги бухгалтерия ёзувларини 21-сон БҲМС асосида аудитор, аудиторлик ҳисоботида кўрсатилишини талаб этади.

Республикамиз қонунчилигида қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

[1] 2018 йил III-квартал. “Самарқанд Таъмир Дизайн” ИТКХК молиявий ҳисоб маълумотлари.

З.С.Артиков – СамИСИ таянч докторанти

САВДО КОРХОНАЛАРИ МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИ ЎЗГАРИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунда савдо корхоналарида меҳнат самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи ҳам муҳим масалалар сирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётни юксалтириш ва уни жадал ривожлантириш борасида бир қанча устувор вазифаларни белгилаб берди. Ҳусусан, "Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим" [1], деб уларнинг бир йўналиши сифатида "иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, **меҳнат унумдорлигини ошириш** (таъкид бизники – З.А.) орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш"дан[2] иборат, деб белгилаб берди.

Бугунги кунда ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш учун меҳнат унумдорлигини оширишнинг барча ички ва ташқи омилларини ишга солиш лозим бўлади. Бу эса мазкур кўрсаткичнининг омилли таҳлилини амалга оширишни тақозо қилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, савдо корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Уларни натижа кўрсаткичига боғлиқлиги жиҳатидан йирик икки гуруҳга бўлиш мумкин: ҳисобланадиган омиллар ва ҳисобланиши қийин бўлган, ҳисоб ва ҳисоботларда ифода этилмайдиган омиллар.

Тадқиқот жараёнида меҳнат унумдорлигининг (С) ўзгаришига таъсир этувчи омиллардан ушбу кўрсаткич билан функционал боғлиқ бўлган қуйидаги омилларни ҳисобаш йўлларини ишлаб чиқдик. Буларга қуйидагилар киради:

– савдо билан шуғулланувчи ходимлар меҳнат унумдорлиги (O_1);

– савдо билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси (O_2);

– жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлиги (O_3);

– ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминланганлиги (O_4);

– ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги (O_5).

Мазкур бешта омилларнинг натижа билан боғлиқлиги функционал бўлганлиги туфайли уларни математик моделларнинг мультипликатив типидан фойдаланишни тавсия қиламиз. Ушбу боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш таклиф этилади:

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // "Халқ сўзи" газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

[2] Ўша жойда.

$$C_c=O_1*O_2*O_3*O_4*O_5;$$

Мазкур мультипликатив модель асосида савдо корхоналари меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади. Энди ҳар бир омилнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг занжирли алмаштириш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш йўлларини қараб чиқамиз.

1. Натижанинг, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига биринчи омилнинг (савдо билан шуғулланувчи ходимлар меҳнат самарадорлиги) таъсирини (ΔH_{O_1}) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз $\left(H_{O_1}^{қх} = O_1^x * O_2^p * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right)$ ва ундан натижанинг режадаги миқдори $\left(H_p = O_1^p * O_2^p * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right)$ айрилади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta H_{O_1} = H_{O_1}^{қх} - H_p = \left(O_1^x * O_2^p * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right) - \left(O_1^p * O_2^p * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right);$$

2. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичининг, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига иккинчи омилнинг (савдо билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий ходимлардаги ҳиссаси) таъсирини (ΔH_{O_2}) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз $\left(H_{O_2}^{қх} = O_1^x * O_2^x * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right)$ ва ундан натижанинг биринчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдори $\left(H_{O_1} = O_1^x * O_2^p * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right)$ айрилади. Бунинг учун эса, ушбу формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$\Delta H_{O_2} = H_{O_2}^{қх} - H_{O_1}^{қх} = \left(O_1^x * O_2^x * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right) - \left(O_1^x * O_2^p * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right);$$

3. Ўрганилаётган савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига учинчи омилнинг (жорий активларнинг ходимлар билан таъминланганлиги) таъсирини (ΔH_{O_3}) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз $\left(H_{O_3}^{қх} = O_1^x * O_2^x * O_3^x * O_4^p * O_5^p\right)$ ва ундан натижанинг иккинчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдори $\left(H_{O_2} = O_1^x * O_2^x * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right)$ айрилади. Бунинг учун ҳам занжирли усулдан фойдаланиб, қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$\Delta H_{O_3} = H_{O_3}^{қх} - H_{O_2}^{қх} = \left(O_1^x * O_2^x * O_3^x * O_4^p * O_5^p\right) - \left(O_1^x * O_2^x * O_3^p * O_4^p * O_5^p\right);$$

4. Ўрганилаётган натижа кўрсаткичи, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига тўртинчи омилнинг (ўз маблағларининг жорий активлар билан таъминланганлиги) таъсирини (ΔH_{O_4}) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз $\left(H_{O_4}^{қх} = O_1^x * O_2^x * O_3^x * O_4^x * O_5^p\right)$ ва ундан натижанинг учинчи омил

ўзгариши билан ҳисобланган миқдори $\left(\text{Н}_{\text{O}_3} = \text{O}_1^{\text{x}} * \text{O}_2^{\text{x}} * \text{O}_3^{\text{x}} * \text{O}_4^{\text{p}} * \text{O}_5^{\text{p}}\right)$ айрилади. Бунинг учун ҳам занжирли усулдан фойдаланиб, қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$\Delta H_4 = \text{Н}_{\text{O}_4}^{\text{кх}} - \text{Н}_{\text{O}_3}^{\text{кх}} = \left(\text{O}_1^{\text{x}} * \text{O}_2^{\text{x}} * \text{O}_3^{\text{x}} * \text{O}_4^{\text{x}} * \text{O}_5^{\text{p}}\right) - \left(\text{O}_1^{\text{x}} * \text{O}_2^{\text{x}} * \text{O}_3^{\text{x}} * \text{O}_4^{\text{p}} * \text{O}_5^{\text{p}}\right);$$

5. Таҳлил қилинаётган натижа кўрсаткичининг, яъни савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига охирги, бешинчи омилнинг (ходимларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги) таъсирини (ΔH_{O_5}) ҳисоблаш учун натижани ушбу омилнинг ўзгариши билан қайта ҳисоблаб оламиз $\left(\text{Н}_{\text{O}_5}^{\text{кх}} = \text{O}_1^{\text{x}} * \text{O}_2^{\text{x}} * \text{O}_3^{\text{x}} * \text{O}_4^{\text{x}} * \text{O}_5^{\text{x}}\right)$ ва ундан натижанинг тўртинчи омил ўзгариши билан ҳисобланган миқдорини $\left(\text{Н}_{\text{O}_4} = \text{O}_1^{\text{x}} * \text{O}_2^{\text{x}} * \text{O}_3^{\text{x}} * \text{O}_4^{\text{x}} * \text{O}_5^{\text{p}}\right)$ айрирамиз. Бунинг учун ҳам занжирли усулдан фойдаланиб, қуйидаги формуладни тавсия қиламиз:

$$\Delta H_{O_5} = \text{Н}_{\text{O}_5}^{\text{кх}} - \text{Н}_{\text{O}_4}^{\text{кх}} = \left(\text{O}_1^{\text{x}} * \text{O}_2^{\text{x}} * \text{O}_3^{\text{x}} * \text{O}_4^{\text{x}} * \text{O}_5^{\text{x}}\right) - \left(\text{O}_1^{\text{x}} * \text{O}_2^{\text{x}} * \text{O}_3^{\text{x}} * \text{O}_4^{\text{x}} * \text{O}_5^{\text{p}}\right);$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлиши керак. Бунинг учун математик усулларнинг аддитив моделдан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$\Delta H_{O_1} = \Delta H_{O_1} \pm \Delta H_{O_2} \pm \Delta H_{O_3} \pm \Delta H_{O_4} \pm \Delta H_{O_5};$$

Мазкур усулларга амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлайдиган бўлсак, савдо корхоналарида меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайдиган ички имкониятларни топиш ва уларни амалитга сафарбар қилиш орқали натижа кўрсаткичининг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлайди.

S.Xaydarova – BHA-35 group student (TTYMI)
Q.Igamberdiyeva – senior teacher of Accounting and Audit (TTYMI)

THE WAYS OF IMPROVING INNOVATION AND ECONOMIC GROWTH, EFFICIENCY OF THE SERVICES SECTOR IN ACCOUNTING, AUDITING, ECONOMIC ANALYSIS AND STATISTICS

The advantages offered by the globalization, the development of information technology and media represent the premises for economic growth and for the improvement of companies financial performance. Thus, we mention that innovation and technology, the increase in research and development expenditures are the prerequisites for ensuring competitiveness and progress, and through them a sustainable economic growth. Furthermore, a sustained training level of workforce, an increase in the level of investments, facile access

of investors to stock markets will generate positive effects, firstly, on the private and public sectors development and secondly, on the improvement of standards of living of the population.

The accounting model National accounts are built according to the accounting model used in business accounting. The two accounting systems have the following similarities:

(a) The presentation left side of a T business account is called debit and the right side credit;

(b) In national accounts, the following terms are used:

resources — for transactions which add to the amount of economic value of a unit or a sector are presented on the right side of the account;

uses — for transactions that reduce the amount of economic value of a unit or sector are shown on the left side of the current account.

Double-entry principle

(a) Business accounting is based n the principle of doubleentry, whereby one transaction requires two entries, in principle one credit and one debit;

(b) National accounts reflect mutual economic relationships between different institutional units based on horizontal double entry. This means that if an institutional unit provides something to another institutions unit, the accounts of both units will show the transaction: as a resource in the accounts of one unit and as a use in the accounts of the other. As for example, the compensation of employees paid by different economic units should be equal to the sum received by employees.

(c) In the accounts of an institutional unit, each transaction must be recorded twice, as a resource (or a change in liabilities) and as a use (or a change in assets). This is the so-called vertical double—entry. Thus, the total of the transactions recorded as resources (or changes in liabilities) and the total of the transactions recorded as uses (or changes in assets) are equal, enabling consistency checking. The simultaneous application of both the vertical and horizontal double-entry bookkeeping results in quadruple-entry bookkeeping, that is the accounting system underlying the recording. As an example of a relevant transaction in national accounts, the Output (P1) which measures the amount of goods and services produced during the accounting period is considered. In order to generate this output by a particular production process, inputs are required, such as raw materials, energy, transport, etc. The costs of these inputs are measured by the transaction, Intermediate consumption (P2). Between them, there exists an identity from the accounting point of view. For each institutional unit the resources (representing incoming money flows) and uses (representing outgoing money flows) are collected and presented in a T-account, with transactions involving resources on the right side and those involving uses on the left side. For example, a social benefit in cash paid by a government unit to a household is recorded in the accounts of government as a use under the relevant type of transfers and a negative acquisition of assets under currency and deposits; in the accounts of the household sector, it is

recorded as a resource under transfers and an acquisition of assets under currency and deposit.

Statistical indicators estimating is based on information collected from two main sources: statistical sources (censuses and surveys) and administrative registers. The following information describes the characteristics and the collection of data from censuses and surveys.

Data obtained through the census is used for estimating some specific national accounts indicators and as a basis for further developments. The three principal types of censuses are: The disadvantages of a census are:

1. It is very costly to enumerate (collect) the data and to process it;

2. Timeliness is not high because data is available for use only many months after it is collected;

3. The census is carried out after a long period, normally every five or ten years.

Surveys elicit responses about specific phenomena from a few representative units scientifically selected from a population. Population data is obtained by expanding the sample data and by extrapolating the sample size to the population size. Surveys provide more up-to-date statistics and are less costly than a census. They are normally carried out monthly, quarterly or annually. Timeliness requires prompt data processing, thus less information is gathered. An audit is the examination of the financial report of an organization as presented in the annual report - by someone independent of that organisation. The financial report includes a balance sheet, an income statement, a statement of changes in equity, a cash flow statement, and notes comprising a summary of significant accounting policies and other explanatory notes. The purpose of an audit is to form a view on whether the information presented in the financial report, taken as a whole, reflects the financial position of the organisation at a given date, for example:

What don't auditors do? Audit other information provided to the members of the organisation, for example, the directors' report. Check every figure in the financial report — audits are based on selective testing only. Judge the appropriateness of the organisation's business activities or strategies or decisions made by the directors. Look at every transaction carried out by the organisation. Test the adequacy of all of the organisation's internal controls. Comment to shareholders on the quality of directors and management, the quality of corporate governance or the quality of the organisation's risk management procedures and controls. For each major activity listed in the financial report, auditors identify and assess any risks which could have a significant impact on the financial position or financial performance, and also some of the measures (called internal controls) that the organisation has put in place to mitigate those risks. Based on the risks and controls identified, auditors consider what management does has done to ensure the financial report is accurate, and examine supporting evidence.

We have analyzed the relationship between economic growth and its main determinants by using a single country analysis, based on multiple regressions. The results have provided evidence of a positive connection between economic growth and innovations. Furthermore, we have concluded that foreign direct investments have a major impact on economic growth through knowledge transfer and improvement of technological processes. Moreover, the results highlighted that education and human capital have a positive and strong impact on economic growth. We finalize by mention that the results obtained sustain the endogenous growth model, because the output of the model confirms a positive connection between economic growth and innovation.

С.К.Бойжигитов – СамИСИ магистранти

ТОВАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ABC ТАҲЛИЛИ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жаҳон хўжалиги глобаллашуви шароитида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда миллий иқтисодиётимизнинг, хусусан саноат корхоналарининг ташиш бозорда рақобатбардош товарларни ишлаб чиқарилиши даражасини ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу борада жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, рақобатбардош товарлар яратиш устунликларга эришиш юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни эса модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш мазкур корхоналар фаолиятини диферсификация қилиш, маҳсулот яратиш технологиясини тубдан янгилаш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “… принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ...”[1] устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда яратилаётган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш, қолаверса, фойда кам келтираётган ассортиментдаги товарлар партиясини ишлаб чиқарилишини камайтириш ёки ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ҳар бир корхонанинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни техник янгилашга мўлжаллаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишни кўзда тутади: маҳсулотни замонавийлаштиришни такомиллаштириш, рақобатбардошлигини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

ошириш, унинг ўрамини, сервисини ўзгартириш, рақиб фирмаларга нисбатан устунликка эришишини таъминлаш ва ҳ.к.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда товар ассортиментини замонавийлаштириш ва такомиллаштириш бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш, янгисини татбиқ этиш, товар рақобатбардошлигини ошириш, эски маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш муҳим аҳамият касб этади.

Товар ассортиментини яхшилаш корхона маркетингининг энг муҳим функцияси ҳисобланади. Товар ассортименти – боғланган ёхуд ўзаро фойдаланиш ва ишлатилиши умумийлиги битта ва айнан ўша савдо нуқтасида сотилувчи, бир хилдаги нархлар доирасига эга бўлувчи товарлар гуруҳи. “Товар ассортименти” тушунчасини тавсифлашда рус олими А.П.Панкрухин ҳам 4 та асосий хусусиятни санаб ўтган: товарнинг функционал хусусияти, истеъмол хусусияти, сотиш нуқталари ва нархи бўйича гуруҳланган товарлар тўплами[1].

Кўплаб олимларнинг назарий қарашлари бўйича корхона маркетинг фаолиятининг асоси унинг – “товар ассортименти сиёсатида” деб биладилар. Корхона рақобатбардошлигини баҳолашда ҳам энг муҳим омиллар сифатида унинг ассортимент сиёсати ётади.

Товар ассортименти сиёсатини амалий жиҳатдан тадқиқотимиз объекти бўлган “Жомбой дон маҳсулотлари” АЖ мисолида кўриб ўтамиз.

“Жомбой дон маҳсулотлари” АЖнинг асосий фаолияти ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чикариш, уни сотиш ва ундан фойда олишга каратилган. Корхона учун ишлаб чикариш ассортименти қанча кенг бўлса, шунча бир томондан истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш даражасини ўсишига ҳамда бозордаги рақобатчилар ичида устун бўлишига олиб келади.

1-жадвал

“Жомбой дон маҳсулотлари” АЖ нинг маҳсулот номенклатураси таҳлили (2017 йил холатига кўра)

№	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот ҳажми	Маҳсулот ҳажмидаги улуши (%)	Даромад (минг сўм)	Маҳсулот турларининг жами даромаддаги улуши (%)
1	Ун маҳсулотлари	тн	65500	59,0	51877090	73,9
2	Омихта ем	тн	37500	28,0	15291128	21,8
3	Уруғлик ғалла	тн	10600	8,0	2731515	3,9
4	Биомаҳсулот	млн.д	10	2,0	179685	0,3
5	Бройлер	дона	20000	3,0	130680	0,2
			133610	**100,0**	**70210098**	**100,0**

1-жадвалдан куриниб турибдики, маҳсулот хажмидаги асосий улушни ун маҳсулотлари 59,0% билан эгаллаган ва асосий тушум даромаднинг 73,9% билан ҳам айнан ун маҳсулотлари реализатсиясидан келиб тушганини кўрамиз. Омихта емга ҳам талаб мавжуд бўлиб, уларнинг

[1] Панкрухин А.П.. Маркетинг Гильдия маркетологов. — 3-е изд. — М.: Омега-Л, 2005. - 656 с

даромаддаги улуши ўртача 21,8%ни ташкил этган. Уруғлик ғалла ҳам номенклатуранинг алоҳида таркиби ҳисобланиб, уларнинг мазкур давр учун даромаддаги улуши 3,9%ни ташкил этди. Бироқ биомаҳсулот ва бройлер даромаддаги улуши паст эканлигини кўрамиз.

Айтиб утиш жоизки, корхона томонидан таклиф этиладиган маҳсулот номенклатурасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва даромад ҳажми бир хил эмаслигини ва буни аниқлаш мақсадида АВС таҳлил усулидан фойдаланишимиз мумкин.

АВС таҳлил – бу корхонанинг савдо сиёсатининг самарадорлигини ошириш методи бўлиб ҳисобланади. Кўпинча АВС таҳлил келгусида савдо ҳажмини ошириш мақсадида маҳсулот ассортименти ва унинг захирасини оптималлаштириш методи сифатида ишлатилади. Бошқа сўз билан айтганда, АВС таҳлилнинг мақсади корхона учун максимал фойда келтирувчи товар ёки товарлар гуруҳини аниқлашдан иборат.

Таҳлилнинг бу кўриниши иқтисодчи Порето томонидан ўрганилган қонуниятга асосланади: яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20% и, корхонага даромадининг 80%ини келтиради. Маҳсулот ассортиментини таҳлил қилиш давомида барча товарлар 3 гуруҳга бўлинади:

А гуруҳ. Юқори аҳамиятга эга бўлган товарлар, маҳсулот ассортиментининг 20%и ташкил этади, савдодан 80% даромад келтиради.

В гуруҳ. Кам аҳамиятли товарлар, маҳсулот ассортиментинг 30% ташкил этиб, савдонинг 15% таъминлайди.

С гуруҳ. Талаб жуда паст товарлар, маҳсулот ассортиментинг 50%ни ташкил этади, ва савдонинг 5%и миқдорида даромад келтиради.

АВС таҳлилни ўтказиш босқичлари қуйидагиларни ўғ ичига олади:

1. Корхонанинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ассортиментини аниқлаш;

2. Ҳар қайси маҳсулот бўйича даромад нормасини ҳисоблаш;

3. Ҳар қайси гуруҳнинг самарадорлигини аниқлаш;

4. Маҳсулотларни корхона учун аҳамияти бўйича классификациялаш.

Маҳсулотларни бундай гуруҳларга ажратиш орқали, корхона айнан қайси товарлар гуруҳи асосий даромад манбаи эканлигини аниқлаши тўғрисидаги ҳисоботга эга бўлиши мумкин.

АВС таҳлилнинг қуйидаги устунликлари мавжуд:

1. Методнинг соддалиги ва тезкорлиги келгусида савдонинг юқори даражада бўлиши таминлаши мумкин. Бу методни исталган корхонада қўллаш мумкин, чунки у жуда кўп маълумот ва ҳисоб-китобларни талаб қилмайди.

2. Натижаларнинг ишончлилиги. Олинган натижалар корхонага ўз капитал ва ресурсларини истиқболли товарларга йўналтиришга имкон яратади. Юқори аҳамиятга эга товарлар гуруҳини бошқариш корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаши мумкин.

3. Вақт ва ресурсларни оптималлаштириш. Бу методнинг қўлланилиши қўшимча ресурс ва вақтни оптималлаштиришга имкон яратади.

4. Таҳлилнинг кўп қирралилиги. Бу методдан корхонанинг бошқа фаолият йўналишларида қўллай олиш имконияти.

Корхонада АВС таҳлил методини қўлланилишининг бошқа йўналишлари:

– товар номенклатурасини оптималлаштириш;

– асосий етказиб берувчилар, таъминотчилар, доимий мижозларни аниқлаш;

– захира омборларини ташкил этиш самарадорлигини оширишда;

– ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш;

– маркетинг ҳаражатларини молиялаштириш ва бошқариш.

Бу таҳлил усулнинг ўзига яраша камчилик жиҳатлари ҳам бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Бир ўлчовли метод. АВС таҳли етарлича соддалиги туфайли мураккаб кўп ўлчовли объектларни гуруҳлашга имкон бермайди.

2. Товарларни гуруҳлаш фақат миқдорий кўрсаткичларга асосланади, яъни сифатий кўрсаткичлар ҳисобга олинмайди.

3. Зарар келтирувчи товар гуруҳининг мавжуд эмаслиги. Даромад келтирувчи товарлардан ташқари, корхона учун зарар келтирувчи товарларнинг мавжудлиги. Бу методда улар инобатга олинмайди, лекин бунда бу метод ABCD метод кўринишига ўтади.

4. Ташқи омилларнинг реализацияга таъсири. Бу методда савдонинг муқобиллиги қарамасдан, келажакда турли ташқи иқтисодий омиллар-мавсум, эҳтиёж ва талаб динамикасининг ўзгариши, рақобатчилар ва бошқалар таъсир этиши акс этмайди.

Энди “Жомбой дон маҳсулотлари” АЖнинг маҳсулот номенклатураси АВС таҳлилни ўтказиш босқичларига ўтамиз:

1. Корхона таклиф этадиган маҳсулот номенклатурасини аниқлаш:

Корхона маҳсулот номенклатурасига *ун маҳсулотлари, омихта ем, уруғлик ғалла, био маҳсулот ва бройлер киради.*

2. Ҳар қайси коллекция бўйича ўртача даромад нормасини ҳисоблаш (2-жадвал):

2-жадвал

Номенклатура бўйича ўртача даромад нормаси

Номенклатура номи	**ун маҳсулотлари**	**омихта ем**	**уруғлик ғалла**	**био маҳсулот**	**бройлер**
Даромад (млн сўм)	51,8	15,2	2,7	0,17	0,13

3. Ҳар қайси номенклатуранинг умумий даромаддаги улушини аниклаш ва ўсиш тарзида жойлаштириш (3-жадвал):

3-жадвал

Номенклатуранинг умумий даромаддаги улуши

Номенклатура номи	Даромад (млн сўм)	Маҳсулот турларининг жами даромаддаги улуши (%)	Ўсиш тарзида (%)
Ун маҳсулотлари	51877090	73,9	73,9
Омихта ем	15291128	21,8	21,8
Уруғлик ғалла	2731515	3,9	3,9
Биомаҳсулот	179685	0,3	0,3
Бройлер	130680	0,2	0,2
Умумий	**70210098**	**100,0%**	**100,0%**

4. Маҳсулотларни корхона учун аҳамияти бўйича классификациялаш (4-жадвал):

4-жадвал

Номенклатуранинг аҳамияти бўйича классификацияси

Номенклатура номи	Даромад (млн сўм)	Маҳсулот турларининг жами даромаддаги улуши	Ўсиш тарзида	Гуруҳ-ланиши
Ун маҳсулотлари	51877090	73,9	73,9	A
Омихта ем	15291128	21,8	21,8	A
Уруғлик ғалла	2731515	3,9	3,9	B
Биомаҳсулот	179685	0,3	0,3	C
Бройлер	130680	0,2	0,2	C
Умумий	**70210098**	**100,0%**	**100,0%**	

Бизнинг ҳолатда А гуруҳ ун маҳсулотлари ва омихта ем умумий даромаднинг 95,7 % ини ташкил этди, В гуруҳ уруғлик ғалла умумий даромаднинг 3,9 % ни ва С гуруҳ био маҳсулот ва бройлер даромаднинг қолган миқдорини ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, корхона учун А гурухдаги маҳсулот номенклатуралар даромаднинг асосий манбалари экан.

Мамлакатимиз саноати жадал суръатларда ривожланиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти тобора юксалиб бораётган замонавий давлат сифатида эътироф этилмоқда. Юртимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификасия килиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш иқтисодиётимиз салоҳиятини ўсишига бевосита ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, корхонанинг товар номенклатурасини АВС таҳлилини қўллаш корхона учун зарур бўлган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини янада ошириш ва фойда келтирмайдиган маҳсулотларни эса корхона товар ассортиментидан чиқариб ташлаш ёки унинг янги вариантларини яратиш, товарни такомиллаштириш орқали бозорда сақлаб қолиш имкониятларини яратади.

VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

О.Д.Хамракулова – доцент СамГАСИ к.э.н.,

ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Современный мир невозможно представить без как уже осуществившихся инноваций, ставших привычными, так и без будущих, способствующих дальнейшему развитию. Большинство ученых сходятся во мнении, что инновации превратились в основную движущую силу экономического и социального развития. Инновационная деятельность привела мировое сообщество к новой, более высокой ступени развития. Для Узбекистана переход к инновационной экономике тесно связан с подготовкой конкурентоспособной рабочей силы, роста профессионально-квалифицированного уровня работников. «Надо признать, мы вынуждены готовить инициативные, талантливые молодые кадры по самым востребованным в стране направлениям за рубежом, в развитых странах.»[1]

В Узбекистане тенденция устойчивых темпов экономического развития должна быть поддержана наличием достаточного числа специалистов высокого уровня. Для современного производства необходимы такие специалисты, которые бы могли использовать инновационные технологии. Они позволят вывести нашу национальную экономику на новый уровень конкурентоспособность продукции как на внутреннем, так и на внешнем рынках. Конкурентоспособность высшего образования - это не только условие, но и гарант нашего экономического роста. Сфера образования позволяет не только удовлетворять, потребности экономики в кадрах, но это инструмент её модернизации, перевода на новый инновационный уровень, формирования новых отраслей и производств. «Ежегодные расходы на образование в Узбекистане составляют порядка 10-12 % к ВВП, что почти в 2 раза превышает соответствующие рекомендации ЮНЕСКО (6-7%) по размерам инвестиций в образование, необходимых

[1] Всесторонне развитое поколение – основа великого будущего, созидательный труд народа – основа благополучной жизни, дружба и сотрудничество- гарант процветания . Доклад Президента Ш.Мирзиёева на торжественном собрании, посвященном 26 – летию принятия Конституции РУ.- Народное слово,8.12.2018.

для обеспечения устойчивого развития страны.»[1] .

Специфика сектора образования как рыночного сегмента заключается в том, что, ориентируясь на работодателей и работающих, он может менять структуру спроса на кадры на определённую перспективу. В этой связи, реформы в части удовлетворения динамических рыночных потребностей экономики и квалифицированных кадров предъявляют повышенные требования к высшей школе. Здесь необходимо поддерживать интеграционную связь, итоге говоря, цепочку: производство - наука – образование, которая бы определяла условие динамического развития экономики и устойчивой конкурентоспособности. Обучение через исследования, разработку идей и их внедрениях в вузах может активно ускорить технологический прогресс. В республике разработан и реализуется план действий по обеспечению позитивных качественных сдвигов в системе образования, созданию новых звеньев, соответствующих современным рыночным потребностям. В сфере высшего образования внедрена принципиально новая, усовершенствованная система регулярной переподготовки профессорско- преподавательского состава вузов. В 15 базовых вузах организованы курсы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров вузов.

Дальнейшее реформирование в системе образования призвано обеспечить связь с рынком труда, а также интеграцию её с наукой и производством. Но здесь имеют место проблемы. Так, высшая школа как бы не старалась, не успевает за требованиями реальной рыночной экономики. Не секрет, что бакалавры не всегда могут найти работу по специальности как в негосударственном, тем более в государственном секторах экономики. Они отчасти могут пополнить армию безработных. Поэтому, на наш взгляд, необходимо обратить внимание на поиск новых форм, методов интеграции производства и науки (прежде всего учебных заведений). Необходимо реально подходить к подготовке специалистов по различным отраслям экономики. По мнению экспертов, характерной чертой постиндустриальной эпохи становится узкая специализация, или скорее «ремесленничество» высшего уровня, когда универсальность обеспечивается исключительно инновационными механизмами. Так, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017- 2021 годах предусмотрено исполнение программ занятости населения путем создания 256,4 тысячи рабочих мест за счет реализации около 25 тысяч инвестиционных проектов по комплексному развитию территорий.[2] Подготовка квалифицированных кадров настолько многогранна, что она требует реформирования всех его сторон. В этой связи, подготовка кадров для различных сфер экономики должна отражать и давать не только количественные, но и качественные параметры. Среди мер, поставленных в социальной сфере на 2019 год –

[1] Народное слово, 16 января 2016 года.
[2] Народное слово, 8 февраля 2017 года

Год активных инвестиций и социального развития выделена необходимость «совершенствования системы развития науки и непрерывного образования, отвечающих требованиям времени»[1] Система непрерывного образования должна стать не только условием, но и гарантом трудовой деятельности. Востребованность выпускников на рынке труда зависит от того, насколько их профессионально – квалификационные характеристики соответствуют требованиям конкретных производств, и позволяет гибко адаптироваться в зависимости от технологических новаций. Выпускники вузов должны обладать хорошим арсеналом теоретических и практических знаний, креативным мышлением, навыками самостоятельной учебы, чтобы быть востребованными в отраслях и сферах экономики. Поэтому, мы предлагаем следующие предложения по усилению интеграции производства и науки**.**

Во-первых, исходя из приоритетов реальной рыночной экономики, выделять на уровне общества необходимость подготовки специалистов по нужным направлениям экономики (например, подготовка специалистов по более узкой специализации по сервису, туризму, инженерно-коммуникационной инфраструктуры и т.д.). Механизм же формирования государственного заказа должен в большей степени быть приспособленным к определению будущего спроса на кадры, следовательно, тенденций развития рынка труда. **Во-вторых**, развитие негосударственного сектора. Опыт стран с переходной экономикой показывает, что сложный процесс, требующий четкой законодательной базы, механизм реализации и затрагивающей социальные аспекты. Формирование негосударственного сектора позволит создать конкурентную среду на рынке образовательных услуг. Так, например, в Малайзии частные университеты и частные колледжи составляют более 90%.

В- третьих, с учетом меняющихся условий поступательного развития экономики, направления обучения, профессий и специальностей корректировать несоответствия (изменение образовательных стандартов, учебных программ и т.д.). Подумать об обновлении, совершенствовании учебного процесса в вузах. Упор делать не на академическую загруженность студентов, а на самостоятельное изучение предметов (кредитная система и другие системы.)

В-четвертых, начиная с момента поступления, студент должен не просто заниматься наукой, но непосредственно иметь связь с практикой (приглашение специалистов с производства, участие в научных исследованиях вузов, заранее иметь возможность апробирования своих навыков на производстве. Расширить возможности получения высшего образования, через систему не только очного, но и заочного обучения, что существенно расширило бы границы повышения квалификации трудовых ресурсов. **В-пятых**, желательно расширить автономию, полномочия вузов

[1] Послание Президента РУ Ш.Мирзиёева Олий Мажлису.- Народное слово, 29 декабря 2018 года.

в следующих направлениях: академической сфере – установление набора курсов и учебных заведений (во многих странах Европы этот вопрос решает сам вуз); кадровая политика - регулирование заработной платы, создание фондов за счет внебюджетных средств; финансовая сфера – установление платы за обучение с учетом затрат и качества обучения, стимулирование наиболее квалифицированных преподавателей.

Sh.M.Islomov – SamISI katta o‘qituvchisi,
S.A.Babanazarova – SamISI o‘qituvchisi

TA’LIMNI RIVOJLANTIRISHDA MALAKALI KADRLARNING ROLI VA AHAMIYATI

Abdulla Avloniy o‘zining “Turkiy Guliston yoxud ahloq” asarida shunday degan edi: “Emdi ochiq ma’lum bo‘ldiki, tarbiyani tug`ulgan kundan boshlamak, vujudimizni quvvatlandurmak, fikrimizni nurlandurmak, ahloqimizni go‘zaldurmak, zehnimizni ravshanlandurmak lozim ekan. Tarbiyani kimlar qilur? Qayda qilinur, degan savol keladur. Bu savolga, “birinchi uy tarbiyasi. Bu onaning vazifasidur. Ikkinchi, maktab va madrasa tarbiyasi. Bu ota, muallim, mudarris va hukumat vazifasidur”,- ...” . Shunday ekan, ta’limga berilgan e’tibor kelajakka berilgan e’tibordir. Bu bora davlatimizda ham ko‘pgina ishlar olib borilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi ta’lim tizimi quyidagi ko‘rinishlarda amalga oshiriladi.



Ko‘rinib turganidek, ta’lim tizimi bir-biri bilan uzbiy bog`liq bo‘lib, bir bosqichning sifati albatta keyingi bosqichga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Mamlakatimizda ta’lim sohasi bo‘yicha olib borilayotgan islohotlarda ham buni ko‘rish mumkin. “El-yurt umidi” jamg`armasining tashkil etilishi ham kadrlarni o‘qitish, ko‘nikmasini, malakasini, tajribasini oshirish borasida qilinayotgan tadbirlardandir.

Yoshlarga ta’lim berishda pedagoglarni o‘zlari kerakli darajada bilim, ko‘nikma bilan birgalikda mahoratga ham ega bo‘lishlari lozim. O‘qituvchining mahorati uning faoliyatida ko‘rinadi. Pedagogik mahoratga ega erishish o‘qituvchining muayyan shaxsiy sifatlari bilan amalga oshadi. Pedagogik faoliyat maqsadining o‘ziga xosligi o‘qituvchidan quyidagilarni talab qiladi:

- Jamiyatning ijtimoiy vazifalarini to‘la anglab, o‘z shaxsiga qabul qilishi.
- Muayyan harakat va vazifalarga ijobiy yondashishi;
- O‘quvchilar qiziqishlarini e`tiborga olish, ularni pedagogik faoliyatining belgilangan maqsadlariga aylantirish.

Davlatimizda ham ta’limga juda katta e’tibor berilayotgan vaqtda pedagoglar ham yoshlarga ta’lim berishda ma’suliyat bilan yondashishlari lozim. Kadrlar sifati ularga beriladigan ta’lim sifatiga bog`liq. Shuning uchun ham ta’lim berish kichik yoshdan boshlanishi kerak. Bu bora ham juda ko‘p ishlar amalga oshirilmoqda. Maktabgacha ta’lim uzluksiz ta’limning boshlang`ich qismi hisoblanadi. U bolaning sog`lom va rivojlangan shaxs bo‘lib shakllanishini ta’minlab, o‘qishga bo‘lgan ishtiyoqini uyg`otib, tizimli o‘qitishga tayyorlab boradi.[1] Keyingi ikki yilda maktabgacha ta’lim muassasalar sonining sezilarli darajada oshgan bo‘lib, xususiy MTMlarni tashkil etishda davlat tomonidan imtiyozlar berilmoqda. MTMlarda 65000 nafardan ortiq xodimlar faoliyat olib borib, ulardan 22 foizi oliy ma’lumotli va 78 foizi o‘rta maxsus ma’lumotli.

Ta’lim tizimining navbatdagi bosqichi umumiy o‘rta ta’lim bo‘lib, uning maqsadi madaniy va maishiy, xalq xo‘jaligining turli sohalarida faoliyat ko‘rsatish uchun zarur bo‘lgan fan asoslarining tizimli bilimlari, mahorat va malaka qurollantirishdan hamda maxsus ta’lim olish (kasb-hunar, texnik, o‘rta, oliy) imkoniyatni yaraishdan iborat. Umumiy o‘rta ta’lim majburiy va bepul bo‘lib, bu barchaga taaluqlidir. Umumiy o‘rta ta’lim kerakli bilim hajmi, mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantirish, tashkiliy mahorat va amaliy tajriba poydevorini qo‘yib, boshlang`ich professional yo‘nalishni va ta’limning keyingi pog`onasini tanlashda ko‘maklashadi.[2] Hozirgi vaqtda mamlakatimizda 9718 ta maktab faoliyat olib boradi. Shundan 38 foizi shaharlarda, 62 foizi qishloq joylarda joylashgan. Bitta o‘qituvchiga to‘g`ri keladigan o‘quvchilar soni shahar joylarda 14.5 ga, qishloq joylarda esa 10.9 taga teng keladi. Maktablarda fanlar bo‘yicha faoliyat olib borayotgan o‘qituvchilarni taqsimlanishiga e’tibor beradigan bo‘lsak, eng kam ko‘rsatkich, informatika fani bo‘lib, jami o‘qituvchilarning 2%ini, geografiya va tabiatshunoslik, kimyo, fizika va astronomiya 3%ni, biologiya 4%, huquqshunoslik 5%, rus tili va adabiyoti 6%,

[1]Ta’lim portali. Ziyonet
[2]Ta’lim portali. Ziyonet

matematika 7%, chet tillar 8%, boshqa fanlar 22%, boshlang`ich ta'lim esa 28%ni tashkil etadi.[1]

Maktablarni o‘qituvchilarni jalb qilish, o‘z kasblariga qiziqtirish maqsadida ko‘pgina ishlar amalga oshirilmoqda. Ularning oylik maoshlarini tizimli ravishda oshirib, har yil faoliyatiga tegishli bo‘lmagan ishlardan ozod qilindi. Fan olimpiadalarida o‘quvchilari sovrindor bo‘lgan o‘qituvchilar bir martalik pul mukofatlarining berilishi ham ular mehnatlarini rag`batlantirish bo‘lib, bu ularning ishiga bo‘lgan mehrini yanada oshiradi.

Oliy ta'lim, navbatdagi bosqich bo‘lib, uning maqsadi zamon talablariga javob bera oladigan malakali, raqobatbardosh, yuksak bilimli, oliy ta'lim mutaxassisi talablariga o‘zi tanlagan yo‘nalishi yuzasidan talabga javob bera oladigan respublikaning ilm-fan, madaniyat, iqtisod, ijtimoiy sohalarni rivojlantirishda o‘z hissasini qo‘shadigan mustaqil fikrlay oladigan, yuksak manaviyatga ega bo‘lgan yuqori salohiyatli mutaxassislarni tayyorlashdir.[2] Hozirgi vaqtda mamlakatimiz oliy ta'lim muassasalarida talabalaring 42%i gumanitar sohalarda, 30%i ishlab chiqarish va texnik sohada, 9%i ijtimoiy soha, iqtisod va huquq, 8%i qishloq va suv xo‘jaligi, 7%i sog`liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot va 4%i xizmatlar sohada ta'lim olmoqda. Oliy ta'lim muassasalarida 25000 nafardan ziyod professor-o‘qituvchilar faoliyat olib borib, bir o‘qituvchiga 11.8 nafardan talaba to‘g`ri keladi.

Oliy ta'limdan keyingi ta'lim jamiyatning oliy malakali ilmiy va ilmiy-pedagog kadrlarga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirishga, shaxsning ijodiy ta'lim-kasb-hunar manfaatlarini qanoatlantirishga qaratilgan.

Kadrlar malakasini oshirib borish davr talabi hisoblanadi. Chunki hayot to‘xtab turmaydi, u doimo harakatda va rivojlanishda. Shu maqsadda har bir tashkilot, muassasa o‘z xodimlarining malakasini oshirib boradi. Bu esa muassasa ravnaqini rivojlantirishga hissa qo‘shadi. Malakali, bilimli, ma'suliyatli kadr mamlakat kelajagi bo‘lmish yoshlarni o‘qitishda, ularni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Н.А. Юлдашева – Фарғона политехника институти мустақил изланувчиси, Қувасой иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи директор ўринбосари

КОРХОНАЛАРДА ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВДА КАДРЛАР СИЁСАТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Кадрлар сиёсати корхонанинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Айниқса, инқироз шароитида кадрлар сиёсатига алоҳида ёндошув талаб этилади. Бинобарин, ушбу шароитда молиявий ресурслар

[1]www. Stat.uz.
[2]Ta'lim portali. Ziyonet

етишмовчилиги, ходимларни қисқартириш, жамоада ижтимоий-психологик босим каби муаммолар юзага келади.

Инқироз шароитида кадрлар сиёсати ҳамда кадрлар салоҳияти тушиб кетишининг олдини олиш зарурий вазифалар саналади. Бунинг учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

—корхонани ривожлантириш бўйича дастурни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича оператив гуруҳларни шакллантириш;

—персонални мотивация қилиш, салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиш;

—стратегик реструктуризациялаш;

—инқирозга қарши бошқарув бўйича стратегия, концепция ишлаб чиқиш.

Инқироз ҳолатларида корхонада оператив тезкор гуруҳлар ташкил этиш ҳам самарали таъсир кўрсатади. Ушбу гуруҳларни уч турга ажратиш мумкин:

1. Биринчи оператив гуруҳ соғлом психологик муҳит яратилишини назорат қилади, ходимлар ўртасида ваҳиманинг олдини олади.
2. Иккинчи гуруҳ ишлаб чиқаришда узилишларга йўл қўймаслик мақсадида бошқарув тизимида одатий жараёнини олиб боради.
3. Учинчи гуруҳ инқирозга қарши бошқарув масалалари билан шуғулланиб, стратегик режалаштиришни амалга оширади.

Инқироз бўйича оператив гуруҳлар тузилишининг асосий мақсади янги технология, инновацияларни яратиш, инқироз ҳолатида молиявий менежментни ташкил этиш, ижтимоий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш чоралари билан боғлиқдир.

Инқироз шароитида персонални мотивация қилиш хусусиятлари персоналга тизимли ишлаш ҳолатларида мукофотлар билан тақдирлаш, ижодий муҳит яратиш, инқирозни бартараф этиш бўйича қилинган аниқ таклиф берганларни рағбатлантириш усулларида кўринади. Шунингдек, тажрибали ва салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиш даркор.

Инқироздан чиқишнинг яна бир усули стратегик реструктуризация ҳисобланади. Унинг таркибий қисмлари реструктуризация механизми, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш механизмини модификациялаштириш, бозор эҳтиёжини ўрганиш бўйича янги механизмни шакллантириш, кадрлар тизими бошқарувини такомиллаштириш, корхона бошқарувидаги стратегияларга рационал ўзгаришлар киритиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, молиявий реструктуризация саналади.

Молиявий реструктуризация муаммолари амалда қуйидаги усулларда ҳал этилади:

— корхонанинг рентабеллиги паст бўлган ва тўлов қобилиятига эга бўлмаган структураларини тугатиш;

— корхона ривожланиши учун инвестиция жалб этиш;

— ишлаб чиқаришдаги узилишларни бартараф этиш;

— мотивация тизимини такомиллаштириш;

— пул маблағларининг сарфланишини қатъий назорат қилиш;

— маркетинг бошқарувини татбиқ этиш.

Молиявий ва инвестициявий стратегиянинг моҳияти корхонага инвестициявий ресурслар манбаларини излаб топишдир.

Инқирозни бартараф этиш бўйича стратегия, концепция ишлаб чиқиш босқичлари:

— инқирозга қарши бошқарув мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш юзасидан корхонанинг ривожлантириш стратегик режаларини билан танишиш;

— ҳудудлараро инқирозга қарши гуруҳлар ташкил этиш ва ҳамкорликни кучайтириш;

— инқирозга қарши бошқарув бўйича қўшимча маълумотлар тўплаш;

— инқирозни бартараф этиш бўйича гипотеза ва таклифларни киритиш;

— инқирозни бартараф этиш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқиш;

— муаммоларни кўриб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш услубини такомиллаштириш;

— ҳар бир вариантни баҳолаган ҳолда қўшимча заҳира вариантларни тайёрлаш.

Бу босқичда вазиятли режа ва сценарий ишлаб чиқади. Бу борада замонавий бошқарув усулларидан оқилона фойдаланиш лозим.

Стратегик режа тузиш таркибига коммуникация тизими, персонални бошқариш, мотивация қилиш тизими, бошқарув қарорларини қабул қилиш, назорат тизими каби элементлар киради.

Қабул қилинган концепцияни амалга ошириш, реализация қилиш босқичи. Ушбу жараён ўз ичига инқироз ҳолатларини келтириб чиқарган, тизимни издан чиқарган элементларни аниқлаш бўйича механизм ишлаб чиқиш, бошқарув усулларини аниқлаштириш, бошқарувда инновацион жараёнларни қўллаш, бошқарувда янги тизимни лойиҳалаш, инқирозга қарши бошқарув бўйича тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш каби тизимни ўз ичига олади.

Инқироз ҳолатларини бошқариш бўйича менежер қуйидаги сифатларга эга бўлиши даркор:

— қаттиққўллик;

— стресс ҳолатларига чидамлилик;

— хатолардан ўз вақтида хулоса чиқариш ва бошқаларга ҳам буни ўргатиш;

— ходимларни мотивация қилиш санъати;

— низо, конфликтларни бошқара олиш қобилияти;

— музокара ўтказиш ва томонларнинг келишувига эриша олиш;

— аналитик фикрлай олиш қобилияти;

— ўзгарувчан муҳитга тез мослашиш;

— коммуникабеллик.

Инқироз ҳолатларини олдини олиш давлат сиёсатида ҳам муҳим

аҳамиятга эга. Шу боисдан профессионал менежерларни барча бошқарув бўғинларига – давлат, ҳудудий-регионал ва микродаражадаги бошқарув бўғинларига тайёрлаш лозим.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, 60-65% маҳсулотлар, товар ва хизматлар кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади. Бу масалада кичик корхоналар учун махсус менежерлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, ҳудудларда инқирозга қарши бошқарув механизми сифатида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш, ҳудудлар миқёсида инқирозга қарши бошқарув бўйича истиқболли дастурлар, стратегик режалар ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиши бўйича ҳар ойлик таҳлилни амалга ошириш лозим.

Инқироз ҳолатларида менежердан катта масъулият талаб этилади. Хусусан, маҳсулот ишлаб чиқаришда харидоргир товарни таклиф эта олиши даркор. Бу борада янги технология ва жиҳозлардан фойдаланилади. Шунингдек, корхона ходимларини ҳам ишга нисбатан иштиёқини кучайтириш, яъни мотивация жараёнларига ҳам кўпроқ ёндошиш талаб этилади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, корхонанинг барқарор фаолият юритишида ҳамда ривожланишида персонал муҳим ресурс сифатида хизмат қилади. Бинобарин, профессионал малакали ходимларни жалб этиш инқирозга қарши тадбирлар ҳисобланади. Шу сабабли кадрлар сиёсатини самарали ташкил этишга ҳамда юритишгаинқирозга қарши бошқарув стратегиясининг ажралмас қисми деб қараш лозим.

З .Хусанова – старший преподаватель кафедры «Экономики», АГУ,
А. Абдулахатова – студентка педагогического факультета, АГУ

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ И ФОРМИРОВАНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ СТАРШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА В УЗБЕКИСТАНЕ

После обретения Узбекистаном независимости республика встала на путь построения демократического, правового государства, гражданского общества, основанного на рыночной экономике. Главной целью всех начатых в стране преобразований является человек, его жизнь достойный уровень жизни. Новое общество Узбекистана строит не в стороне от мировой цивилизации, а на тех общечеловеческих ценностях, которые уже выработало человечество с учетом исторического менталитета народов, проживающих в нашей стране. Преобразование затрагивают все стороны общественной жизни, требуется постоянный анализ изменений, происходящих вокруг, особенно важно это знать молодежи.

Проведен всесторонний анализ развития страны, и для дальнейшего

устойчивого и опережающего развития страны, президентом республики Узбекистан Ш. Мирзиёевым была разработана «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах». В ней предусматривается: развитие и либерализация экономики, направленная на дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, модернизацию и интенсивное развитие сельского хозяйства, продолжение институциональных и структурных реформ по сокращению присутствия государства в экономике, дальнейшее усиление защиты прав и приоритетной роли частной собственности, стимулирование развития малого бизнеса и частного предпринимательства, комплексное и сбалансированное социально-экономическое развитие регионов, районов и городов, активное привлечение иностранных инвестиций в отрасли экономики и регионы страны путем улучшения инвестиционного климата[1].

Люди независимо от избранной им профессии, должны иметь начальные экономические навыки, которые позволяют им уверенно чувствовать себя в процессе своей жизнедеятельности. Жизненный успех каждого человека зависеть не только от его трудоспособности, но и от его подкованности в экономической сфере, предприимчивости и рациональному использованию заработанных денег.

Экономическое воспитание — это процесс, когда у детей правильно и грамотно формируется экономическое сознание. Данный процесс формирует духовно - материальную основу детей, нравственность, чувства, экономическое мышление, социализация ребенка в обществе, а также помогает сформировать у детей морально экономические качества, которые помогут им для развития интереса в мире экономики.

Как отмечал В. А. Сластенин: «Возникновение частной собственности, выделение семьи как экономической общности людей привели к обособлению обучающих и воспитательных функций и переходу от общественного образования к семейному, когда в роли педагога стала выступать не община, а родители. Главной целью образования стало формирование хорошего хозяина, наследника, способного сохранять и умножать накопленное родителями имущество как основу семейного благосостояния»[8.57.].Вводя детей в мир экономики, мы помогаем им, раскрыть окружающий мир духовных и материальных ценностей. Дети в нынешней жизни является равноправными членами общества. Они с ранних лет участвует в жизни своих родителей, когда вместе с ними ходят в магазин делать покупки, слышат слова «дёшево», «дорого», деньги», цена», «заработать».

Экономическое воспитание, согласно суждению В.Н.Мясищева, это «развитость у личности конкретной концепции представлений, хороших манер, трудолюбия, коммуникативных навыков, ставших присущим для нее»[7.59-64].В настоящее время формирование

экономического сознания неосуществимо без экономического воспитания, что представляет собою направленное влияние на членов общества для развития их взглядов и представлений, доступ к принятию решения и оценке, которые так нужны для управления собственной экономической деятельностью.

По мнению Л.А. Голуба: «Результаты экономического воспитания проявляются в осознании детьми отношения к своему труду, к труду матери и отца и к каждому труду в целом; отношении наиболее результативного расходования абсолютно всех источников (деньги, обувь, одежда, электричество, пища, вода, время, отходы, детский сад, собственность); умение точного выбора ситуации, которая связана с экономической деятельностью; развитие в ребенке ощущения хозяина наряду семьей, правильный расположение к друзьям и детскому саду»[4.34-38].

Главной целью экономики для дошкольников является формирование навыков и умений, ознакомление с современными рыночными отношениями. Давая понятие об экономике в дошкольном возрасте, мы тем самым помогаем детям, лучше адаптироваться в современном обществе, строить свою жизнь более организовано, самостоятельно и творчески подходить к ней. В процессе экономического воспитания, у детей дошкольного возраста развивается мышление, приобретаются определённые экономические навыки, которые пригодятся им в жизни.

Основной задачей родителей и воспитателей является, донесение до детей информации и умении правильно ей пользоваться. По мнению А.А. Бодалева[2.113-118], главной из задач экономического воспитания считается помощь человеку в основании познании того, что представляет собой новейшие экономические взаимоотношения, для того чтобы отыскать свое законное место, чтобы сформировать надлежащие навыки экономического поведения.

Процесс работы по экономическому воспитанию может осуществляется посредством разнообразных форм.

Применение различных форм дает шанс педагогу-воспитателю продемонстрировать свою творческую работу, свою неординарность, и в тот же момент, что немаловажно, сделать этот процесс экономического познания доступным, увлекательным. Самое важное – рассказывать детям о непростом экономическом мире на понятном ему языке. Следовательно, преимущество фиксируется за такими формами, которые очень увлекательны, и дают результат в личностном и познавательном развитии, эффективны и важны для детей, оказывают содействие развитию индивида, проявляют его «Я», - в комплексах тематических занятий, играх, и вечернем досуге.

Важная и ведущая форма обучения детей дошкольного возраста является игровая деятельность. С помощью игровой деятельности дети воспринимают и осваивают окружающий мир. Воспитание, которое

осуществляется с помощью игры, естественно для ребенка. Особые возможности заключены в играх экономического содержания, которые формируют хорошие условия для экономического воспитания ребенка.

А. С. Макаренко писал: «Игра несет важную роль в жизни детей, выполняет такую же роль, как у взрослого выполняет служба, работа, деятельность. Как ребенок ведет себя в игре, так и будет вести себя в работе, когда станет взрослым. В связи с этим, обучение будущего работника протекает, в первую очередь, в игровой деятельности. Целую историю человека как работника, можно показать в формирование игры и со временем, перетекании ее в работу»[3, 6.]

Игра – вся жизнедеятельность детей. Основы экономической культуры легче зарождаются и проявляются в игре. В игре, у детей раскрываются творческие способности, индивидуальность. В ходе игры они закрепляют, знания, которые получили на занятиях, экскурсиях, во время бесед, чтения художественной литературы. Игра помогает воспроизвести взрослый мир и участвовать в воображаемой социальной жизни. В игре дети моделируют жизненные ситуации, с помощью игры, происходит знакомство детей с социальной действительностью.

Дети учатся ориентироваться в экономических понятиях, происходит формирование базы социального развития ребёнка, сопричастность его к окружающей действительности. При помощи игры дошкольник легче научится правильному отношению к деньгам, способам их зарабатывания в вести в мир вещей, предметов и взаимоотношений. Экономические знания придают социальную направленность, что позволит ребёнку впоследствии, выстраивать правильную линию собственного поведения, способом зарабатывания и разумному использованию.

Сделать экономику понятной могут помочь сюжетно-ролевые игры.Дети играют в профессии, постигая смысл работы и труда, отображают рабочую деятельность родителей и подобным образом они изучают экономику. В сюжетно-ролевой игре происходит моделирование настоящей житейской ситуации: изготовление и реализация готовой продукции, осуществляется купля и продажа и товаров. Если объединить реальную и учебно-игровую деятельность, то это будет очень результативно для освоения детьми дошкольного возраста трудных экономических представлений.[6.75.]

В младшей группе знакомство с экономикой начинается с сюжетно ролевой игрой в «Магазин», где работает продавец и продаёт игрушки, конфеты, фрукты. Роль продавца берет на себя воспитатель и показывает, как правильно нужно разговаривать с покупателем используя в своей речи слова деньги, товар. Показывает отношения между продавцом и покупателем. Аналогично происходит, знакомство с профессией врача, водителя автобуса. Каждое движение проговаривается. В средней группе роль продавца на себя берёт ребенок, а роль кассира, который выдает чеки — воспитатель. Расширяется ассортимент продуктов, появляются

продукты, которые предстоит взвешивать.

В старших группах на стене можно вывесить карту мира, по которой дети совершают путешествия, где знакомятся с денежными знаками разных стран. Кроме игр детям можно предложить разобрать разные ситуации, отгадывать загадки, решить кроссворды. Во время экскурсии в разные магазины дети узнают новые понятия касса, продавец, работающий на кассе называется кассир, витрина, товар. Очень интересно проходят совместные беседы, где родители рассказывают о своей профессии, как оплачивается их труд. Дети начинают понимать, что родители получают деньги за свой труд, а не просто достают их из кошелька. У детей формируется понятие о семейном бюджете, доходах и расходах. Чуть позднее к ним приходит понимание, что многое, с чем они сталкиваются в жизни, создаётся людьми разных профессий. Сделать экономику понятной помогают сюжетно-дидактические игры. Дети учатся находить связь профессиями и результатами труда, выстраивать производственные цепочки, например: откуда пришёл хлеб вспахали поле, посеять зерно, вырастить, собрать урожай, смолотить, перевезти расфасовать, доставить на пекарню, замесить тесто, испечь хлеб. Таким образом ребёнок осваивает тему профессии, устанавливает количество закономерностей. Обобщить и систематизировать знания помогают Викторины, игры-развлечения, Что?, Где?, Почём? Большие воспитательные возможности содержат произведения художественной детской литературы.

Сказки способствуют воспитанию и уважению к труду взрослых, учат бережливости, расчётливости. Во многих сказках можно найти экономическое содержание. Сказка расширяет представления о мире людей, взаимоотношениях, пробуждает фантазию, учит мысленно представлять воображаемую ситуацию. По мнению Джанни Родари «Сказка для детей такое же серьезное и настоящее дело, как игра: она нужна им для того, чтобы сделать выбор, чтобы, проанализировать и дать оценку своим возможностям».[5]

Организация сотрудничества с родителями является одним из приоритетных мест, так как семья для ребёнка является эталоном правил, норм и социальных форм поведения. Знаниям придается социальная направленность, что позволяет ребенку впоследствии выстраивать линию собственного поведения.

Образование и воспитание детям необходимо начинать давать с дошкольного возраста, когда они приобретается первичный опыт в экономических отношениях, тогда полученные ими знания в дошкольном возрасте останутся в памяти на долго. Впоследствии они смогут умело применить их в жизни. Экономические качества, заложенные в детстве, дадут больше шансов воспитать успевающего в жизни человека, человека, который будет обладать не только материальными, но и духовными ценностями.

Основываясь на выше изложенные факты, можно сделать вывод, что экономическое воспитание детей дошкольного возраста - это целенаправленный процесс формирования нравственно-экономических качеств личности, таких как бережливость, ответственность, деловитость, предприимчивость, а также получение знаний об экономической жизни людей, ориентированной на систему ценностей.

Таким образом, постепенное усложнение работы по формированию экономических представлений у дошкольников способствует:

1. формированию экономического сознания и мышление у дошкольника;
2. приближению к реальной жизни;
3. получению знаний о профессиях и выбора определенной профессии;
4. рациональное использование денег;
5. выработке таких качеств как чувство собственного достоинства, умение честно соревноваться и не бояться проигрыша, стремление доводить начатое дело до конца;
6. возникновению интереса к деньгам, осознанию правил их честного зарабатывания.
7. формирование у ребенка сознание к различным родам экономических проблем и пути их решения.

Список использованных литератур:

1. Указ Президента Республики Узбекистан Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан №УП-4947 07.02.2017.
2. Бодалев, А.А. Психология личности [Текст] /А.А. Бодалев. – М. :Академия, 2001.-113-118 с.
3. Дошкольникам об экономике: пособие для педагогов учреждений, обеспечивающих получение дошкольного образования [Текст] / Е.Н. Табих. –Минск: Высшая школа, 2010.- 6с.
4. Голуб, Л. А. Экономическое воспитание дошкольников [Текст] / Л. А. Голуб // Дошкольное воспитание. 2013. № 6.-34 – 38 с.
5. Лукин, В. А. Формирование начальных экономических представлений старших дошкольников при чтении сказок [Текст] / В. А. Лукин, Т. А. Бахор, О. Б. Лобанова // Современные проблемы науки и образования. – 2013. – № 6. [Электронный ресурс] URL : http://www.scienceeducation.ru/ru/article/view?id=11794 (дата обращения: 11.07.2017).
6. Лушникова, Е. В. Как мы играем в экономику [Текст] / Е. В. Лушникова // Воспитатель ДОУ ТЦ СФЕРА М., 2008. № 11. -75 с.
7. Мясищев, В.Н. Экономика образования как наука и учебный предмет [Текст] / В.Н. Мясищев // Педагогика. – 1993.- №4 - С. 59 – 64.
8. Педагогика Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений под ред. В.А. Сластенина. - М.: Издательский центр "Академия"- 57с.

Н.М.Атоев–И.Каримов номидаги ТДТУ Термиз филиали катта ўқитувчиси
Ф. Файзуллаев– шу университет ТМЖ йуналиши 3-17 гуруҳ талабаси

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИННОВАЦИЯЛАР

Ҳозирги вақтда педагогика олий таълим муассасаларида таълимни ташкил этиш билан боғлиқ қуйидаги инновациялардан кенг фойдаланилмоқда:

1) маъруза таълим технологияси;

2) семинар ва амалий машғулотларни ташкил этиш технологияси;

3) мустақил таълимни ташкил этиш технологияси.

Маъруза машғулотларини ташкил этишда кириш, маълумотли, муаммоли, визуал, анжуман-маъруза каби маъруза турларидан кенг фойдаланилади. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан ўтказилган суҳбатлар натижасидан айниқса, педагогик фанларни ўқитиш жараёнида муаммоли, визуал ва анжуман маъруза турларидан фойдаланиш самарали эканлиги маълум бўлмоқда. Мазкур маъруза турларининг ҳар бири учун Л.В.Голиш томонидан таклиф этилган методика асосида алоҳида-алоҳида модел ва технологик карталар ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнини алгоритмлаштириш, қадамлар кетма-кетлигини аниқлаштириш амалга оширилади.

Таълим технологияси асосида ўтказиладиган машғулотлар анъанавий педагогик амалиётдан қатор хусусиятларига кўра фарқ қилади:

- машғулотлар талабаларнинг ўқув мақсадларини ойдинлаштиришдан бошланади;
- таълим-тарбия жараёни олдиндан қайд этилган натижага мўлжаллаб ташкил этилади;
- ҳар бир талаба ўз фаолияти хусусиятларига мос келадиган суръатда ишлайди;
- жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзлари эришган натижадан тез-тез огоҳлантириб турилади; эришилган натижа таълимнинг ҳар бир босқичида эталонга бирлаштириб турилади;
- натижа талабаларнинг асосий ўқув мақсадларига кўра аниқланади;
- якуний (назорат) баҳо ўқув курси тўлиқ ўрганилгач чиқарилади.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилишни назарда тутади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: яъни жараённинг мантиқийлигини, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлигини ва яхлитлигини.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг жараёнли сифатла-

рини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилиятлари, имкониятлари ва ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини фаоллаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - замонавий компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Ўқитишнинг усуллари ва техникаси. Маъруза (кириш, мавзугаоид, визуаллаш), ақлий ҳужум, муаммоли таълим, лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” усули маълум мавзу юзасидан топширилган муаммоларни ечишда кенг фойдаланиладиган усул ҳисобланиб, у машғулот қатнашчиларини муаммо ҳақида ҳар томонлама кенг фикр юритилади, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишда маълум кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга рағбатлантиради.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

ФСМУ методи

Ф–Фикрингизни баён қилиш
С– фикрингизни баёнига Сабаб кўрсатинг
М– фикрингизга Мисол келтиринг
У – фикрларингизни Умумлаштиринг, хулосаланг

Ўқитувчи талабаларга мавзу кесимида бирор бир муаммо қўяди ва ўзи ушбу муаммони мантиқий тартибда ечимини кўрсатади, ёки бу ишни талабларга топшириди ва жарённи назорат қилади ҳамда бошқаради. Ушбу усул орқали талабаларнинг мантиқий фикирлаш қобилиятлари ривожланади.



“Кластер” методи

“Кластер” методи педагогик, дидактик стратегиянинг маълум шакли ҳисобланади. У талабаларга ихтиёрий муаммолар юзасидан эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол ифодалашга шароит яратишга кўмаклашади.

“Кластер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлашшакли саналади. Бу усул маълум мавзунинг талабалар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунча қадар фикрлаш фаолиятининг бир меъёрий бўлиши учун хизмат этади. Стил ва стил ғоясига биноан ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан талабалар билан

якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланса бўлади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талабаларни шу мавзу бўйича тассаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди



“Кластер” методининг тузилмаси

Бундай таълимни ташкил етиш шакллари билан боғлиқ инновациялар метрология стандартлаш ва сифат назорати фанини ўқитиш жараёнида кенг фойдаланилди.

Профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан ўтказилган сухбатлар натижасидан нафақат педагогика бошқа фанларни ўқитиш жараёнида кенг қўлласа самарали эканлиги маълум бўлмоқда.

Д.Ж.Норбоева – СамИСИ катта ўқитувчиси,
Н.А.Камилова – СамИСИ доценти, и.ф.н.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА АҚЛИЙ МЕҲНАТ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ

Келажагимиз бўлмиш ёш авлодни соғлом, баркамол, билимли, мустақил ва эркин фикр соҳиби этиб тарбиялаш муҳимдир. Зеро фарзандларни комил инсон этиб тарбиялашда, уларда аввало мустақилликни ва ақлий қобилиятини ривожлантириш зарур, токи талаба мустақил ўқисин, мустақил фикр юритсин.

Ҳозирги давр мамлакатимиз тараққиёти учун рақобатбардош кадрларни талаб этади. Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлащда шахснинг ақлий ривожланиш коэффициентига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш муҳим. Олий таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасини ислоҳ қилиш, “ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш”[1], яъни Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, олий таълим муассасаларида ўқитиш йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтақалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган худудий ва тармоқ дастурларининг талабаларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш даркор”[2].

Талабанинг онглилиги унинг турли-туман хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Талаба ақлий ривожланиши турли шакл ва мазмунга эга бўлган назарий ҳамда амалий фаолиятларда таркиб топади. Бунда муҳит, ирсий белгилар, тарбия асосий омил ҳисобланади.

Улуғ аждодларимиз шахс тарбиясида, унинг баркамол инсон бўлиб етишувида, аввало уни ақлий меҳнатга ўргатишга, касб-ҳунарга қизиқтиришга алоҳида эътибор беришган. Фарзандларни лаёқатли, қобилиятига қараб тарбияланганлар, ўзлари намуна бўлганлар. Чунки, тарбия — ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидаги энг мукаммал зот бўлиши учун аввало тарбияланиши зарур. Бунинг учун унга энг аввало тарбиячи бўлмоғи лозим.

«Эй уғил, фарзандларингни тарбиялашдан аввал ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оилада баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади» (А.Л.Самарқандий).[3]

Талаба интеллектуал фаолиятининг ривожланиши унга ўзини қуршаб турган объектив оламни янада чуқурроқ, тўлароқ, тўғрироқ ва аниқроқ акс эттириш имконини яратади ҳамда у дунёнинг асл моҳиятини, турли йўсиндага ўзаро боғланишлари, мураккаб муносабатлар ва алоқаларни тобора аниқроқ ёритади. Шу билан бирга талабанинг объектив борлиққа, воқеликка, жисмларга, кишиларга ва ўз-ўзига нисбатан муносабати вужудга келади. Талаба онгининг ривожланиши унинг ташқи оламни идрок эттиришда намоён бўлади.

Ўқитиш жараёнида талабаларнинг ақлий меҳнат кўникмалари тобора ривожланиб боради. Улар меҳнатнинг аҳамиятини, меҳнат орқасида ҳаёт, яшаш, бахт-саодат турганини англаб ета бошлайдилар. Ўзларининг ҳар бир қилаётган ишига онгли муносабатда бўладилар. Кейинчалик талабаларнинг ҳар бири ўзининг севимли машғулотларидан қутилган

[1] Ўзбекистон Республикаси“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 йил 24-27 бет.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Халқ сўзи. 2017.21 апрель.
[3] Асқарова Ў. “Педагогика”. Ўқув қўлланма “Фан”. Т. 2010й. 23б.

мақсадини англаб етадилар. Ўзи бажараётган ишнинг натижасини кузатади, ундан қандай манфаатдор бўлишини англайди.

Маълумки, талабанинг диққатини ўзига тортиб, уни ақлий меҳнат қилишга жалб этиш, билимига бўлган қизиқишини уйғотиши самараси, энг аввало ўқитувчининг дарсда бадиийлик, образлилик, ёркинлик, қизиқарлилик, ажабланиш, маънавий кечинмалар руҳини уйғотиши каби омиллардан келиб чиқади. Шу билан бирга дарсларда талабада яратилаётган қизиқарли вазиятни энг ёрдамчи деталлари эмас, балки асосий ўринларини билишдан шодланиш қувончи туғилиши жуда муҳим. Шундагина талаба билимга қизиқади, ақлий меҳнат қилишга шошади.

Таълим жараёнида ақлий меҳнатга йўналтиришнинг асосий маъноси, ижобий йўллари, олийгоҳ, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги, ўраб турган муҳит таъсирлари аниқланган. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши, бозор иқтисодиёти талаблари масаланинг долзарблигини кучайтирмоқда.Демак, иқтисод фанларини ҳаёт билан боғлаган ҳолда олиб борилиши, туризм ва сервис соҳалари амалиётда қизиқарли ўтилиши , талабаларда шу касбларга қизиқиш ўйғотиш, талабаларнинг ақлий меҳнат фаолиятини ташкил этишда яхши самара беради.

Талабанинг шахс сифатида борлиқни хис этиши — фаол жараёндир. Маълумки, талаба ақлий ривожланиши объектив воқеликка ва ўзига фаол таъсир кўрсатиш (ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз имкониятларини намоён қилиш ва ҳоказолар) да содир бўлади.

Талабалар ақлий ривожланишига ижобий ва салбий таъсир қилувчи омиллар туркумига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- таълим муассасаларини замонавий техник воситалар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаганлик даражаси;
- турли хил тўгаракларда қатнашиш имкониятининг мавжудлиги;
- оила муҳитида, яъни яратилган моддий ва маънавий шарт-шароитлар ҳамда шахсларнинг руҳий рағбатларини йўлга қўйилганлиги;
- шахслараро ўзаро мулоқот ўрнатишнинг узлуксизлиги ва оиладаги мақбул руҳий муҳитнинг ҳукм суриши;
- турли телевизион викториналар, баҳс-мунозаралар, зукколик, ижодкорлик, тезкорлик бўйича мусобақалар уюштирилиши ва уларда ишгирок этиш имкониятининг яратилганлиги;
- ортиқча ахборот, хабарлар кўламини камайтириш (масалан, видеолар, автомат ўйинлар);
- зарарли одатлар билан шуғулланмаслик (масалан, ичиш, чекиш, наркомания ва бошқалар);
- ёшларни рўзғор ишлари билан банд қилиб қўйиш, оила муҳитида меҳнатнинг шахслараро оқилона тақсимланмаслиги ва қатъий юмуш билан шуғулланишга мажбур этилганлиги;
- айрим касбларнинг нуфузини пасайиб кетаётганлиги талабаларнинг ўқув мотивларига кучли таъсир қилаётганлиги;

- касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларида таълим ва тарбия тизимини заифлашиб бораётганлиги;
- ўғил ва қизларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларининг беқарорлиги ва уларни шаклланиб улгурмаганлиги.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, талабаларда таркиб топадиган ақлий ривожланиш ўз навбатида уларда фаолият натижаларини таҳлил қилиш лаёқатини ҳам юзага келтиради. Фаолият натижаларини таҳлил қилиш эса мураккаб руҳий, ақлий жараён бўлиб, у орқали талабаларда ҳукм, хулоса, қиёслаш, одатли равишда баҳолаш каби билиш жараёни босқичларини шаклланишига олиб келади.

Талабалардаги билимдонлик уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан шаклланишида ҳам муҳим механизм ролини бажаради. Яъни у орқали талабаларда ўз-ўзини англаш, дадиллик, матонатлилик, ғурурланиш, ишонч, ижобий ҳис-туйғулар:адолатлилик, қатъиятлилик, бошқа шахслар билан тўғри муносабатда бўлиш каби сифатлар таркиб топади ва эътиқодига айланиб боради.

Юқоридагилардан шу нарсани кўриш мумкинки, талабаларни мустақил фикрлашга, ижодга ўргатиш ўта муҳимдир. Зеро, бундай тарбияни амалга ошириш ҳурматли педагогларимизнинг тажриба, малака ва қобилиятларига боғлиқ.

Ф.Ғ. Раҳматова – СамМИ ўқитувчиси

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ СИФАТЛАРИ ВА ИҚТИДОРЛИЛИКНИНГ МОДЕЛЛАРИ ТАВСИФИ

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устивор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз[1].

Наслимиз давомчиларини нафақат жисмонан бақувват, балки маънавий бой, янги давр талабига жавоб берадиган, мулоқот жараёнида эркин фикр юритадиган қилиб тарбиялаш - ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир. “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш

[1] Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 16 б.

миллий дастури” да шахснинг эркинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, муомала маданиятини таркиб топтиришга бирламчи эътибор қаратилган. Истиқлол туфайли ўз мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Республикамиз ёшларини янгича ижтимоий муҳитга тайёрлаш, давр руҳида тарбиялаш – шу куннинг долзарб ва устувор вазифаларидан биридир. Ҳозирги кунда Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдири ёшларнинг маънавий қиёфасига, шахсий баркамоллигига боғлиқ. Бу вазифаларни амалга ошириш инсоний ўзаро муносабатларда демократик тамойилларни онгга тўла сингдиришни тақозо этади.

Жамиятни эркинлаштириш жараёнида шахснинг қобилият ва иқтидорини ҳар жиҳатдан намоён этиш учун имконият, шарт-шароитлар яратибгина қолмай балки, инсондаги психик, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини тўла намоён бўлишини талаб қилади. Ҳозирги даврда шахслар ўртасидаги интеллектуал жиҳатдан мавжуд фарқлар билан бир қаторда ижодий ва ташкилотчилик қобилияти, шахснинг умумий тафаккуридаги фарқларга ҳам катта эътибор қаратиш лозим. Бу таълим соҳасидаги кўпгина масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тизимли тавсифга эга бўлиб, уларнинг интеллектуал сифатларини шакллантириш билан боғлиқдир.

Ўқувчининг ижодий интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш жараёнини шакллантиришда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши керак:

- интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш жараёни максимал даражада технократик бўлиши керак. Бунинг учун педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш лозим;
- интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш таълим-тарбия жараёнига сингдирилиши кўзда тутилаётган тегишли технологияларни илмий асослаш ва ишлаб чиқиш лозим;
- интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга қаратилган фаолиятнинг дастлабки босқичида ижтимоий-психологик муҳитни аниқ таҳлил қилиш ҳамда тактик жараённи мукаммал ишлаб чиқиш керак.

Иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал сифатлари тавсифи:

- кузатувчанлик, интизомлилик, ўз-ўзига нисбатан талабчанлик;
- мантиқийлик, мантиқий фикр юрита олиш;
- ижодкорлик, аналитик фикрлаш, ёзма нутқни эгаллаганлик;
- эркин ва танқидий фикр юрита олиш маҳорати;
- кузатиш орқали фикрини асослаб бериши;
- ўз фикрини ўзгартирмаслик даражаси;
- ўз устида ижодий иш олиб бориш қобилияти;
- кундалик янгиликлардан хабардорлиги ва хулосаси.

Жаҳон педагогика ва психологияси фани ривожида иқтидорлиликнинг кўплаб моделлари ишлаб чиқилган. Ана шундай кенг оммалашган моделлардан бири америкалик олим Ж.Рензулли томонидан яратилган. Мазкур моделда иқтидорлилик уч ўзаро уйғун таркибий қисм-

лар мажмуи сифатида намоён бўлади:

- интеллектуал қобилиятлар;
- креативлик;
- тиришқоқлик (мотивация, қатъият, матонатлилик).

Шунингдек, Ж.Рензулли ҳам бошқа олимлар сингари билимдонлик (эрудиция) ва мақбул ижтимоий муҳитнинг иқтидорлиликни ривожлантиришдаги ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатади. Унинг фикрича, мазкур тавсифлардан биттасига тўғри келадиган болани иқтидорли деб баҳолаш мумкин. Муаллиф ўз тадқиқотида "иқтидорлилик" тушунчасини "салоҳият" тушунчасига қиёслаб қўллаган[1].

Ж.Рензулли концепцияси педагоглар учун универсал модел сифатида нафақат иқтидорли болаларни, балки барча ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш тизимини ишлаб чиқишда қўллаш имконини беради. Ҳақиқаттан, таълим муассасаларида салоҳиятли ўқувчи-ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Агар мазкур салоҳият ўз вақтида аниқланмаса, ривожлантирилмаса, табиат инъом этган истеъдод рўёбга чиқмай қолади.

Иқтидорли болалар ўз тенгдошларига қараганда бир қанча имкониятларга эга бўлса ҳам, айрим ўзига хос қийинчиликларга ҳам дуч келишади. Мазкур ҳолат энг аввало, уларнинг ота-оналари билан боғлиқдир. Айрим ота-оналар ўз фарзандларида иқтидорлиликни эрта пайқашса, ўзларнинг тарбиянинг мақсад ва вазифаларига доир ўз тасаввурлари билан боғлиқликда боладаги ўша қобилиятни ривожлантиришга бор кучларини сарфлашади. А.В.Петровский таъкидлаб ўтганидек, мазкур ота-оналар ўз фарзандларини "вундеркинд" санаб, уш бу сўзнинг фақат биринчи қисмига эътибор қаратишади, бироқ унинг иккинчи "бола" маъносини ифода этувчи сўзга урғу беришмайди. Аниқроғи, унинг ҳали бола эканлигини унутиб қўйишади. Шунингдек, айрим ота-оналар фарзандининг маълум бир фаолият соҳасига иқтидорини пайқашса, фақат унинг ушбу йўналишдаги машғулот билан шуғулланишини талаб этишади. Боланинг ҳар томонлама уйғун ривожланишига эътибор қаратишни унутиб қўйишади. Ана шу сабабли ўқитувчилар ва ота-оналар болалар иқтидорининг ривожланишидаги ўзига хосликларни ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқдир.

Болаларда иқтидорнинг намоён бўлишининг ўзига хосликлари.

Иқтидорлилик белгилари:

- тенгсиз интеллект ва ностандарт фикрлаш;
- индивидуал истеъдод ва унга уйғун қобилиятлар;
- ижодий ёндашув;
- фаолиятга нисбатан юқори мотивация;
- етакчи махсус қобилиятларнинг мавжудлиги;
- хотиранинг ўткирлиги;
- катта луғат бойлигига эгалик, саволни қўя олиш кўникмаси.

[1] Рензулли Дж. Модель школьного обучения. // Основные современные концепции творчества и одаренности. / Под.ред. Д.Б.Богоявленкской. – М., 1997. – С.214-242.

Иқтидорлиликнинг моҳияти:
иқтидорлилик уч ўзаро уйғун таркибий қисмлар мажмуи сифатида намоён бўлади:
- интеллектуал қобилиятлар (ўрта даражадан юқори);
- креативлик;
- тиришқоқлик (мотивация, қатъият, матонатлилик).
Билимдонлик (эрудиция) ва мақбул ижтимоий муҳит иқтидорлиликни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Иқтидорли болаларнинг фаолиятини ташкил этиш:

- улар учун қизиқарли соҳаларга натижаларни қўлга киритишларига эътибор қаратиш, бирор фаолият турига юқори суръатдаги диққатни жамлаш;
- новаторлик – амалга оширилаётган фаолиятга қўйиладиган талабларнинг якуни сифатида;
- ўз-ўзини бошқариш тизими;
- яратилган маҳсулотнинг ноёблигида ўз ифодасини топадиган фаолият усулларини индивидуаллаштириш;
- сабаб-оқибат алоқадорликларини аниқлаш ва зарурий хулосаларни чиқара олиш қобилияти;
- муқобил модел ва тизимларни яратишга жалб этиш;
- ахборот ва тажрибани таснифлаш ва категориялаш қобилияти, тўпланган тажрибалардан фойдалана олиш кўникмаси.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, иқтидорлиликнинг қуйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин: мотивацион, эмоционал-иродавий, интеллектуал-фаолиятли, креатив (ижодий қобилият). Мотивацион таркибий қисм: ўз ғоясига эга бўлиш мотивацияси, ўз-ўзини рағбатлашга қобилиятлилик, билим ва кўникмаларнинг шахсий аҳамиятини англаш. Шунингдек, мотивация муаммоли вазиятларни юзага келиши билан шартланувчи ҳамда шахсан ўқувчиларни ижодий фаолият жараёнига жалб этишни таъминловчи тавсифга эга бўлиб, уларда ижодий иқтидорлиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Эмоционал-иродавий таркибий қисм: ўз кайфиятини бошқара олиш ва махсус қобилият ва шахсий хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи стрессларга имкон бермаслик; иродавий сифатлар, хайрихоҳлик ва ёрдам кўрсатиш қобилияти. Мазкур кўникмалар ривожланган юқори синф ўқувчилари тенгдошлари ва катталар билан боғлиқ барча фаолият турларида муваффақиятга эришадилар. Ўз-ўзини англаш – ўз ҳис-туйғуларини тутиб тура олиш қобилияти жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзи нимани ҳис қилаётганлигини тушунган инсон қарорлар қабул қилиш жараёнини яхши бошқара олади. Эмоцияни бошқариш – ноёб қобилият саналиб, омадсизликларни тезда бартараф этишга имкон беради. Эмоционал ўз-ўзини назорат қилиш ижодий иқтидорлиликни муваффақиятли ривожланишини таъминловчи муҳим қобилиятдир.

Интеллектуал-фаолиятли таркибий қисм: ўқув фанларини ўрганишга доир билишга қизиқиш, фикрнинг эгилувчанлиги; юқори натижаларга эришиш учун билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш истаги; назарияни ўрганиш ва амалиётда янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлик, ижодий ва муаммоли-тадқиқотчиликка доир ишларни бажаришда билим, кўникма ва малакалардан фойдаланишга доир фаолликнинг намоён бўлиши; тадқиқотчиликка доир фаолиятни ривожлантириш, ижтимоий фаоллик.

Креатив таркибий қисм (ижодий қобилиятлар): ижодий хаёлот, ғоянинг оригиналлиги, уни ёритиб бериш кўникмаси; янги муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаб топиш қобилияти, бунинг учун фаолиятнинг мавжуд усулларидан фойдалана олиш, ўзлаштирилган билимларни янги шароитларда қўллай олиш; ижтимоий ижодкорликка доир махсус қобилиятлар ва ҳ.к.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, ўқитувчи ўқувчиларнинг иқтидорларини ривожлантиришда уларда мавжуд бўлган юқори даражадаги қизиқишларни илғай олиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи олдида турган муҳим педагогик вазифалардан бири, ўқувчиларнинг иқтидорларини аниқлаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўзига хос педагогик технологияларни қўллашдан иборат.

VII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”

С.С. Гулямов– академик, профессор, Центр переподготовки кадров и статистических исследований Госкомстата Республики Узбекистан,
А.Т.Шермухамедов – д.ф.-м.н., профессор Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова в г. Ташкенте

РАЗВИТИЯ ТУРИСТСКОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Развитие цифровой экономики диктует новые тенденции развития туристского рынка в Узбекистане. В частности, глобализация туристского бизнеса, активное развитие и влияние Интернет ресурсов на туристический рынок, персонификация подхода в организации путешествия по новомуформирует развития туристского рынка в Узбекистане. Рынок туристских онлайн услуг является самым развивающимся сектором электронной торговли услугами. За последние годы иностранные туристы при планировании и организации своих поездок по Узбекистану используют Интернет. В туристской среде ведется работа по продвижению на рынок динамического пакетирования туров. Это новая технология формирования и реализации турпродукта путем прямого обращения к ресурсным системам авиакомпаний, отелей и агрегаторовтуруслуг. Опыт туристических организаций европейских и азиатских стран показывает, что в ближайшей перспективе динамическое пакетирование станет технологической основой новой стратегии развития мировой туриндустрии. В последнее время доля пакетов, сформированных с использованием этой технологии, составляет половину объёма турпродукта, продаваемого на европейском рынке. Высокая технологичность продукта делает его идеально подходящим для онлайн бронирования. В Европе продажи туров онлайн растут преимущественно за счет динамически сформированных пакетов.

Результаты исследования.Некоторые отечественные туроператоры активно развивают в нише динамического пакетирования на базе регулярных рейсов. Прогноз по туристскому рынку в Узбекистане благоприятный и ряд туркомпаний планирует сосредоточиться на качестве работы, на базе динамического пакетирования, который принципиально отличается от классического туроперейтинга наличием большого количества партнеров по всему миру и требует более тщательного

контроля. Высокие риски в этой сфере сохранятся, поэтому турфирма сконцентрируется на работе с регулярными авиакомпаниямии национальной авиакомпанией «Ўзбекистон ҳаво йўллари». В ближайшей перспективе динамические пакеты будут создаваться на базе железнодорожной перевозки (поезда «Афрофсиаб»), автобусного сообщения, что обеспечит максимальный доступ туристических объектов в Самарканде, Бухаре и Хиве, как для организованных и самостоятельных путешественников. Принципиально новая технологическая модель организации узбекской туриндустрии обеспечит преимущества для всех участников туристического рынка: от потребителей до поставщиков туруслуг (авиакомпаний, гостиниц). Современные технологии позволяют туристам самостоятельно планировать и организовывать свои поездки от начала и до конца: покупать недорогие билеты на все виды транспорта, бронировать жилье, составлять маршруты и программу развлечений. Наиболее распространенными инновациями в туризме, связанными с цифровыми технологиями, явились нововведения в области транспортных услуг и услуг размещения (электронное бронирование, электронные билеты, электронные визы). Одной из самых первых инноваций выступает услуга «электронный билет», а также электронные продажи в целом, дающие возможность получать необходимую информацию о гостиницах, учреждениях культуры, различных сопровождающих поездку услугах.

Поиск авиабилетов для самостоятельных туристов, так и для тургрупп важен, например, необходимо знать предложения перевозчиков по тем или иным направлениям, знать дешевые и самые быстрые прямые и стыковочные рейсы, уведомления о снижении цен на услуги. Для путешествий по Узбекистану можно использовать сервис, аккумулирующий билеты не только на самолеты, но и на поезда с автобусами. Популярные приложения представляют информацию о гостиницах, хостелах, кемпингах, апартаментах в любой точке Узбекистана. Можно посмотреть реальные фото и отзывы постояльцев, забронировать номер (иногда без всякой предоплаты), получить путеводитель по городу и солидные скидки для зарегистрированных пользователей. С недавних пор сервисы предлагают туристам концерты, экскурсии, дегустации, мастер-классы. Перед путешествием можно скачать офлайновые карты, позволяющие свободно ориентироваться в новом пространстве, местные транспортные приложения, имеющиеся у большинства крупных городов, как Ташкент, Самарканд, Бухара, Хива.

Работа с глобальными системами бронирования через Интернет позволяет агентству не только получать оперативную и достоверную информацию о ценах и количестве свободных мест в любой момент времени, но и иметь возможность следить за прохождением заказа на всех этапах его осуществления.

Существуют различные системы бронирования (CRS-computerreservationsystems), все они отличаются друг от друга, как

набором предлагаемых услуг, так и технологией работы. Наиболее старые системы, такие как Сирена, Амадеус, Габриель, работают в основном через специальные терминалы, которые вы должны установить у себя в офисе. Для работы через эти системы необходимо проложить канал связи (провод) для ближайшего узла. Это связано с тем, что они создавались давно, тогда не было Интернет. Технология работы построена на сложных командах, а справка, заложенная в систему, представляет собой простой текст. В этих системах нет фотографий, карт и другой графической информации. Обучение работе в таких системах стоит дорого и не всем по карману. Самостоятельно сотрудник сможет работать с CRS не раньше, чем через год.

Через эти системы в основном реализуются авиа и железнодорожные билеты. Создателями таких систем являются авиакомпании, и соответственно, основной задачей для них является реализация авиабилетов. Продажа билетов не требует графического представления информации. Подключение к ним обходится в 1000-2500$. Ежемесячные затраты для работы с этими системами составляет от 200$ до 800 $, что не всегда по карману небольшим фирмам. На данный момент с такими системами в основном работают крупные туроператоры, реализующие билеты.

Многие фирмы, отвечающие за эксплуатацию классических CRS, ведут разработки программ, позволяющих работать с этими системами через Интернет. Молодые системы бронирования используют в качестве средств связи – интернет, а в качестве терминала – обычный компьютер. Затраты на работу через них невысоки и доступны даже небольшим фирмам.

Для того, чтобы проиллюстрировать прогрессивность использования электронного бронирования, давайте рассмотрим основные процедуры взаимоотношений между различными субъектами туристического рынка.

Для удобства можно обзавестись планировщиком поездок, который объединяет информацию о билетах, отелях и другие важные сведения. Среди новых сегодня видов туризма выделяется виртуальный туризм. «Виртуальный туризм – деятельность индивида, позволяющая посредством использования современной компьютерной техники и коммуникационных сетей создать и получить максимально реалистичную сенсуальную информацию о желаемой дестинации из числа реально существующих без фактического перемещения в нее. Виртуальный туризм также является перспективным средством продвижения той или иной дестинации, он даёт возможность потенциальному туристу ознакомиться с культурными, историческим, рекреационными возможностями мест посещения и выбрать для себя наиболее интересные объекты и занятия. Технология блокчейна в течение ближайших 5–10 лет может коренным образом изменить туристическую индустрию. Сейчас изучается вопрос, возможности использования блокчейна для повышения качества обслуживания туристов, что может серьезным образом изменить

индустрию туризма. В будущем блокчейн позволит потребителю напрямую работать с производителем. Речь идёт о технологии распределенных баз данных, основанной на постоянно продлеваемой цепочке записей и устойчивой к фальсификации, пересмотру, взлому и краже информации. Изначально её разрабатывали для рынков криптовалют, но позднее стали использовать и в других сферах. Можно предположить, что технологии, которые сейчас создаются, в течение 5–10 лет серьезнейшим образом изменят рынок туризма. С рынка могут уйти все посредники, и турпродукт станет более качественным и доступным, повысится ответственность поставщиков туристских услуг. Эта тенденция не может не беспокоить представителей, прежде всего, турагентств. Одна из тенденций, которую сегодня наблюдаем – это открытое проявление конфликта интересов между поставщиками туруслуг и туроператорами в борьбе за клиента. Сегодня поставщики туруслуг используют по отношению к туроператорам и турагентам такие непопулярные меры, как: Блокчейн (blockchain – цепь блоков) – выстроенная по определённым правилам непрерывная последовательная цепочка блоков (связный список), содержащих информацию. Чаще всего копии цепочек блоков хранятся и независимо друг от друга (чрезвычайно параллельно) обрабатываются на множестве разных компьютеров.– «отмена агентских комиссий авиакомпаниями с целью сокращения издержек на дистрибуцию; – программы лояльности для клиентов, повышающих привлекательность прямого бронирования; – цены на сайтах авиакомпаний зачастую оказываются ниже блокчартерных». В условиях расширения цифрового сегмента на туристском рынке, бизнес классических туроператоров может привести к их убыточности: низкая доходность туроператорской деятельности не позволяет балансировать риски, связанные с производством оптового турпродукта. В целях выживания турагентствам придется вступать в сети или вставать под бренды туроператоров. В сложившихся условиях туроператоры и турагентства для сохранения бизнеса и выживания на туристском рынке должны генерировать новые услуги и продукты, за которые готов платить путешественник.

Выводы.Необходимо создавать новые потребительские ценности: комплексное обслуживание за счёт расширения спектра дополнительных услуг; повышение качества пост-продажного сопровождения клиента; внедрение международных стандартов сервиса. В ситуации, когда цифровые технологии вытесняют с туристского рынка посредников (турагентства и туроператоров) турфирмам следует особое внимание уделять совершенствованию применяемых цифровых технологий, в том числе, и за счёт сокращения среднего времени отдачи цен веб-сервисам и агрегаторам. Это позволит дать агентствам новый инструментарий, еще более быстрый и эффективный.

Список использованных литератур:

1. Клейман А. А., Бабанчикова О. А. Совершенствование технологии продаж туристского продукта на основе внедрения инновационных технологий // Вестник Национальной академии туризма: Российский научный журнал. № 3(35) июль-сентябрь 2015. С.20-26.
2. Клейман А. А., Бабанчикова О. А. Совершенствование технологии продаж туристского продукта на основе внедрения инновационных технологий // Вестник Национальной академии туризма: Российский научный журнал. № 3(35) июль-сентябрь 2015. С.20-26.
3. Сафонов О. В Ростуризме ждут серьезных изменений из-за внедрения блокчейна. 03.11.2017 [Электронный ресурс] // URL: https://www.tourdom.ru/news/vrosturizme-zhdut-sereznykh-izmeneniy-iz-za-vnedreniya blokcheyna.html?utm_referrer =https% 3A%2F%2Fzen. yandex.com
4. Цифровая революция в туризме: что делать? 26.02.2016 [Электронный ресурс] // URL: http://rustur.ru/cifrovaya-revolyuciya-v-turizme-chto-delat.
5. Шамликашвили В. А. Виртуальный туризм как новый вид туризма // Креативная экономика. 2014. Том 8. № 10. С. 128-138. 12. Negroponte, N. Being Digital. Knopf. (Paperback edition, 1996, Vintage Books, ISBN 0-679-76290-6).-272 c.

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” асарида келтирилган “Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади”[1] деган ҳадисни келтирилган. Шу туфайли холис ният қилиб, 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилган эди. Мазкур йилда мамлакат ва ҳудудлар кесимида давлат дастури тузилди ва улар асосан бажарилди. Бунга алоҳида тўхталиб, мазкур дастур бўйича “21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширилганлигини алоҳида таъкидланган[2]. Жорий йилда ҳам яхши ният билан 2018 йилда бошлаган ишларимизни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида, “2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь

бериш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”[1], деб кўрсатиб ўтди. Рақамли иқтисодиётнинг энг муҳим жиҳати, иқтисодиётни сахталаштириш имконияти чекланади. Бу жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириш учун асос бўлади:

- иқтисодиётда коррупция кескин қисқаради ва унинг олди олинади;

- маълум маънода иқтисодиёт соҳасида тартиб-интизом ўрнатилади ва мутасадди ходимларнинг масъулияти ошади;

- иқтисодиётда ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ва бошқа макро ва микро иқтисодиёт кўрсаткичларининг реал ҳажмини аниқлаш имконияти яратилади;

- иқтисодиётда нореал рақамларнинг иштирокига барҳам берилади ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти ҳам яратилади.

Рақамли иқтисодиётнинг яна бир муҳим жиҳати, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида нуфузли халқаро ташкилотлар ўтказган таҳлилларга таянган ҳолда “ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради”[2], деб таъкидланган. Шунинг учун Ҳукуматга рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу борада ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги ҳам алоҳида уқтирилган.

2019 йилда иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифаларни ҳам аниқ белгилаб берди. Шу йилда ҳам олдинги йилларда амалга ошириладиган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилади. Шу йилда иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган:

“– очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

– иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;

– валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш,

---

[1]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

– иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш” [1] масалалари устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Ушбу вазифаларга эришиш учун ҳам асосан рақамли иқтисодиётга ўтиш масаласи муҳим бўлиб турибди. Жумладан, очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш учун ҳам биринчи галда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш лозим. Иккинчи вазифа, яъни иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш масаласи ҳам бевосита юқоридаги рақамли иқтисодиётни жорий қилишни тақозо қилади.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳам жуда кўп омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Улардан бири айнан рақамли иқтисодиёт бўлиб ҳисобланади. Мазкур иқтисодиёт шароитида таъминланган интизом, албатта иқтисодиётни модернизация қилиш учун тегишли шароит яратади. Ушбу масала уни диверсификация қилиш учун ҳам қўл келади. Меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳам юқоридаги модернизациянинг ҳосиласи сифатида намоён бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат, “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш учун ҳам рақамли иқтисодиётни жорий қилишни тақозо қилади. Чунки, рақамли иқтисодиёт шароитида уни сахталаштиришнинг имконияти чекланган бўлади. Шу туфайли ушбу иқтисодиётни жорий қилишнинг аҳамияти беқиёс.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида жуда кўп дастурлар ишлаб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда..

Бугунги кунда валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Чунки, Ўзбекистонда валюта либерализациясидан кейин бирмунча вазият ўзгарди ва анча енгилликлар яратилди. Аммо ҳамон бу борада яшириш иқтисодиёт ва қора бозорнинг аломатлари сақланиб қолаётганлиги ҳам сир эмас. Буларни бартараф қилиш учун ҳам рақамли иқтисодиёт маълум даражада хизмат қилади..

Яна бир муҳим масала, иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқариш учун, уни амалга оширишга қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ҳам ўта долзарб

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь.

муаммолардан биридир. Кадрлар малакали бўлиш билан бирга, диёнатли, инсофли, бировнинг, давлатнинг ҳаққидан, жиноят ва хиёнат қилишдан кўрқадиган маънавиятга эга мукаммал инсон бўлишлари лозим. Бундай кадрларни тайёрлаш масаласи бугунги кунда катта ташкилил-ҳуқуқий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилиниши уни ифодаловчи кўрсаткичларнинг реаллигини таъминлайди, реал воқеликни сахталаштириш имконияти бўлмайди. Булар мос равишда коррупция иллатларининг ҳам олдини олиш имкониятини яратади.

Sh.M.Islomov – SamISI katta o‘qituvchisi, i.f.n.,
S.R.Rashidova – SamISI magistranti

SAMARQAND VILOYATIDAGI UMUMIY OVQATLANISH KORXONALARINING RIVOJLANISH HOLATI

O‘zbekistonda mustaqillik yillarida, iqtisodiyotni diversifikatsiyalash va tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish, mamlakat aholisining bandligini, daromadlarini va turmush sifatini oshirishning muhim yo‘nalishlari va omillaridan biri sifatida xizmatlar sohasi va servisni jadal rivojlantirish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirildi. Bundan tashqari, iqtisodiyotning barqaror o‘sishini ta`minlashda mazkur soha muhim o‘rinni egallamoqda.

Hozirgi iqtisodiy modernizatsiyalash jarayonlari amalga oshirilayotgan bir paytda iqtisodiyotning asosiy qismini xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalari egallamoqda[1]. Ularning ulushi yalpi ichki mahsulotda, iqtisodiyotda band bo‘lganlarning tarkibida, davlat byudjetiga to‘lanadigan soliqlarda, yangi ish o‘rinlarini yaratish kabi eng muhim masalalarda muttasil oshib bormoqda va kelajakda ham bu jarayonning davom etishi huquqiy-me’yoriy hujjatlar bilan mustahkamlanmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar maxkamasi tomonidan 2016 yilda e’lon qilingan “Xizmat soxasini 2016-2020 yillarga mo‘ljallangan rivojlantirish dasturi to‘g‘risida”[2] va 2017 yil 30 iyunda qabul qilingan “2017 — 2019 yillarda Samarqand shahri va Samarqand viloyatining turizm salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi[3] qarorlari, belgilangan vazifalarni amalga oshirish xizmat ko‘rsatish sohasi, jumladan umumiy ovqatlanish sohasini, undagi sub’ektlar samaradorligini va sifatini oshirish, ko‘rsatilayotgan xizmatlarning assortimentini kengaytirishni taqozo etadi.

Ovqatlanish xizmatlari turizm va aholi turmush darajasini oshirishda

[1] T.S.Sharipov “Umumiy ovqatlanish korxonalari samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish (Samarqand viloyati misolida) mavzusida iqtisod fanlari nomzodligini olish uchun yozilgan Dissertatsiya, Smarqand – 2010 yil.
[2] www.lex.uz
[3] www.lex.uz

alohida ahamiyat kasb etadi. Bu esa Respublikamizda umumiy ovqatlanish tashkilotlardagi o‘rinlar soni shu jumladan qishloq joylarida, hududlarda yashayotgan aholiga to‘g‘ri keladigan ovqatlanish tashkilotlarining savdo obektlari soni, ovqatlanish korxonalarining chakan tovar savdo aylanmasi kabi ko‘rsatkichlarni tahlil etish lozimligini anglatadi.

So‘ngi yillarda to‘plangan statistik ma’lumotlarga ko‘ra Respublikamizda jami umumiy ovqatlanish tashkilotlardagi o‘rinlar soni, 484,3 ming o‘rinni shu jumladan, qishloq joylarida 72,0 mingni tashkil etadi (1-jadval).

1-jadval

Mulkchilik shakllari bo‘yicha ovqalanish tashkilotlarining savdo obektlari soni (2017 yil 1 yanvar holatiga; birlik)

	Barcha mulkchilik shakllari bo‘yicha tashkilotlar	**SHu jumladan mulkchilik shakllari bo‘yicha**	
		davlat	**nodavlat**
Umumiy ovqatlanish tashkilotlari ulardagi joylar, *ming*	484,3	13,1	471,2
Qishloq joylarda			
Umumiy ovqatlanish tashkilotlari ulardagi joylar, *ming*	72,0	1,0	71,0

Manba: “O‘zbekistonda savdo” statistik to‘plami 05.10.2017 yil.

Jadvaldan ko‘rishimiz mumkinki, Respublikamizda umumiy ovqatlanish tashkilotlardagi joylarning asosiy qismi bu nodavlat tashkilotlar (471,2 ming) hissasiga to‘g‘ri keladi. Qishloq joylarida esa bu ko‘rsatkich 72,0 mingni tashkil etdi. Yurtimizning ko‘pgina aholisi qishloq joylarida yashashini inobatga olsak bu ko‘rsatkich ancha past hisoblanadi.

Respublikamizda 10 000 aholiga to‘g‘ri keladigan ovqatlanish tashkilotlarining savdo obektlari soniga nazar tashlasak bu ko‘rsatkich Respublikada o‘rtacha 3 tani tashkil etadi (2-jadval).

2-jadval

Hududlar bo‘yicha 10 000 aholiga to‘g‘ri keladigan ovqatlanish tashkilotlarining savdo obektlari soni

	2013	**2014**	**2015**	**2016**
O‘zbekiston Respublikasi	3	3	3	4
shu jumladan:				
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	3	3	3	3
Andijon	2	2	2	2
Buxoro	3	3	3	4
Jizzax	3	3	3	4
Qashqadaryo	2	2	2	2
Navoiy	6	5	6	6
Namangan	2	2	2	2

Samarqand	2	2	2	2
Surxondaryo	2	2	2	3
Sirdaryo	3	3	3	3
Toshkent	4	5	4	5
Farg‘ona	2	2	2	2
Xorazm	2	2	2	2
Toshkent shahri	13	14	13	14

Manba: “O‘zbekistonda savdo” statistik to‘plami 05.10.2017 yil..

Jadvaldan ko‘rishimiz mumkinki ko‘pgina hududlar bo‘yicha 10 000 aholiga to‘g‘ri keladigan ovqatlanish tashkilotlarining savdo obektlari soni 2016 yilga kelib o‘sgan. Aholiga eng ko‘p ovqatlanish tashkilotlari soni Toshkent shahri (14) va Navoiy (4) viloyatiga to‘g‘ri kelgan.

Yana muxim ko‘rsatkichlardan biri Respublikamizga to‘g‘ri keladigan ovqatlanish tashkilotlarining chakana savdo tovar aylanmasi hisoblanadi. Respublikamizda 2013 yilda ovqatlanish tashkilotlarining chakana savdo tovar aylanmasi 1247,0 mlrd so‘mni tashkil etgan bo‘lsa, 2016 yilga kelib ikki barobar ortib 2608,0 mlrd so‘mni tashkil etdi.

3-jadval

Ovqatlanish tashkilotlarining chakana savdo tovar aylanmasi (mlrd. so‘m)

	2013	**2014**	**2015**	**2016**
O‘zbekiston Respublikasi	**1247,0**	**1586,4**	**1969,5**	**2608,0**
shu jumladan:				
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	37,4	46,2	59,7	81,6
Andijon	43,5	52,5	63,9	92,8
Buxoro	99,5	143,4	191,6	236,0
Jizzax	28,5	35,0	42,1	59,5
Qashqadaryo	70,3	98,9	115,5	146,8
Navoiy	57,5	74,4	85,5	103,7
Namangan	33,4	42,5	50,7	67,9
Samarqand	79,6	103,6	126,2	150,6
Surxondaryo	52,8	74,3	92,1	123,4
Sirdaryo	12,8	17,5	21,0	29,5
Toshkent	158,3	188,6	217,7	292,3
Farg‘ona	91,1	116,5	140,3	170,9
Xorazm	27,7	28,4	38,6	53,6
Toshkent shahri	454,6	564,6	724,6	999,4

Manba: “O‘zbekistonda savdo” statistik to‘plami 05.10.2017 yil..

Eng yuqori o‘sish suratlari Toshkent shahri (999,4), Toshkent viloyati (292,3), Buxoro (236,0) va Samarqand (150,6) viloyatlari, eng quyi ko‘rsatkichlar Sirdaryo (29,5), Xorazm (53,6), Namangan (67,9) va Jizzax (59,5) viloyatlari hissasiga to‘g‘ri keldi. Demak, quyi ko‘rsatkichli viloyatlarda bu soxaga berilayotgan e’tibor ancha past hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda qishloq joylaridagi ovqatlanish korxonalari sonini oshirish evaziga aholining hayot darajasini yaxshilash, turistlar oqimini ko‘paytirish orqali yangi ish o‘rinlarini yaratish, yangi turdagi ovqatlanish xizmatlarini (keytering xizmatlari) rivojlantirish hisobiga ovqatlanish korxonalarini rivojlantirish mumkin hisoblanadi.

М.Э.Исраилов – магистрант (ТАДИ), слушатель II курса магистратуры Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, начальник технич. отдела Управления Автотранспорта Центрального Рудоуправления ГП «НГМК»

ВНЕДРЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ИНДУСТРИАЛЬНОЙ РЕВОЛЮЦИИ 4.0 (ИНДУСТРИЯ 4.0) КАК КЛЮЧЕВОЙ ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ПРЕДПРИЯТИЯ «НАВОИЙСКИЙ ГОРНО-МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИЙ КОМБИНАТ»

В развитых странах мира происходит интенсивный переход от индустриального к постиндустриальному (информационного) обществу.

Одной из ключевых тенденций, происходящих в мировой экономике, является ее стремительная цифровизация, которая меняет облик и структуру экономики, ломая привычные бизнес-модели, приводят к расширению рынков и возможностей, становятся важнейшим двигателем мирового экономического роста

Индустриальная революция 4.0 связана, прежде всего, с внедрением в производство двух комплексов новых технологий, абсолютно меняющих его традиционную логику, — киберфизических систем (производственная часть интернета вещей) и возможности обеспечения трехмерной печатной (аддитивное производство)[1].

Киберфизические системы ведут к образованию умных производственных систем (smart production systems), где все элементы (ресурсы, станки, сборочные линии, складские, логистические, маркетинговые и иные модули) объединены в одну коммуникационную сеть —

[1] Четвертая индустриальная революция ассоциируется в Европе с немецкой национальной программой «Индустриальная революция 4.0», а в англосаксонских странах и, в частности, в США — с «интернетом вещей» (Internet of Things), «интернетом всего» (Internet of Everything) или просто «промышленным интернетом» (Industrial Internet).

так, что они могут обмениваться данными, инициировать определенные действия и самостоятельно управлять без вмешательства человека.

Умные производственные системы совмещают в себе два уровня интеграции: во-первых, вертикальную интеграцию в единую сеть всех операций внутри предприятия по стадиям производства, во-вторых, горизонтальную интеграцию предприятий и юридически независимых компаний в производственные цепочки любого географического охвата[1].

Трехмерная печать позволяет быстро запустить в производство небольшие партии продуктов со сложным дизайном и вывести их на рынок практически без затрат.

В отраслевом разрезе сегодня выделяют четыре группы новых технологических систем, способных к экспоненциальному росту, — цифровые технологии, биотехнологии, передовые материалы, а также технологии в области новой энергетики и защиты окружающей среды. По версии ОЭСР, взаимодействие этих систем между собой ведет к появлению 40 ключевых технологий будущего, принципиально меняющих производственную и социальную жизнь [2].

Однако наибольшее влияние на трансформацию традиционного промышленного производства способны оказать именно цифровые технологии.

Во-первых, с каждым годом продукция сектора ИКТ становится относительно дешевле, что способствует ее широкому распространению среди пользователей, в том числе среди малых и средних фирм. По оценке McKinsey Global Institute, в период с 1983 г. (начала волны распространения персональных компьютеров) по 2010 г. реальные цены на эту продукцию упали на 63% [3]. При этом быстрое обновление высокотехнологичных продуктов будет поддерживать тенденцию их удешевления и в будущем, смещая баланс цен от рынка продавцов в пользу рынка покупателей.

Во-вторых, цифровые технологии могут горизонтально распространяться по всем экономическим системам, охватывая функционирующие здесь компании, сектора и организации, создавая универсальные платформы для многообразных прикладных решений в самых разных областях применения [4].

В-третьих, взаимодействие нескольких цифровых технологий между собой порождает новые производственные технологии и способы их использования, а дальнейшее взаимодействие этих новых технологий генерирует аналогичные производные эффекты следующего порядка.

В частности, на рис. 1 в нижнем ряду изображены три базовых технологии (enabling technologies), комбинирование которых порождает набор технологий с более узкими, специализированными сферами применения. В верхнем ряду изображены конкретные технологические решения, которые становятся возможными при комбинированном взаимодействии технологий из среднего ряда. Подобные технологии уже напрямую применяются в промышленности и ведут к многократному

росту производительности. Как свидетельствует недавнее исследование ОЭСР [5], взаимодействие технологий из верхнего ряда может в свою очередь, привести к полной автоматизации всех производственных процессов — от разработки новой идеи до поставки готового продукта конечному потребителю [6].



Рис.1. Зарождение новых производственных технологий в ходе взаимодействия цифровых технологий

Для успешной адаптации к преобразованиям и сокращения технологического разрыва с ведущими игроками, Узбекистану необходимо выработать действенные ответы на вызовы цифровой эпохи.

В данном контексте опережающие темпы развития ни в коем случае не должны подразумевать постепенного «догоняющего» внедрения технологий предыдущего поколения, а для опережающего развития важно обозначить тенденции в сфере цифровых технологий, а также определить, какие из них позволят извлечь выгоды в последующие 5–10 лет.

Согласно Указу Президента Республики Узбекистан от 3 июля 2018 г. № ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики Республики Узбекистан», сегодня в стране созданы необходимые условия.

Также в Послании Президента Шавката Мирзиёева Олий Мажлису от 28 декабря 2018 года глава государства предложил реализовать Концепцию "Цифровой Узбекистан - 2030" – инициатива, целью которой является развитие экономики и в целом страны с учётом внедрения современных технологий, диверсификация экономики и борьба с коррупцией, увеличение доли цифровой экономики в ВВП страны до 30%.

Повышению эффективности данных мер будет способствовать разработка отраслевых программ по модернизации промышленности страны на основе принципов «Индустрии 4.0» с внедрением финансовых и нефинансовых механизмов стимулирования спроса со стороны предприятий на технологии такого рода.

Навоийский горно-металлургический комбинат — горно-металлургическое предприятие Навоийской области Узбекистана, один из крупнейших в мире производителей золота и урана (по объёму производства обоих цветных металлов входит в мировую десятку).

Приняты две программы по развитию Навоийского горно-металлургического комбината в 2017-2026 годах, а именно от 03.01.2017 года №ПП-2713 и от 01.03.2017 года №ПП-2806 [7] .

Согласно этим программам комбинату на следующие 10 лет для реализации 27 инвестиционных проектов выделено 3 миллиарда 63 миллиона долларов, в результате реализации этих проектов объем производства металлов увеличится на 30 процентов и будет создана 31 тысяча новых рабочих мест.

Основными концептуальными проблемами комбината являются:

1. Малая доля глубокой переработкой руды (вторичная, обогащение, готовая продукция и т.д.), т.е. продукции с высокой добавленной стоимостью и последующим их экспортом (в настоящее время большая доля первого передела).

2. Малая доля интегрированных комплексов с полным циклом производства – от добычи до выпуска продукции с высокой степенью товарной готовности.

3. Большая энерго-, трудо- и материалоёмкость продукции.

4. Низкий уровень внедрения инновационных разработок.

5.Недостаточное финансирования научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ (НИОКР).

6. Нехватка квалифицированных кадров.

7.Необходимость создания Стратегии индустриально-инновационного развития НГМК.

8.Нехватка финансовых потоков для расширения объёмов реализации проектов в горно-рудной отрасли.

9. Низкий темп внедрения современных технологий.

10. Отсутствие внедрения современных методов корпоративного управления.

Вывод. В рамках реализации Концепции «Цифровой Узбекистан-2030» и внедрения элементов индустриальной революции 4.0 (Индустрия 4.0) ГП «НГМК» необходимо разработать синхронизированную «Программу индустриально-инновационного развития ГП НГМК - 2030» с учётом новых требований по цифровизации промышленного сектора, а также наладить совместную кооперацию по реализации проектов цифровизации между крупными компаниями горно-металлургического комплекса Республики.

Успешная реализация данного направления к 2030 году будет означать наличие следующих достижений для ГП «НГМК»:

1. Повышение уровня производительности труда до уровня топ-30 горнодобывающих компаний стран мира в отрасли.

2. Конкурентоспособные экспортные производства в отрасли.

3. Выход капитализации комбината на принципиально новый уровень.

В рамках мероприятия «Реализация проектов цифровизации крупными компаниями горно-металлургического комплекса» будет реализована сеть связанных через интернет объектов, в том числе датчиков, способных собирать и обмениваться данными, поступающими со встроенных систем.

Специфические требования к оборудованию в рамках реализации проектов Индустрии 4.0 в Программе будут синхронизированы с требованиями в Государственной программе индустриально-инновационного развития.

Список использованной литературы:

1. Deloitte. Industry 4.0: Challenges and Solutions for the Digital Transformation and Use of Exponential Technologies. Zurich: Deloitte, 2015.
2. McKinsey Global Institute. Digital America: A Tale of the Haves and Have-Mores. New York, NY: McKinsey & Company, 2015, 35-52.
3. OECD. An OECD Horizon Scan of Megatrends and Technology Trends in the Context of Future Research Policy. Copenhagen: DASTI, 2016.
4. OECD. The Next Production Revolution: Implications for Governments and Business. Paris: OECD Publishing, 2017.
5. Top of Digital Europe. A Digital Single Market: Growing the Baltic Sea Region. Copenhagen: Top of Digital Europe, 2015, 58-89.
6. Н. В. Смородинская, Д. Д. Катуков. Ключевые черты и последствия индустриальной революции 4.0. //Инновации. 2017. №10. Стр. 81-90.
7. [Электронный ресурс]. – http://www.lex.uz: 1. №ПП-2713 от 03.01.2017 г. 2. №ПП-2806 от 01.03.2017 г.

O.Alimnazarov – Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti Termiz filiali assistenti,

B.Soqieva – Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti Termiz filiali assistenti

IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA ZAMONAVIY RAQAMLI DASTURDA BOSHQARILADIGAN DASTGOHLARINI QISHLOQ XO‘JALIGI TEXNIKALARIGA TEXNIK XIZMAT KO‘RSATISHDAGI TUTGAN O‘RNI

Ilm-fan va texnika yutuqlarini keng qo‘llagan holda iqtisodiyot tarmoqlariga, ijtimoiy va boshqa sohalarga zamonaviy innovatsion texnologiyalarni tezkor joriy etish O‘zbekiston Respublikasini jadal rivojlanishining muhim sharti hisoblanadi.

Jamiyat va davlat hayotining barcha sohalari shiddat bilan rivojlanayotgani islohotlarni mamlakatimizning jahon sivilizatsiyasi yetakchilari qatoriga kirish yo‘lida tez va sifatli ilgarilashini ta’minlaydigan zamonaviy

innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarga asoslangan holda amalga oshirishni taqozo etadi.

SHu bilan birga, ishlab chiqarishni modernizatsiya, diversifikatsiya qilish, uning hajmini oshirish hamda ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardosh mahsulotlar turlarini kengaytirish borasidagi ishlar lozim darajada olib borilmayotganini ko‘rsatdi.

Xususan, bu borada ko‘plab ko‘rsatkichlarning mavjud emasligi va ishlar samarali muvofiqlashtirilmagani sababli mamlakatimiz so‘nggi yillarda nufuzli va obro‘li xalqaro tuzilmalar tomonidan tuziladigan Global innovatsion indeks reytingida ishtirok etmay kelmoqda.

Respublikamizda qishloq xo‘jaligi tarmoqlarida innovatsion texnologiyalardan foydalanish orqali bu sohada yetakchilik qilayotgan AQSh, Germaniya kabi davlatlar tajribalarini mahalliy sharoitlarda qo‘llab, bu sohani jahon bozorida raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish mexanizmini modernizatsiya qilish talab etiladi. Qishloq xo‘jaligi texnikalari dehqonning eng muhim ko‘makchisi hisoblanadi, shu sababli mavjud qishloq xo‘jaligi texnikalariga texnik xizmat ko‘rsatish orqali uning xizmat muddatini oshirish talab etiladi, chunki qishloq xo‘jaligi texnikalarining ko‘p qismi tashqi bozordan import orqali keltiriladi.

Qishloq xo‘jaligi texnikalari og‘ir mehnatni bajarish jarayonida extiyot qismlarida charchash alomatlari sezilsa ularga texnik xizmat ko‘rsatish talab etiladi, bu jarayonda extiyot qismlarga eng sifatli ishlov berish ishlari kesib ishlov berish hisoblanadi, chunki qishloq xo‘jaligi texnikalari extiyot qismlari ishlash vaqtida samaradorligi yuqori darajada ta’minlanishi zarur hisoblanadi, bu esa ishlov berish jarayonida aniqlikni ta’lab etadi, shu sababli qishloq xo‘jaligi texnikalari extiyot qismlariga metal kesish dastgohlari orqali ishlov berilib mahalliy sharoitlarda ham texnik xizmat ko‘rsatish imkoniyatini yaratadi.

SHu sabali qishloq xo‘jaligi texnikalari extiyot qismlariga ishlov berish jarayonida zamonaviy raqamli dastur asosida boshqariladigan metal kesish dastgohlaridan foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi, chunki bu datgohlarda ishlov berish aniqligi yuqoriligi bilan boshqa dastgohlardan ajralib turadi va samaradorligi ham yuqori darajada ta’minlangan bo‘ladi.

Bu dastgohlarning tannarxi yuqori hisoblanadi, lekin korxona misolida ko‘radigan bo‘lsak paxta terish mashinalari extiyot qismlariga ishlov berishda oddiy metal kesish dastgohlari bilan bajarish qiyinchilik tug‘diradi va bu ishni bajarish uchun alohida bajaradigan vazifalariga qarab 2 tadan 10 tagacha dastgohlardan foydalaniladi, shu bilan birga bu datsgohlarni ishlatish uchun xuddi shuncha ishchi hodim ham talab etiladi, bu esa dastgohning sarflaydigan elektr energiyasi harajatlari, joriy ta’mirlash harajatlari va soliq to‘lovlari bilan birgalikda ishchi hodimlariga ham ish haqqi to‘lanadi. Bu esa ortiqcha harajatlarning oshishiga sabab bo‘ladi, biroq shu vazifalarni universal raqamli dastur asosida boshqariladigan dastgohlarida bajarilsa, bu vazifani bitta ishchi operator bajarib berishi mumkin, chunki universal raqamli dastur asosida boshqariladigan dastgohlar bajaradigan vazifalariga ko‘ra 2 tadan 10 tagacha

vazifani bajarish uchun mo‘ljallangan bo‘lib, bu vazifalarni dastur asosida bajaradi. Bu dastgohlar ishlov berish aniqligi yuqori darajada ta’minlangan, shu sababli bu dastgohlarning tannarxi ham yuqori bo‘ladi. Biroq matematik usullar bilan hisob kitob qilinganida bu dastgohning tannarxi oddiy dastgohlardan 4-5 barobar qimmat, ammo ishlov berish sifatining aniqligi, energiya tejamkorligi va vaqt unumdorligiga qarab, o‘rtacha 6-7 oy vaqt oralig‘ida o‘z harajatlarini qoplay oladi va foyda berishni boshlaydi. Paxta terish mashinasining ishchi extiyoj qismlariga ishlov berish sifatli bo‘lsa, paxta tolasini yig‘ib terib olishda ish sifatli holatda bajariladi va paxta tolasi sifatli darajada terib olinadi.

Bu sohada hozirgi vaqtda AQSH, Xitoy va Germaniya davlatlari yetakchilik qilishmoqda. Bu davlatlarda raqamli dastur asosida boshqariladigan metal kesish dastgohlarini ishlab chiqarish va uni qishloq xo‘jaligi sohasida qo‘llash orqali bu sohada yuqori unumdorlikka erishib kelmoqda.

Mamlakatimizda Navoiy viloyati “Mashinasozlik zavodida” ham raqamli dastur asosida boshqariladigan metal kesish dastgohlarini ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yilgam, biroq bu dastgohlar Germaniyaning “Knut” va Janubiy Koreaning “Doosan” firmalarida ishlab chiqariladigan dastgohlar kabi ishlov berish aniqligi va mehnat unumdorligi ta’minlab berilmagan. Shu sababli xorij tajribalarini o‘rgangan holda jahon sifatiga javob bera oluvchi dastgohlarni ishlab chiqarish orqali tayyorlanadigan mahsulot ham xalqaro bozor talablariga to‘liq javob bera oladi.

Jahon fanining zamonaviy yutuqlari, innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar asosida mamlakatni jadal rivojlantirish, shuningdek, 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining 3 bosqichida belgilangan “Qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish” vazifalarining ijrosini izchil ta’minlash maqsadida mamlakatimizni innovatsion rivojlantirish bo‘yicha joriy 2019 yilni “Faol investetsiyalar va ijtimoiy rivojlanish” yili deb nomlanishi orqali, yurtimizda investetsion muhitni rivojlantirish, bu orqali innovatsion iqtisodiyotni va faol tadbirkorlikni rivojlantirish bo‘yicha qishloq xo‘jaligida quyidagi vazifalarni bajarish mumkin:

a) mamlakatning xalqaro maydondagi raqobatbardoshliligi darajasini va innovatsion jihatdan taraqqiy etganini belgilovchi asosiy omil sifatida inson kapitalini rivojlantirish va tashqi investitsiyalarni jalb etgan holda qishloq xo‘jaligiga zamonaviy texnologiyalarni jalb etish;

b) qishloq xo‘jaligi sohasiga zamonaviy texnologiyalarni jalb etgan holda, O‘zbekiston Respublikasining innovatsion indeks reytingi bo‘yicha jahonning rivojlangan ilg‘or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish mumkin.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, mamlakatimizda qishloq xo‘jaligi sohasini rivojlantirish orqali jahon talablariga mos raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish uchun, bu sohani modernizatsiya qilish, bu sohaga zamonaviy texnologiyalarni jalb etgan holda erishishimiz mumkin. SHu sababli bu sohada foydalaniladigan qishloq xo‘jaligi texnikalariga texnik xizmat ko‘rsatish uchun raqamli dastur asosida boshqariladigan metal kesish

dastgohlaridan foydalanilgan holda qishloq xo‘jaligi texnikalarining xizmat muddatlarini uzaytirishimiz mumkin bo‘ladi, bu esa extiyot qismlari uchun ajratiladigan sarf harajatlarni kamaytirgan holda sifatli mahsulotlarni ishlab chiqarish imkoniyatini yaratadi, bu esa import o‘rnini bosuvchi raqobatbardosh mahsulotlarni mahalliy sharoitda ham ishlab chiqarishni va tadbirkorga yengillikni ta’minlaydi.

Ж.Х.Қамбаров – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2-босқич тингловчиси

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Янги рақамли инфратузилмаларнинг пайдо бўлиши шу жумладан симсиз тармоқлар, мобил қурилмалар ва технологиялар, ахборот технологиялари соҳасида кескин ўзгаришлардан дарак бермоқда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида интеграциялашуви, халқаро иқтисодиётнинг янги парадигмаси бўлмиш-рақамли иқтисодиётни шакллантирмоқда.

Рақамли иқтисодиёт-давлат бошқарувининг янги асоси сифатида, бизнес, ижтимоий соха, ва бутун бир жамиятни қамраб олади. Рақамли иқтисод истисносиз ҳаётнинг барча соҳаларини шу жумладан ҳисоб ва ҳисобот тизимини хам қамраб олади. Рақамли иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида инсонларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, юқори сифатли ва ишончли ахборот олиш имкониятини яратувчи, ахборот маконини шакиллантирувчи рақамли шаклдаги маълумотлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик жадваллар ва таҳлилий материалларни тайёрлаш учун, ҳозирги вақтда турли манбалардан олинадиган миллиондан ортиқ ҳар хил турдаги кўрсаткичлардан, шу жумладан юридик шахсларнинг ҳисоботлари, таҳлилий материаллар ва давлат органларининг маъмурий маълумотлар базалари, махсус ўқитилган интервьюерлар томонидан ўтказилувчи сўровлар ва бевосита кузатувлардан фойдаланилади. Улар асосида макроиқтисодий индикаторларни баҳолаш, республика ва ҳудудларнинг ижтимоий–иқтисодий ҳолатига таъсир кўрсатувчи сабаблар ва омилларни таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини бошқа мамлакатларнинг тегишли маълумотлари билан таққослаш имконини берувчи статистик маълумотлар тўпламлари шакллантирилади ва тарқатилади.

Давлат статистика органлари томонидан статистика ишлари дастури доирасида ҳар йили шакллантирилувчи 10 миллиондан ортиқ жамланма ёки ҳисоблаб чиқарилган кўрсаткичлардан 22,9 фоизи-макроиқтисодий

статистикага, 51,8 фоизи-реал сектор статистикасига, 25,3 фоизи-ижтимоий статистикага тўғри келади[1].

Давлат статистика қўмитасида 1997 йилда биринчи марта АКТ ҳақида сўз юритила бошлади. Айнан ўша йилдан бошлаб статистика ҳодимлари шахсий компьютерлар билан таъминлана бошланди ва ушбу жараён статистик маълумотларни электрон шаклда қайта ишлашга ўтиш учун биринчи қадам бўлди. Давлат статистика қўмитасининг барча бўлинмаларида локал ҳисоблаш тармоқлари қурила бошланди. 2003 йилга қадар статистика органларини босқичма-босқич ҳисоблаш техникаси билан таъминланди ва статистик маьлумотларни қайта ишлаш учун дастурий комплексларни яратиш, такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

2004 йилда Давлат статистика қўмитаси тизимида Марказий аппарат ва ҳудудий статистика бошқармалари ўртасида маьлумотлар узатишнинг уланиш тезлиги 128 кб/с. бўлган корпаратив тармоғи яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 ноябрдаги ПҚ-999-сонли қарори ижросини таьмилаш мақсадида, статистика органлари замонавий компьютер техникаси, телекоммуникация ва переферик ускуналар, ҳамда лицензияланган дастурий таьминотлар билан жиҳозланди. Шу билан бир қаторда Давлат статистика қўмитасида корпоратив ахборот тармоғи модернизация қилинди, унга туман ва шаҳар статистика бўлимларини қўшган ҳолда кенгайтирилди. Ҳудудий статистика бошқармаларида Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ишларни амалга оширувчи дастурий техник-таьминоти ва маълумотларни сақлаш Маркази ташкил этилди. Натижада статистика органларининг статистик маьлумотларини йиғувчи, қайта ишловчи, сақловчи ва фойдаланиш учун ахборот ресурслари тўплами, ахборот тизимлари, дастурий-воситалар таьминоти ва телекоммуникация қурилмаларини ифодаловчи Давлат статистика қўмитасининг ягона ахборот тизими шакллантирилди.

Статистик маьлумотларни йиғиш жараёнини автоматлаштиришни «eStat» электрон шаклдаги статистик ҳисоботларни йиғишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини тадбиқ этиш 2011 йилдан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилди. 2013 йилда янгиланган ва автоматлаштирилган «eStat 2.0» ахборот тизимини жорий этиш натижасида, статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширувчи субъектларнинг улуши, умумий ҳисобот топширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг 88,6% ни ташкил этди. 2015 йилдан бошлаб барча ҳисобот топширувчи тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда статистик ҳисоботларни тақдим этишига тўлиқ ўтилиши таъминланди. 2018 йилдан бошлаб «eStat 3.0» электрон шаклдаги статистик ҳисоботларни йиғишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилди.

[1] https://stat.uz/uz/press-sluzhba/tahliliy-maqolalar/2-uncategorised/3945-khal-aro-statistik-standartlar-va-tamojillarni-zhorij-etish-davlat-statistikasini-innovatsion-rivozhlantirishning-asosi

Автоматлаштирилган ахборот тизими «eStat 2.0» дан фойдаланишнинг афзалликлари сифатида, давлат статистика ҳисоботларини топширишда вақт ва молиявий харажатларни камайтириш, ҳисобот шаклларини талабларга мувофиқ тўғри тўлдирилганлигини бошланғич назорат қилиш орқали статистик маълумотларнинг сифатини ошириш, берилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш, статистик ҳисоботларнинг тезкор ва ўз вақтида янгиланиши, ахборотни киритиш ва қайта ишлаш бўйича мунтазам ишлар хажмини камайтириш каби бирнечта қулайликлар яратилди.

2014 йилда «Reg-System» “КТЯДР (корхона ташкилотларнинг ягона давлат регистри)га асосланган юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими” номли махсус дастурий махсулот жорий этилди. Ушбу тизим рўйхатига олинган давлат органлари ва бошқа давлат органларидан олинган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш жараёнларини автоматлаштиради, шунингдек, уларни ўрнатилган тартиб бўйича давлат бошқарув органларига ва фойдаланувчиларга тақдим этишни автоматлаштиради. КТЯДР ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди. КТЯДРнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни билан белгиланди ва уни юритиш йўл-йўриқлари ва тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.09.2012 йилдаги “Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 274-сон қарорига мувофиқ белгиланди.

Давлат статистика қўмитасининг биринчи расмий веб сайти 2007 йилда интернет тармоғига жойлаштирилди. Веб-технологияларни ишлаб чиқишда, эълон қилинган статистик маьлумотларнинг кўпайиши, электрон давлат хизматларининг кенгайиши билан Давлат статистика қўмитаси сайтида ўзгаришлар юз берди. Давлат статистика қўмитасининг хозирги расмий веб-сайти www.stat.uz , тўртинчи янги версияси 2017 йил 31 октябрда ишга тушурилди. Сайтнинг янги кўринишида нафақат унинг дизайни ўзгарди, балки сайтнинг тузулиши ва таркибига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энди барча статистик маьлумотлар «Расмий статистика» менюсида нашр этила бошланди. Шу билан бирга алоҳида бўлимда пресс-релизлар, чорак натижалари, таҳлилий мақолалар ҳамда республика ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий якунлари бўйича маьлумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида саноат тармоқларини, миллий иқтисодиёт ва ҳудудий соҳаларини ривожлантириш, ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, ишлаб чиқариш технологияларини қайта жиҳозлаш ва

модернизация қилиш, ҳом-ашёни чуқур қайта ишлаш, республика ҳудудларини умумий ривожланиши, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш жараёнини янада тўлиқроқ тавсифлайдиган, тезкор ва аниқ статистик маълумотлар эълон қилинмоқда. Натижада маҳаллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун статистик маьлумотларнинг максимал ошкоралиги ва очиқлиги таьминланди.

Статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, статистика маълумотларини ягона тизимда шакллантириш мақсадида маълумотлар базаси ва тизимлар орасидаги ахборотлар алмашинуви жараёнида инсон аралашувини максимум камайтириш, дастурий таъминот ва ахборот тизимларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган платформа ва технологиялар хилма-хиллигини бирлаштириш зарур.

Бундан ташқари Давлат статистика қўмитаси ва бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш бўйича ишларни жадаллаштириш керак, бу қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни талаб этади: турли идора ва ташкилотларнинг ишларини ягона ахборот маконига синхронлаштириш, идоралараро маьлумот алмашинуви тезлигини ошириш, бошқарув жараёнларини оптималлаштириш, маьлумотларни бир марта киритиш ва хужжат алмашинувини интеграция қилиш орқали меҳнат харажатларини камайтириш, фойдаланувчилар учун ягона ахборот базаси яратилади.

Давлат бошқаруви органлари ва саноат корхоналари томонидан ишончли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун статистика маълумотларига бўлган талабни максимал даражада қондириш, тадбиркорлар, жамоатчилик, очиқ статистик маълумотлардан бошқа фойдаланувчилар томонидан объектив ва тегишли ахборотларга бўлган талабларни фаоллаштириш ва кенгайтириш мақсадида мобил илова яратиш таклиф этилади.

Мобил илова нима? мобил илова бу-персонал компютер планшетлари ва смартфонларда ишловчи дастурий таъминот, ушбу дастурий таъминот ёрдамида фойдаланувчи интернетга онлайн уланган ҳолда маълум бир эхтиёжини қондиради маълумот олади, харид қилади, бирор бир хизматга буюртма беради ва ҳоказо. Бугунги кунда мобил иловаларнинг аҳамияти хар бир инсоннинг кундалик эҳтиёжининг ажралмас бир қисмига айланиб бормоқда.

Мобил иловалар тизимини таҳлилини юритувчи Flurry Analitics ва comScore маълумотларига кўра планшет ва смартфон фойдаланувчиларининг девайслардан фойдаланиш вақтининг атиги 14 % браузерлардан фойдаланади қолган 86 % турли хил мобил иловалардан фойдаланишга сарфлар экан. Фойдаланишда стационар ишчи компютерларга нисбатан мобил қурилмаларнинг устунлиги ортиб бормоқда, айниқса бизнес ва технологиялар соҳасида. Натижада мобил интернет жуда тез ривожланмоқда, ҳозирда дунё бўйлаб 2,5 миллиарддан

ортиқ мобил телефонлар интернетга уланган, уларнинг сони тобора отиб бормоқда. Шунинг учун бирор-бир хизмат турининг мобил қурилмаларда мавжудлиги ўша соҳанинг ривожланишида асосий фактор бўлиши мумкин. 2021 йилга бориб жаҳон миқиёсида мобил иловалардан олинадиган даромад 200 миллиард USD ортиб, юклаб олишлар сони 350 миллиарддан ортиши кутилмоқда. Ҳозирги кунда (Google) Play Store да 2,8 миллион илова хамда (Apple) App Store да яна 2,2 миллионта илова мавжуд ва бу рақам йил сайин ортиб бормоқда.[1]

Мобил қурилмага ўрнатилган илова, сиз ва истеъмолчи ўртасидаги тўғридан тўғри алоқа канали ҳисобланади. Бизнинг ҳолатимизда статистика маълумотидан фойдаланувчи ва давлат статистика тизими ўртасидаги муносабат назарда тутилмоқда.Замонавий мобил иловалар кўплаб вазифаларни ҳал қилишга имкон берувчи кучли маркетинг воситасига айланмоқда хусусан: имиджни яратиш, брендни қўллаб қувватлаш, мижознинг содиқлигини ошириш, алоқа жараёнларини оптималлаштириш, маълум бир ахборот маконини яратиш каби вазифаларни бажармоқда.

Хулоса ўрнида давлат статистика тизимига жорий этиш таклиф этилаётган мобил илова ёрдамида, асосий статистик кўрсаткичлар тўғрисида мунтазам маълумот олиш истагидаги давлат хизматчилари, бизнес вакиллари ва умуман ижтимоий иқтисодий жараёнларга бефарқ бўлмаган барча учун бошқарув қарорларини қабул қилишда замон талабига жавоб бера олувчи фойдали инновацион хизмат ва маҳсулот яратилиб, давлат статистикасининг имиджини тарғиб қилиш имконияти яратилади.

Р.Т.Порманова – ассистент Самаркандского государственного архитектурно-строительного института
М.Т.Порманова, Ж.Т.Порманова – ассистенты СамДУ

СООТНОШЕНИЕ НЕОПРЕДЕЛЕННОСТЕЙ И ДОПОЛНИТЕЛЬНОСТЬ

В начале 1927 года практически одновременно произошли два события. Бор и Гейзенберг после ожесточенных споров на время расстались, а когда встретились, у Гейзенберга был вывод соотношения неопределенностей, а у Бора — продуманный принцип дополнительности. Соотношение неопределенностей было количественным воплощением общей идеи дополнительности. Бору до получения этого соотношения оставался один шаг. Из его виртуозного обращения с мысленными экспериментами, которое позже проявится в спорах с Эйнштейном, видно, как легко ему было сделать этот шаг. Но по характеру своего мышления Бор мог прийти к конкретным результатам только после философского

[1] https://texterra.ru/blog/kak-sdelat-mobilnoe-prilozhenie-samomu.html

осмысления. Гейзенберг, анализируя возможности измерения координаты и импульса электрона, пришел к заключению, что условия, благоприятные для измерения положения, затрудняют нахождение импульса, и наоборот,— в этом смысле понятия координаты и импульса дополнительны друг другу. Для доказательства он пользовался мысленными экспериментами. Вот краткая схема одного из них.

Для того чтобы определить положение электрона, нужно осветить его и посмотреть в «микроскоп». Такой способ определения координаты дает неопределенность Δq порядка длины волны λ использованного света:

$\Delta q \sim \lambda$. Для уточнения положения электрона надо брать возможно меньшую длину волны света. Но это палка о двух концах. При взаимодействии с электроном свет передает ему импульс. Чтобы уменьшить передаваемый импульс, можно ослабить интенсивность света так, чтобы с электроном взаимодействовал один фотон. Минимальный передаваемый электрону импульс будет порядка импульса одного кванта. Этот импульс связан с длиной волны соотношением $p_y = h/\lambda$, поэтому неопределенность импульса электрона $\Delta p > h/\lambda$. Умножая на λ и подставляя Δq вместо λ, получаем $\Delta q \Delta p > h$. Это и есть соотношение невпределенностей Гейзенберга. Проделав множество подобных мысленных экспериментов, нельзя не прийти к заключению, что здесь речь идет о принципиальном ограничении, которое природа накладывает на понятия координаты и импульса частицы.

Этого ограничения не знала классическая физика, оно не вносит изменения в описания макрообъектов из-за очень малой величины постоянной Планка. Соотношение, аналогичное соотношению неопределенностей Гейзенберга, существует, как показал Бор, и для произведения неопределенности энергии ΔE и неопределенности времени взаимодействия Δt объекта с измерительным прибором: $\Delta E \Delta t > h$. Для пояснения этого соотношения сделаем еще один мысленный эксперимент.

Допустим, в экране, на который падает частица, имеется отверстие достаточно широкое, чтобы пренебречь неопределенностью поперечного импульса, возникающего при прохождении частицы через экран. Пусть отверстие закрывается заслонкой на определенное время Δt. Посскольку момент взаимодействия частицы с краями отверстия имеет иеопределенность Δt, то неопределенность координаты частицы в продольном направлении есть

$\Delta q = v\Delta t$, где v — скорость частицы. Предполагается, что при прохождении отверстия скорость мало изменилась. Согласно соотношению неопределенностей Гейзенберга неопределенность импульса частицы $\Delta p > h/\Delta q = h/v\Delta t$. Но неопределенность импульса создает неопределенность энергии $\Delta E = v\Delta p = h/\Delta t$, а это и есть соотношение неопределенностей Бора.

До сих пор говорилось о неопределенностях, которые возникают в акте измерения. В этих случаях уравнение Шредингера неприменимо для

описания частицы хотя бы потому, что она не изолирована, а взаимодействует с другой системой, играющей роль измерительного прибора. Есть соотношение неопределенностей, имеющее другой физический смысл. Пусть частица находится в определенном состоянии, описываемом волновой функцией,, которая удовлетворяет уравнению Шредингера. В этом состоянии интервалы возможных значений дополнительных величин (например, средние квадратические отклонения импульса и координаты частицы от их средних значений) будут удовлетворять соотношению неопределенностей. Так, в основном состоянии атома водорода волновая функция дает интервал возможных значений координаты электрона, который связан с интервалом возможных значений импульса соотношением $\Delta p \Delta q > h$. Отсюда можно оценить радиус атома a, характеризующий интервал возможных значений координаты $\Delta q \sim 2\pi a$. В основном состоянии потенциальная энергия электрона e^2/a должна быть примерно равна кинетической энергии $p^2/2m$, где p по порядку величины равно возможному значению импульса $p \sim h/2\pi a = \hbar/a$. Приравнивая эти две энергии, получаем оценку для радиуса атома $a \sim \hbar^2/me^2$ и для энергии ионизации $I \sim me^4/\hbar^2$. Атом в возбужденном состоянии имеет неопределенную энергию. Эта неопределенность объясняется возможностью перехода на нижние уровни, сопровождающегося испусканием кванта. Неопределенность энергии связана со временем жизни атома т соотношением Бора: $\Delta E \tau > h$.

Соотношения неопределенностей — частный случай и конкретное выражение общего принципа дополнительности, сформулированного Бором в 1927 году. Именно этот принцип позволяет примирить, казалось бы, непримиримое: ведь электрон проявляет себя в разных экспериментах то как частица, то как волна. Квантовая механика осуществляет синтез этих понятий и дает возможность предсказывать исход любого опыта, в котором проявляются как корпускулярные, так и волновые свойства частиц. По словам Розенфельда, «Бор вел огромную и напряженную работу по исследованию применения понятия дополнительности в других областях знаний. Эту задачу он считал не менее существенной, чем чисто физические исследования».

Правильное понимание биологии возможно только на основе дополнительности физико-химической причинности и биологической целенаправленности. Понятие дополнительности позволяет строить описание живых процессов на основе взаимодополняющих подходов.

В статье «Свет и жизнь» Бор замечает, «что непрерывный обмен веществ между организмом и окружающей средой необходим для поддержания жизни, вследствие чего четкое выделение организма как физико-химической системы не представляется возможным. Поэтому можно считать, что любая попытка провести резкую грань, позволяющую осуществить исчерпывающий физико-химический анализ, вызовет изменение обмена веществ в несовместимой для жизни организма

степени...». Бор много размышлял над применением понятия дополнительности в психологии. Он говорил: «Мы все знаем старое высказывание, гласящее, что, пытаясь анализировать наши переживания, мы перестаем их испытывать. В этом смысле мы обнаруживаем, что между психологическими опытами, для описания которых адекватно употреблять такие слова, как «мысли» и «чувства»,, существует соотношение дополнительности, подобное тому$_t$ какое существует между данными о поведении атомов».

Физическая картина явления и его математическое описание дополнительны. Создание физической картины требует пренебрежения деталями и уводит от математической точности. И наоборот, попытка точного математического описания явления затрудняет ясное понимание.

На вопрос «Что дополнительно понятию истины?» Бор ответил: «Ясность».

Список использованных литератур:

1. Александр Соломонович Компанеец М, 1977 г. «Что такое квантовая механика?»
2. В. Я. Валах «Что такое ОГАС ?» М.1989 г.

T.Ortiqova – SamISI, MR-116 guruh talabasi,
D.H.Xolmamatov – SamISI katta o‘qituvchisi, ilmiy rahbar

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA RAQAMLI MARKETINGNING O‘RNI

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning bugungi holatining tahlili, iqtisodiyotda tub tarkibiy o‘zgarishlar, modernizatsiya va diversifikatsiya ishlari davom ettirilayotganligini tasdiqlaydi. Mamlakatda iste’mol tovarlari, ishlab chiqarish vositalari va xizmatlar ishlab chiqarish hajmi mutassil o‘smoqda. Xususan, oxirgi 10 yilda (2008-2017 yillar) YAIM 2,1 barobarga o‘sdi. Iqtisodiyotning yuqori o‘sish sur’atlari qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishning 1,8 marta (2008-2017 yillar uchun o‘rtacha yillik o‘sish 6,1 %), sanoatda 1,7 marta (5,4 %), qurilishda – 3,4 marta (13,4 %), xizmatlar sohasida – 2,3 marta (8,8 %) o‘sganligi hisobiga ta’minlanmoqda[1].

Harakatlar strategiyasini iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalishlarida belgilangan iqtisodiyotdagi tarkibiy o‘zgarishlar, diversifikatsiya va sanoatni modernizatsiyalash jarayonlarini yanada kengaytirish va chuqurlashtirishning istiqbolli reja va dasturlarni amalga oshirish uchun amaldagi xo‘jalik yuritish mexanizmining mazmuni va tarkibini takomillashtirish talab qilinadi. Jumladan, mamlakatimiz YAIMning asosiy tarkibiy qismini tashkil etayotgan xizmat ko‘rsatish sohalari samaradorligini

[1] O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistikaqo‘mitasi ma’lumotlari. Elektiron manba. www.stat.uz

oshirishda zamonaviy biznes yuritish texnologiyalaridan foydalanish, iste’molchilarga zamonaviy xizmatlarni taqdim etishga ham alohida e’tibor qaratilmoqda. Ayniqsa, xizmatlarni taqdim etishda iste’molchilar uchun qulay va zamonaviy usullardan foydalanish muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi kunda iste’molchiga qaratilgan yuqori e’tibor, narx samaradorligi va haridor hamda sotuvchi orasidagi yuqori interaktiv tezlik kabi sabablarga binoan raqamli marketing an’anaviy marketingdan ustunlik qilmoqda. Iste’molchi va biznes sektorlarining e’tibori an’anaviy marketing media vositalari bo‘lmish televizor, radio, bosma nashriyotlarga qaraganda raqamli marketing media vositalari internet, smartfonlar, simsiz aloqa vositalari va tezkor qidiruv qurilmalariga ko‘proq qaratilmoqda.

Raqamli marketing (ing. digital marketing) umumiy tushuncha bo‘lib, potentsial mijozlarni jalb qilish va ularni doimiy iste'molchi sifatida saqlab qolish uchun raqamli texnologiyalardan foydalangan holda mahsulot va xizmatlarni maqsadli va interaktiv marketing yordamida siljitish jarayonidir. Raqamli marketingning asosiy vazifasi - brendni siljitish va sotishni turli usullar orqali rivojlantirish. Raqamli marketing tovar va xizmatlar hamda brendlarni siljitish bo‘yicha ko‘plab marketing taktikalarini tanlashni o‘z ichiga oladi. Mobil texnologiyalardan tashqari, an'anaviy televidenie va radio, raqamli marketing asosiy kommunikatsiya vositasi sifatida Internetdan foydalanadi.

AQShda "onlayn marketing" atamasi ishlatiladi, Italiyada "veb-marketing", Buyuk Britaniyada, Rossiyada va boshqa ko‘plab mamlakatlarda "raqamli marketing" atamasi keng qo‘llaniladi.

Samarali veb-tarmoqlarni yaratishdan foydalangan holda iste’molchilarni o‘ziga jalb qilish va ularning muayyan brendga sodiqligini oshirish bugungi kunning dolzarb masalalari bo‘lib qolmoqda. Biz bugun raqamli media dunyosi fenominal maromda o‘zgarib borayotganini ko‘rishimiz mumkin. Raqamli marketing bu raqamli resurslar bo‘lmish internet, radio, televizor, mobil telefonlari, iste’molchilar uchun mahsulotlarning reklama qilish yoki ularga bo‘lgan motivni shakllantirish maqsadida raqamli reklama displeylaridan oqilona foydalanishdir. Boshqacha qilib aytganda, raqamli marketing elektronik mediya vositalari orqali mahsulot va brendlarni targ‘ib qilishdir. U an’anaviy marketingdan farq qilib, o‘z ichiga raqamli marketing kanallari va metodlarini qamrab oladi. Bular orqali korxona va tashkilotlarga marketing tashviqotlarini tahlil qilishga va iste’molchilarning ayni vaqtdagi xohish-istaklarini aniqlashda yordam beradi.

Raqamli marketing dizayn, reklama va sotuvni o‘z ichiga olgan internetning kreativ va texnik aspektlarini bog‘laydi. U yangi iste’molchilarni jalb etish uchun elektron pochta orqali ma’lumotlar almashinuviga ruxsat etibgina qolmasdan iste’molchilarni mahsulotlarni tez sotib olishga ham undaydi. Qolaversa, haridor va sotuvchi orasidagi munosabatlarni mustahkamlaydi va iste’molchilarni o‘z mahsulotlariga sodiqligini oshirishga chorlaydi.

Hozirgi kunda kompaniyalar samarali va hayratomuz elektron reklamalar

orqali ommaviy auditoriya bilan osongina bog‘lanib, ularning maxsus mahsulot va xizmatlarga bo‘lgan xohish-istaklarini, xulq-atvorlarini va his-tuyg‘ularini bilib olish imkoniyatiga ega.

Shuni aytib o‘tish joizki, an’anaviy kommunikatsiya medialari hisoblangan sotuv kuchlari, televizor va elektron medialari bo‘lmish veb-tarmoqlari hamda elektron pochta orasida narx bo‘yicha sezilarli darajada farq bor. Raqamli kanallarning narx samaradorligi va interaktivligi iste’molchi hamda korxonalar orasida to‘g‘ridan-to‘g‘ri dialogni amalga oshirib, marketologlarni o‘zlarining iste’molchilari bilan tez-tez aloqada bo‘lib turishni ta’minlash bilan birga, kam sarf-harajat orqali interaktivlik va personallikni oshiradi.

An’anaviy marketing iste’molchilar e’tiborini jalb qilgan holda mahsulot va xizmatlarni sotish uchun amalga oshiriladigan marketing tadqiqotlari va reklama jarayonidir. Raqamli marketing iste’molchilar bilan mustahkam aloqa o‘rnatish bilan bir qatorda iste’molchilarni safini kengaytirish maqsadida integratsion, maqsadli va samarador aloqani yaratish uchun raqamli vositalardan foydalanadi. U raqamli mediada mavjud bo‘lgan barcha media vositalaridan printer, televizor, mobil va radiolardan foydalanib iste’molchilarga ma’lumot yetkazib beradi. An’anaviy marketing radio, televizor, gazeta va afishalardan foydalansa, raqamli marketing mobil marketing, ye-mail marketing, SMS, tezkor qidiruv qurilmasi va displey reklama texnologiyalaridan foydalanadi.

Raqamli marketingdan keng miqyosda transport-logistika xizmatlari ko‘rsatuvchi korxonalar, tovar va yuklarni yetkazib berish, saqlash, buyurtmalarni shakllantirish, tovar zahiralari haqidagi tezkor axborotlarni yig‘ish va qayta ishlashda, savdo korxonalari esa tovarlarni onlayn tarzda haridorlarga sotishda, turizm biznesida esa turoperatorlar, turagentlar turpaketlarni onlayn sotish, mehmonxona nomerlarini bronlashda, banklar esa mijozlari bilan pul o‘tkazmalari, turli xil ko‘rinishdagi tijorat xizmatlarini ko‘rsatishda foydalanmoqda.

Raqamli marketingdan foydalangan holda kompaniyalar har bir individual buyurtmachining so‘rovlari haqida batafsil axborot olishi, individual talablarga mos keluvchi mahsulot va xizmatlarni avtomatik ravishda taqdim etishga imkon topadilar. Bunga eng oddiy misol qilib kompaniyaning har bir mijozi yoki hamkori uchun shaxsiy web-sayt taqdim etishni ko‘rsatish mumkin.

Natijada raqamli marketing ommaviy marketingdan «birga-bir» marketingiga o‘tish imkonini berdi. 1-jadvalda ommaviy marketing tavsifnomalarini «birga-bir» marketingi tavsifnomalari bilan taqqoslash ma’lumotlari keltirilgan (-jadval).

Raqamli marketingdan foydalangan holda xizmat ko‘rsatish sohalari samaradorligiga xizmatlar turlari va assortimenti tarkibini optimal tanlash, yangi xizmatlarni joriy qilish vaqtini qisqartirish, asoslangan narx shakllanishi siyosatini ishlab chiqish, vositachilar sonini qisqartirish, sotuv harajatlarini kamaytirish va hokazolar hisobiga erishish mumkin.

1-jadval

Ommaviy marketingni
«birga-bir» marketingi bilan taqqoslash[1]

Ommaviy marketing	“Birga-bir” marketingi (one-to-one)
O‘rtacha haridor	Alohida haridor
Haridorning yashirinligi	Haridor tavsifnomalari
Standart mahsulot	Maxsus marketing taklifi
Ommaviy ishlab chiqarish	Maxsus ishlab chiqarish
Ommaviy taqsimot	Individual taqsimot
Ommaviy reklama	Individual murojaat
Ommaviy harakatlantirish	Individual stimullar
Bir tomonlama muloqot	Ikki tomonlama muloqot
Mashtabli iqtisodiyot	Maqsadli iqtisodiyot
Bozor ulushi	Haridrlar ulushi
Barcha haridorlar	Potensial foydali haridorlar
Haridorlarni jalb qilish	Haridorlarni ushlab qolish

Mamlakatimizda raqamli marketingdan foydalanishda bir qator muammolar ham mavjuddir. Eng asosiy muammolardan biri sotuvchilarda ham haridorlarda ham tijorat tajribalarining kamligidir. Buni esa faoliyat boshlagan ayrim sub’ektlar faoliyatida ham ko‘rish mumkin (torg.uz). Iste’molchilar haridlarni amalga oshirishda juda ko‘p maslahatlar olishga to‘g‘ri kelmoqda. Shunday muammolarda biri ijtimoiy marketing bilan bog‘liq.

Xulosa o‘rnida aytish joizki, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohalari samaradorligini oshirishda raqamli marketingdan quyidagi yo‘nalishlarda foydalanish mumkin:

- haridor sotuvchi orasidagi aloqani raqamli marketing kanallari bo‘lmish korporatsion veb-sahifalar yoki ijtimoiy marketingni qo‘llagan holda amalga oshirish;
- haridor so‘rovlariga mobil, elektron pochta va internet marketingdan foydalangan holda tez va aniq javob qaytarish;
- CRM texnologiyasidan foydalangan holda potensial haridorlarni o‘rganish. Customer Relationship Management (yoki «mijoz bilan o‘zaro munosabatlarni boshqarish») tushunchasi ifodalaydi. CRM – axborot texnologiyalaridan faol foydalaniladigan marketing strategiyasi bo‘lib, keng ma’lumotlar to‘plami yaratish va qo‘llashni o‘z ichiga oladi hamda kompaniyalarga shaxsiy yondashuvga asoslangan o‘zaro manfaatli munosabatlar yaratish maqsadida mijozlar haqida axborot to‘plash va qayta ishlashga imkon beradi;
- xizmatlar to‘g‘risida iste’molchilarni batafsil ma’lumot bilan ta’minlash orqali iste’molchilarni o‘z xizmatlarini sotib olishga undash;
- iste’molchilarga xizmatlarni hududiy tashkil etish orqali rivojlantirishlari mumkin.

[1] Abduxalilova L.T. Internet marketing. – T.: TDIU, 2011.-265 b.

М У Н Д А Р И Ж А :

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ МАКТАБИНИНГ АСОСЧИСИ И.Ф.Д., ПРОФЕССОР ИСМАТ ТЎХТАЕВИЧ АБДУКАРИМОВНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР		
Пўлатов М.Э., Пардаев М.Қ.	ОЛИМЛАРГА ИБРАТ (Самарқанд иқтисодиёт мактабининг асосчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Абдукаримов Исмат Тухтаевич ҳаётига бир назар)	3
Пардаев М.Қ., Пўлатов М.Э.	Самарқанд Иқтисодиёт мактаби: асосчиси ва ривожланиш йўналишлари	6
Ибрагимов Н.А.	Абдукаримов Исмат Тухтаевич – руководитель профессионального сообщества бухгалтеров и аудиторов	12
I ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ”		
Гулямов С.С.	Капитал мозга в создании инновационных идей	15
Тўраев А.Н., Ўралов Н.Р.	Бюджет ташкилотларини молиялаштиришда ички аудитнинг ролини ошириш масалалари	21
Тошматов Ш.А., Ахроров Ў.Р.	Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналардаги тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш	25
Каримов М., Каримова Ш.М., Истамова М.И.	“Зилол Бахт” меҳмонхонаси ресторанида туристларга овқатланиш хизматлари сервисини такомиллаштириш йўллари	28
Сафаров Б.	Хизматлар соҳасига инвестициялар жалб қилишда давлатнинг ўрни	31
Shukurov I.X., Bazarov Z.M., Maksumov Sh.T., Mirzaaxmadov D.	Xalqaro standartlarni joriy etish orqali ovqatlanish xizmatlari sifatini oshirish	35
Улашев Х.А.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни такомиллаштиришнинг асосий йўллари	39
Жабборов И.И.	Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришнинг устувор вазифалари	42
Abdurasulova D., Sangirov J.	Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishdagi roli	45
Асадов О.Н., Абдуллаева Н.А.	Самарали корпоратив бошқарув тизимларини жорий этишнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлатиришдаги ўрни	47

Олтаев Ш.С.	Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш-да хизмат кўрсатиш фаолиятининг аҳамияти	50
Парпиева Н.Т., Шеркузиева Д.Б.	Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси асосий тармоқлари ривожланишининг асосий тенденциялари	53
Bazarov Z.M., Maksumov Sh.T., Shukurov T.I.	Keytering xizmatini tashkil etish xususiyatlari	55
Пардаева О.М.	Ўзини ўзи иш билан таъминлаб бандлик муаммосини ҳал қилиш йўллари	58
Рашидов М.К., Шарипов А.А.	Навоий эркин иқтисодий зонасини ривожлантириш истиқболлари	62
Саидов М.А.	Рекрутинг тизими ва уни Ўзбекистонда жорий этилишининг иқтисодиётга таъсири	66
Маликова Д.М., Тоғаев С.С., Сандибоев Х.М.	Иқтисодиёт таркибида инновацион хизматлар кўламини кенгайтириш йўллари	70
Абдукаримов С.	Хизмат кўрсатиш корхоналарининг самарадорлигини ошириш йўллари	72
II ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Мухаммедов М.М.	Туризмни ривожлантириш – аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим омили	75
Тухлиев И.С.	Ўзбекистонда инновацион-инвестиция тизимини ривожлантириш хусусиятлари	78
Ибрагимов Н.С.	Туристик ҳудуд бренди формуласи ва уларни тоифалаш методологияси	82
Холиқулов О.Х., Камолова С., Иноятов О.	Туристик хизмат кўрсатиш корхоналар фаолиятида корпоратив карточка орқали амалга ошириладиган тўловларнинг хусусиятлари	85
Усмонов П.Ш., Маматалиев А.Н., Аннаев А.А.	Экотуризмнинг иқтисодий моҳияти ва уни такомиллаштириш масалалари	88
Жумақулов О.	Самарқандда инновациялар асосида туризмни ривожлантириш йўллари	91
Рахмонов Ш., Рахматова М.	Туризмнинг салоҳиятли турларини ривожлантириш истиқболлари	94
III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Пардаев М.Қ., Пардаева И.М.	Маъмурий ислоҳотлар негизида бошқарув тизимини такомиллаштириш	98

Холиқулов А.Н.	Хизмат кўрсатиш корхоналарида умумий бошқарув асослари	104
Маматкулова Ш.Ж. Халиков О.	Меҳмонхона хизматларида талаб ва таклифни тартибга солиш	108
Комилов И.К.	Пути совершенствования управления инновационными развитием сельских регионов Узбекистана	111
Анваров С.Э.	Пути эффективного использования мотивационных методов в организации труда работников	114
Холмаматов Д.Ҳ.	Улгуржи савдо маркетинг фаолиятида харидорларга сотувдан кейинги сервис хизмат кўрсатишни ривожлантириш	118
Бабаджанов Ф.А.	Ташкилот ходимларини баҳолаш мезонлари	121
Тошпулатов И.	Енгил саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашда маркетинг хизматини роли	124
Усманова Н.А., Алламуродов О.Х.	Инновационные методы управления персоналом в организации	127
IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Зайналов Ж.Р.	Влияние иностранных инвестиций на обеспечение роста налоговых поступлений в доходы бюджетов	130
Исканов Х.	Бюджет ташкилотларида сметалар ижроси ҳисоби	133
Кулибоев А.Ш.	Тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда валюта ҳисобини юритиш хусусиятлари	136
Ахроров З.О., Ходжимамедов А.А. Усмонов Ш.	Ҳозирги даврда солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда давлатнинг роли	139
Хамроев М.С., Усмонов П.Ш., Омонов О.	Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда суғурта фаолиятининг тутган ўрни	142
Ochilov O.I.	Investment attractiveness of the enterprise and its evaluation	145
Латипова Ш.М., Ахроров З.О., Ганиева П.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларнинг аҳамияти	149
Каримова А.М., Маликова Д.М., Алламуродов О.Х.	Совершенствование системы корпоративного управления коммерческих банков – залог защиты прав акционеров и вкладчиков банка	152
Хамроев М.С., Очилова Д., Ғаппоров С.	Суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш йўллари	155

Ахроров З.О., Тураев А.А., Носирова З.	Кичик бизнес субъектларининг солиқ юкини камайтириш йўллари	159
V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Уразов К.Б., Пўлатов Х.Ў.	Улгуржи савдо корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари	162
Абдуллаев Р.А., Холиқулов О.Х., Худойбердиев С.	Ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар аудитини методологик асослари	166
Жомонқулова Ф.Э. Низомов М.Қ.	Иқтисодиётни шакллантириш ва бухгалтерия ҳисобида ахборот тизимларидан фойдаланиш масалалари	171
Пошоходжаева Д.Ж. Абдурайимов У., Омонов О.	Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида аудиторлик касбини такомиллаштириш масалалари	174
Холиқулов О.Х., Абдуқодиров Х.Ю. Усмонов Ш.Ў.	Товар-моддий заҳиралар қарзга олинганлиги ҳисоби ва аудитининг методологик асослари	179
Артиков З.С.	Савдо корхоналари меҳнат самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили	183
Xaydarova S., Igamberdiyeva Q.	The ways of improving innovation and economic growth, efficiency of the services sector in accounting, auditing, economic analysis and statistics	185
Бойжигитов С.К.	Товар рақобатбардошлигини оширишда ABC таҳлили усулидан фойдаланиш	188
VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Хамракулова О.Д.	Проблемы совершенствования подготовки кадров в условиях формирования инновационной экономики в Узбекистане	193
Islomov Sh.M., Babanazarova S.A.	Ta’limni rivojlantirishda malakali kadrlarning roli va ahamiyati	196
Юлдашева Н.А.	Корхоналарда инқирозга қарши бошқарувда кадрлар сиёсатини самарали ташкил этишнинг аҳамияти	198

Хусанова З ., Абдулахатова А.	Экономическое воспитание и формирование экономического мышления у детей старшего дошкольного возраста в Узбекистане	201
Атоев Н.М., Файзуллаев Ф.	Таълимни ташкил этиш шакллари билан боғлиқ инновациялар	207
Норбоева Д.Ж, Камилова Н.А.	Таълим жараёнида рақобатбардош кадрларни тайёрлашда ақлий меҳнат ва уни ташкил этиш омиллари	210
Раҳматова Ф.Ғ.	Иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал сифат-лари ва иқтидорлиликнинг моделлари тавсифи	213
VII ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗДА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ”		
Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т.	Развития туристского рынка Узбекистана в условиях цифровой экономики	218
Пардаев М.Қ.	Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг зарурлиги ва аҳамияти	222
Islomov Sh.M., Rashidova S.R.	Samarqand viloyatidagi umumiy ovqatlanish korxonalarining rivojlanish holati	225
Исраилов М.Э.	Внедрение технологических возможностей индустриальной революции 4.0 (Индустрия 4.0) как ключевой фактор экономического роста для Государственного Предприятия «Навоийский Горно-Металлургический Комбинат»	228
Alimnazarov O., Soqieva B.	Iqtisodiyotni rivojlantirishda zamonaviy raqamli dasturda boshqariladigan dastgohlarini qishloq xo‘jaligi texnikalariga texnik xizmat ko‘rsatishdagi tutgan o‘rni	232
Қамбаров Ж.Х.	Давлат статистика соҳасини рақамлаштиришнинг истиқболлари	235
Порманова Р.Т., Порманова М.Т., Порманова Ж.Т.	Соотношение неопределенностей и дополнительность	239
Ortiqova T., Xolmamatov D.H.	Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini oshirishda raqamli marketingning o‘rni	242

ҚАЙДЛАР УЧУН

2019 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman” гарнитураси
Босма табоғи 15,75
Буюртма № 2, Адади 80 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй